



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ҲАМИД ОЛИМЖОН

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ
ЎН ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати

Сарвар Азимов, Ҳомил Ёқубов, Зулфия, Комил Яшин,
Марат Нурмухамедов, Иззат Султонов, Юсуф Султонов,
Матёқуб Қўшжонов, Содир Эркинов

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

ҲАМИД ОЛИМЖОН

МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ


БИРИНЧИ ТОМ

ШЕЪРЛАР

1925—1944

ТОШКЕНТ — 1979

ББК 84Уз
0—49



Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:

НАЗИРА ҒАНИХУЖАЕВА
ДИЛБАР РАҲМАТОВА

Масъул муҳаррир
СОДИР ЭРКИНОВ

НО 10987
3Г

О $\frac{70403-1010}{М 355(06)-79}$ 212-79

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1979 й.



ИНСТИТУТДАН

Кўп миллатли совет адабиётининг улкан вакили, атоқли ўзбек совет шоири, адабиётшуноси ва йирик жамоат арбоби Ҳамид Олимжон кенг кўламли адабий мерос соҳибидир.

Ҳамид Олимжон (1909—1944) ўзбек совет адабиётига йигирманчи йилларнинг ўрталарида кириб келди ва йигирма йиллик жўшқин фаолияти давомида яратган поэтик, прозаик ва драматик асарлари, публицистикаси ва таржималари, адабиётшунослик ва адабий танқидчилик соҳасидаги фаолияти билан социалистик маданиятимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшди. Бинобарин, ўз ижодини комсомол шоир сифатида бошлаб кейинчалик Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлган, айти пайтда адабиётшунослик ва адабий танқидчилик соҳасидаги актив фаолияти учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланган адибнинг мероси мундарижа жиҳатидан жуда сержилодир.

Ҳамид Олимжоннинг қаламига мансуб бадий ва адабий-танқидий асарлар, шунингдек, адиб томонидан ўзбек тилига қилинган таржималарнинг кўпчилиги қисми муаллифнинг ҳаётлик вақтида газета ва журналлар, тўпламлар орқали ўқувчиларга етиб борган. «Бахтлар водийси», «Ўрик гуллаганда», «Ўзбекистон», «Россия» каби шеърлари, «Жангчи Турсун» балладаси, «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» эртақлари, «Зайнаб ва Омон» поэмаси мактаб хрестоматияларида доимий ўрин олиб келмоқда. Шоир асарлари СССР халқлари ва чет эл тилларида бир неча бор нашр қилинган.

Элчигинчи йиллардан эътиборан адабиётшунос олим Сарвар Азимов Ҳамид Олимжоннинг бадий ва илмий меросини манбалар асосида тўплаш, хронологик система-

лаштириш ва жанрларга кўра нашр этиш соҳасида муҳим иш бошлади. Шунинг натижаси сифатида шоир асарларининг нашри 1951, 1954 йиллардаги бир томликлардан 1957—1960 йиллар давомида майдонга келган уч томлик «Танланган асарлар»гача ўсиб борди. 1970—1972 йилларда эса Ҳамид Олимжон «Асарлар»ининг беш томлиги яратилди. Мазкур кўптомликларнинг муҳаррир ва тузувчилари шоир асарлари мундарижасини нашрдан нашрга тўлдириш, текстларни нуқсонсиз чоп этиш маданиятини ошириш йўлидан борганлар. Шу билан бирга, шоирнинг шахсий архивида сақланаётган, ижодий союзлар, театр ташкилотлари орқали давлат архивларига ўтган тугал ва нотугал асарлар, эскизлар ва планлар, мақолалар ва нутқлар ҳам мавжуд. Ҳамид Олимжоннинг ҳаётлик чоғида газета, журнал ва тўпламларда эълон қилинган, лекин кейинги кўптомликларга кирмай қолган турли мундарижадаги асарларга ҳам эгамиз.

Ҳамид Олимжоннинг адабиётимиз тараққиётига қўшган муҳим ҳиссаси ва адиб қолдирган адабий ҳамда илмий меросга бўлган қизиқишни эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти унинг 10 томдан иборат «Мукамал асарлар тўплами»ни нашр этишга киришди.

Ушбу «Мукамал асарлар тўплами» улкан адиб меросини тўлиқ қамраб олганлиги билангина эмас, ўз навбатида у қолдирган асарларнинг қўлёзмаларини аниқлаш, автографлардаги мавжуд барча белгиларнинг сабабларини ўрганиш, матнни, улардан ҳар бирининг тарихини муайянлаштириб, қўлёзма ва биринчи нашрларни шоир ҳаётлигидаги сўнги нашрлар билан чоғиштириб, ўртадаги таҳрир ва тафовутларни белгилаш, бу манзарани вариантларда қайд этиш, текстни изоҳ ва шарҳлар билан таъминлашдан иборат академик типдаги нашр қоидалари асосида амалга оширилганлиги билан ҳам характерланади.

«Мукамал асарлар тўплами» қуйидаги томлардан иборат бўлади:

1-том. Шеърлар (1925—1944).

2-том. Балладалар, дostonлар, шеърый мактублар.

3-том. Ҳикоялар, очерклар, публицистик мақолалар.

4-том. Драмалар.

5-том. Илмий-танқидий асарлар (Адабиёт тарихи ва халқ оғзаки ижодиёти масалалари).

6-том. Илмий-танқидий асарлар (Совет адабиёти масалалари).

7-том. Таржималар (Поэзия, проза).

8-том. Таржималар (Проза).

9-том. Таржималар (Драматургия. Тугалланмай қолган асарлар, мактублар, қайдлар).

10-том. Рус тилида ёзилган публицистик ва адабий-танқидий мақолалар, нутқлар.

Ҳамид Олимжон меросининг мазкур тўлиқ ва илмий наشري ўзбек совет адабиёти, адабиёт тарихи ва халқ оғзаки ижодиёти масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларга мўлжалланади. У бир бутун ҳолда истеъдодли шоир, прозаик, драматург, таржимон ва танқидчи Ҳамид Олимжоннинг ижодий лабораторияси, шоирнинг ғоявий-эстетик қарашлари эволюцияси ҳақида, шу билан бир қаторда ўзбек совет адабиёти, адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигининг ривожланиш йўллари, таржима санъатининг ўша даврдаги даражаси, ижодий ҳамкорликлар ва адабий алоқаларнинг кенг кўлами тўғрисида ҳам муҳим маълумотларга эга бўлган манбадир.

ШЕЪРЛАР
1925—1944

КОМСОМОЛЛАР

- Ойдин тилак, сўнмас умид эгаси,
Янгилик ҳам озодликнинг қурбони,
Эркидир, ул ёш йигит сўлмасун,
Йўли тўғри, ул очунда яшнасун.
Ўзбек қизин яшнатгучи лочинсан,
Хурлик гулин юзларига сочарсан,
Юлдуз каби осмонларда учарсан,
Йўқсил элнинг қўриқчиси бўларсан.
- 10 Сўнмас умид, порлоқ тилак йўлида,
Душманингни туви билан йиқарсан.

ШОДЛИК КУН

Октябрь байрами муносабати билан

Теварагим ўраган,
Менга ҳеч эрк бермаган,
Эолим бойлар йўқ бўлиб,
Ишчи байрами бу кун.

Қимматли ой Октябрь,
Йўқсилларнинг гулисан.
Қишлоқ халқин бу кунда,
10 Жони-дили боғисан.

Бизлар сенинг йўлингдан
То ўлгунча чиқмаймиз.
Сенинг эрки нурингдан
Роҳатда биз яшаймиз.

БИЗ КИМ?

Биз ким эдик, ким бўлдик?
Хўрликлардан қутулдик.
Эзгувчини йўқотдик,
Йўқсиллар йўлин очдик.

Бизга туғди эрки кун,
КИМ йўлида борамиз.
Унинг тутган мақсадин
Абадий яшатамиз.

- 10 Шоҳ уйдан йиқилган,
Хўрлик тўнини кийган,
Капиталист бойларни
Абадий яшатмаймиз.

Бизнинг бу шодлигимиз
Бузилмай яшагуси.
Кўнглимизда гул бўлиб,
Кундан-кун очилгуси.

КАШШОФ

Емирилди эскилик,
Барпо бўлди янгилик.
Шонли йўллар очилди,
Бахт-саодат авлоди —
Келажагимиз кашшоф,
Бўлуր сенга шон-шараф.

Ёшлар ўринбосари,
Элимиз ўсмирлари,
10 Ленин васиятларин
Ўқишда аъло билан
Бажарур шараф билан
Ленин гоғалик кашшоф.

Ўқишинг ленинизм,
Мақсадинг коммунизм.
Ҳорма, толма, олға бос,
Жаҳон бўйлаб бўл қўрқмас.
Суянган ватанинг бор,
Отамиз — фирқамиз бор.



Ҳамид Олимжон. 1926 йил.

ИЛГАРИ БОС, ЭЙ КАШШОФ

Бугун келди қучоқ очиб янги кун,
Бу тубанлик, бу хўрликни ташла, деб.
Янги турмуш, янги истақ гулисан,
Қизил гулдек янги кунни қутла деб.

Ленинизм йўлига кир, ҳеч чиқма,
Душманингни бу дунёда сан қўйма.
Лолалардек ишчи-деҳқон кўзида,
Ўйнаб-ўйнаб яша, югур, бос олға!

- 10 Янги турмуш соҳибсан, ишлагин,
Душманингни ҳеч қўймайин қийнагин.
Яшнамасун, ўйнамасун, кулмасун,
Бош кўтариб бу дунёда юрмасун!

ҲОЗИРЛАНАМИЗ

Ленинизм қиличимиз биз ёшлар
Фирқа йўли бошлиқ бизга йўлдошлар,
Инқилобнинг гулдирлар кашшофлар,
Бу йўлда ҳозирланамиз бизлар.

Ленинизмдир ғолиб,
Борадир бизни олиб,
Олға босиб ўйлашиб,
Борамиз йўллар солиб.

- 10 Ленин йўли энг қимматли йўллардандир бизларга,
Биз ёдлаймиз унинг йўлини чин юракла ҳар ерда.

Ҳам борамиз ҳозирланиб енгамиз,
Тилагимиз: Коммунизм қурамиз.

ОЙДИН КЕЧА

Бир чўпон тилидан

Ойдин кечани бизлар севамиз,
Унга биз ҳар вақт раҳмат ўқиймиз.
Чунки ул борлиққа янги руҳ берар,
Қуёшдек бўлиб ой кулиб турар.

Бу вақтларда ўйнагим келар,
Тоғлар бағрида яшнагим келар.
Сойлар ичида, тошлар устида
10 Қўй, қўзиларни яйратгим келар.

Олдимда қўтон, елкамда чопон,
Ойдин кечанинг нур сочганида,
Қўтонни ҳайдаб тоғ тепасига,
Югуриб-елиб чиққим келар.

Ойдин кечани ҳар вақт севаман,
Гўзалликни мен олқишлайман,

БОРАМАН

Бир спортчи тилидан

Танимдир соғлом, билагим кучли,
Турмушга нажот йўлимдир узоқ.
Бу йўлларда омон тилаб югуриб,
Чин тарбия майдонига бораман.

Мақсадим порлоқ, эришмак керак,
Эришмак учун тиришмак керак.
Бу мақсадни счиш фақат соғ бўлмоқ,
10 Тўсиқларни янчиб-янчиб бораман.

Ҳар бир инсон соғлом бўлсин, ишласин,
Бу дам соғлиқ энг зарурдир англасин,
Ман ҳам шу мақсаднинг йўлларин қувиб,
Кеча-кундуз чарчамасдан бораман.

Соф ҳаволар йўлларимда балқ уриб,
Менга кўмак этадир ул югуриб.
Ҳаволарга раҳматли сўзим сочиб,
Қўл-оёғим югуртириб бораман.

ХОТИН-ҚИЗЛАР

8 Март муносабати билан

Йўқсил хотин-қизлари, ёруғлиққа чиқдингиз,
Янги турмуш йўлига қадамингиз отдингиз.
Фирқа — Шўро қонуни сизга берган кенг ҳуқуқ,
Лочинлардек фикрингиз ишлатингиз, очингиз.

Йўлингиздир тўғри йўл, бахтлидирсиз, шубҳасиз,
Бугун сиз-ла бирлашиб, ёрдамимиз берамиз.
Билимсизлик балосин чиқарамиз, отамиз,
10 Маданият тожларин бошимизга тақамиз.

Шарқ дунёсин чечаги — ўзбек хотин-қизлари,
Юрагининг тўлқини, боғи-ла, бўстонлари.
Бу эркингиз кучлидир мангу тургай дунёда,
Бу кучли эрк қўйнида яшнагайсиз очунда.

СИНГЛИМГА

Назар сол ҳолимга, синглим,
Эурсан сан дили, жоним.
Кўзимнинг нурисан, жоним,
Вужудим ҳури филмоним.

Табиат тоғига чиқиб
Ширин сўзингни тинглайман.
Хаёлим тахтида туриб,
Сенинг эркингни куйлайман.

- 10 Санга шафқат, санга ҳурмат,
Сендан қочсин жаҳон зулмат.
Керакмасдир санга ғафлат,
Йўқолсин мангуга бидъат.

Хаёлингдир ботир жонинг,
Бу йўлингдир сенинг тангринг.
Жаҳон томуғини йиққан,
Сенинг ғоянг, сенинг онгинг.

هانر

تو پيدا پيمه به، كوله مه نه هوردهم به بره پيمه نه
بولبوله رگه پي كوكوه سايرا پيمه نه
پيولكه قانا قندا پيوك قوشونجا يازولغا نه
شود لرني كويله نه هور قواقت تو چه نه نه

به فتلي قونا قلا را شها قو منشي
برالم قونا قلا رتو تقونده قالمشي
نه رقا كوكسده مينگه گولار شها منشي
صين تونجا هور ايد به فتم نه پيمه نه

هه پيلاي تاغيدا نه شالنا پيلا كوه پي
نه رقتنگ تو به فتم نه شريغظا يازن
قزل با برا قني يا شها تا قيب
پيركي كوكمينگ قانا قانيد ليك نه تادول نه نه

۲۶ نې بل ارمای سه در تونده

МЕНДА ҲАМ ШОДЛИК

1 Май байрами муносабати билан

Илгарн

Жониворлар каби билинган эдим,
Тутқунлар каби қийналган эдим,
Руҳим сўлиб, қизил юзим сарғайиб,
Бахтсизлар каби йиғлаган эдим.

Мени қалбимда оловлар ёнган,
Бахтли бошимга зolimлар қўнган.
10 Умидли руҳимда қилич сақланган,
Денгиздек кўз ёшим тўккан мен эдим.

Бу оҳу зорим тинглаганлар йўқ,
Кундан-кун мени инграганлар кўп.
Ваҳший зolimлар менга боқмасди,
Бу оҳу зорим ҳеч тингламасди.

Ҳозир

Уйнайман, куламан, ҳар дам яйрайман,
Булбуллар каби кўкда сайрайман.
Қанотимда эрк қўшиғи ёзилган,
20 Уларни куйлаб ҳар вақт учаман.

Бахтли қўноқлар бошимга қўнмиш,
Зolim қўноқлар тутқунда қолмиш.
Шарқ кўксига менга гуллар очилмиш,
Мен уни ҳидлаб бахтим тилайман.

Химолой тоғидан Олтойга учиб,
Шарқнинг бу бахтин тарихга ёзиб,
Қизил байроқни бошимга тақиб,
Эрк кўкининг хоқонидек шодлиман.

ЯНА ЕШЛАРГА

Эски фикр, эски ўйга берилмангиз, эй ёшлар,
Тубсиз кўкдан нур танлашга тайёрланманг,
қўлдошлар.

Бизга мулла, бизга тангри керакмасдир, ёронлар,
Келинг, бирга қўл ушлашиб ишлашайлик, ўртоқлар.

Берилмайлик, берилмайлик, мафкурамиз порламоқ,
Билимсизлар жуда кўпдир маданиятни сочмоқ.
Оғиз очиб, кўкка боқиб ётмаймиз бундан буёқ,
Янги очун дўстимиздир, бу очунда яшамоқ.

10 Бу дам ҳуқуқ қўлимизда, душманимиздир у ўй,
Келинг, энди берилмайлик, бирга бўлиб яшайлик.

МУХБИР

Мухбирнинг қалами кунда кучлансин,
Мухбирнинг тилаги кунда нурлансин.
Мухбирнинг илҳоми ҳар дам қайнасин,
Мухбирнинг қадами маънога тўлсин.

Мухбирлар ҳақиқат нурига бўксин,
Ҳақсизлик, туҳматлар кетсин, йўқолсин.
Мухбирга душманлар ўлсин-да, ёнсин,
Мухбирга очиқ йўл яшнасин, кулсин.

- 10 Мухбирсиз яшнамас бизнинг қишлоқлар,
Эгилмас ҳам синмас бўйни йўгонлар.
Илмсиз қолурлар қизил деҳқонлар,
Кучаюр, чоғланур қайғи ҳам доғлар.

Мухбирнинг қалами қиличдек бўлсин,
Яхшини ўпсин-да, ёмонни кессин.
Ёмонлар дўқ қилар, қўрқсин, йўқолсин,
Яхшилар, тўғрилар ишлаб қишнасин.

ДЕҲҚОН

Йиллар ишладик,
Кетмонлар чопдик,
Уроқлар ўрдик,
Хирмонлар уйдик,
Хўкизлар ҳайдаб,
Ерларни ўйдик.
Тоғлар текислаб,
Ҳосил оз олдик.

- 10 Чўлларда яшаб,
Ғарамлар ташиб,
Кеча ҳам кундуз,
Тоғлардан ошиб,
Сойларда ётиб,
Умр ўтказдик.

- Эрта турамиз,
Юзни ювамиз,
Ерни ўпамиз,
Донлар сепамиз...
20 Хирмон совуриб,
Ҳосил қоплаймиз.

- Хўкиз, от, эшак,
Чўлда, далада,
Тоғда, қирларда,
Йўлдош бизларга.
Фақат —
Тезда чарчайдир,
Ишлар унмайдир,
Бизни қийнайдир,
30 Еб ҳеч тўймайдир...

Энди трактор,
Бу бизга бахтдир.
Истиқбол учун,
Қурилган тахтдир.
Ул чарчамайдир,
Ишдан ҳормайдир,
Экинсиз ерни
Ҳечда қўймайдир.
Бизга ҳўб тансиқ,
40 Шонли трактор.
Ерлар тангриси,
Деҳқонлар бахти.

Гулистон бўлур,
Мозористонлар.
Экинзор бўлур,
У қабристонлар.
Оқ олтин бўлиб,
Пахтамиз пишар.
Бизга жилмайиб,
50 Гунчасин очар.

Ишчи-деҳқонга,
Шодлик туғилар.
Эркинлик келар,
Роҳатда яшар.

Бугдой, арпалар
Қоплаб уюлур.
Ер емаклари
Кўплаб йиғилур.

КИМДИР

Эскиликдан юз ўгирган,
Зулмат билан кураш қилган,
Ҳар қадамда нурлар сепган,—
Еш юракнинг тилагидир.

Эски турмуш бағрин ўйган,
Зулм тахтига ўтлар қўйган,
Йўқсил дарди учун куйган,—
Эр йигитнинг юрагидир.

- 10 Ҳур турмушга олов сочган,
Янги турмуш йўлин очган,
Йўқсилларни қувонтирган,—
Ишчиларнинг билагидир.

ШОДИЕНА

Сдрастий, ҳой ўртоқ!
Боқингиз бизга буёқ.
«Машраб» бобо тўй қилди,
Ҳозирлатинг қовурдоқ.

Томда бордир тароша,
Бойга ўлим яроша.
«Машраб» тўйга айтибдир,
Шодлик бизга хароша.

- 10 «Машраб» бобо овози,
Меҳнаткашни шодлатди.
Ишчи-деҳқон хўрози,
Ҳурлик азонин айтди.

«Машраб» бобо, сиз ҳорманг,
Пичоқни яхши қайранг,
Сўямиз бойни, бойланг,
Гўрни ўхшатиб ковланг.

«ЛОТИН» КЕЛАР

Унинг қўлида бор қизил чироғи,
Чап қўлидадир адаб таёғи,
Йўқ юзида, чеҳрасида доғи,
Чопиб, суюниб «лотин» келади.

«Лотин» «араб»нинг душмани эрмиш,
«Араб»нинг дўсти қонлар йиғламиш,
Руҳонийларга кафан ўралмиш,
«Лотин»нинг қўлига раҳмат сочилмиш.

10 «Лотин» келармиш, муллалар ҳайрон,
«Лотин» келармиш «имлочи» сарсон,
«Таассуб» уйи ер бирла яксон,
Бўлди кенг дунё торгина зиндон.

«Араб» кетармиш доғларга тўлиб,
«Араб» кетармиш қонга бўялиб,
Муллалар қочармиш қўрқиб, уялиб,
«Лотин» келармиш жавлонлар қилиб.

Руҳоний-муллалар энди ўлармиш,
«Араб» уларга кафан бўлармиш.

ҚИШЛОҚҚА

Хужум қолоқликка,
Хужум саводсизликка.
Хужум қулоқларга,
Ҳамма қишлоққа!

Шаҳардан қишлоққа,
Маданий инқилобга.
Янгилик яратишга —
Янгиликлар қўллайлик
10 Зироатлик ишида
Юксалиш яратайлик.

Эски омоч йўқолсин,
Янги плуг қўллансин.
Тракторлар куйласин,
Қишлоқлар обод бўлсин.

ОКТЯБРЬ УЛКАСИГА

Қизил Москов — инқилобнинг каъбаси,
Яша, юксал, эй эркинлар ўлкаси!..

Ўн йил бурун наъра тортиб чиққандинг
Вулқон каби қонга тўлган ерлардан.
Чақмоқ каби булутларни ёргандинг,
Исён билан зулмат босган чўллардан.

Ўн йил сенинг қучоғингда яшадик,
Кундан-кунга тилаклар ҳам куч олди.
10 Биз ой бўлиб юлдуз сочин тарадик,
Илм, билги қалбнинг нури юксалди.

Эй ҳур ўлка, бағрингдаги юксалиш
Тарихда бир янги жаҳон яратди!
Сендан чиққан кучли, ўтли бир товуш
Мазлум шарқнинг элларини уйғотди.

Фақат, сени кўролмаган душманлар,
Қон тўкишга заҳар — газлар ҳозирлар.
Гудоклар ҳам шерлар каби бўкирди,
Балки бир кун тўкилар тағин қонлар.

20 Бир томчи қон томирларда қолгунча,
Ваҳшийлар-ла сўнгги кураш бошлармиз;
Ленинчилар қўлда қилич, милтиқ-ла
Шу қизил ўлкани мангу сақлармиз.

Қизил Москов — инқилобнинг каъбаси,
Яша, юксал, эрк олганлар ўлкаси!

ЗАФАР ДОСТОНИ

(13-Байналминал ёшлар кунидан
олинган таассурот)

- Ўпкалаб аламлардан,
Нур сочиб қаламлардан,
Сўзлайин зафарлардан.
Чунки мен ўпиш олдим
Энг сучук тилаклардан.
Ўтлардан учқунлар
- 10 Учдилар қушлардек.
Ўлкамдан қузғунлар —
Кўчдилар ғамлардек.
Май билан лиқ тўлган
Шишалар сингандир.
Соқининг кўзлари
Чорасиз тингандир.
Аламдан баҳс этган
Достонлар битгандир.
Ипакдек сочларни,
- 20 Қайрилма қошларни,
Тасбиҳдек ёшларни
Мақташлар битгандир.
Анордек юзларни,
Кўп ширин сўзларни,
У ёқут кўзларни,
Кўп кутмак ўтгандир.
Бу нафис илҳом-ла,
Мақсадга етгандир.
Чарчамас комсомол
- 30 Душмандан ўч олди,
Курашга йўл солди,
Ҳар соат куч олди.
Сафларда қизлар бор,
Энг ботир эрлар бор,
Меҳнатда шерлар бор,

- Тилакда кўзлар бор,
Оловдай тиллар бор,
Қурашда минглар бор.
Ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда
- 40 Исёндан, тўлқиндан
Ҳеч сўнмас излар бор.
Қуёшдек нур сочган,
Бирлик-ла йўл очган
КИМ куйин куйлаймиз,
Ишлаймиз, тинмаймиз.
Жаҳонга нур сочмоқ,
Эрк учун йўл очмоқ,
Энг улуғ мақсаддир!
Биз уни ўйлаймиз,
- 50 Тинмайин ишлаймиз.
Ҳар соат, ҳар минут
Юксалиш — дилларда,
Юксалиш — сўзларда,
Юксалиш — мингларда.
Комсомол сезадир,
Ҳар ённи кезадир,
Юксалиш шеърлари
Тилакни қучадир.
Арслондай эрлар ҳам,
- 60 Энг кучли шерлар ҳам,
Комсомол бўлдилар,
Ўн учга кирдилар.
Қурашга чин дилдан,
Вулқон куч бердилар.
Юлдузлар ерларда
Ўт ёқди, шеър айтти.
Қуёшдан оқар нур
Кўнгиллар сув ичди.

ЯНГИ ТУРМУШГА

Амаллар кулганда юлдузлар янглиғ,
Қўлларда машъаллар, курашга бордик.
Булутлар кўкларда чодир қурганда,
Чақмоқлар сингари кўксини ёрдик.

Мотамлар тарихи ўтда ёнганда,
Ишчилар:— Зафар!— деб сигналлар чалди.
Ариқлар қон билан тўлиб тошганда,
Йўқсиллар қўлларга байроқлар олди.

- 10 Ишчиларнинг темир, пўлат қўллари
Энг юксак тоғлаонинг бағрини ёрди.
Лавалардек қайноқ, ўтли йўллари
Йўқсиллар қалбига чечаклар тақди.

Қизил ўлка қўйнида биз эркинлар,
Чин турмушга солдик туганмас йўллар,
Сафимизга кирди миллионлаб кучлар,
Тонгдаги гудокдан олдик илҳомлар.

Биз олов, ўт каби кураш севамиз,
Янги турмуш, улуғ жаҳон қурамыз.

КОМСОМОЛ ҚИЗ

Чексиз, теран денгизларга кўп йиллар
Турна каби қатор тошлар отилди.
Бас келмади ёмғир каби кўз ёшлар,
Узоқларга ёш-ёш қизлар сотилди.

Садолар тингланди тилсиз тошлардан,
Кечалар, саҳарлар қўйнида ётиб...
Амаллар куларди кўп узоқлардан
Яшиндек булутнинг бағрини ёриб...

- 10 Кўк кийганда юлдузлардан кўйлақлар,
Ерда унинг суратлари жонланди.
Ёз гулининг япроғидан кўйлақлар
Қизлар кийди, душман қалби қонланди.

Ёш мажруҳнинг қалъасидек қиз қалби
Кулди ортиқ, баҳор каби гул очди.
Олмос каби ялтираган кўз ёши
Тинди, энг сўнг, чироқ каби нур сочди.

- Комсомол қиз бадбинликни унутгач,
Яшаш, меҳнат, курашлари куч олди,
20 Мактаб — ўқиш қалбларида ёзилгач,
Алам, ҳасрат йўқликларга йўл солди.

Порлаган юз, яшнаган кўз, ботир қиз,
Комсомолда чечак каби очдинг юз!..

ҚИШЛОҚ ҚИЗИ

«Баланд тоғ устида бир қизни кўрдим,
Узи ҳур, лаблари қирмизни кўрдим.
Жадаллаб бордим-у бир сўз қотай деб,
Кўзи уйқуда бўлса, уйғотай деб»

(Халқ ашуласидан)

- Ажаб ҳол, тонгда бордим, уйғонибдир,
Хурофот, эскиликдан жирканибдир.
Қўлида ғунча гуллар тўлғанибдир,
10 Бу дам эрк бизда эркан ул билибдир.

Дедим:

— Имдод этайми, ё кетайми?

Кўкарган бир ниҳолсан,

Бахт тилайми?

Қизарди олмадай, бир киркалашди,

Кўтарди кўксини, толга суянди.

Деди:

— Уртоқларим ҳам чиқсин эрка,

Шунинг-чун тез етинг бизга кўмакка.

ШАРОФАТ

- Шарофат шафтоли шохидан,
Сузилиб, мевалар узарди.
«Ичкари» титрарди оҳидан,
Қўллари ҳар томон чўзарди.
Шафтоли юзлари қизариб
Ерларга узилиб тушганда,
Қип-қизил юзлари бўзариб
Тош-тупроқ бетини ўпганда,
10 Паранжи, чачвонга ўралган,
Шарофат ғам билан сўларди.
Шафтоли сингари ерларга
Йиқилиб, қон йиғлаб юрарди.
Қутулди ҳар ёндан тутқунлар
Шарофат ёндирди чимматин.
Сўнг дафъа қарғади зулматни,
Ташлади орқага ҳасратин.
Шу кунлар мен уни йўлларда,
Қўлида китоблар — кўраман.
20 Кўмилган бахтлари очиқдир,
Юзида шодликлар сезаман.

ЗАРАФШОН ҚҮЙНИДА

Ташна кўнгилдай чанқаган барглар,
Яна қўйнингда мисли сероб,
Яна ҳар дамда энг улуғ мироб,
Қолмади унда ҳеч бу кун дардлар,
Бу кун дардлар.

Кўп узоқ йўллар, қувладим... етдим.
Мен сенга ошиқ кўргали келдим.
Мен сени кўрдим, севинчга ботдим,
10 Шакар лаблардан бўсалар олдим,
Бўсалар олдим.

Айталар: «энди куз етиб қолди»,
Чўлда, ўтларда сарғайиш бошлар,
Ҳидли гулларда инграйиш бошлар,
Бурканиш чоғлари яқин қолди,
Яқин қолди.

Ҳали сенда самимий бир ғайрат,
Атрофда гулларинг сочар ҳидлар.
Дедим: ўтларга «сочларинг ўйнат»
20 Чунки қувноқ бу кун баҳор диллар,
Баҳор диллар.

Ҳали қўйнингда чарчамас эрлар,
Энг ёқимли ва энг қизил сирлар.
Яна сийнангда сайр этар қирлар,
Яна сенга самимий ҳурматлар,
Туганмас олқишлар.

ИСТАМАС

Урушдан, қон тўкишдан сўз очилди,
Юраклар титради, ўтлар сочилди.
Қонлардан ариқлар оқизмоқ
Фикрини ҳар томон топдилар,
душманлар.

Ҳар соат, ҳар минут урушдан,
Урушдан хабарлар келарди.
Эсадир қон ҳиди ёнидан
10 Тинчсизлик юракни тиладир.
Ким истар бу жаҳон қонларга
ботсин,
Бу меҳнат эллари, ерларда ётсин,
эзилсин.

Йўқ... йўқ...
Ҳеч эсламас буни,
минглар,
миллионлар,
Йўқсиллар қони.
20 Қизил қондан туғилгандир — қизиллар
Уларми? Қон тўкиш, йиғлашни излар.
— Жаҳонгирлар,
Урушдан,
Қон тўкишдан,
Олтин олмоқ йўллари кўзлар.
Синга қарши ҳамма улуғ бир олов
Порлатиб нур сочар қизил Москов.

ҲАВАС ВА ТИЛАК

Тонг чоғида кўк қўйнида булутлар,
Кўринарди оппоқ, тиниқ қорлардек.
Ҳам тақарди дарёлардек, сувлардек,
Нурли йўлда ошар эди умидлар.

Ҳавас, тилак нурларига кўмилиб,
Панжаранинг олдидаги ўриндиқ
— Узра бориб тўзимсизча ўлтирдим,
Ўйлаб ётиб дафтарчамни тўлдирдим,
10 Турмуш каби саҳифалар ағдариб...

Ортиқ қалам ёзишлардан тўхталди,
Диққат билан қоғозларни ўқидим.
«Бир шеър ёздим»... дея ичдан суюндим,
Гўё кўздан оққан ёшлар тўхталди.

Баҳордаги чечак каби очилиб
Сўйлар эса сиррин ҳаётга шеърим.
Ойна каби бу турмушни акс этиб,
Оҳ... мен-да, ёш шоир бўлсам эди...

ЕШ КУЧ

Кўкраклари баланд, юксак тоғ янглиғ,
 Хур табиат қўли билан ишланган сен ёш куч.
 Энг қоронғи тунларда ҳам ўт ёқдинг,
 Энг эзилган дилларга сен нур сочдинг.

Зотан, ўзинг курашларла уйғондинг,
 Чин йўл топдинг шу тўлқиндан, денгиздан;
 Ҳеч тинмадинг, илҳом олдинг вулқондан,
 Сен кураш аскарлари қизил қондан —
 10 Кўксинг узра қизил нишон тақдинг.

Сен қизил ўт, тилакларинг сўнмас,
 Эски, чиркин ҳаётдан олдинг ўч!..
 Эй, яшн сингари тўсиқ билмас
 Комсомол қалбидан етишган куч!..

ДОҲИЙНИНГ МОТАМИ

(Йўлбошчимиз Лениннинг ўлимига
тўрт йил тўлиши муносабати билан)

На ойдан нур,
На қуёшдан олтин зар,
На юлдуздан севинч сочар кулишлар
Тўкилмасди,

кеча тим-тин қоронғи.

- Ҳаёт эса
10 Даҳшат, алам қўйнида.
У қоп-қора
Сочин юлиб йиғлаган,
Заҳар ичган маъсумадек инграрди.

- Алвасти кечанинг
Мудҳиш қўйнида,
Иблисона,
Қаҳ-қаҳалар тингларкан,
Темир эмган мускуллари увушиб,
20 Юксалолмай, қимирлолмай, уйғонмай
«Меҳнат қули» ухларди;
Темир кишан, пўлат запжир қўлида,—
Бўри, айиқ —
ваҳший излар куларди...
Улуғ вулқон —
ўт-оловлар отилди,
Яшин учди,
ҳар ён ўқлар сочилди.

- Шунда,
Узоқлардан, юксак тоғлардан,
30 Кулди юлдуз,
Қуёшдан нур тўкилди.
Кўрининг қўлда туғ ўрталиклардан!..
Муздек ҳаёт
Тўхтаб қолган булоқдек
Яна оқди,
Яна қалби нурланди.
Юксалди ер!..

ҚИШ КҮРИНИШЛАРИ

Кўк юзини оқ парда
Секин ўраб олганда,
Пахта каби оппоқ қор
Ерларга қараб ўйнар.

Кечалар аста-аста
Юзин очар, дилхаста
Ой ила олтин юлдуз
Сузгун боқар, бирпасда,—

- 10 Қорли — кафанли йўллар
Ўйнатаркан қуюнлар,
Зардан ўрар рўмоллар,
Яшнар, ялтирар қорлар.

Ой-ла ўпишган тоғлар
Оқ сочлар-ла кўринар.
Кеча қизи — юлдузлар
Ҳар томонга уринар.

. БИР НАШЪА

Тун саҳарларда бир гўзал юлдуз
Ўтнинг учқунлари каби учар, ёлғиз...
Кўлкасин акс этар севинчларнинг
Гул — баҳор қўйнида қуёш кундуз...
Кеча тилсиз, алам, кишан йўлсиз...

Меҳнат уфқинда бир шафақ парча,
Ишлади, дарди йўқ кичик ҳолча.
Чарчади, оқдилар кумуш терлар,
10 Ухлади тинчгина ўпиб еллар,
Ғурбат оқшомларин унутган қиз...

Ишсевар, дилрабо, гўзал қизни
Лола — гуллар билан безакларкан,
Тезлатар, нашъали, ипак изни.
Зар кийимлар билан гўзалланган,
Сув уйғотар, севинтирар дилни.

Тунда ой нуруни эмар сувлар,
Ялтирар юзлари кумушлардек.
Шунда қиз акси жонланар сувда...
20 Тотли, дилбар, ипак кулушлардек
Инжа шеъри нашидадир бунлар.

БАҲОРНИ СОҒИНГАНДА

Қиш чолар чолғисин, эсар еллар,
Кўк ва ерларда қор — кулар, ўйнар.
Фақат эй воҳ!.. Кўринмагач йўллар,
Еш хаёлим баҳор куйин куйлар.

Эй баҳор, кел, очил ва дилбар кул!
Еш кўнгил ташларингдан ўргилсин.
Дала, қир бағрини-да безатсин гул,
Хур табиат ипак кийим кийсин.

- 10 Қайнасин дилларинг, эспб еллар,
Қишдаги қўрқинчли ҳайкаллар
Яна илҳом каби варақ очсин,
Тотли шеърим каби севинч сочсин.

Шунда чўпон каби кезиб тоғлар,
Мен сени бир ўпай, қучоқлай-да...
Сув — булоқ бўйларинда чарчай-да,
Сўнгра қўйнингда эркалаб ухлай.

БАҲОРГА ЕТГАНДА

Тонгда оппоқ булут хаёлимда
Қип-қизил лолодан нишон тақди.
Еки дилдан кулиб ҳаёт узра
Олтин илҳом сочиб қуёш боқди.

Кўк майин новдаларда қор — парлар
Инжа руҳим-ла ўйнашиб қолди.
Инжа руҳим-ла ўйнашиб гуллар
Оқшом ойдинда ухлашиб қолди.

- 10 Учди капалаклар ва адашди,
Маъсум яна гул шохида, маъсум,
Маъсумча чаманлар сари оқди,
Ҳар майсада бир жонли табассум.

Гул кўлкаси гулхан каби қизгин,
Қизгин... яна сайрайди дуторлар...
Сайрайди... тубанларда баҳорлар...
Инжитмади кўнглимни-да бир кун.

- Юмшоққина кўк парда ёпинган
Тоғлар, ана... роҳатгина ухлар.
20 Чўпон ила қўй — турна қаторлар
Кезмакда унинг бағрида тушлар.

Эй баҳор, ҳар нафас зилол қўйнинг
Қўшчининг шеъри билан жонланадир.
Уйғониб шунда пок, ипак кўнглинг
Қип-қизил лолалар-ла қопланадир.

Тинглангиз, ҳар нафасда жонланди
Ёш табиат, яшил кўнгиллар-ла...
Шунда ёш руҳим ахтариб қолди
Яна ёшликни гунча — гуллар-ла.

«ҲУЖУМ»НИНГ УЧИ

(Воқса)

1

Совуқ бир қиш кечаси,
Изғирарди шамоллар.
Уйнарди арча, толлар.
Вокзал жим-жит кўчаси.

Кўкдан эниб турарди,
Оппоқ-оппоқ лайлак қор.
10 Йўллар кафан киярди,
Ҳар тарафда сир ўйнар.

Ярим кеча тоғлардан,
Бир қора дев келарди.
Кучли мағрур товуши,
Жимжитликни бузарди.

Поезд келди, вокзал тинч,
Хумор ёлғиз тушмишди.
Ундан фақат бир ўтинч:
«Тоғам қайда?» сўрмишди.

20 Қалби кир-ди Қўзининг,
Тинглаб ранги ўзгарди.
Унга ёлғон сўзларди,
Қони бор-ди кўзининг.

Деди: «Тоғанг кўчганди,
Юргин элтиб қўяйин.
Топширайин, келайин!»
Чироқлар ҳам ўчганди.

Кенг арчазор, йўллар тор,
Хумор қўрқиб борарди.
30 Ўз қалбини ёрарди,

«Билмам — дерди, бир сир бор».

Арчазор ҳам тугалди,
Вокзал узоқда қолди.
Чакка ўтган, букчайган,
Бир чолдевор уй борди.

Етгач Қўзи сўз қотди:
«Тоғанг шунда, кир тезрак!»
Кимсасизди бу кўкрак,
Хумор ҳислар уйғотди.

40 У ҳар томон боқарди,
Қафасдаги қуш каби.
Толпинар, титрар лаби,
Қийнар, эзарди дарди.

Деди: «Мени алдадинг,
Сен бойқуш, оҳ раҳмсиз!
Машъум, қўрқинч истагинг,
Мен гуноҳсиз бир ёш қиз!..»

2

Юлдузларнинг сўниши,
50 Тонгдан хабар берарди.
Йиғлаб, инграб узоқдан,
Эй воҳ... Хумор келарди.

Юлинганди юзлари,
Қонланганди кўзлари.
Ғижимланган, судралган...
Ғам сочарди сўзлари.

3

Қўзи гапдан тонарди,
Қалтирарди, титрарди.
60 Унга бу кун ҳар ёқдан,
Нафрат қуши қўнарди.

Суд ҳукмини чиқарди:
Хумор тинглаб турарди.
Яъни Қўзи ҳаётдан,
Ортиқ узоқда қолди!..

КЕЧ НАШЪАСИ

Кечин... нафас олардик,
Биз «Қум қудуқ» бўйида.
Ой завқига толардик,
Елнинг эркин куйида.

Ариқ-ариқ сув каби,
Оқ чанглар — толға-толға.
Йўловчилар келарди,
Тебраниб олға-олға...

- 10 ...Ястанганди уфқда,
Лахча-лахча булутлар.
Уранарди ҳар ёқда,
Кўлка сочиб сукутлар.

Тоғларнинг юзи қора,
На кўкат бор, на лола.
Ул таажжуб этарди,
Кундуздаги аҳвола...

- Овуллар жим-жит, жим-жит,
Ширин-ширин ухларди.
20 Энг сўнг бола боқиш-ла,
Юлдуз кўзи тинарди.

КУРАШ НАШИДАЛАРИ

Кечага

- Ой ваҳм, хаёлот нурига чўмилган,
Зулматнинг кўлкаси, кўзлари юмилган.
Ва машъум излар-ла ҳар ёққа уринган,
Амалим олдида зиндонинг кўринган —
Юлдузсиз ерлардан юксалган девона,
Истаги афсона, лаззатдан бегона.
Ой ботган, кўкларга дод этган ғамхона,
10 «Куллари кўкларга соврилган» — вайрона!..
Нажотсиз йўлларда тўлғоқлар бошлаган,
Кўкламлар кулганда кўнглини ёшлаган.
Хаёлга, сирларга кўмилган, сен кеча!..
Кўпдандир, қалбингда бор эди бир «боғча!»
Боғчангга чиққанда эрталаб бир кеча,
Кўрдингим, гулларнинг юзлари «чангланган»,
Сездингим, «булоқлар» йўллари боғланган,
«Кўкламнинг қайғусин» «булбулдек сайрадинг»
Йўқликлар қўйнида борлиқни қарғадинг,
20 Булутдек ёш тўкиб кўзлардан кайфсизча,
Боғчангда оғочлар чорасиз қурибди.
Шу «гулшан» ичида жонсиз бир гавда,
Кафанга ўралган, япроқсиз бир навда
«Ҳақиқий ишқ» деди, афсона тўқиди.
Юлдузсиз, ойдинсиз, қоронғи, эй кеча!..
Япроқсиз, лоласиз, ҳайкалсиз, эй боғча!..

Кундузга

- Қуёшнинг нуридан кўйлақлар кийинган,
Ипакдек сочлари баҳорнинг гулидан.
30 Жаннатлар ярашган, найдона кулидан,
Миллионлар тизилди лолазор йўлидан.
Хаёлот шамъини нури-ла сўндирган,
Маъсума дилларнинг фарёдин тиндирган,
Истакдан учқунлар, ерлардан кулдирган,
Меҳнатлар юзида илҳомлар ундирган —
Тилагим уфқида шафақлар яратган,
Ҳаётда севинчни абадий яшатган,
Юракда оловлар ёндирган, эй юлдуз!..
У, масъуд кўнглингдан ўргулай, эй кундуз!..

ЕЗ ЕЛИ

Ез ёниб,
Оловлар отади.
Иссиқни акс этиб,
Ер — ойна
Ҳансираб ётади.

Аланга,
Кўлкалар сочади,
Кенг дала
10 Буғдойдан
Юзини очади.

Ҳов, ана,
Чайлада,
Жон билан
Жимгина... йигитлар
Ел — ёрни куталар.

Тўпланди хирмонлар,
Олтин тоғ,
Чаман-боғ...
20 Севинди,
Бахтиёр инсонлар.

Кун ёнди,
Бу уларни қитиқлаб,
Ел — қизлар учишди.
Сомондан парчалар
Қизларни қувишди.

ОЙДИНДА

Гулшанда чечак ёнди, кўринди,
Масъуд эди ғамсиз ва аламсиз.
Қалбимда амал юлдузи кулди,
Ер қўйнида эркин ва кадарсиз.

Ой жилва билан оқди чаманга,
Роҳатгина нур сочини ёзди.
Юксалди ва ҳис сочди тубанга...
Ер ҳоли паришонди хаёлла...

- 10 Унсизгина рақс этди-да сирлар,
Жимжитгина япроқдаги тиллар,
Кечанинг мусиқийси, шеъри
Юмшоққина ерлар-ла ўпишди.

Кулмак била масъуд эди юлдуз,
Тинчибгина ухлар эди кундуз.

БИРИНЧИ МАЙ АЛАНГАЛАРИ

Бу кун меҳнат элинда эркин башар
Янги дунёга янги йўл солади.
Лавалар юксалиб тубанлардан,
Четда — қуллар макони ерларда
Интиқом отли бир олов ёнади.

Қутли ўчлар-да қўзғалар Шарқда,
Кўкни тутгай оловли исёнлар,
Отилар ҳар томонда вулқонлар,
10 Куч оларлар зафарли тўфонлар
«Маданият»га қарши ҳар қалбда...

Сийнаси қон... оқар... боқар маъюс
Қора сочлар-да қирқилиб... номус...
Яна, номуси бус-бутун барбод,
Яна, мажруҳ Кошғар — гуноҳсиз қиз,
Этгусидир ҳазин-ҳазин бир дод.

Ана, Москов хабарда: «Бўронлар...
Яна чет элда ўт ёнар», дейдир.
«Яна, қонларга ким қонар», дейдир.
20 Ишчилар синфи ўт-олов қўйди,
Яна ёнмоқдадир кишан тахти...

Яна ғарб бургути қанот ёзди,
Тинглангиз! Ҳинд элинда қор ёғадир!..
Яна ҳар ённи газ — булут босди,
Яна милтиқ заҳар — яшин сочадир,
Яна Лондонда шишалар синди.

Отиларкан у кучли вулқонлар.
Бўла олмас тўсиқ на портлашлар,
На яшин, на булут, на бургутлар,
30 Келгай, албат ҳаётда шундай кун,—
Ул қуёш сингарин ёнар, порлар!..

ШУ КУННИНГ ҚИЗИГА

Кучли, чексиз денгиз қучоғинда,
Умрининг лолазор баҳоринда,
Янги турмуш, курашдан ўргилган,
Ҳар қадамда зафар билан кулган,
Эй гўзал қиз!.. Қўлимда олтин соз,
Тинглагин! Сайратай кўнгилдан роз.

- Соф, гўзал бир наҳор эди, турдим,
Қўлга бир оқ варақ, қалам олдим,
10 Тушунаркан, шу ёш хаёлимда,
Нурли бир саҳна, жонли картина
Келди, рақс этди, кулди руҳимга,
Инжа титроқ бериб вужудимга.

Унда бир қаҳрамон тубанлардан,
Юксалиб қон булоқли — ерлардан,
Кулди, меҳнат, кураш каби кулди!..
Иш билан қўллари қизарганди.
У, нафис сочлари узун — майда
Ўрилиб, орқага тўшалгандай.

- 20 «Нурли» Парижда бой хотинлардек,
У «илон» пардаларни киймасдан,
«Тоza фаҳш» уйларин безатмасдан,
Ердан умид учун чечак узган.
У «ҳавас»да чибин қадар кучсиз
Мода севган хотин эмас, бир қиз!..

- Шубҳасиз, сен эдинг у дилбар қиз!..
Эй ҳаёт қалбида ёнар юлдуз!
Чунки, фабрикда парра янглиғ сан.
Тинмайин, чарчамасдан ишлайсан,
30 Чашмалар сингари оқиб шеърла
Ташна дилларга ем бағишлайсан.

Ер юлдузи, эрк юлдузи сенсан.
Сен тонгда, қизил тонгда шафақсан.

ҚИР ҚУЧОҒИДА

- Гул киприги оппоқ,
Бир дурру садафдек.
Лолалар қизарди
Бир лахча оловдек.
Кўк қўйнида юлдуз
Уйнарди, куларди,
Қир қўйнида шўх юз
Яшнарни, кетарди.
- 10 Оқшом чоғи нурдан
Қалбларда шафақлар,
Кенг кўрпали қирдан
Кўнгилда варақлар.
Етдик ва ёнашдик,
Ухларди чўпон, қўй.
Қир чўққиси ёстиқ,
Тинган эди най-куй.
Ҳар ёнда булоқлар
Оқмоқда шарақлаб...
- 20 Ҳар сийнада шодлик,
Тошмоқда тилаклар...

УТАРКАН

Ел учар чоқда майсалар денгизи
Эгилар, рақс этар, кулар кабидир.
Кеча кулганда нозли Волга юзи,
Эгилиб, жилмайиб, гўзал кўринур.

Катта кўприк баланд-ди, сув — чексиз,
Ойнадан оқ кўпик кўриб турамыз.
Ваҳмалар йўқ каби... кулиб турамыз,
Тўлғанар бир азоб илан девимиз.

- 10 Кеча ойдин, ҳаёт кулиб туради,
Волга эркин, ипак рўмоли билан
Буралиб, эркалаб хаёли билан
Инжа бир шеър бўлиб оқиб туради.

ҚИЗИЛ МОСКОВГА

- Наъра тортганда шум узун кечалар,—
Меҳнат ичганда ҳар нафасда заҳар,
Энг буюк инқилобни аллалаган —
Юксал, эй, толғали, оловли шаҳар!
Ҳар темир қўлли ишчининг тилаги,
Меҳнат билан, кураш билан юксалди.
У, ҳаётни асрлардан ўрганди —
Сен башарнинг уриб турган юраги!
- 10 Инқилобнинг қуюнлари кўкларга
Юксалдилар, отилдилар чақмоқлар.
Ҳар ён қизгин ёнар экан ўтларга
Сочилдилар милтиқлардан яшинлар
Меҳнат кулди, кураш зафар қозонди.
Порлаб турган бир қуёшсан жаҳонда.
Қизил юлдуз нашъа сочар ҳар онда,
Битди, кетди алдаш, тангри, имон-да.
Сўнма, порла, юксал, қизи, эй қуёш!
Нефть эмади, кўмир конлар кезади.
- 20 Дев қадам-ла янги ҳаёт тузади —
Нур қўйнида ҳар комсомол, ҳар бир ёш...

МОСКОВНИНГ БАҲОРИ

(Саёҳатда)

- Севинч ҳар ёнда,
Ҳаёт қайнайди,
Баҳор ўйнайди,—
Қизил Московда.
Табиат — бола:
Баъзан йиғлайди,
Баъзан кулади,—
- 10 Кўнгиллар лола...
Дилбар оғочлар
Тизар япроқлар,
Кулиб туради
Оппоқ кўпиклар...
Қуёш алдамчи:
Ёш томса томчи,
Шам каби сўниб,
Ўчиб қолади.
Ер уялмайди
- 20 Қуёш боққанда,
Япроқлар чодир
Емғир ёққанда.

НЕВА ХОТИРАЛАРИ

Сирли сен, чайқал, эй гўзал дилбар,
Шўх ва ўйноқ қиз альбоми янглиғ.
Кўрагингда ҳаёт деган ошиқ
Кўп аср сайраган ва тўккан зар.

Дилда нашъа, қўлимдаги най-ла
Мен-да сайрай бутун тилакларни.
Жонлатай, сўзлатай варақларни,
Эй гўзал, ўйнама, секин тингла!..

- 10 Куйласа, ўйнаса менинг созим.
Оқса кўнглим-ла ўйнаган розим,
Эрка қўйнингга из чизиб кетсин,
Сен-ла тўлқинланиб, сузиб кетсин.

Тингла, мен бир қадар-да таъсирли,
Оқишинг-ла хаёл билан оқдим;
Юзларинг хол, боқишларинг сирли,
Дилда япроқни елпитиб боқдим.

- Сен ҳаёт шоири, асрларнинг
Сирларин шеър ила яшатгансан.
20 Ерни титратгувчи курашларнинг
Ўтларин кўнглинг ичра солгансан.

Бир замонлар... қуёш-да кулмасди,
Ғамгин эллар... севинч тўкилмасди;
Лабларингда ўсарди япроқлар,
Оҳ... улар, дил учун эгилмасди.

Эсди еллар, ҳаёт-да уйғонди,
Кучли тўлқин сенинг қучоғингда.

Утли гуллар очиб ёноғингда
Наъра тортиб, олов каби ёнди.

- 30 Ҳар томон қон, эсарди бўронлар,
Шонли «Аврора»дан эмиб нурлар.
Яна товус каби қанот ёздинг —
Оқди қалбингда қип-қизил қонлар...

Бу табиат-да бир чевар шоир,
Ҳар нафас юзларингга кашта тикар.
Инжа, шўх ел эсиб-да, ўйнашади
Тикса устингга-да қуёш чодир.

- Алвидо, севдигим шўх, ўйноқ қиз!
Лола бир жилмайиш-ла боқмоқдан,
40 Кетаман, соҳилингда оқмоқдан.
Алвидо, эй гўзал ва холдор юз...

БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ БУЙЛАРИДА

Нақадар кенг, гўзал қучоғинг бор...
Шўх қилиқ тўлқининг-ла биргалашиб
Келадир ўйнагим сузиб, қувишиб,—
Сен-ла шоирлигим, ҳаётим бор.

Боладек ҳар қайиқни эркалашинг,
Шод ва маъсума бир хотин кабидир.
Шоир илҳом-ла ўйнаган кабидир,
Ҳеч сукутсиз, нашидали туришинг.

- 10 Кучли тўлқинларинг-ла масъуд ўлур
Ел эсаркан у кенг, гўзал қучоғинг.
Сув қуюнлар учар, тагин тўкилур,
Бу сенинг бахтиёр, чечакли чоғинг.

Нақадар кенг, гўзал қучоғинг бор...
Шўх қилиқ тўлқининг-ла биргалашиб
Келадир ўйнагим сузиб, қувишиб,—
Сен-ла шоирлигим, ҳаётим бор!

«ХУЖУМ» ГУЛИГА

Бу кунлар пок, ипак нурлар,
Нафис танлар-ла ўйнашди.
Отар тўлқин денгиз эркин,
Чечак лаблар севинч очди.

Кўриндинг чайқалиб, ўйнаб,
Оқиб оппоқ кўпиклар-ла.
Ичиб олтин шафақлардан,
Кезиб юлдузли йўлларда.

- 10 Тушунчанг қўлда синмас соз,
Кўкар, чўлларда япроқ ёз.
Куларкан лолалар, гуллар,
Кўнгиллардан сочилсин ноз.

Баҳор сен, ғунча — гуллар-ла
Очил, эркинча кўкрак кер!
Ёзай кўксингга диллар-ла
Чечаклардан тўқилган шеър...

ОЗАР ҚИЗИ

Хазардан юмшоқ бир ел эсиб,
Бир баҳор хабари келтирди.
Тингладим йўлларни мен тўсиб,
Севинчлар ҳар ённи тўлдирди.

У кунлар ҳаётнинг кўкида
Булутлар кенг қанот ёзганди.
Юлдузлар кўролмай борлиқни,
Бир ворама япроқдек озганди.

- 10 Анордан сув ичган у юзлар,
Ёшлиқда уч-тўрт кун порларди.
Жавдираб кулганда ёш кўзлар,
Чодралар: «кел, кел!» деб чорларди.

Қуш каби қафасга ўралган
Ёш диллар:
«Дон бер» деб йиғларди.
Заҳарли ханжардек қадалган
Аламлар бағрини тигларди.

- 20 Хазардан юмшоқ бир ел эсиб,
Бир баҳор хабари келтирди.
Тингладим йўлларни мен тўсиб,
— «Чодранинг сийнаси йиртилди!»

У, мунис ёш озар қизлари
Оқ булут қўйнида чўмилди;
Порлади у анор юзлари —
Қайғунинг кўзлари юмилди.

Тўпланиб юлдузлар кезалар,
Ҳар куни нефть оққан йўллардан

Ва ўтли, болғали қўллардан
30 Бир кўмак, бир имдод сезалар.

Кечалар қирғоқлар қўйнида
Уйнайлар порлаган юзлар-ла,
У ўткир оловли кўзлар-ла,
Ёш қизлар, бўйинбоғ бўйнида.

Бундан сўнг ҳар меҳнат тонгида
Фабрика денгизлар оқади.
Инқилоб ҳар дилнинг онгида...
Бахт қуши қанотин қоқади.

Тингладим, ёқимли куйларни,
40 Упдим мен турмушнинг юзидан.
Йўлладим бир тўплам гулларни
Унларга, ёш ўзбек қизидан.

ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ

(Октябрнинг 11 йиллигига)

СССР — шонли бир қизил денгиз,
Кемалар нур сочаркан ҳар ёққа,
Отилиб қатра-қатра қирғоққа,
Кулди, чайқалди толғалар чексиз.

Уфқида бир қизил қуёш кулди,
Шонли денгиз, зафарни акс этмоқ,
Яна зар ленталар билан кулмоқ
10 Истади, нашъалар-ла улгурди.

Анча йиллардир ишчилар тоғлар
Бағрида чарчамасдан ишлайлар.
Янги турмушга гул бағишлайлар,—
Қолмаган дилда ҳеч бу кун доғлар.

СССР — лавадек ёнар, порлар,
Четда вулқон отилди тоғлардан.
Дардли ёшлар тўкиб узоқлардан
Кўлкадек келдилар учиб зарлар.

Ғарбда исённи бўғмоқ истайлар,
20 Жон олиш-чун «электр стуллар»,
Ғовли, занжирли сим-сиёҳ йўллар
Ясатиб ҳар томонда иблислар...

СССР — унди, ўсди, юксалди,
Ишда фабрик-заводда миллионлар.
Бирга деҳқон билан тракторлар
Яшнади, ул аламдан ўч олди.

Бу улуғ қитъа чин ҳаёт йўлида,
Мисли карвон, боқинг, чироқлар-ла,

Кезадир порлаган тилаклар-ла,
30 Янги кучлар-ла бир олов дилида.

Унга зулм эллари ўқ отмоқни,
Бомбалар портлатиб йўқотмоқни
Ҳар қадам, ҳар бир ишда ўйлайлар,—
Йўқ, улар бўш хаёлни куйлайлар!

СССР — шонли бир темир қўрғон.
Уни аскар бўлиб қўриқлайди,
Унга душманни бирда қўймайди
Унда эркин яшовчи ҳар инсон!

М. ГОРЬКИЙНИ УЎИРКАН

Алам билан эдинг ёр,
«Тақдир» сени эзаркан.
Дудоқлардан учиб зор,
Диллардан қон сизаркан.

Оҳ... шод она қўйнида
Тингламадинг эртақлар.
Афсуски, ёшлик дамлар
Ўтди — кишан бўйнида.

- 10 Баҳорда ёш япроқлар,
Ўйнарди, рақс этарди.
Ел-чолғиларни тинглаб,
Кунлар ғамгин ўтарди.

Алам сочарди излар,
Маънос боқарди кўзлар.
Лекин сирли кечалар
Чайқаларди денгизлар.

- Сарой кийиб шоҳидан,
Очларни қамчиларди.
20 Ҳар асир нигоҳидан
Исёнлар томчиларди.
Оғир, ҳазин оҳанглар —
Юракларни эзарди.
Турмушда ҳар севинчда
Ўргумчаклар кезарди.

Сув лойланиб оқарди,
Юлдуз ғамгин боқарди,
Оҳ... у чоқнинг оқиши,
Қалбингга ўт ёқарди.

30 Янги ҳаёт еллари
Баҳор баргин кулдирди.
Қизил рубоб тиллари
Дилга нашъа қондирди.

Қонли, ўчли оловлар
Ютди эски ҳаётни.
Қуёш каби яловлар
Порлаб эритди қорни...

Замон олтин қуёшдек,
Сочларингни силади.
40 Машъал ёнган йўллардан
Кўнглинг шуур тилади.

Ун бир йилдир, сен эркин..
Юксалди кўп умидлар.
Дунё-дунё севинчлар
Туткай жаҳонни бир кун.

ШАРҶ

Йиғлаб ўтарди кунлар
Пастга тушмай кўклардан.
Чинор-миноралардан
Секин оқарди тунлар.

Қор чойшаблар ёпиниб,
Кекса тоғлар ухларди.
Йўқликларга ялиниб,
Йўқсил диллар йиғларди.

- 10 Жимжит эди кўчалар,
Эркин дамлар соғиниб,
Туман парда ёпиниб
Кўринарди кечалар.

Толға-толға учарди
Йиғлаб танбур овози.
Кенг фазони қучарди
Дардли кўнгилнинг сози.

- Кенг чанг-тупроқ йўлларда,
Қуръон ёдлаб азондан
20 Амомалар оқарди,
Ўйнаб тасбиҳ қўлларда.

Қуюнли... кенг... қум — денгиз...
Манзил овлоқ, йўл сўнгсиз...
Юксаларди карвонлар,
Кунлар қайноқ, ёниб кўз.

Ҳар кун зилол саҳарда
Оқ юзида бир парда,

Йўқсил қизлар — хотинлар
Оғир оқарди сувга...

- 30 Мискин, ҳазин уйлардан
Юксаларди бир фарёд.
«Тангри» деган куйлардан
Ким завқ оларди? Ҳайҳот!

Шарқ эзилиб инграрди.
Епинганди тун... чодир.
Шароб ичиб бир шоир
Сарой куйин куйларди.

- Ҳаёт гўё бир ўрмон,
Бургут, арслон, йиртқичлар
40 Тани тикан зўр кучлар,
Ўйнар, чопарди ҳар ён.

У тунларда қон тўкди
Ҳар йўқсилнинг юраги.
Тутқич бермай инграрди
Бахтнинг бахмал этаги.

Меҳнат яшиндек порлаб
Тунни тилиб юборди.
Илҳом сочгач инқилоб
Кундуз машъалдек ёнди.

- 50 Ортиқ Шарқнинг бағрида
Гудоклар тортди наъра.
Ҳар ер севди, ёпинди
Қуёшдан заррин парда.

Турмушда ой, юлдузлар
Қучоқ ёзиб туралар.
Бахмал чўллар қўйнида
Тракторлар кулалар.

- Шарқ нурлар қучоғида
Озод меҳнат қилади.
60 Зулмат кўксин тилади
Қонли кураш чоғида.

Бу шафақли саҳарлар
Ҳаёт билан қайнайлар.

Электр нурлари-ла
Тоғлар, қирлар порлайлар.

Эсан еллар куйларлар:
— «Ишла, терлар оқсинлар.
Яшаш, кураш шеърлари
Қулоқларга ёқсинлар».

- 70 Нажот кутмайди диндан,
Ҳар ёш юрак — бир даҳри,
— Йўқ пайғамбар, йўқ тангри,
Имдод курашчи эрдан.

Афсус, қўшни ерларда
Езиқ бургут қаноти.
Заҳмат дўстин ҳаёти
Фарёд чекар қирларда.

- Баъзан исён ўтлари
Бирдан порлаб кетади,
80 Эзилишлар битажак,
Бу бир давр — ўтади.

Албат, бир кун бизнинг ўт
Машғал бўлар унларга.
Ғамгин юзлар эришар
Эркин, қувноқ кунларга.

Албат порлаб кўринар
Жўшқин, темир у меҳнат.
Истиқболда қурилар
Синфсиз бир жамият.

БИР ЯПРОҚ

(Унинг ўлими кунида)

Еш қалбим қоронғи таъсир-ла йиғлади
Узоқдан ноалалар, фиғонлар тингларкан.
Гуноҳсиз бир дилнинг созлари ингради,
Еввойи бир ханжар ярқирар, куларкан.

Дедилар:

Баҳордан бир япроқ узилди...

Бир хушбахт юракнинг сийнаси тилинди...

10 Электр оқини кезгандек асаблар

Титради... Оҳ афсус...

кўнгиллар эзилди...

Саҳарда юлдуз-ла ўйнашиб кетмиш-да,

Тонггача, бечора жандадек титилмиш...

Раҳмсиз бир жаллод истакка етилмиш,

Оҳ... Турсун... қудуқнинг ваҳмига ютилмиш.

Қалбларда аламли, мотамли бир байроқ

Куз куни ел ўпган япроқдек эгилди.

Қўйини очарди ҳансироқ бир тупроқ,

20 Еш чечак чамандан хазондек тўкилди.

Дедилар:

баҳордан

бир япроқ узилди...

БОЛАЛИК

Дунё экан...
Чаманзорлар кечиб,
Ошиб тоғлардан,
Қуёшдан нур эмиб,
Қум, ўтлоқлардан
Ўйнаб... кулиб...
Армон билан
Ўтар экансан.

- 10 Бола эдик,
Танлар — олов.
Қалб — қайноқ,
Кўзлар — ўткир,
Диллар — соф,
Эркин-эркин ўйнардик...
Ҳаёт билан
Қайнар эди
Кўй, қишлоқ.
Бир ёнда тоғ,
20 Бир ёнда боғ...
Сув сочарди...
Гул очарди...
Кенг кўчалар...

Узун йўллар...
Порлар эди
Шам — чироқ...

- Сув оқарди,
Қўйнида
Кўкрак кериб,
30 Балиқ каби

Шўнғиб ётардик...
Қизлар ўтса,
Орқасидан
Олма отардик.

Нурли, ойдин кечалар,
Порлар эди кўчалар,
Тўпланардик,
«Яшинмачоқ» ўйнардик.
Сўнг чарчардик,
40 Чумчуқ каби
Чирқиллашни
Ташлаб биз,
Роҳат-роҳат
Қўзи каби ухлардик.

Кунлар ўтди.
Шаҳар бизни
Олов кўзли,
Темир танли
От билан
50 Кўкрагига чақирди.
Узоқ кетдик,
Йўлда тоғлар,
Бир тегирмон тошидек
Чир айланиб қолдилар.
У, кишнади,
Мағрурларча бақирди.

Ёш кўнгиллар,
Поёни йўқ ҳисларни,
Йўлга сепиб,
60 Сўнг завқларга толдилар.

Йиллар учиб кетдилар.
Кўп баҳорлар
Қанот ёзиб,
Тилакларга етдилар.
Биз шаҳарнинг кураш маршин
ўргандик.

Фақат баъзан йўлларда
Телба сувлар оқалар.
Бизга қараб:
70 «Кел-кел» дейлар,
Қуёш эмиб боқалар.

ҚИШ

1

Оқшом... борлиқ оқ денгиз
 Тўлқинсиз ухлар...
 Юлдуз гўё олтин қиз,
 Жимликни тинглар...

Паст-паст уйлар, деворлар
 Оқ кўйлак кийган.
 «Муз тоғи»дек у томлар

10 Тинчликка чўмган.

Масжидларда кўринар
 Тасбиҳли чоллар.
 Ел эсганда уринар
 Маржонли толлар.

Тамға каби таниқли,
 Ҳар ерда бир из...
 Узоқларда жилади
 Уч-тўрт хотин-қиз.

Ой ҳам заиф боқади,
 20 Юзи қаварган.
 Маъюс, секин оқади,
 Гўёки толган.

2

Қуёш ҳамон ухлайди,
 Ҳар ён булутлар.
 Тарқалмаган оқшомги
 Оғир сукутлар.

Учли-кучли учади
 Бўрон — шамоллар,
 30 Қор — ун тўзиб кетади.
 Титрайди толлар...

Кўча-кўйда кўринмас
Бир кимса бул дам.
Қарға учар, ҳеч қўймас
Сайрашни, йўқ ғам.

«Муз тоғ»лардан чиқади
Бир алла сози,—
Еш гўдакни юпатган
Она овози.

- 40 Олмазорлар очганлар
Кўпик чечаклар.
Ҳар новдада чўзилган
Оппоқ ипаклар.

3

Муз сийнасин тилади,
У зар игналар,
Парча-парча синади
Садаф тугмалар.

- Киран иссиқ бир оқин,
Қорлар эритар...
50 Ҳар ер булоқ... ёз яқин...
Сув оқиб кетар.

Кўк юзини тутганда
Олтин пардалар,
Хўп ёш тўкиб йиғлайлар
Гўдак новдалар.

Тоғлар олтин сувларни
Тўймай ичади.
Кўкда оппоқ булутлар
Тинмай кўчади.

- 60 Оқ пардани ташлайди
Юмшоқ бахмаллар.
Сўнг ўсмоққа бошлайди
Кўк, юмшоқ парлар.

Мен йўлларда кетаркан
Ўйнаб қарайман.
Илҳомимнинг сочини
Аста тарайман.

СҮНГРА КУЛАР

(Чет ўлкаларнинг курашчи ишчиларига бағишлайман)

Кучли денгизда толғалар тинмай
Чайқалиб, юксалиб кураш қилади.
Бири енгиб қуёшга юксалади,
Бири пастларда янчилиб қолади.

Учли еллар денгизни ўйнатади,
Толғалар толғаларни кўзғатади.
10 Бири эрк деб курашга чоғланса,
Бири олтинга чангалин солади.

Эрк деган толғаларда бизлар ҳам
Ўч ва исён билан кўкаргаймиз.
Унда кўзлар-да истамаслар нам,
Тош кўнгилларга ваҳма солгаймиз.

Кучли денгиз тошар, жўшар, ўйнар,
Уринар, толпинар ҳаёт юраги.
Интиқом,
 юксалиш,

 кураш
20 тилаги
Эрк деган толғаларда қайнайди.

Энди ул тўхтамайди, ўйнайди,
Дард билан инграмайди, ўлмайди.
Кенг у денгизда ҳар томон ёйилиб,
«Еш чевар» толғаларни қўймайди.

Ҳар кичик парчаларда бирлашалар,
Ҳар тўсиқларни янчалар, ошалар.
Ел-да елпиб, ўпиб-ўпиб эсади,
Сўнгра кунлар кулиб-кулиб ўтади.

КЕЛ

(Кундалик дафтаримдан)

Кел. яқинроқ, кўнгилни чоғлаб кел,
Кел. севинчларни сен қучоқлаб кел.
Кел муъаррих, кел, эй қизил шоир,
Бизни ёз, мақта, кел, яқинроқ кел,
Ўтли дилларга шеър бағишлаб кел.

- Бизми, бир ўт, темир билан вулқон,
Ёш тилаклар-ла яшаган виждон.
10 Бизми, нурлар сочувчи ой, юлдуз,
Бизга жон берди ўт, кураш ҳам қон;
Бизми, олтин қанотли бир кундуз,
Бизни меҳнат қуёш билан боқди,
Жонли дилларда бир олов оқди,
Биз яшинлар каби учиб ўтдик,
Кўп булутларни топтадик, йиртдик,
Эй! Кураш бағридан мадад кутдик.

- Биз баҳор, қаршимизда қишлар бор,
Биз олов, олдимизда сувлар бор.
20 Бизни кўплар битирмоқ истади,
Яна ўз ўртамизда бир дайди
Бўш хаёлларга бўлди ул кун ёр.

Биз кураш даврасинда юксалдик,
Порладик, яшнадик, ғурурландик.
Дайдилар йўлни ҳам тўсолмадилар,
Биз курашдик, улар чидолмадилар,
Ўтли кунларда завқ ичиб қондик.

- Ҳали ҳеч бир кураш туганмайди...
Келингиз, қўлни қўлга ушлашамиз,
30 Янги йўлларда биз кўмаклашамиз,

Бизда куч ёш, курашда толмайди,
Шонли кунларда жим қололмайди.

Келингиз, тенги йўқ ҳаёт қурамыз,
Эски куйларни тингла сен, акбар,
Яна кўплар билан кураш қиламыз,
Шубҳасиз, биз, зафар билан куламыз,
Улуғ раҳбар,
чунки бор фирқамиз.

СИЁБ

1

Кўкдан
Ҳар кун
 олтин олов тўкилди.
Жимжит ҳар тун
Говға билан сўкилди.
Мудраган,
Ухлаган

10 ҳар ер ёшланди.

Қиш кетди,
Қор битди,
Ҳар новда
Оқ, пушти
Чечаклар тақиб,
Ҳар кўнгил
Унларга завқ билан боқиб,
Бахмал қўйлақлар-ла
Кўклам бошланди.

20

2

Биз шод, қувноқ,
Сиёб сари оқамиз,
Ҳар томонга
Севинч билан боқамиз.
Бир ёнда:
Ёйилган
Қўйлар, қўзилар
Кезади,
Утларни эзади.

30 Боққанда
Унларга
Хаёл чўзилар...

- Бир ёнда:
Ётади
Вайрона мозор,
Бағрида
Юради
Бир гавда:
Истайди
- 40 Кечмишдек вафоли бир ё
Ястаниб ётади
Вайрона мозор.
Биз бир тўлқин —
Сиёб сари оқамиз
Ёш дилларга
Олтин чечак тақамиз.

3

- Сиёб,
Гўё
- 50 Тўлган, кулган юзлардек,
Кўтарилар ҳар нафас,
Уйнар,
Истамас қафас,
Тўлқинлар ўтишади,
Сезгир-зийрак кўзлардек,
Баланд-пастга тушади.

- Ағдарилиб,
Кашта тикиб,
Тез-тез ўтиб кетади.
- 60 Ким билади,
Балки кунда,
Балки тунда
Ким қайларга етади.
Қанча йўлни
Енгиб, сўнгра
Ким қайларга сингади.

- Кичик кўприк...
Устунларга
Сувлар ўзни уради.
- 70 Оппоққина,
Қўнғироқли,
Кумуш чечак бўлади.

Кўприк кичик...
Лекин тетик...
Оғирликни сезмайди.
Бирни — унга,
Бирни — бунга,
Ҳар тарафга йўллайди.

Занжир каби
80 Уланишиб
Йигит-қизлар ўталар.
Эпчиллари
Тез шошилиб,
Чопибгина кеталар.
Баъзилари
Қўрқа-қўрқа,
Сўнг соҳилга еталар.

Кўлкалари
Баъзан кулиб,
90 Баъзан титраб
Уйнайди.
Узун сочлар
Мажнунтолдек,
Эгилмакдан тўймайди...

Бугун сайил,
Уйнашалар
Еш қизлар,
Еш йигитлар,
Гўёки сел,
100 Ҳам тошалар,
Узоқ қочган сукутлар.

Сайил,
Лекин,
Қурбон-да йўқ,
Ғам — узоқ,
Янги, ўтли
Йўллар учун,
Қўёлмайди
Дин тузоқ.

110 Ҳар дил — хурсанд,
Ҳар юз — кулган,

Сажда қилмай тангрига.
Англаган ул,
Бош әгмайди
Унинг хоин амрига.

Эсади ел,
Юксакларда
Ҳилпирайди рўмоллар.
120 Эгади бел,
Тубанларда
Сувга сероб
Еш толлар.

Ҳов баландда,
Улуғ гўрда
Бир пайғамбар чўзилган.
Янги насл
Уни ортиқ
Нафрат билан кўради,
130 Шам ёқмайди,
Пул — оқмайди;
Эшиклари бузилган.
Пойгаҳида
Оқ саллали
Қора бургут туради.
Юзларидан тупроқ ёғиб
Ўзни ҳар ён ташлайди:
— Еҳув!..— дейди,
Тангрисига
Ёлвормоққа бошлайди.

140 Пастда
Ҳамма хурсанд,
Ўйин... кулги... роҳат...
Соз... мусиқи... чалади...
Ҳар ҳисни-да
Қитиқлайди,
Ҳар дилдан сир олади.

Кенг бир давра
Ўртасида
Бир гўзал қиз ўйнайди.
150 Кўзни сузиб,
Қошни кериб,
Тинч тургани қўймайди.

Майда-майда
Қадам ташлаб,
қўшиқлар-ла
қайнайди.

Бугун сайил,
Еш юракда
160 Қолмагандир
Қайғу ҳеч.
Эй, қайдасиз:
Уйғун,
Илҳом,
Кетмаймизми,
Бўлди кеч!

ҲОЙ, ЯХШИ ҚИЗ

(Бир воқеадан сўнг)

Уз хотини билан май ичиб ўлтирган бир киши 5—6 ёшда бўлган қизчасига кичик бир стаканда вино узатади

— Шу қадаҳдан сен ҳам май ич, қизим.

- 10 Ҳой, яхши қиз,
яқинроқ кел,
бир-икки сўз сўзлайин,
Шу ҳолингдан
таъсир эмган
кўнглимдан шеър куйлайин.
Равшан, нурли
кўм-кўк кўзинг
ҳали кўпни кўрмаган,
Қарилардек
кулча юзинг
қат-қат бўлиб сўлмаган.
- 20 Тола-тола
у сочларинг
қуёш билан ювилган.
Пок сийнадан
сутлар эмган,
ҳой, ойдинда
туғилган —
- На қайғу-ғам,
на кўзда нам
ва на ситам
сезмайсан,
30 Ҳаёт билан
қайнаб тошган
кўнглингни ҳеч
бузмайсан.
Киприкларинг
ипак каби
кўтарилган
пир-пир этиб туради,
- 40 Пастга тушгач,
кўзларингга
парда каби бўлади.

Момиқ қўлинг
 шимарилган,
 юпқа кўйлак кийгансан,
 Еш кўкрагинг
 кўтарилган,
 сен яшашни севгансан.
 У шўх, зийрак
 кўзлар билан
 50 ҳар томонга қарайсан,
 Ширин-сучук
 сўзлар билан
 қарашларни тарайсан.
 Отанг-онанг
 сени жондан
 ва виждондан
 севади,
 Лекин, афсус...
 англамасдан
 60 сенга қадаҳ беради.
 Фақат, сен ҳам толпинасан,
 шодликларга тўласан.
 Гўё, эркин
 бир қуш бўлиб,
 шоҳдан
 шоҳга
 қўнасан.
 Ичма, қизим,
 у — бир заҳар,
 70 у — бир ўлим сувидир.
 Бир кул бўлган,
 у ҳаётнинг,
 сўнг юпаниш йўлидир.
 Агар ичсанг,
 баданларинг
 олов бўлиб ёнади,
 Кўкракларинг
 қисилади,
 кўзларинг ёш олади.
 80 Сўнгра сен ҳам ҳушдан кетиб
 жинни бўлиб қоласан
 Эҳтимолки,
 сен абадий
 курашларда толасан.

Қичқир, ҳайқир!

Отанг-онанг

энди сени тингласин,

Қадаҳларни

тез улоқтир,

90

улар бир оз ингласин.

Бўлмаса қоч,

замон сенга

кенг бағрини очгандир,

Сендайларнинг

бошларига

меҳр гули сочгандир.

Унда юзинг,

бир ой каби,

бир кун каби

100

тўлади

У юзларда

сенинг бахтинг,

истиқболинг

қулади.

ЧУЛЛАР

Нам кўрмайин, қақраб бу чўллар,
Асрларни кутиб олганлар.
Юрак — ташна, тил — йўқ, ястаниб
Ҳар ўтганда тўниб қолганлар.

Минглаб йиллар, меҳнат боласи
Бу ерларда роҳат кўрмаган.
Ишлаб, нафас олиб ёзилиб,
Эркин қулоч отиб юрмаган...

- 10 Баҳор боққан мармар қарвонлар,
Қора кийиб, маржон тўкканлар.
У маржонлар, бу кенг танларда
Йўқолганлар, сингиб кетганлар.

Узоқларда жонсиз кўринган
Овуллар ҳам йиғлаб ухлаган.
Саҳар туриб шўрли ҳар хотин
«Тангрим...» деган, тўлиб йиғлаган.

Энди бу ерларда ҳар нафас,
Аламларни завқлар сиқади.

- 20 Поезд ўчган чоқда бекатлар
Алвон рўмол ўраб чиқади.

Шу дилкаш дамларда мен яйраб,
Лаззатга ғарқ бўлиб кетаман.
Кенг чўллар кўксига диллардан
Қон билан эсдалиқ битаман.

Истиқбол юзини очгандир,
Чўлларга умидлар оқади.
Армонлар кулишлар сочгандир,
Қалбларга бир баҳор боқади.

- 30 Тақдир мени тағин бир кунлар,
Бу чўллардан олиб ўтади.
Чин сероб дилларни кўрсатиб,
Тўлқиндай ўйнатиб кетади.



Ҳамид Олимжон журналист Абдусалом Ниёзов билан
Қримда. 1929 йил.

ЛЕНТАЛАР

1

Поезд ханжар каби ҳавони тилиб,
Қўкраклари уриб олға чопади.
Ўйнаб, сакраб чиқиб еллар, тўкилиб,
Қўкатлар юзини хасдек ёпади.

Кенг чўллар титрашиб кетади ўтиб...
Баъзан тепачалар, тоғлар қўйнида,
Кемадек ўралар поезд тўлқин-ла,
10 Ўткир товушлари тутун-ла битиб.

2

Яйраб ҳаволарда бир қуш учади,
Сийдам қанот билан елпиб ўзини.
Чарчаркан, симларни секин қучади,
Юмшоқ парлар билан ёпиб юзини.

3

Бекатлар қайнашиб кутиб олади,
Қўйнига ҳансираб етганимизда.
Чечаклар силкитиб, тўниб қолади,
20 Қарашлар оқизиб кетганимизда.

4

Хайрлашган каби қуёш ботади,
Очилиб кечанинг кенг қулочлари,
Ёзилиб қоп-қора атлас сочлари,
Табиат кўнглидан куй уйғотади.

Мармар сийналарда олтин тугмалар
 Чўғ каби ялтираб ўзни кўрсатди.
 Темир полвон поезд кўкракни кериб
 30 Тепа — қумликларга шўнғиди, ботди.

Саҳроларга оқиб ойнадан нурлар,
 Юлғунлар юзига холлар солдилар.
 Кетга боққанимда шу чексиз чўллар,
 Кўклам дарёсидек оқиб қолдилар.

Ўрмонлар қўйнида булбуллар сайраб,
 Чақирар кўзларга кўринмай секин.
 Тингларкан ёзилиб, кўнгиллар яйраб,
 — Тўхта, қолгил,— дейлар,— бир оқшом, бир тун.

Улуғ дарёларни босиб ўтамиз,
 40 Хўп сузиб ёталар ёш қайиқчалар.
 Қубба-қубба бўлиб қўнғироқлари,
 Ўйнаб кетадилар шўх ариқчалар.

МЕШЧАН ХОТИН

«Замон бизнинг темир қалбларга
Хар хил ҳислар... ҳислар қўндирган.
У туйғулар қўнган маскани
Тушунчалар билан тўлдирган.
Фақат бурчақларда ҳали ҳам
Сирчилар бор
Келмас уйқуси.
У қалбларга сингиб кетгандир
10 Меньшевик, бой мешчан туйғуси.

(Безименский. «Владимир Ильич»)

Қурашлардан, сен қонлардан қочгансан
Истамайсан... дунёларни ғам босса,
Ер танига қон сиёҳ-ла хат ёзса,
Зўр доврўқлар ишқирса-да, ўқ отса...
Қимирлашни... сен қонлардан қочгансан.

Чарчагансан, энди бир дам ёзилиб,
Мумдек эриб, ҳар аламдан узилиб,
Эски дамлар, исёнларни унутсанг...
20 Телба қилган ваҳмларни қурутсанг...

Қуёш ботса, қон сингари шафақлар
Қўклик эмса, ҳамма ишдан жим... тинса...
Довруқлардан янграб кетган қўшиқлар,
Мадор битиб, узилса-да, тинч... синса...

Кўлка босса ҳар борлиқни, ҳар ёқни,
Ҳамдам қилиб кучукчангни, айлансанг
Шаҳарларни... ҳар кўлкага бойлансанг,
Сенинг учун кураш бўлди, иш битди.

Эҳ, мен сени-бир зоғ каби севмайман!
30 Кечолмайсан сен биз билан йўлларни.
Кураш ёниб, танларда қон қайнаркан,
Кўзлар тишиб, тоvonларга тош — тикан
Ботган чоғда, қонсираган чўлларни.
Юксак тоғлар рўпарада ястаниб,
Чўққилари кўкраклардан қон сўрса

Пешонага шунда келиб ўқ
бўса,
заҳар бўса
олса, шунда томчилаб,
40 Киприклардан жавдирашиб қон оқса...

Маҳрам бўлиб, боғлолмайсан уни сен,
Курашлардан, сен қонлардан қочгансан.

Эҳ, мен сени бир воғ каби севмайман!

ЎЗБЕКИСТОН

1

Қуёш чиқар, тўр ёяр
Оқар олтин тутунлар.
Кўчалар қизар, куяр...
Шундай бошланар кунлар.

Ғижирлар кичик эшик,
Чиқар қизил кашшоф қиз.
Ёмғир ювган япроқдек
10 Жонли, тирик ва тетик.

Яйраб, яшнаб кетади
Ўйнаб нурли кўзлари;
Мақтабига етади,
Порлаб анор юзлари.

Йўлдошларин кўради,
Сўрашади, кулади.
Муаллима — ёш хотин,
Уни жондай севади.

2

20 Шаҳар... Ҳар юмшоқ саҳар
Куйлар билан уйғонар.
Аламлилар бағрига
Севинч тикандек ботар.

Шалоладек шариллаб,
Шовқин-сурон қайнайди;
Машиналар ўйнайди,
Ёниб, порлаб, гуриллаб.

- Бугун байроқлар яна
Қизил карвон кутади.
30 Кўчаларни тўлдириб,
Пўлат отлар ўтади.

- Соқолига оқ тушган
Деҳқон ота минбарда,
Чопган,
Ҳовлиққан,
Шошган...
Сўзлар бир зум
Бир парда:
— «Биз сиз билан биргамиз
40 Муштумзўрлар йўқ бўлсин.
Биз кўплашиб келамиз,
Бу уларга ўқ бўлсин».

3

Зарафшон асир бугун,
Ҳовлиқмайди, тошмайди.
Қирғоқлардан ошмайди,
Бўйинини эгмиш бутун.

- Ҳар томонда ишчилар
Тошларни синдиради.
50 Дарёни тиндиради
Темир тан курашчилар.

Духоба қирғоқларда,
Янги дунё яралган.
Игна — сарғич иплар-ла
Электр зафар чолган.

Тўғонларда ёзилган:
«Қумликларга оқмайсан,
Буржуйларни боқмайсан...»
Зарафшон нурга тўлган.

60

4

Мармар каби салқин тун...
Кўзгудек тиниқ, ойдин.
Дала яйраб ётади,
Янграмай куй, чиқмай ун.

Жўра қўлда кетмони,
Сув очгали кетади.
Оқ олтиннинг гуллари,
Чўллаб уни кутади.

- Сувлар келади ана,
70 Қутуриб, мастдек тошиб,
Паст марзалардан ошиб,
Жўра севинар яна.

5

Тинди ойнинг нурлари,
Хўрозлар овоз солди.
Адолатой уйғониб,
Барг кесгали йўл олди.

- Қучоқ-қучоқ баргларни
Тўплади катта боғдан.
80 Севинчлар қалдирғочдек
Учарди сўл ва соғдан.

Уйда ипак қуртлари
Бир ҳашарни кутгандек,
Очлик йилин ўтгандек
Пишилар, ҳовлиқарди.

- Адолатой келарди
Полвон каби дам тортмай.
Новдаларга кўмилиб
Чарчамай,
90 Толмай,
Ботмай.

6

Фабрика — улуғ бир қалб,
Бугун ҳислар бирлашган,
Сезги-ҳислар улашган,
Ҳамма бир оғиз, бир лаб.

- Парралар айланади
Ёруғ, эркин диллардек.
Пиллаларнинг қиллари
100 Бир-бирга бойланади.

Қизил ўтлар ёнади,
Ҳар кун янги учлар-ла,

Унинг бахти, завқига
Тер тўкканлар қонади.

7

Оқшом, қоронғи, қуюқ,
Оёқ ташлаб бўлмайди.
«— Ё илоҳи, на ёздик,
Замон нечун ўлмайди».

- 110 Мулла, сўфи меҳробдан
Елғиз, хафа чиқади.
Фанори кўнгли каби
Хира, уни сиқади.

Заҳар босган танини,
Оғир қадам ташлайди.
Тор кўчага бурилиб,
Шикоятга бошлайди.

- Дарвозани очади
Орифжонбой — кўп беҳуш.
120 Йўқолади,
Ботади
Бу уч илон, уч бойқуш.

8

Кўчалар олов ва чанг...
Яктагини ёпиниб.
Йигит сўзлайди кулиб:
«— Қовун келади, кетманг!»

- Аста-секин жилади,
Бир арава узоқдан.
130 Чўзилиб қўшиқлари,
Одам чиқар ҳар ёқдан.

«— Чўллаб қолдик, ташнамиз,
Ташлаб кетинг биттани»...

«— Хўп, берайин жон билан,
Ол пичоқни, сўй, қани».

Тўрдор қовун карсиллаб,
Қантдай эриб кетади:
«— Эшмат ака, албатта,
Истагига стади».

КУЗ ҚУИНИГА КИРГАНДА

Гумроқлардек булутларнинг кўзлари,
Тасбиҳ каби дона-дона ёш тўкди.
Тиланчилар кўйлагидек йиртилди,
Оғочлардан парча-парча япроқлар!..

Хаёлимнинг зарвалари устида,
Пахта каби оппоқ қорлар юксалди.
Табиатнинг кийимлари тусланди,
Сарғайдилар, афсус... бахмал ўтлоқлар...

- 10 Кумуш янглиғ булоқларнинг сувлари
Шеър ўқишда кўп ўйланди, сустланди.
Қора сатр қуш қалбига жойланди,
Лаззат диёридан айрилган чоқлар!..

Яшаш ҳоким, кураш ҳеч бир тинмайди,
Яна қалбларда ўйнарлар. баҳорлар!..

ТЕМИР ҚОНУН

1

Узбекистон,

яйра,

қувон...

Қайгудан

Кенг бағрингда зарра бўлсин

асар йўқ,

Бир полвоннинг

10 мадад сочган

отидан,

Яшин кўзли

бир паровоз кетидан

юзмоқдасан:

Йўллар — ўткир,

одимлар — нур,

армон — ҳур,

Томирларда

тебранган

20 жон

айтар:

— юр.

Қарашлар — тўқ...

Бу — зўр оқин,

Бу — бир ердан учган ўқ.

Кетаётир,

ўтаётир,

жон кўрмаган

чўллардан;

30 Оғир,

мушкул

йўллардан.

Порлаётир

юракларда

лахча

нур.

- Кўрсин
 бу кун,
 Юрагига боғлаб олганлар тугун,
 40 Бу ҳайқирган кетишни,
 Тўғонларни
 тупроқ қилиб ўтишни.
 Туйсин,
 секин
 Узоқларда ҳар бир тун,
 «Яқиндаги»
 йўлдошларин,
 юракдаги тугунин.
- 50 Кўрсинларким,
 қулаётир
 деворлар.
 Олов тушган чордевордек
 тинмасдан
 ўлаётир:
- Деворларни яратган,
 Тирноқ билан юракларни қонатган
 Узун соқолли чоллар
 ўлаётир,
 Юксакларга минмасдан
 60 деворлар-ла,
 чоллар-ла
- Чирик, узун чинорлар...
 Бу бир ҳукм,
 замон —
 босган
 қалблардан
- Шундай олов чиқарган.
 Вайрон
 тарқоқ
 70 қишлоқлар,
 Чумолидек бир уяга
 оқаётир.
 Бир уяга бирга қон ташиб,
 Бир уяга бирга жон ташиб,
 Бир эшикни бирдан қоқаётир.
 Яшил
 юмшоқ
 ўтлоқлар,

80 Кўкрагида боқаётир
оқ булут.
Кураш қизгин,
Ҳар томчи қон
сочиб ўт...

3

Ана,
отда
оловларга
кўмилиб,
Олов сочган шуълаларга чўмилиб,
90 Энаётир
бир уяга... қони тошган
бир йигит,
Баланд — юксак тоғлардан
ағдарилган
тош каби
Эски, чурук кулбаларни
бузаётир,
Метин пўлат тош каби.
Учаётир,
100 Қанотлари оловланиб,
ўт сочиб.
Қора-қурум
тунларда-да,
Оловланган қанотлар-ла
йўл очиб.
Кулаётир
чигриқлардан
омон ўтган
бир чигит,
110 Учаётир,
бир уяга... қони тошган
бир йигит,
Олиб қувват
ўтдай ёнган
чоғлардан.

4

Сезаётир,
бу кетишнинг кучида,

- 120 Бу ўтишнинг,
бу ютишнинг
ўчида,
Сийнасига
тракторнинг босганин:
Сийнасини
ерлар каби
қўпорганин,
очганин;
- 130 Сезаётир,
Сўнгги дамнинг ўнгга қадам
босганин —
Ўлаётган
муштумзўр.
Ёнаётир,
газаб билан,
ўч билан,
Тутаётир,
сўнгги исён,
куч билан,
Учаётган,
шу ўчиш-ла кечаётган
140 Чилчироқ,
йироқ,
узоқ,
кўп узоқ
Кўрган ҳузур:
кечаётир —
оғир
ва зўр
бир давр...
- 150 Кулаётир
чиғриқлардан
омон ўтган
бир чигит,
Учаётир
Мағрур, пўлат отларда
Бир уяга... қони тошган
бир йигит.

УЛКА САФАРБАР

- Япроқлар
 сарик эмас,
Япроқлар
 ёруғ.
Япроқлар
 оғриқ эмас,
Япроқлар
 тетик.
- 10 Ойна каби
 зилол сувлар
 оқаётир тик,
Оқаётир, зилол сувлар
 ювиб қалбларни,
Довруқ солган
 қўшиқлари
 қучиб лабларни.
- Тўлган Норин
 кўчалари
- 20 Тупроқларга
 титроқ бериб
 чопар грузовой,
Колхозидан
 бу кун
 келган
- Ботир
 Болтабой,
Шу қайнаган курашларда
 ўлса-да қайтмас!
- 30 Муштумзўрга
 ҳеч ён босмас,
Сира сир айтмас;

Тўлқинларда
 ганграб қолган
 қайиқдай ботмас
 Киприкларга
 дам бермасдан
 ҳар кечалари,
 40 Беш йилликни
 тўлдирмоққа
 сўз бераётир.
 Миясида
 кучли бир зарб
 бонг ураётир.
 Райпарткомнинг
 эшигига
 қизил карвонлар
 Рапорт билан
 50 келиб дейлар:
 — Утмасин онлар,
 Асримизнинг минутлари
 бўшга кетмасин!
 Басма-баснинг
 паймонлари
 изсиз битмасин!
 Сим қоқинг
 Марказкомга,
 хабар беришгиз!
 60 Эшиттиринг
 Москванинг
 ишчиларига.
 Салом ёзинг
 фабрикаларнинг
 урдуларига.
 Беш йилликни
 биз тўрт йилда
 тўлдиражакмиз!
 Режамизнинг
 70 шу раҳмсиз,
 ўткир учини
 Муштумзўрнинг
 кўкрагига
 аямай қадаб,
 Большевикнинг
 бу пахтазор
 водийларида,

Ҳар кўсакни
 бир ўқ каби
 80 «Будённий»нинг кулдиражакмиз!
 колхозига
 бу кун шу аскар,
 Узоқларни
 босиб келган
 шу ўртоқ
 раҳбар.
 Соқоллари
 қор каби оқ
 90 шу батрак
 падар;
 Шу — баттарин,
 шу — қаҳрамон,
 шу — зарбдор денгиз.
 Шу — комсомол,
 шу — қаҳрамон,
 шу — чилвир соч қиз.
 Эрта кунги
 бахт белгиси,
 100 шу порлоқ юлдуз,
 Пахта тўплаш
 фронтига
 бўлиб сафарбар,
 Беш йилликни
 тўлдирмоққа
 сўз бераётир.
 Комсомолга
 дадил туриб,
 аҳд этаётир.
 110 «Охунбобо» колхозининг
 ибрат эрлари,
 Янги колхоз
 оқимига
 қучоқ очади.
 Ёппалашиб,
 биргалашиб,
 ўсиб,
 қуришиб.
 Бундан сўнгра •
 120 муштумзўрнинг
 ўсган ерига

Елгиз

колхоз

чироқлари

ёруғ сочади.

Чақмоқ каби

юксал,

яшна,

уч узоқларга,

130 Кенг жаҳонга

донг тарқатган

эй, азамат шер!

Эй, большевик исми билан

нафас олган эр!

Михлар каби

қадаб кўзни

душман ёқларга —

Тўғонларни тупроқ қилиб

ўтиб кета бер!

ИККИ ТОМЧИ ҚОН

«Эҳтимол, келажак — шонли тарихнинг
Қизил қанотини кўра олмасмиз.
Қизил қанотидан шонли тарихнинг
Қувват, ором олиб кула олмасмиз.

Эҳтимол, бизларнинг томир қонимиз
Учли оқишлардан балки тўхтарлар.
Эҳтимол, бизларнинг юрак-жонимиз
Кучли урушларга кўпларни чорлар.

- 10 Сезамиз, титраган ҳар бурчаклардан,
Янги бўронлардан хабар келадир.
Дард билан ҳайқирган шу бўронларда,
Келажак кунларнинг юзи куладир...».

Шундай ёзган эди ўн бир йил бурун
Бизнинг юраклардан оққан икки қон.
Қора кафанларга томиш олдидан
Бизнинг юракларни ёққан икки жон.

- Берлин кўчалари йўқотиб уни,
Бўрон бурчаклари мотам қилганди...
20 Берлиннинг у иблис, олчоқ девлари
Суяклар устида базм қурганди.

Лекин асримизнинг ҳар бир бурчаги,
Шундай қонлар билан хўп бўялгандир.
Ҳар тупроқ,
ҳар темир,

ҳар чўян бугун
Шу каби қонларга ўзни солгандир.

У қонлар, ҳали ҳеч тўхтаган эмас,
У қонлар, Берлиннинг миллион очлари.
30 У қонлар, ҳали тўхтайин демас,
У қонлар, Берлиннинг яланғочлари.

Битмас кўнгиллардан ўн бир йил бурун,
Бизнинг юраклардан оққан икки қон.
Қора кафанларга томиш олдидан
Бизнинг юракларни ёққан икки жон.

ҚИШ КҮЧАСИДАН

- Йўллардан
 завқ билан
 келаман,
Ҳар ён — жим...
Севинчим
 ёнаркан — кўнглимда...
 еламан...
- ...Жиламан...
10 Уйларим тарқоқмас,
Кўзларим ерларга тикилган,
 диққат-ла тўнаман,
Хаёлим
 қарорсиз тез оқмас.
Оппоқки
 шу қадар
 бу қорлар...
- Бошлайман,
Тубандан — юсакка интилиб,
20 Авайлаб одимлар ташлайман.
Йўргакка ўраган
 Қиш мени,
Чақалоқ сингари
 қўраган,
Очилиб, сочилиб бўлмайди.
Ҳамма ёқ
 шу қадар оппоқки...
Ғичирлар ерларда қорлари,
Ҳар тили шу қадар чахчаҳки...
- 30 Бошлайман,
Авайлаб одимлар ташлайман.
Дарахтлар
 шу қадар
 оппоқки,

Оқ булут кўклардан энгандай,
Новдалар

шу қадар оппоқки,
Булутда чўмилиб тингандай.

Қорлардан йўл очиб келаман,
40 Шу совуқ

жонлилик
бергандай,

Қонларим
соф ҳаво

эмгандай,

Оқ туман қўйнида

жиламан,

Йўллардан

завқ билан

50 келаман.

МУДОФАА КУНЛАРИДА

- Бос,
одимлар
қаттиқ-қаттиқ
ерларга ботсин —
- Тракторлар
ғавғо бошлаб
ерни ёргандай.
- 10 Бос,
тарихда
улкан, улуг
қадамлар отсин —
- Енгган синф
зафарларга
тўлиб боргандай.
- Бос,
душманнинг
кўкрагига;
- 20 Бос,
юрагига;
Бос,
қаттиқроқ,
сўлаётган
ёв тилагига.
- Бос,
узилсин
ҳар душманнинг
сўнг томирлари,
- 30 Қўлдан чиқиб
бойликлари,
даври,
ерлари

Ларзалансин

қулаётган

бир чолдевордай.

Бос,

титрасин

ҳар муштумзўр

бир зах девордай.

40 Эй

милтиқни

милтиқ каби

қўриқлаб турган,

Вужудларни живирлатиб

даҳшат-ла

юрган,

Эй

Донбассда

кўмир ялаб

қаҳ-қаҳа урган.

50

Эй

шўролар даласида

трактор

бурган.

Эй

пахтазор

водийларнинг нашъасин сурган,

Эй

60

дунёнинг белларига қизил боғлаган,

Эй

қурилиш қўрғонини

ҳирс билан

қучоқлаган.

Эй

бағрининг сути билан

ўзни оқлаган,

Синф учун,

70

ҳар нафасда

партия учун

Уткир,

олмос одимларни

маҳкам бос бу кун!

Эй

ишчининг иродасин

барча
 жаҳонга
 80 Санаб босган,
 қаттиқ,
 пўлат
 одимлари-ла.
 «Байналминал»
 марши каби
 тарқатган қўшин,
 Кенг ўлкамиз
 бино қилган
 меҳнат тоғларин,
 90 Кўз қораси
 орасида
 сақлаган қўшин.
 Синф учун,
 ҳар нафасда
 партия учун,
 Темир,
 толмас одимларни
 маҳкам бос бу кун,—
 Зулм оқизган
 саройларни
 100 Русияга
 гўрларга тиқиб,
 қизил байроқ
 ҳов,
 осганингдай,
 Шўро Шарқин
 кўкка чиққан
 тепаларида
 Кўршерматлар,
 Анварларни
 110 парчалаб...
 тўғраб,
 Деникинлар,
 Колчакларни
 ҳоп
 босганингдай,
 Зўр қурилиш
 денгизида
 оқар СССР.
 Қулликларга
 120 нафрат билан
 боқар СССР.
 116

Ұлим оққан
 ғарбда бугун,
 Ҳар бир
 жаҳонгир:
 Бир заҳарли
 илон каби
 ўрмалаб
 ҳар ён,
 130 Бир қуюндай
 ўзни уриб,
 тез,
 у ён, бу ён,
 — «Уруш!
 — Дунё
 Мустамлака!
 — Даёшь
 уруш!»
 дер.
 140 Синф учун,
 ҳар нафасда
 партия учун,
 Қилич, бомба одимларни маҳкам
 бос бу кун!
 Бизнинг танда
 тўхтамасдан
 қон
 югурганда,
 150 Душманларга
 нафратимиз
 постда
 турганда,
 Ҳар изимиз
 сергакликдан
 нидо урганда,
 Ҳар бир олчоқ,
 ҳар бир жосус
 зараркунанда,
 Асар қолмай
 160 изларидан
 қизил ватанда,
 Бомба тушган
 бир кулдадай
 портлаяжакдир.
 Пролетар

қўлларида
 яшайиш эмган,
 Ёш бахтли
 гўдак каби
 170 Янги дунё бир ҳаёт шимган
 яратажак
 кулла юзидан,
 Пуанқара,
 ҳар оқ қочоқ,
 Антанта
 бари,
 Иши битган
 фоҳишадай
 180 Милтиғи, ҳайдалажакдир.
 тўплари,
 бомба,
 газлари,
 Бир улоқ
 бойқушнинг шум овозлари,—
 Қуёшлар-ла
 бизнинг ўлка
 190 пойга қурганда;
 Ҳар изида
 дунё қуриб олдин юрганда,
 Узи учун
 ўлим бўлиб портлаяжакдир!
 Синф учун,
 ҳар нафасда
 200 Нефть шимирган партия учун,
 одимларни маҳкам
 бос бу кун!
 Жавоб учун
 бу кун ўлка олчоқ душманга —
 Эй уруш деб
 қўтирувчи
 жаҳонгир,

210

сенга,—

Милтиқ

отмоқ

ўргангани

тирга боради.

Жавоб учун

ҳар бир завод,

ҳар бир фабрика

Ўприлишнинг

ўтакасин

тўпдай ёради.

220

Далаларда

тонг отқизган

колхозчи ўртоқ,

Партияга

содиқ бўлган

ҳар дўст, кўнгли оқ —

Пахтазорлар

кўсагига

жон киргизади.

230 Беш йилликнинг тўрт азамат

ғилдирагини

Айлантириб

яна қаттиқ

тез юргизади.

Жавоб учун

душманларга

мана бу кун мен,

Сафарбарлар

онти билан

постда қоламан.

240

Жавоб учун

юрагимни,

шеърим,

ишқимни,

Душманларга

нафрат билан

қўлга оламан.

Синф учун,

ҳар нафасда

партия учун,

250 Оғир,

чўян одимларни

маҳкам бос бу кун!

БИЗ ЕНГДИК

Шу кучли,
 шу оғир машиналарсиз:
 Бўлмаса
 азамат
 Волховстрой,
 Электр кучининг
 зўр тўлқинлари,
 Оқмаса
 10 зарб билан
 кенг Днепрдай,
 Трактор
 тиргизиб
 Сталинград,
 Олий суръатларга
 ўтмаса агар,
 Улканинг бағрида
 гигант гавдалар
 Тоғлардай гердайиб
 20 гар тўкмаса зар.
 Донбассда
 зарбачи
 бутун қалби-ла
 Кўмирлар қўйнида
 ўсмаса эди;
 Кенг Помир бағрида,
 Вахш саҳросида
 тупроққа
 ботмаса
 30 катер
 Экскаватор;
 Шу оғир,
 шу мағрур машиналарсиз,

- яшнаса
қулоқ;
- 80 Якка,
ёлғиз
кулбаларда
қора-оқ байроқ;
«Омоч! Омоч!»
дея ҳар чоқ
ҳилпилласайди;
Қалбларимиз
курашларда
ўнглар қалбидай
- 90 Муштумзўрга
омон тилаб
бир гулласайди.
Ўнглар билан
борса агар
бирга партия,
«Секин ўсар
бизга қараб
муштумзўр» дея,
Ишончсизлар,
умидсизлар,
ўнглар қайиғин,
Тўлқинларда,
денгизларга
ботирмасайдик;
Ҳужумларда
маҳкам туриб,
синфий курашнинг
Қаттиқ,
пўлат отларига
ўтирмасайдик,
- 110 Мағрур,
метин одимлар-ла
ўса олмасдик.
Мудҳиш душман
тоғларини
кеса олмасдик.
Беш йилликнинг
уч йилига,
энг кескин йилга —
- 120 Энг кескин,
Энг қатъий.

энг улуғ йилга —
 Энг улуғ,
 энг ўткир
 қилич бу йўлга.
 Юракларни
 дадил ушлаб
 кирмасак агар;
 130 Қўл кўтариб,
 бизга қараб,
 тоғлар,
 қишлоқлар;
 Кўкрагига
 кўсак осган
 юмшоқ
 ўтлоқлар;
 Булутларга
 бош суқароқ
 дароз трубалар:
 140 — «Биз-тайёрмиз!
 Биз ҳозирмиз,
 бизмиз сафарбар!
 Зарбдор
 бўлар
 бу кунларда
 танларда
 ҳар пар!»—
 Деб доврўқлаб,
 Ҳар кечалар,
 150 ҳар бир саҳарлар
 Гумбурлаган товушлар-ла
 қичқирмаганда,
 Гилдираклар белларига
 боғланган камар,
 Суръатларга
 тил киргизиб
 бонг урмаганда,
 Большевиклик қўшиқлари
 ҳар бир заводдан,
 160 Юракларни
 ўлчаб босиб,
 ўйнатмасайди
 Ҳар ишчининг
 шуурига,
 басма-бас сингиб,

- Ялқовликни томирлардан
 ирғитмасайдик;
 Ҳисоб олиб
 тупроқлардан,
 170 Нур тўкарак темир тоғлардан,
 қишлоқларга
 ток-чироқлардан
 Тилхатларга
 қўл қўйдириб
 олмасак эдик;
 Беш йилликнинг
 Севгисини
 180 Янги ҳаёт ҳар дўст юракка
 ишқи каби
 солмасак эдик;
 Кенг ҳужумнинг
 болғасидан
 олов чиқариб,
 Бир илоннинг боши каби
 «Промпартия»
 бошларини
 190 мажақ-мажақ
 қилмасак
 эдик;
 Ўткир, олмос одимлар-ла,
 ўса олмасдик,
 Жаҳонларга
 жон киргизиб
 ғавғо солмасдик.
 Пўлат каби
 юракларни
 қаттиқ ушлашиб,
 200 Тоғлар билан
 маъдан учун
 Ҳар он мушглашиб,
 Ҳайкал каби
 гавда қурган
 ҳар юксак тошнинг
 — «Чўян бер!» деб
 тепасида
 турмасак агар;
 Қоронғининг сукунати

- 210 Ҳар бир тошнинг ўт-ла ёрароқ,
юрагини тинтув қилароқ;
— «Кўмир қайда?» «Топшир бизга!»
деб турмасайдик;
НЭПманларнинг димоғига
оқизиб заҳар,
220 Тупроқларнинг томиридан
қора қон каби
Нефтларини саноатга оқизмасайдик;
Аср бўйлаб ухлаб ётган
саҳро бағрига
Темир босиб Турксибларни
турғизмасайдик;
230 Шу полвон,
қаҳрамон беш йилликларсиз,
Соҳилига яқинлашган
бир кема каби,
Юракларга қувват бериб
ўса олмасдик.
240 Ваҳший,
мудҳиш тўлқинларни
тўса олмасдик.
Биз енгдик! Биз енгдик!
Енгажакмиз
биз!
Саодатчи — зўр синфнинг
ибрат байроғи.
250 Йўллар кескин
партиянинг иродасидай,
Партиянинг иродаси,

бизнинг йўлимиз!
 Жумла жаҳон
 ишчисига
 кўрсатажакмиз:
 Қандай қилиб,
 одимларни
 260 ташламоқ керак.
 Қандай қилиб,
 тарихларнинг
 кенг кўкрагида
 Большевикча
 курашларни
 бошламоқ керак.
 Беш йилликнинг
 энг азамат,
 энг қатъий йили
 270 Заводларни
 зарбдор этиб
 янгратажакдир.
 Янги дунё
 бойлигининг
 пойдеворини,
 Электрик одимлар-ла
 отлатажакдир.

ТАЙЕР ТРАКТОР!

1

Узун ва зўр
кенг ишхона
тўла
одам-ла.

Ҳаёт қайноқ.
Ҳар ёнга боқ,
Қайнашлар
қизгин,

10 Кўк кўйлақлар
ўтмақдалар,
Тез
бирин-
кетин
Кечмақдалар
пўлатларни кўтариб ишга,
Келмақдалар
гурас-гурас
порлоқ турмушга.

20 Ғилдираклар
кўз тиндириб
айланмақдалар.
Ғилдираклар
тилларини
тез учраштириб,
Ғилдираклар юрагини
ювиб,
шошдириб,

30 Айланишнинг
суръатларин
қувиб,
ошдириб,

- Сув сингари
оқаётир
қайиш камарлар.
- Томаётир
тешиклардан
нефть томчилари,
- 40 Учқун бошлаб
болғаларнинг
Ут қамчилари,
Кезаётир
корхонани
азамат оҳанг.
- Юракларни
пўлатларга
болғадай урсанг,
- 50 Урсанг агар
томирлардан
олов чиқариб,
Оловларинг
ёлқин сочса
порлаб,
куч олиб,
Электрик лампаси-ла
шу комсомолдай,
Тракторнинг
мурватларин
- 60 Кўздан кечирсанг,
Тўхтаб қолган
темирларга
ҳаёт ичирсанг!
- Қайнаб,
шошиб олишмоқда
буюк юрак қон,
Тўлаётир
корхонада
промфинплан.
- 70 Узун ва зўр,
кенг ишхона тўла одам-ла,
Одимлайди
олмос ҳаёт
пўлат
қадам-ла.
- Зум кечирмай
қицқирароқ ишламоқдалар

Юриб,
80 чарчаб,
тўхтаб қолган зўр тракторлар
Ботқоқ,
юмшоқ тепасида
Семиз сўнгсиз изларнинг,
ва бой кўкрагида
кенг денгизларнинг.

2

90 Тиқир-тиқир
кечаётир юк вагонлари —
Кечаётир,
тиқир-тиқир узун ўқ каби,
Паровознинг
ёзиб қўйган
ўт кўзларига:
100 Қатъий йилнинг кўкламига
тайёр трактор!!!
Бекатлар — эич,
жуда қайноқ,
Одам-ла
тўла,
Паровозлар
ёндириб ич,
муздай изларда
110 Сузмакдалар
пўлат, оғир,
толмас қадам-ла.
Уйдан уйга
югурарак бригадаци,
Тиними йўқ,
дам олмасдан
ҳеч кундуз,
кечи.

Гилдиракни

120 яна тезроқ
Айлантирса,
саҳроларга
темир босиб,
ерни қондирса:
Тикилмакда
у ён-бу ён
«Манзил қайда»
деб,

130 «Ҳай машинист!
Паровозни
тезроқ ҳайда!»
деб.

Тиқир-тиқир
кечаётир
юк вагонлари,

Тиқир-тиқир
кечаётир
узун ўқ каби,

140 Паровознинг
ўқдай ёнган
лахча кўзлари

Мияларга
аниқ,
қисқа
сўзлар қоқади...

Тракторлар
пахтазорга қараб оқади...

3

150 Янги кўклам
байрамига
тайёр
трактор,

Тракторнинг
тепасига
маҳкамроқ ўлтир!

Ўлтир!
Қўпор!
Далаларнинг
кўкрагини ёр!

160 У меҳрибон
сийналардан
олтинлар чиқар!

Ҳайда тезроқ,
 тупроқларнинг
 боши айлансин,
 Бос қаттиқроқ,
 муштумзўрнинг
 тили боғлансин.

170 Трактор-ла
 қўпор ерни,
 қўпор қалбларни,
 Қўпор,
 тинма,
 марзаларни,
 қисқа лабларни.

Мустақиллик
 уруғини —
 чигитларни
 соч!

180 Агдар ерни,
 трактор-ла,
 пахта йўлин оч!
 Оч!
 Пахталарнинг донларини
 яна
 кўпроқ
 соч!!

Соч!
 Пахтазор денгизларга
 етмасин қулоч!!

190 Сочма ўқдай
 у
 қадалсин
 душман юракка,
 Тиқажакмиз
 муштумзўрни
 тор,
 берк бурчакка.

200 Пахта билан
 йиқилажак
 ҳар олчоқ
 душман,
 Ҳеч муштумзўр
 ўта олмас
 бу имтиҳондан.

Янги кўклам

курашига
 ҳайқир,
 трактор!

210 Қаттиқ ўлтир,
 бу трактор
 устига зарбдор.
 Тупроқларнинг юрагини
 Қўпор,
 ағдар,
 ёр!
 Тракторнинг
 ҳар винтини
 бил,
 эҳтиёт қил!

220 Колхоз,
 пахта
 ва трактор —
 буни англа,
 бил!!!—

Йиртқич ёвга
 ўлим берган
 энг довюракдир.

230 Тракторнинг
 ҳар винтини
 бир чопар от қил!
 Тракторнинг
 ҳар қўшигин
 ерга ҳаёт қил!

Шу йўл билан
 беш йилликнинг
 кескин йўлидан

240 Ўтажакмиз,
 Ғалабалар,
 юксалишлар,
 зафарлар билан.

КАДР

Дарсхона жим...

оғир устоз,
ўртоқ,
муаллим

Асарлари тепасида

Ленин, Маркснинг,

Қўлга ушлаб тизгинини

10 ақлнинг,
ҳиснинг,

Кўзларини ярқиратиб

юлдуз юзидай,

Электрик лампалари

тагида тинмай,

Стулларда

саҳаргача

ўтириб, энмай,

Сатрларга

20 қаттиқ боқиб

диққат кўзидай,

Мужодала

қуввасида

ҳар бир ҳарфнинг,

Уруғини топмоқ учун

коммунизмнинг,

Кеча-кундуз

тиришувга

йўлланган одам,

Кичик китоб

30 тепасига

ёзаётир аччиқ хотира:

«Оғир

ва зўр

талашларнинг
 узоқ умрида,
 Иродангиз
 қўлларидан
 чиқмасин сира,
 Мафкуравий
 курашларнинг
 хандақларида,
 Қилич,
 милтиқ,
 бомба
 бўлсин
 диалектика!»
 Кўрсин
 бу кун
 кенг уфқлар
 Ленин таққанин.
 50
 Билсин
 бу кун
 яшин-ўқлар
 қайга оққанин.
 Душманларнинг юрагини
 Эзиб ёққанин

 Кеча,
 сотқин
 профессор,
 60 Дорилфунун
 минбаридан
 лекция қилган.
 Синфларга тўлиб
 юзлаб,
 минглаб студент,
 Зўр қўшиндай
 ўсаётган
 минглаган кадр,
 Диққатини
 70 михдай қоқиб
 тинглаган шуни!
 Кеча
 душман
 наркомпрос бўлмаларида,
 Хоин,
 сотқин

- юмушларга
 80 Қизил стол сигналлар урган;
 тепасида
 Қора тилак қўлни кўтариб,
 меҳробида
 Кеча, фотиҳа қурган.
 унда —
 қурилишда
 душман инженер,
 90 Қурилажак зарур, янги
 гигант заводнинг
 Фундаментин
 содда,
 чирик,
 бўш қилиб қўйган.
 Кеча,
 унда —
 социал ўлка қалъасининг
 кўмир конида
 100 Олчоқ техник,
 оқ инженер
 Машиналар,
 моторларни
 бузиб ташлаган.
 Кеча,
 бизнинг мактабларда
 бир тўда душман,
 Тоза, ўсгич
 новдаларни
 буза бошлаган.
 : : : : : : : : : :
 110 Ўлаётган синфларнинг
 тулки эрлари,
 Ниқоб кийиб,
 бош кўтарган,
 беркинган жойдан
 Ўқ узмоққа
 куч тўплаган
 ҳар ифлос сойдан.
 Ҳаёт-мамот

- учун борган
 120 кенг ҳужумимиз,
 «Ким кимни?» деб,
 фурсат бермай
 кенг жабҳа бўйлаб,
 Муштумзўрни
 барбод қилган
 бизнинг ҳукмимиз
 Ёрган
 яра
 юрагини
 130 ҳар бир душманнинг.
 Хаёллари
 пучга чиққан
 қора
 НЭПманнинг.
 Ҳужумимиз
 зарби билан
 синган
 инженер,
 140 Тарих ҳукмин
 тингла!
 Бажар!
 Сўйла!
 Ҳисоб бер!
 Бу тақдирнинг қонунлари
 эмас бетамиз!
 Ер ва сувнинг
 юганини
 қўлларда ушлаб,
 Техниканинг
 иродасин
 150 тишлаб,
 олқишлаб,
 Биз турмушда
 янги жаҳон
 қуриб борамиз.
 Мудҳиш,
 қора тилакларнинг
 Бағрин ёрамиз.
 Керак бизга —
 160 ўзнинг кадр!
 Керак бизга
 саноатда пишган ишчидай,
 Оғир кунлар

кўкрак керган
 зўр курашчидай,
 Кескин, қатъий курашларга
 ботир сафарбар!
 Юраги,
 170 кўкраги,
 суяги билан
 Улуғ ишлар
 шарафига
 ўзни бахш этган,
 Бизнинг боғда
 биз-ла ўсиб,
 вояга етган,
 Миясининг милтиғини
 постларда ўқлаб,
 Огоҳ,
 сергак,
 180 ҳушёр,
 маҳкам
 қаҳрамон аскар.
 — «Қани?
 — деса
 — Бизга кадр!»
 Гигант заводлар,
 «Бергин!
 — деса
 — Бизга кадр!»
 Ҳар колхоз,
 190 совхоз;
 «Кадр!» деса
 бонг урароқ
 Партия, Цека,
 Чанқов билан
 «кадр» деса
 пахтазор ўлка,
 Тайёр турган
 200 керак кадр:
 Яратгувчи,
 ўзгартгувчи,
 Курашгувчи,
 ботир,
 моҳир,
 уста,
 муқтадир,
 Керак
 кадр!

ТАРИХ КЎРГАНМИ?

Мана АМО, •
мана бизнинг юрак,
бизнинг жон.
Мана бизнинг томир,
мана бизнинг қон.

Мана азамат.
Мана бу ташаббус,
мана бу суръат.

10 Мана бу,
қаҳрамон пролетарнинг
Тер тўкиб
дунёга
келтирган иши.

Мана бу,
қудратли
меҳнат деганнинг

Бағридан
сут эмиб
етишган киши.

20 Эллик йил!
Эллик йил
олдинги
ўлкалардан биз —

Эллик йил
судралиб
орқада қолдик.

Эллик йил
орқадан сафарга чиқиб,

30 Қувиб
ўтмакликка
йўл олдик.
Йўлчи юлдуз бўлди,

порлатди
 Ленин,
 Бу кескин
 сафарнинг
 Ғалаба йўлини —
 40 Ун йилда
 шу йўлни
 босиб ўтмасак,
 Ун йилда
 шу йўлни
 сувдай ютмасак,
 Тишини
 қайраган
 дунё олдида,
 Кучсизча
 бош билан
 50 жавоб берамиз.
 Бош билан,
 тан билан,
 таналар билан,
 Эзилган,
 титилган
 эллар кетидан
 Очқоқ кўчалардан
 ушоқ терамиз.
 Тонг туради
 60 тоза,
 совуқ,
 мармар ҳаво
 Москов
 юзларига уради.
 Қор
 тиздан юқори,
 Моторлар
 кетидан
 чопиб юради.
 70 Бўрон,
 тўполон,
 жонсиз парларига
 миниб учади,
 Совуқ шамолларда
 соврилган
 хирмон.
 Ҳаёт жонли,

ишга кирган йигитдай —

- Чарчаш
80 сира йўқ.
Осмон
тип-тиниқ,
Чизиқсиз,
белгисиз
ёзилиб кетган.
Уйнаб,
қувалашиб,
энаётган қор
- Гавдалар
90 устига
тез ёпишади.
Чумоли сингари
Автомоторлар
бирининг изига
бири тушади.
Шундай кўчаларда,
шундай кунларда
Москов
қурилгани кетади.
100 Фақат Москов эмас,
бутун СССР —
Шимолдан
жанубга
қулоч ёзган ер;
Шимол,
жанубларни
қўлга олган эр,
Янги дунёларни
барпо этади.
- 110 Биз, улуғ
бир дунё
қуришга
Бутун жаҳонларга
сўз бердик.
Бутун жаҳонларни
ташвишга солиб,
Бутун бурчакларни
титиб,
ўқиб,
120 куч олиб,
Беш йилликлар

- биносини
 чарчамай қурдик.
- Бутун қарашларни,
 барча сезгини,
 Бутун иродани,
 бутун севгини
 Беш йиллик
 сафарнинг
 130 изига бурдик.
- Умидсизлик
 қўрқитмади
 бизни
 сафардан.
- Қийинликдан
 ҳуркиб
 қайтмадик.
- Уфқлари — қора,
 тақдири — ўлим:
- 140 Адашган,
 тойганлар
 йўлига кириб:
- «Суръат...
 ҳадсиз
 кучли...
 кўтаролмаймиз...
- Аравани узоқ йўлга
 кўп итаролмаймиз...
- Бўлдик,
 қурмаймиз»
 150 деб айтмадик...
- Меҳнат бўлди
 бизнинг шараф,
 бизнинг ирода,
 Қувват берди
 пойга кириб
 ҳар янги модда.
- Куч қўшилди,
 ортди,
 160 қувват
 бўлди зиёда.
- Кетда қолди
 бир замонлар
 харсанг тош меҳнат.
- Меҳнат бўлди:

қахрамонлик,
зўрлик,
омонлик.

- Барча бирдан
170 ишга ёпишдик.
Кулбалар ўрнига
гигантлар қуриб —
Қурмоқ
одатининг
ишқида пишдик.
Бутун оғирликлар,
бутун мушкуллар
Оч қолган
Бир бўри,
180 қўпол айиқдай,
Бизнинг елкаларга
минмоқ бўлдилар.
Бизни елкалардан
босмоқчи бўлиб,
Шунда
қулатмоқчи, осмоқчи бўлиб,
Кучаниб, уриниб
кўрдилар,
Лекин елкалардан
190 коллектив кучнинг
Ўчи, зарби билан
эндилар.
Мана АМО,
мана бизнинг юрак,
бизнинг жон,
Мана бизнинг томир,
бизнинг қон,
Мана шу АМОлар,
гигантлар билан
200 Шарманда бўлмасдан
дунёга боқдик,
Умидсиз,
ишонмас,
пуч юракларга,
Биз эркаклик,
йигитлик
шамъини ёқдик.
АМОнинг
қичқирган

одимларни биз,
йўлларга
ботириб
ташлаймиз.

- Қувиб ўтмак
ашуласини
260 Бутун жаҳон бўйлаб
бошлаймиз.
Бизга мазах билан
кўз тиккан душман —
Эшитсин
ўн йилнинг
ашуласини,
Қаҳрамон кунларнинг
кўкракларида,
270 СССР кўкида
порлаган
қувиб
ўтмакликнинг
зўр шуъласини.
Бизнинг ироданинг
пўлат буйруғи,
Бутун жаҳонларни
ишга солади.
Бутун жаҳонларни
ишга ҳам солиб,
280 Улардан
ўтиб ҳам олади.
Янги ютуқларга,
ғалаба сари!
Беш юзу ўн саккиз
гигант
АМОни,
Қатъий йил ичида
ишга қўямиз.
Хеч қандай
290 бир тарих
кўрганми
буни?
Янги ютуқларга,
ғалаба сари!

НИМА БИЗГА АМЕРИКА!

- Нима бизга,
Америка?!
Нима бизга,
унинг суръати.
Унинг тезликлиги,
кучи,
қуввати.
Унинг шижоати,
унинг ғайрати.
10 Мана биз
ўн тўрт йил ичида
Шундай тезлик билан
кетдикки,
Шундай гигантларга
етдикки,
Ҳатто,
ўйлай олмас
унинг фордлари,
20 Унинг раҳбарлари,
унинг лордлари.
Булутларга
бош чиқарган
Америка
мана!
Мана ўша
бадмаст гавда,
қарри тантана.
Бу кун шундай
асаби
30 бузилган,
Томири
толган.

Гўшлар
 эриб тушган,
 бир суяк қолган.
 Илдизи чириган
 бир чинор каби
 40 Қаттиқ шамолларга
 бўйин эгади.
 Булутлардан
 кулиб боққан
 у мағрур тана
 Ҳар нафас
 бир карра
 ерга тегеди.
 Заводда
 иш кўрган
 бечора ишчи,
 50 Эртанги
 қора кун
 тушин
 кўради.
 Эртанги
 ишсизлик
 ашуласини
 Оқшомги уйқудан
 ёдлаб туради.
 Ранги сўлғин унинг,
 60 Юрагини
 эзаётир
 жуда оғир
 ғам.
 Кеча
 корхонада
 бир шов-шув бўлди.
 Ишдан қайтар экан
 чарчаб,
 70 Станоклар
 гўё
 боқиб,
 тўниб,
 термулиб
 — «Эрта келма»
 деган
 бир қараш қилди.

80 Эртага машиналар тўхтайди.
 Эртага зўр завод юрмайди.
 Эртага қорни оч,
 яланғоч ишчи.
 Бир парча нон сўраб
 90 Тарқалса ҳар ён чопади.
 бир жойдан бир овқат иси.
 Эзилиб, қўзғалгач
 орзу ҳаваси;
 Боласи, хотини,
 100 қизи, синглиси,— оч бари...
 Овқатни кимлардан,
 қайдан топади?
 Кечаси у ширин
 хаёлга ботиб,
 Кучини кимларга,
 нимага
 110 сотиб,
 Юрган кунларига
 афсус қилади.
 Балки, у эртанги
 забастовкада
 Энг олдин йиқилиб
 ўқдан ўлади.
 Балки, эртага-да
 120 бир парча ноннинг
 Ҳавас,
 ишқи билан кулади.

Мана мен,
Эртанги
Қайдан келажагин
ёруғ кунимнинг
биламан.

Эртанги
бахтимнинг
130 ашуласини
Мен ўзим
қўл билан қиламан.
Эртанги
ашула,
Эртанги
достон,
Мана шу пўлатнинг
оҳанги бўлар,

Сезги,
140 шуурларни
Сафарбар қилган
куйларда
темирнинг
товуши кулар.

Мана бу
машина,
мана бу
қувват,

Мана бу
150 фабрикам,
заводим менинг,
Айланиб,
ҳар куни
бахт келтиради.

Ҳар минут,
ҳар онда
менинг юрагим

160 Шу бахтнинг
ҳавасин
эмиб туради.

Мана мен
кучимнинг
болғаси билан,
Уз синфим ишига
олов бераман.

Беш йиллик
 куйига
 одимлар ташлаб,
170 Минглаб йўлдошларни
 етақлаб,
 бошлаб
Янги дунё сари
 юраман!
Нима бизга,
 Америка,
Нима бизга,
 унинг суръати!
180 Унинг тезликлиги,
 кучи,
 қуввати.
Мана биз,
 ўзимиз
 сафарга чиқиб
Ундан ўтиб кетамиз —
Яратиб
 заводлар,
 машиналарни,
Чўянни,
 пўлатни
190 Ундан йўлимизга
 изларга солиб,
 мадад,
 куч олиб,
Олий тилакларга
 етамиз!
Сибирь саҳролари,
 Урал тоғлари,
Днепр сувлари,
 нефть булоқлари —
200 Бизнинг иродага
 бўйин эгади.
Бизнинг ироданинг
 пўлат зарбаси
Қўл етмас жойларга
 қаттиқ тегади.
Мана мен
 Америка суръати билан
Станок
 бошида

- 210 по й г а
қ у р а м а н .
Т ў р т
м и н у т
и ч и д а
қ и л г а н и ш и н и ,
И к к и м и н у т л а р г а
б ў л а м а н .
Шундай суръатларни
қувиб етдикки,
220 Шундай қадам ташлаб
чошиб кетдикки,
Америка
хаёл ҳам қилолмас уни.
Ҳар ишим,
юришим,
туришим
менинг,
Белгиси
230 эртанги
порлоқ бахтимнинг!
Мана шу белгилар
остида туриб,
Эртанги
бахтимни
мен чақираман.
Пўлат рельсларда
сафарга
юриб,
Унинг амалини,
240 отини
атаб,
Албат келишликка
мажбур қиламан!

БАХТЛАР ВОДИЙСИ

(Фаргона шеърларидан)

Кўм-кўк.

Кўм-кўк.

Кўм-кўк...

Кўклам қуёшидан

кўкарган қирлар,

Пўлат яғринларни

Кўтарган ерлар

10 кўм-кўк!..

Салқин саҳарларда

уйқудан турган,

Булоқ сувларига

юзини ювган,

Мармар ҳаволарнинг

қўйнига чўмган,

Зилол бўшлиқларга

кенг қулоч қўйган,

Истиқдолнинг

20 ишқи билан

ёнган далалар

кўм-кўк...

Уфқимизнинг ҳирсларини

ўзига тортган,

Елкасига тарих билмас

ғалаба ортган,

Улуғ йўлда толиқмасдан

тез кетаётган

бахмал қирлар,

30 кенг бўшлиқлар,

пахтазор ерлар

кўм-кўк...

Тонг палласи ҳавас билан
 далага оққан,
 Муздай совуқ шаббодалар
 танига ёққан,
 Кетмонлари
 кун тиғида
 ярқираб боққан,
 40 Ғўзалари
 ўсиб,
 гуллаб,
 кўсақлар таққан,
 Бу — тоғларнинг этагига
 ёзилган гилам,
 Соғ ўпкаси
 тўлиб нафас
 олгувчи бу дам,
 Товушлари куйга тўлиб
 50 Пишқирган дарё,
 Ҳеч ғуборсиз сезилгувчи
 бу тоза ҳаво,
 Бутун борлиғи-ла
 орзуга тўлган,
 Ҳуснлари қип-қизариб
 етилган ғўзал,
 Томирлари кучга тўлган
 бу ёш навқирон,
 Яна янги ўлжаларга
 60 отланган
 карвон;
 Зўр сафарга
 руҳ беришга
 ҳаводай даркор.
 Янги бешнинг нотасини
 олган бастакор;
 Барча япроқлари
 бирдай кўкарган,
 Новдалари жонли,
 70 бу ноёб баҳор,
 Қарашлари нурга тўлган
 бу улуг водий
 кўм-кўк!..
 Эй, Фарғона!
 Эй большевик водийсида
 пахтакор — деҳқон,

- Эй ўлкамиз
 томиридан
 жўшган
 80 Салом сенга, тоза қон.
 Эй Қайнардан
 чиққан
 қаҳрамон!
 Салом сенга,
 ўлкамизнинг кўз қорасидай,
 Гард юқтирмай,
 гуркиратиб
 кўкка кўтарган,
 90 Салом сенга,
 Полосонлик
 Ҳайдар капитан!
 Кўм-кўк...
 Кўм-кўк...
 Кўм-кўк...
 Меҳнат — шараф, бахт бўлган
 водийлар
 кўм-кўк...
 100 Ғўза гули билан
 қалблари ўсган,
 Ғўза япроғи-ла
 қалби кўкарган
 водийлар
 кўм-кўк...
 Кўм-кўк водийларда
 пўлат излардан,
 Кечаётир қора поезд
 учиб,
 қарсиллаб,
 110 Электрик томиридан
 оққан сувлардан
 Бутун ўлка
 шимираётир,
 чанқаб,
 қарсиллаб,
 Бутун ўлка ишлаётир
 пишиниб,
 терлаб...
 120 Эй, Фарғона!
 Эй бўйнига

қора тўрва

осган жонлардан,

Эй ҳар куни,
гадойликка

тортган онлардан,

Эй танларни
шилиб ётган

ҳаром қонлардан

Бир йўласи озод бўлган азамат ўлка!

130 Эй ҳаққи-ла
бош кўтариб,

янги даврга,

Миллионларнинг кенг бағрига
улғайиб кирган,

Эй
муштумзўр ўсган ерга

электрикдан,

140 Трактордан,
комбайндан

қўзғалиш берган.

Бўла,
юмшоқ,
семиз,

сероб
сийналарида

Янги давр юрагининг
ўти кўкарган,

Юраклари тетик урган

Оппоқ,
150 момиқ тан!

Кўм-кўк...

Диллар
ҳавас билан тўладир,

Юзлар
севинч сепиб куладир.

Тўрт томони осмон билан
ўралган водий

Кундан-кунга
ҳусни ортган ойдек тўладир.

160 Кўм-кўк...

Янги кунга чиққан
водий оёқларида

Оч ит каби,
судралгувчи

давр ўладир.
 Эй Фарғона!
 Мушкул кунлар боласини
 тишида тишлаб.
 Ювиб,
 170 тараб,
 севиб,
 ўпиб,
 қучиб,
 опичлаб,
 Эй бахтларни балоғатга
 еткизган она!
 Ёзилиб,
 етилиб,
 тўлиб ётадир —
 180 Ёппасига
 янги кунга
 эришган Қува!..
 Нафаслари тўлиб-тўлиб
 қулоч отадир —
 Уйқуни тарк этиб
 керишган ува.
 Кўм-кўк...
 Дунёларни қойил қилган
 увалар
 190 кўм-кўк!..
 Мардчасига отни сурган
 қувалар
 кўм-кўк..
 Бу ғолиб штурма тантанасидир,
 Бу бизнинг
 сафарнинг
 зафар сасидир.
 Дунё остин-устун бўлди,
 Янги дунёнинг
 200 қарашлари ўткир,
 ҳужумлари зўр.
 Енгилган дунёнинг бағрини босиб,
 Юлдузга интилган
 бу давр мағрур.
 Ишонч кўзи билан
 олға боқадур.
 Кўм-кўк...
 Йўлда катта довон бор ҳали,
 Қизил соҳилларни

- 210 маҳкам тутайлик,
Шунда денгизларда
сузмас ёт қайиқ.
Баланд чўққиларга
кўтарилганда
Тоза нафасларни
тўла олайлик.
Эй бахтли водийнинг большевиклари!
Эй ўлкани
электрик дарёларига
- 220 Ёш боладек чўмилтмоқчи
бўлган фидокор!
Эй болага тоза кўйлақлар
Кийгизувчи ўртоқ пахтакор!
Кўм-кўк водийларни
кўз қорасидай
асра,
Баргларига
гард ҳам юқтирмай!

МАҲОРАТ

(Пахта планини тўлатиш тўйларига)

1

- Тонг ёришиб,
 Тонг ярқираб келади;
 Кўзга ҳам, қўлга ҳам ўзни сездирмай —
 Оёқ босишлари қоронғиликнинг
 Акс этмас қулоқда бир оҳанг билан.
 Ҳаво — нафасларда булоқ сувидай,
 10 Шиша кўм-кўклиги,
 Кўк тиниқлиги,
 Саҳар салқинлиги касб этар мағрур.
 Кеча йўқоладир.
 Тонг-чи?
 Ярқираб,
 Тўла ҳусн билан, қучоққа сиғмай,
 Хур-хур шамол билан тўлиб еладир.
 Дала —
 Гунчаларни очиб бирма-бир
 20 Япроқлардан товуш берадир.
 Ҳаёт чақирадир
 Тўлиб ишқ билан.
 Азон товушимас
 мени чақирган!
 Ё қўпол ва оғир
 дағал йўталиш
 Гурзи тушган каби тушмас елкадан!
 Ҳеч ким қувламайдир далага қараб!
 Наҳор-чи?
 30 Даланинг сочини тараб,
 Сезилмай қистови ташқари кучнинг,
 Келтирмай хаёлга қамчи заҳрини,
 Биз ўнлаб,
 Биз юзлаб,
 Биз минглаб... шундай
 Далага оқамиз экин оралаб...

- Бу дала,
 Бу кўклик
 40 Кўп ошна бизга,
 Киндик қони шунда тўкилган;
 Бизнинг суягимиз қотган шу ерда...
 Жуда кўп насллар
 Шу ерда битган;
 Улим
 Чўлда товонларга қадалган тикан.
 Мўккига ёпишган янтоқдай содда,
 Одатга айланган,
 Бир расм бўлган.
- 50 Бизнинг бобо,
 Бизнинг уруғ,
 Қавм-қариндош,
 Бизнинг авлодимиз янчилиб ўтган.
 Уларнинг бошлари чумчуқ бошидай
 Шартта узилганда
 Сўрмаган ҳеч ким.
 Муштумзўр оёғи остида
 Улар — қул,
 Кафангадо,—
- 60 Улимга маҳкум.
 Уларни латтадай,
 Подадай,
 Молдай
 Қўлдан қўлга сотганлар бирдай.
 Биз мажбур бўлганмиз
 Очлик,
 Улимга!
 Бизларни қилганлар —
 Хор,
- 70 Ожиз,
 Гадой.
 Қулаб чўкаётган йиқик деворни
 Улим боса берган
 тошган дарёдай.
 Зулм кўланкаси бошдан кетмаган,
 Қамчиси синган-у
 Занжири келган.
 Кишани баттароқ бир офат билан
 Улим сиртмоғини чўза бошлаган.
- 80 Нафас олмоқликқа дунё бўлган тор,

Тиланчи,
чоракор,
муҳтож
мардикор —

Булар маъносидир ҳаётимизнинг;
Фақир, қашшоқликнинг бадбахт совғаси,
Бу мушкул,
Энг оғир,
Буюк фожиа.

90 Лаънат ижодидир у, жамиятнинг.

Асло яшаш эмас,
Ўлим билан тенг,
Энг арриқ,
Энг қаттиқ,
Энг оч, қоқ ерда
Биз омов сурганмиз —

қўлларда кишан:

Биз чигит тикканмиз —

Сочиб ерга дард.

100 Ҳосил-чи?—

Шилиниб олинган биздан

Икки қат зулмнинг қамчиси билан.

Аччиқ ғазаб билан вужуд титраган;

— «Э ноумид,

Беинсоф,

Худо беҳабар!»...

Ҳазо отрядининг товонларидан

Бизнинг пешонанинг қонлари томган...

Ҳеч қуёш кўрмаган бизнинг орқамиз.

110 Янада, биз фақир,

кўмаксиз,

якка.

Тирикчилик,

бола,

оила,

Куни қолган фақат кўсакка!..

3

Ўлка бўйлаб ғалаба қилган

Отлиқлари колхозчиларнинг

120 Донг чиқариб, кишнаб ўтадир.

Дунё-дунё ғалабаларда

Доҳи илҳомчимиз —

партия сен-ла,

Йўлчи юлдузимиз,

сенинг йўлинг-ла,

Емрилиш хавфидан тамом қутулган,

Барча ҳодисани,

Барча неъматни

Чанқов эгаллашнинг завқига тўлган.

- 130 Ҳаёт сахнасида шу янги одам,
Ўзи ижод этган мўъжизаларнинг
Улуғ тарихини

дала кўксига

Большевистик рўзғор,

бахтли оила,

Янги тартиб билан битадир.

Бепоен чўлларнинг жиловларини

Бизнинг қўлимизга сен олиб бердинг.

Бизларни яроқлаб трактор билан,

- 140 Политотдел номли карвонбошилар,
МТСлар қуриб йўлларимизга,
Тўла сабот билан ишга киргиздинг.
Шу юксак тоғларнинг

этакларидан,

Улуғ дарёларни

ёқалаб кетган,

Уфққа улашиб,

Осмонга етган,

Шу гўзал мамлакат,

- 150 шу олтин чўллар,

Қиличдай йигитлар,

Лочиндай қизлар —

Сенинг исминг билан аталиб,

Ҳеч ким синамаган,

Ҳеч ким кўрмаган,

Парранда учмаган,

Юлдуз кечмаган,

Энг улуғ сафарга

йўлга чиқдилар.

- 160 Уйда,

оилада,

далада,

қирда,

Оппоқ пахта битган серунум ерда,

Озод меҳнат зўр жадал билан

Инсонни қайтадан кўқартирганда,

Ҳар минут сен ўзинг биз билан бирга!

- Муштумзўрдан,
Муштумзўрликдан
- 170 пахтазорни тозалаганда,
Бизга йўл бошлаган —
бу — сенинг чоранг!
- Ҳосилдор ерларга,
Бўстон чўлларга
Бизни хўжа қилган
сенинг ироданг!
- Водийлар бахтининг сен байроқдори!
Энг илк қадамини ташлаган зарбдор,
Барча колхозчининг
180 фахри,
мадори,
Сен бизда энг буюк, олим пахтакор!
Тўла енгишида коллективлашнинг
Бизга ишонч берган
у, улуғ номинг,
Бизни ҳавас билан
куйига солган,
Чидам, сабот берган,
сенинг илҳоминг!
- 190 Бутун мамлакатнинг кўзида баҳор,
Бутун диққат
унга тикилган,
Бу муқаддас,
Ёт қўл урилмас,
Ҳар нарсадан олий меҳнатнинг
Покиза мевасин кўриб бахтиёр
Бутун ўлка оппоқ далада:
Дала — тўла,
Дала — оппоқ,
200 оқ,
Ер ва кўкни пахта тутгудай,
Худди қор ёққандай далага!
Шуларнинг барига
ўзимиз хўжа!
Шуларнинг ҳаммаси
бизнинг қўл билан,
Бизнинг билак билан юзага келган.
Бу — бизнинг кучимиз,
Бу — қудратимиз,
- 210 Оппоқ пахта бўлиб етилган!
Фақирлик,

қашшоқлик,
муҳтожлик,
хорлик,

- Бу сифат энг улуғ сафар йўлида
Емрилиш йўлини кечган карвонга
Ортиқ мансуб эмас!
Бу — ўтилган из!
Бу ортиқ орқада қолган бир манзил,
220 Чўкик бир хароба,
Вайрон бир кулба,
Унинг товушлари фақат орқадан,
Жуда узоқлардан келадир.
Олдда — порлоқ,
мукаммал ҳаёт,
Табиатни енгган озод иш.
Инсонга муносиб,
давлатманд турмуш
Баҳордай барқ уриб турадир.
230 Бу — маҳорат,
Бу — зўр тантана.
Бу — фақат бизларга аталган бир шон.
Бу — тарих исмидан
бизнинг кўкракка
Чексиз шараф билан
Тақилган нишон.
- Йўлчи йўлда давом этадир,
Тетиклик зўр босган изларда,
Забт ўлмаган юдузларнинг
240 нури кўзларда.
Жанг шундайин завқ билан тўла;
Табиатнинг ваҳший кучини
Онгли меҳнат тўла енгунча,
Муштумзўрдан,
Муштумзўрликдан,
Хусусий мулк фалокатидан,
Лаънат салқитидан у, майшатнинг
Инсон онгин бутунлай озод
ва покиза қилганга қадар
250 Чидам,
ғайрат,
жанг
Зарра бўшашмасга бўлган сафарбар!
Барча зарурат-ла аслаҳаланган

Олга ўтар
сафари отнинг.

Бу жанг — кўтаражак
бош чўққисига,

260 Асл манзилига
синфсиз ҳаётнинг.

ХАЙРЛАШУВ

Ўзинг сўйла, шу қора кўзлар
 Унутарми шу учрашишни?
 Шунча ўсиб ништар киприклар
 Кўрганмикин шу гўзал тушни?

Ёниб турган олов дудоқлар
 Бошқа лабга бўлганмикин банд?
 Юракларнинг ўйнаши ҳеч бир
 Бўлганмикин шунчалик баланд?

- 10 Унутмасман сени ҳеч қачон,
 Юрагимда қоларсан абад;
 Сен қоларсан мен билан мангу,
 Юрагимга ошна бўлган дард!

Сўроғим шул: қора кўзларнинг
 Йўқолмасин сира вафоси.
 Бошларга тушмасин ҳеч қачон
 Шу кўзларнинг ҳижрон жафоси.

- Сен қоларсан бу ерда ёлғиз,
 Мен бўларман ҳамон дарбадар —
 20 Қуёш уфқларга боққунча,
 Ой айланиб ўтганга қадар.

Хайр сизга, икки оҳу кўз!
 Хайр йўлдош, хайр ошно!
 Хайр сизга, эй икки юлдуз,—
 Хайр сенга, эй гўзал дунё!

МАНЗАРА

Қор... Қор... Қор...
Кўзларим қамашар боққанда,
Ҳамма ёққа чўккан баробар,
Бирор ерни қилмаган канда.

Қорли ер устига тинмайин
Утхона ташлайди оқ тутунни.
Тутун чўзилади қор сари, секин
Сахро тугатади қора тунни.

- 10 Тутун қуюлади қор томон оғир,
Сахрога чўкади тоғ силсиласи,
Шундайин бир тоғки, оппоқ ва юмшоқ,
Қорли тоғларнинг ҳам келар ҳаваси,
Бағрида кўмилар қуёш нафаси.

Қуёш кўринади...
Ут қўйиб ёндирар тоғ этагига;
Қуёш тикилади, тоғ титилади,
Боқмайди ёлқинда ёнган тагига.

- 20 Яралар ажойиб гўзал манзара,
Қуёш тутган каби булутларга жом.
Уни учрашгириб қор ва туманга
Табиат ахтарар ўзига рассом.

БАҲОР

Ҳусн қўшиб ҳар кун ҳуснига,
 Табиат чақирар ўз қучоғига,
 Ҳар кун кийиб янги бир либос,
 Чақирар ўзининг ёшлик чоғига.

Тинмай эсар ҳар томонга ел,
 Қўймай сочар ўрикнинг гулин.
 Дарахт шохларини силкитар,
 Уйғотишга бошлар уни тун.

- 10 Булбул сайрар, чумчуқ чирқирар,
 Хабар берар асли — зотидан,
 Гулга қўниб қаттиқ сўйлашар,
 Қиш пайтининг хотиротидан.

Тиним йўқ, ҳар нафас сеп ёзар,
 Баҳор ечиб ўз тугунчагин.
 Тонгги куртак, оқшомги ғунча
 Саҳар туриб очар чечагин.

- Дала юзин қоплар чечак — гул,
 Кулиб чиқар ёриб ер тегин,
 20 Зангор кўзларига тўлар нур,
 Шудринг билан ювар кипригин.

Янгидан жонланар коинот,
 Ҳаёт бошлар колхоз ерлари.
 Коллектив куч билан гуркурар
 Адирлари, чўли, қирлари.

Меҳнат завқи тутар ўлкани,
Саҳар кетар чўпон тоғига.
Бири ариқ қазира, ер ҳайдар,
Бири гул ўтқазар боғига.

- 30 Ҳар япроқни аяб ўстирар,
Ишққа тўлиб чиқар наҳорга.
Шоир бошлар юрак шеърини,
Севгисини очар баҳорга.

Бағринга торт, қучоқла, баҳор!
Жозибалар барчаси сенинг.
Ишга кирган, гуллаган чоғи,
Сен ёшлиги буюк ўлканинг.

- Йўлга солар, тутар қўлимдан,
Бошимдадир сенинг хаёлинг.
40 Юракларда ёнар суратинг,
Гўзаллигинг, гулинг, жамолинг.

ДАРЕ КЕЧАСИ

Дарё гўзал... осмонда юлдуз,
Ой сузмоқда адир устидан.
Соя солган кўкдан оқ булут
Фазоларга ўз уйқусидан.

Кеча гўзал, дарё тинимсиз,
Ағдармоқда сойнинг тошини.
Далаларга чўзиб оёгин,
Қорликларга ўраб бошини.

- 10 Тоғлар боши қорга кўмилган,
Қор устида оппоқ бир тумон...
Тумон хаёлига қуюлган,
Паға булут, фируза осмон.

Тинмай оқар, дарё пишқириб,
Қуйи кетар ойли тун бўйлаб;
Сой бўйидан, дарё тунидан
Водийларга ҳикоя сўйлаб.

- Дарё тўлқин, шамол қўйнида
Порилламоқдадир чироқлар.
20 Еришмоқда унинг аксидан
Чўққилар, адирлар ва тоғлар.

Кеча бўйлаб, дарё ёқалаб,
Ўтмоқдадир катта намойиш.
Келмоқдадир баланд қирлардан
Ер қўпорган портлашдан товуш.

Ер қўпориб баланд бақирган,
Қирдан тошар бир кучнинг саси;

Гидромонтёр сувидан қочган
Шағалларнинг сўнгсиз ғавғоси.

- 30 Сойда шамол... дарёда тўлқин...
Паром сузмоқдадир чайқалиб.
Ўтмоқдадир ишчи, уйғоқ тун,
Ер ва кўкка ғавғо, жар солиб.

Тун тинчини бузган зўр дарё,
Товланмоқда инсон қўлида.
Қурилмоқда буюк бир бино
Дарё ўтган ўлка чўлида.

- Довул қоқиб ўтар уйғоқ тун,
Тайёр бўлар тонгда бош тўғон.
40 Чексиз шодлик билан югурар
Саҳроларнинг юрагига қон.

Пишқирувчи ваҳший дарёга
Кўрсатилар тамом янги йўл.
Бош инженер завқ билан қўяр
Чирчиқ тутган бир қоғозга қўл.

Бўйин эгар дарё амрга,
Оқа бошлар янги из билан.
Инженерлар, ишчи зарбдорлар
Мағрур кулар ёнган кўз билан.

- 50 Тун ҳам ўтар мазмунга тўлиб,
Унутилмас дарёга бу он.
Унутолмас буни ҳеч қачон
Дарёдан зўр ва моҳир инсон.

ОНТ

- Кўк юзи ойнадай тиниган бир тонг,
Миллион-миллион қизил байроқлар
Лоласига ўлка бекинган;
Гўзал бир буюклик, тантана,
Қаҳрамонлар ва нишондорлар
Минбарига мамлакат минган.
Ўлка қуни тамом қутулган
Ҳалокатдан, ўлим — қазодан.
- 10 Қасам такрор этган —

онт ичган

- Мағрур садо келар фазода:
— «Менким, СССР
Меҳнаткаш халқининг ўғлиман;
Шимолдан жанубга,
Шарқдан ғарбгача
Ўзилгандир менинг Ватаним.
Энг баланд учида Помир тоғининг
Тикилгандир зўр байроғимиз.
- 20 Умр бўйи инсон изи тушмаган
Қутбнинг қаҳратон муз саҳросида
Шмидт деб аталган буюк тоғимиз.
Қорақумнинг энг жазирама,
Ёниб турган ўт қучоғидан
Толиқмасдан ўтди бизнинг от.
Осмонни тўлдириб ўз товушига,
Пўлат қушларимиз ёзгандир қанот.
Ўлка осмонининг булут орқаси
Текширилмоқдадир бирма-бир,
- 30 Фазоларда турар қоровул,
Кенгаймакда юрт харитаси.
Ерда ёвлар этилган барбод,

Муштумаўрни этдик тору мор.
Қиличимиз дамига келган
яксон бўлар,
бўлар хору зор.

Бутун бурчакларда,
ўлкада

Мустаҳкам қўрғонлар юзага келган!
40 Завод-фабрик билан,
колхоз-совхоз билан

Тупроғимиз тамом бекилган.
Ўлкамнинг энг гўзал баҳори:
Гулга тўлган дала-тузимиз,
Шаҳарига, боғи, чўлига,
Дарёсига, наҳри, кўлига,
Тиканига, тоғи, гулига
Хўжайинмиз бизнинг ўзимиз.
Инсонликнинг шу ёшлигининг

50 Биз ўзимиз яратувчиси.
Бизникидир бутун муҳаббат,
Биз ўзимиз унинг куйчиси.
Ўлка ишқи билан тўлгандир юрак,
уникидир шараф,
унингдир ҳаёт.

Унинг ёди тўлган юракка —
Ҳар қандай ваҳима элга
ёт!

Яшнаётган ўлка гурури
60 этар дадил,
этар қаҳрамон.

Қўрқитолмас ўлим,
Қўрқитолмас ёв,
Душман бунда тополмас омон!
Яланғочдир қўлда қиличлар,
Бойқуш қўнмас ўлка боғига.
Қуроллидир нафратлар, ўчлар,
Қузғун келмас Ватан тоғига.
Чегаранинг тиниқ кўкига

70 Душман булутининг солинмас доғи.
Колхоз чаманининг кўксига
Тушмас отларининг туёғи.
Кўкимиздан ҳатто бир юлдуз
Учиб ўтмас чегара ёққа.
Сезса бирор хавф шарпасини
Юрагимиз турар оёққа.

Душман ўқи тешиб ўтолмас
Кўкимизда булутимиздан.
Чегарада қурармиз албат
80 Пўлат бир тоғ кўкрагимиздан.
Ҳеч бир душман минбаримизга
Қадаёлмас ўз ифлос туғин,
«Ватан гулзорига ҳеч қачон
Суқа олмас ҳаром тумшуғин».

Қасам тугар,
Қизил Майдон жимири бир фасл.
Акси садо кутар кучларимиздан
Ватанпарвар буюк бир насл.
Тўплар салют берар гумбурлаб,
90 Ерни олиб қанот остига.
Намойишни бошлар аэропланлар,
Осмонга тикилар юраклар, жонлар,
Ҳаракатга келар танклар,
Отлилар кўтарар тоғдай кўкрагин,
Юлдуз учар босган изидан.
Аскаррийлар,
Халойиқ —
Ўлка,
Қасамида қаттиқ мамлакат,
100 Қилич келса қайтмас сўзидан.

ДОН ЧИРОҚЛАРИ

Тунда ўтдим, ташна кўзларим
Чироқларга этилди банда,
Ёнардилар улар кўкдаги
Юлдузларни этиб шарманда.

Ёнар эди Дон чироқлари —
Қаршисида юлдузлар хира.
Чироқларнинг ёлқин шуъласи
Этган эди ойни асира.

- 10 Тунда ўтдим ҳар ер чарогон —
Ер ва осмон эди лахча нур.
Бу нур эмас, кўкни қоплаган
Донни тутган элдаги ғурур.

Бу — бахтиёр-саодатли эл,
Бу — қаддини кўтарган ўлка.
Бу — ҳосилдор ва момиқ тупроқ
Ўз кўкига ташлаган кўлка.

- Бу — озодлик деган зўр бахтга,
Саодатга эришган умр.
20 Бу-чи, бутун СССР бўйлаб
Оққан билан тугалмас кўмир.

Тунда ўтдим, яшнаган дала
Қаҳ-қаҳ уриб этарди ханда
Ва кўкдаги миллиард юлдузлар
Тўнар эди бўлиб шарманда.

ҚИЗ

1

Мардликларга тўлган ўлканинг
Даласида, қишлоғида ёз.
Кўкда қуёш ва бир лочин қиз
Чаппар уриб этмоқда парвоз.

Пўлат қушлар ўраб атрофин
Учмоқдадир булутдан баланд.
Учмоқдадир қалдирғочдан тез,
10 Бутун ҳаво қўшиғига банд.

Қанотини қиз ёйган мағрур,
Осмон ости сўнгсиз, тиниқ, кенг.
Арзандаси, фаҳри, эркаси —
Кўкда учар юраги элнинг.

Эл биргадир кўкда қиз билан,
Юрагини олган қўлига.
Ардоқлаган бўлиб жонини,
Кўкни тиккан қизнинг йўлига.

Юрак ўйнар қинига сиғмай,
20 Осмонда қиз ва ёнар қуёш.
Эл тикилар ва севинчидан
Жавдирайдир кўзларида ёш.

2

Сўйла қуёш! Нималар бўлган
Сен чиққанда биринчи марта?
Бўлганмикин ер узра бир кўз
Кўрмак учун сени осмонда.

- Сен тўшаркан нурингни ерга,
Нима бўлган шу сўнгсиз олам?
30 Бўлганмикин байрам ва шодлик,
Босмаганми ер юзини гам?

Одам ўғли кўз очар экан
Сени кўриб қадим осмонда,
На бўлгандир, нелар кечирган.
Қандай сезги бўлгандир жонда?

Кўкда кўриб ўтнинг сайрини,
Ёрилмаганмикин юраклар?!
Ўз устида олов наҳрини...
Парча-парча бутун тилаклар!..

- 40 Дунё-дунё ваҳм бўлгандир
Сендан тушган бир ўт парчаси.
Сигингандир этиб бут, худо,
Топингандир юртнинг барчаси.

Унутгандир эркак ва аёл
Келганини дунёга қачон.
Сенинг билан ўз жаҳонини,
Шу қадарлик кўриб чароғон...

3

- Парашютда ёнар аланга
50 Қизни қувган қуёш ўтидан
Қиз сайр этар кўкда ва кўзлар
Чақмоқдек югурар кетидан.

Кўзлар сўрар бири-биридан,
Савол берур юмшоқ тикилиб,
Билмоқ бўлар қандайдир бир сир,
Ифо этар фикрини кулиб.

- Биласанми, ким у, ўша қиз,
Осмондаги ўша қалдирғоч?
Ўша қўрқмас ва ўша лочин,
60 Ўша дилбар, ўша чилвир соч?

Осмон эмас, ерда юришдан,
Этилганди бир умр маҳрум.

Чирик турмуш уни кишанлаб,
Тириклайин этганди марҳум.

Ҳаром эди қўшиқ, ҳаром куй,
Унга севги, гўзаллик ҳаром.
Бир чордевор ва зах босган уй,
Ҳамдард эди битта пастак том.

Утар эди тор уйда кунӣ,
70 Шу бўларми қиз учун одат?
Бир номарднинг содиқ чўриси —
Бўлмоқ эмиш унга саодат...

4

Эскиликни енгиб чиққан қиз
Кўкда қилар бахтли бир ханда.
Афсоналар, динлар, одатлар
Ерда ётар бўлиб шарманда.

Парашютда ёнар аланга
Қизни қувган қуёш ўтидан.
80 Қиз сайр этар кўкда ва кўзлар
Чақмоқдек югурар кетидан.

БАҲРИ

Севинтирар хўп ажаб бир ҳол,
Қанот қоқиб учиб келган бахт:
Шойи кўйлак ва гижим рўмол
Юборибдир унга пойтахт.

Баҳри шошар босолмай қадам,
Улчаб бўлмас унинг севинчин.
Типирчилар юрак тинмайин,
Сигдиrolмай шодликнинг кучин.

- 10 Колхозда тўй, дутор, дўмбира,
Базм тинмас саҳарга қадар.
Баҳри қонмас ўйиндан сира,
Хўроз берар азондан хабар.

Ҳамма хурсанд, ҳаммада шодлик,
Етганига шундайин дамга,
Узатар Баҳрини колхозин
Тошкентдаги катта байрамга.

- Узатишар Баҳрини ҳамма:
«Биз учун ҳам қилинг саёҳат,
20 Шаҳарларни кезинг биз учун,
Омон бориб, қайтинг саломат!»

Тайёрланар Баҳри сафарга,
Узин сезар қушдайин енгил;
Сандиғини очиб бисотин
Тита бошлар барин бирма-бир.

Марказда кўп мақтанмоқчидир:
«Пахта териб сигир олдим» деб,

Кўрсатмоқчи шол рўмолини
«Хур меҳнатга қойил қолдим» деб.

- 30 Баҳри англар меҳнатнинг сирин,
Бахт қидирар ҳалол меҳнатдан.
Ошпоқ пахта, коллектив ҳаёт,
Қутултирар азоб, гурбатдан.

Баҳри юрар далада доним,
Ҳар ғўзани этиб парвариш.
Мардлик берар унинг кўнглига
Эркин турмуш ва маҳсулдор иш.

- Қуёш чиқар ҳар кун ярқираб,
Баҳри тутар унинг қўлидан.
40 Чиқар юлдуз, чиқар тўлиб ой,
Бари юрар Баҳри йўлидан.

Тонгда турар ҳаммадан бурун,
Севиб очар далага қучоқ.
Қучоғига тўлган оқ олтин
Хирмонидан ўзи ясар тоғ.

Пахта териб ўтар узун кун,
Ошиб тўлар унинг плани.
Иши бўлар унинг овоза —
Достон бўлар донғи ва шони.

- 50 Ҳамма олар ундан намуна,
Туғар янги ҳирс ва муҳаббат.
Эркак, аёл боғлашар гаров
Уни қувиб етишликка аҳд.

Хотин-халаж тинглашар уни,
Баҳри сўйлар қилган ишидан,
Ниятидан, истиқболдан,
Сўзлаб берар тўқ турмушидан:

- «Пахта бериб оламан шойи,
Пахта бериб атлас ва кимхоб.
60 Пахта бериб оламан бахмал,
Пахта бериб бойлик беҳисоб.

Пахта экиб соламан оқ уй,
Кўкрак очиб қуёш ва пурга.

Пахта бериб тўй қиламан, тўй,
Қашшоқликни ирғитдим гўрга.

Колхоздаги ҳур, ҳалол меҳнат —
Шудир бахтим, шудир иқболим.
Шунга ишқим, меҳримни қўйдим,
Шунга келган ғижим рўмолим».

- 70 Севинтирар хўп ажаб бир ҳол,
Қанот қоқиб учиб келган бахт:
Шойи кўйлак ва ғижим рўмол
Юборибдир унга пойтахт.

Баҳри кияр шойи кўйлакни,
Рўмолини ўрар севиниб;
Ойнасига қарар жилмайиб,
Ҳайрон бўлар ўзига тўниб.

- Баҳри шошар босолмай қадам,
Ўлчаб бўлмас унинг севинчин.
80 Юрак ўйнар ололмайин дам,
Сигдиrolмай шодликнинг кучин.

Баҳри жўнар тонг билан туриб,
Хурсанд бўлиб шу ширин дамга.
Баҳрини узатар колхози
Тошкентдаги катта байрамга.

ҒАЗАЛ

Ғунча янглиғ бурканиб кўнглинг очилмайдир неҒа,
Очилур фасли келиб, бўйинг сочилмайдир неҒа.

Кулгулар, хандонлар, шўх-шўх қўшиқлар қайдадир,
Муттасил булбулларингга кулгу келмайдир неҒа.

Лолалар, боғлар, чаманлар асти етмасми сенга,
Бу сенинг ой юзларинг шодликни билмайдир неҒа.

Ўт каби ёнган бу кўзлардан нечун ёшлар оқур,
Ғам кўнгишлар норизоликдан чекилмайдир неҒа.

МОСКВА

Буюк пойтахтга кириб бораман,
Уйғоқ кўзларимда эрир совуқ тун.
Қуёш ва юлдуздан яралган олам
Зеҳним, хаёлимни этмишдир мафтун.

Кўксимга сиғмасдап толпинар қалбим,
Кириб бормоқдаман кўзни олмасдан,
Ҳирсимни қайнатган бу юлдузларким,
Кўзимга урилар бири қолмасдан.

- 10 Чанқаб тикиламан — таним, жоним кўз,
Пойтахт чироғи ёнар қаршимда.
Кремль бошида ёнувчи юлдуз,
Чарақлаб порлайди менинг аршимда.

Мен билан биргадир дўстлар, ҳамроҳлар,
Бу чироқ ёритар барчанинг қалбни.
Бу ерда учрашар жуда кўп йўллар,
Бу ерда дўст бўлур узоқ ва яқин.

- Жаннат ўлкасини яратган инсон,
Ошиқар умрида энг бахтли дамга.
20 Чегарадан келар қўриқчи, посбон.
Тарихда энг буюк оддий одамга.

Ҳамма ёқ интилар Московга қараб,
Шу ердан қон олар қалбига ҳаёт;
Шу қуёш ўнгида айланар дунё,
Шу ердан бошланар бутун коинот.

Буюк пойтахтга кириб бораман,
Қайноқ кўзларимда эрир совуқ тун.
Қуёш ва юлдуздан яралган олам
Зеҳним, хаёлимни этмишдир мафтун

КРЕМЛЬ ЧИРОҒИ ҚАРШИСИДА

Гўдаклик чоғимдан сенга ўргандим,
Сен бўлдинг кўзимни очиб кўрганам.
Ёдимда севмакка айлаган аҳдим,
Ёдимда нурингни кўзга сурганим.

Ҳали бола экан менга узоқдан,
Кўкар, юксал, дея айладинг хитоб.
Кўлимни узатдим кунчиқар ёқдан,
Йўлдошинг бўлур деб бердинг бир китоб.

- 10 Сенга қараб юрдим ва ёниқ машғал
Улуғ бир дунёни эттирди идрок;
Кўзимга нур берди ва порлаб ҳар гал,
Йўлларимни қилди хору хасдан пок.

Мени олиб учди узоққа еллар,
Кўҳна бир дунёни қолдирдим ўтда.
Зехнимни ёритдинг, янги соҳиллар
Кўринди мен сузган буюк муҳитда.

- Ёдимдан чиқмайди қадим Самарқанд,
Ёдимдан чиқмайди қари Регистон...
20 Сенинг юрагингга юракни пайванд
Этганим соатда ўқилган дoston.

Узоқ йиллар ўтар, лекин умрбод,
Барча айтганларинг силинмас дилдан.
Ҳали йўлдош экан қалбимга ҳаёт,
Сенинг мақтовингни қўймасман тилдан.

Шунинг учундирки, ҳар бир сафарда
Бир келиб кўрмаклик одатим бўлди.
Ҳар бир учрашганда шу ёниқ парда
Тўлқинга ташланиб ўйларга тўлди.

- 30 Улуғ пойтахтимнинг кўзидаги нур,
Салом, эй юлдузлар, ошиноларим!
Озод инсондаги энг порлоқ сурур,
Салом, эй сафарда, жангда раҳбарим!

КУЙЧИНИНГ ХАЁЛИ

(Фозил Йўлдошга)

1

Бу хаёл сўнгсиздир, осмон каби кенг,
Бу хаёл тугамас ҳеч ҳали-бери.
Унинг бойликлари умрларга тенг,
Ҳамон белгисиздир бошланган ери.

”
У сира тўхтамас, тошар доимо,
Қилиб бўлармикин уни ҳеч баён?
10 Чўлларда дарбадар, тоғларда танҳо,
Ҳар кеча янги сир бўлади аён...

Сўнгсиз ҳикоялар, энг буюк сирлар,
Бирдан тилга келар дарёдай тошиб,
Юзлаб қабилалар, ўнлаб асрлар
Унинг осмонидан ўтар адашиб...

2

«Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча»,
Қуёш уйқусига тўйиб тургунча,
Кўзи ёшликларнинг бордир йўлдоши,
20 «Йиғласам ҳолимга йиғлар бир неча...»

Айрилиққа тушиб йиғлар икки ёр,
Бириси интизор ва бириси хор;
Сабрлар тугади, синди косаси,
«Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор».

Қиргоқларга урар дарё ўзини,
Осмон қуршамидир тупроқ юзини.
Баҳорий даштларга, гул водийларга,
Ойбарчин тикмишидир қаро кўзини...

- 30 Бунда на уй бордир, на том, на девор,
 Далада ўтади қиш, баҳор ва ёз.
 Тоғларда йўлчини ажалдан сақлар
 Кўллардан «қоғолаб» учиб чиққан ғоз.

Инсон ўрганмаган ўтроқ ҳаётга,
 Унинг-чун ватандир ҳар гулшан водий;
 Бугун қўшим экан шу баҳор воҳа,
 Эртага бир ерга кўчмақдир ёди.

- Карвон йўлга тушар юкларни ортиб,
 Сукунат бузилар қўнгирогидан.
 40 Куллар уюр ҳайдар сурини тортиб,
 Элчибой ошади булут тоғидан.

Далани тутади йилқилар, қўйлар,
 Бахмалдан ёпилган ўтовлар, уйлар,
 Қирқ кеча, қирқ кундуз тинмайини ўтар
 Бойвачча ўғилга аталган тўйлар.

4

- Оёқлар остида ястанар сойлар,
 Қошларда чарх уриб айланар ойлар.
 Қулларга амр этар қамчи ўйнатиб,
 50 Экинни билмаган йилқичи бойлар.

«От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
 Урушда билинар марднинг сараси»,
 Олтойчилик йўлда қолган шўр элининг
 Кўринарми юлдузининг қораси?»

Қора булутдаини босиб келар ёв,
 Алплар давра солар, отлари асов.
 Эл чиқар, фарёди учар кўк сарп,
 Қуллар исён қилар қўлида касов...

5

- 60 Куй кўпдир, аламлар бутун бир олам,
 Уни ташувчилар яшар саҳрода.
 Куйларда қақшайди фақирлик ва ғам,
 Куйнинг тингловчиси ҳайдайди пода.

Куй кўпдир, кўшиқлар шу осмонни
Беркита олади булутлар қадар,
Куй кўпдир, кўшиқлар миллионча жонни
Қўзғата олади, муҳтарам падар!

Куй кўпдир, ҳар юрак сақлайди армон,
Куй айтиб доимо қушлар чийиллар.
70 Куй берар юракка ҳордиқ ва дармон,
Куй айтиб учади беватан еллар.

Куй кўпдир, исёнкор дод кечасида —
Беномус этилди куйчининг қизи.
Куй кўпдир, куйчининг пешонасида
Жазо отрядининг товонин изи.

Дорларга осилди жувоннинг эри,
Кўшиқлар этилди мажруҳ ва бетоб.
Саҳрони қоплаган элнинг шоири
Қолиб кетди чўлда бекитоб.

80

6

Энди кўшиқ ҳурдир, юраклар бедоғ,
Қаддини кўтарди ўлка ва одам.
Кўшиқлар мўл бўлсин, тетик ва қувноқ,
Ота, замонимиз ғазалхон бир дам.

Далалар, саҳролар, чўллар бахтиёр,
Куй айтиб яшайди манзиллар, эллар.
Тинмасдан куй айтар суюкли днёр —
Кўшиқдан осмонлар, тоғлар гумбурлар.

Куй айтар булутлар ичидан инсон,
90 Куй керак мардона, жувон ҳаётга.
Куй айтар лочинлар ўлкаси — осмон,
Ота, кўшиқ айтган етар муродга!

ДУСТИМГА

Кўз тутади далада баҳор,
Булоқлар қайнасин қўйнингда.
Кутмакдадир эл туриб паҳор,
Қарзи бордир сенинг бўйнингда.

Тонг отадир ўлкада ҳар кун,
Ҳар кун чиқар ярқираб офтоб.
Ҳар соф саҳар, ҳар бир тиниқ тун
Шараф бер деб этадир хитоб.

10 Тонг бошланар далада, тоғда,
Ўлка солур юрагингга нур.
Ҳар ҳодиса, ҳар бир оддий кун
Шараф бер деб этадир мажбур.

Ҳар бир кунда бир буюк мазмун,
Қуёш тўкар бошларингга зар.
Тожиҳонлар тонги бошланган
Фарғонадан Амуга қадар...

* * *

«Муҳаббат
Ул ўзи эски нарса,
Лекин ҳар бир юрак
Они ёнгорта...»

Ҳоди Тоқтош

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,
Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон.
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,
10 Бўстон этар уни бегумон.

Лекин Лайли бошига келган
Қора кунлар бизга ёт бугун.
Бизга ётдир Ширин бахтини
Поймол этган у қоп-қора тун.

ОФЕЛИЯНИНГ УЛИМИ

1

Орзунг бор куйлашга, лекин қалбингдан
Тарқалар бир маъюс ва гамгин сазо.
Қўйнингда бир қучоқ оқ ва нафис гул,
Лекин руҳинг тўла мотам ва азо.

2

Фойда йўқдир, гўзал, золим фалакдан
Қанча дод қилсанг-у қанча шикоят,
10 Қанча ёлворсангу қанча тўксанг ёш,
Барибир, аламга бўлмас ниҳоят.

Қанча маъсум бўлсанг, қанча вафодор,
«Қордай оқ бўлсанг-у муз қадар тоза»,
Ҳеч замон қор этмас, шум фалак бадқор,
Ўқилур севгинга қора жаноза.

Нега керак эди, шу чирой, шу ўт,
Шу ёниқ юлдузни кўзга яширмоқ?
Нега лабларингдан ҳусн олди ёқут,
Нега сийнанг бўлди қор тоғидай оқ?

20 Ҳусн балосига ким этди дучор?
Ҳолбуки, бунсиз ҳам қанчалар алам.
Ҳолбуки, бунсиз ҳам қизнинг бошида
Сўнгсиз мусибатлар, дунё-дунё ғам.

Ҳолбуки, бунсиз ҳам қийналарди жон,
Бунсиз ҳам етарди фалокат, азоб.
Фақат гўзал эмас, ҳатто хунук қиз
Кўз очиб кўрарди ёлғиз изтироб.

- Орзунг бор куйлашга, лекин қалбингдан
Тарқалар бир маъюс ва ғамгин сазо.
30 Қўйнингда бир қучоқ оқ ва нафис гул,
Лекин руҳинг тўла мотам ва азо.

Шундайин латофат, шу оқ кўкракка
Наҳот муносибдир шу ғамгин либос.
Онанг шунинг учун суюнганмиди
Наҳотки, шу сифат гўзалликка хос?

Жавоб бериб кўр-чи, номард табиат,
Бунчалик гўзални нечун яратдинг?!
Ўзинг гуноҳкорсан, осийсан беҳад,
Нечун яратдинг-у. ўтларга отдинг?

- 40 Ҳали севишмоқда шумидир маъно?
Фақат азоб бордир қисматда, наҳот?
Наҳотки, севгига шудир таманно?
Наҳот гўзал учун фақат, фақат дод!..

3

Ҳамлет севар эди, унинг қалбини.
Гўёки икки чўғ, иккита оташ
Бўлиб ёндирадди кўзинг тун-куни,
У ҳам қилмас эди бу оташга ғаш.

- Ҳамлет юрагига берарди ҳаёт
50 Сенинг у оташин, гулбарг лабларинг,
Жасур хаёлига боғларди қанот
Боғидан бир кезиб ўтганинг сенинг.

Фақат нетмак керак, бордир на чора,
Севгувчи юракни қуршаса бало?
Бутун олам кўзга эса қоронғу,
Балоларга Ҳамлет эса мубтало?

- Шубҳа оташида ёнар тафаккур,
Дунё бир ғамхона, «Дониё зиндон».
Йўқдир юракларни ёритгали нур,
60 Занжирдадир севги, қафасдадир жон.

Ишқий туғёнларга қайнаб юракдан
Чиқолмас бир товуш, бир сазо, бир ун.

Этмишдир ердаги оддий азоблар
Аллақачонларким Ҳамлетни мажнун.

Ҳосил бўлмас мурод, ҳеч нарса насиб,
Қанча йиғласанг-у қанча чексанг оҳ;
Севгувчи йигитни солмишдир йўлга
Тунда эртак айтган бир мудҳиш арвоҳ.

70 Жаннат, фаришталар, тоза малаклар,
Бир пулдир энг маъсум ва энг пок ўпиш,
Дўзах ичра Ҳамлет ёниб алаклар,
Бутун олам кўринади рўё, туш.

4

Кўнгил гулшанини қоплади хазон,
Йўқолди шунчалик бебаҳо севги.
Шу бўлди бокира, дунё кўрмаган
У ёқут лабларнинг қора тақдири.

80 Севги кўклариди учувчи лочин
Аршидан йиқилди ва кўҳна дунё —
Бутун армонларни кул қилган оташ
Ўзи бўлиб қолди севгига гадо.

ЖАНУБ КЕЧАСИДА

Сен бўлмасанг шу оч тўлқинлар
Кўринмасди сира кўзимга.
Сен бўлмасанг ўзимнинг кўпгалим
Кирмас эди айтган сўзимга.

Сен бўлмасанг этмасди хурсанд
Сув устида сузиб юрган ой.
Ҳамиша шўх, доимо баланд,
Юлдуздаги жон ёқар чирой.

- 10 Қарашларинг тишчимни олиб,
Чертиб кетди қалбим ториши.
Шундан кейин сездим юракда
Шунча кучли ўтнинг борини.

Айтиб бер-чи, шунча севганлар
Бўлганмикин менча бахтиёр?
Айтиб бер-чи, қайси қиз бурун
Севиб бўлган умид билан ёр?

ХАЕЛИНГ-ЛА УТАДИ ТУНЛАР

Бу бир уйқу, беҳуда бир туш,
Ахир бу бир алдоқчи рўё.
Мумкинмидир сенинг севганинг
Ўз аҳдидан қайтганмиш гўё?!

Шу рост эса ўтга тушсин жон,
Ёмғирдайин бошга тушсин ғам.
Яшаганим — дунёда ёлғон,
Касам ичдим: эмасман одам.

- 10 Номард кетай, юракда тугён
Шу тўлқиндан зарра кам эса.
Номард кетай, шу оташ юрак
Сендан бошқа ўзгани деса.

Номард кетай, бўлса юрак тинч
Ва севгига бўлса ниҳоя.
Душман бўлсин менга бахт, севинч,
Ғам булути бошимга соя.

- 20 Ҳарна бўлай, айласам жафо,
Севинчимни бой бериб қўйсам.
Ҳарна бўлай, этмасам вафо,
Сендан бошқа бировни севсам.

Дардларимга топмайин чорэ
Ва дўстга зор, душманларга хор.
Майли бўлай танҳо, овора,
Мендан қочсин ҳамиша баҳор.

Тўлқин борда тинмаклик йўқдир.
Қирғоқларга тегмакдир одат.
Билармисан, севган кишингга
Содиқ бўлмоқ ўзи саодат.

- 30 Кеча-кундуз денгиздир нотинч
Дам олишни билмас тўлқинлар...
Сени ўйлаш ўзи бир севинч,
Хаёлинг-ла ўтади тунлар.

ЧИМЕН ЭСДАЛИКЛАРИ

Тоғда юрар оҳу бир жувон,
Сочимни тарайди шаббода.
Менга бугун яқиндир осмон,
Булулардан теппамда пода.

Қашқа тоғнинг ярқирар қори,
Енбағирда худди чумоли,—
Ўрмалайман ва борган сари
Очилади бу ҳолнинг фоли:

- 10 Бунда гулнинг энг асллари,
Бахмал гилам, алвон поёндоз.
Табиатнинг бор фасллари:
Баҳор ва ёз қаршимда пешвоз.

Қояларда асрлик дoston,
Дараларда оппоқ, мангу қор.
Чўққиларда оташ саратон,
Енбағирлар бинафша баҳор.

- Гўзалликда туганмас булоқ,
Шамолда ўйнайди шалола.
20 Баҳор юрар кўчиб тоғма-тоғ,
Қўлларида лола пиёла.

Йўлларимда зангори кўллар
Ойна каби тиниқ ва бежон.
Мен умримда кўрмаган гуллар...
Ном қўйишда ожиздир инсон.

Бу гўзалдир, бу ажаб бир ҳол,
Ҳам ваҳшийдир ҳамда осуда,
Бўлмасинми шоир тили лол
Шамол учиб ўйнаса сувда?

- 30 Болалигим тутди ва бир бор,
Булоқ узра ётдим узаниб
Ва санъатга бермасдан озор,
Ҳовуч-ҳовуч сув ичдим қониб.

* * *

Кеча. Сахро. Уйқу ва шовқин.
Кеча чўккан узоқ уфққа.
Теразадан тўниб қарайман,
Кўзим чўмиб қоронғилиққа.

Теразадан тўниб қарайман;
Уйқу босган сўнгсиз саҳрони,
Уйқуда ер, уйқуда осмон,
Кўринмайдир юлдуз нишони.

- 10 Бошламишдир ўз ҳаётини
Саҳронинг устига чўкиб тун,
Жимжитдир ўйланиб ётгандай,
Кундузини этганди якун.

Сахро ётар сўнгсиз, теп-текис,
Сахро ётар ажиб туш кўриб.
Ундан ўтар тинмай поездлар,
Ўтар оташ юраги уриб.

- Поезд чопар, масофаларни
Қамраб босар оёқ остига,
20 Довонлардан, қирлардан ошар,
Тоғликларнинг тушар қасдига.

Поезд ўтар тунни оралаб,
Қушдай учар, учар бехатар.
Поезд ўтар қардош халқларнинг
Дўстлигидан берарак хабар.

ҲОЛБУКИ, ТУН...

Шағирлайди бетиним дарё,
Шағирлайди ваҳм тўлган жар,
Шағирлайди қоронғи дунё,
Шағирлайди водий, даралар.

Шағирлайди... Бермайди уйқу,
Хаёлларим бўлар паришон.
Бир изланиш бошланар менда,
Тушунчамга яна кирар жон.

- 10 Ҳолбуки, тун — бунда одатда,
Бутун борлиқ ухлардай сокин,
Бутун ер осмонга ўраниб
Олар каби кундузидай тин...

Сойга тушдим, кўкка чиқди ой,
Нур ёғилди оқ булутларга.
Нурга тўлди дара, тўлди сой,
Нур ёғилди қоронғи жарга.

- Кезар эдим, мени тинмайин
Таъқиб этар бир узун соя.
20 Билмадимким, бормидир иши,
Ё истарми айтмоқ ҳикоя.

Кўзларимда ёнар учқунлар,
Зилол сувга ой эди сирдош.
Ялтирарди, доим товланар,
Ой нурига чўмилиувчи тош.

Кўзни тикдим, парқув булутлар
Кўчар эди зилол ва тоза.

Лочин каби самолёт учар,
Учар эди солиб овоза.

- 30 Тикилганди кўзим қоғозга,
Қўлларимда титрарди қалам.
Қуршамишди уни ҳаяжон,
Бир интилиш, бир орзу бу дам.

Шағирларди осмон ва ҳаво,
Шағирларди бутун коинот,
Шағирларди бетиним дарё,
Шағирларди дарёда ҳаёт...
Ҳолбуки, тун...

ХАЕЛИМДА БЎЛДИНГ УЗУН КУН...

- Хаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қиргоққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,
Топиб бер, деб ойга ёлвордим.
Ишон бунга, сени доимо
Эсга солур чиройли тунлар.
Шўх юлдузлар, салқин саҳарлар,
Эсга солур бахтиёр кунлар.
- 10 Толеимнинг ошиноси сен,
Сен севгимнинг кўкарган боғи.
Сенинг билан бирга иқболим,
Ишончимнинг сен вафо тоғи.
Мени қуршар салқин бир ҳаво,
Сув устидан тун қуюлади.
Шунда қанча-қанча гапларни
Эсга солиб ой ҳам тўлади.
Кеча жимжит, ёлғиз тўлқинлар
Пишқиради билмай тинимни.
- 20 Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар,
Солиб қўйдинг ёдимга кимни?..

ИШИМ БОРДИР ЎША ОҲУДА

(Илҳом парисига)

Ишим бордир ўша оҳуда,
У менга кўринар ҳар замон,
Фикримни чулғайди беомон,
Ўтларга ташлайди хўп ёмон,—
Ишим бордир ўша оҳуда.

У кўринар сойдаги сувда,
Бир паридир тоза, осуда...
10 Қоялардан учар бемалол,
Қушлар кўрса титраб қолар лол,—
Ишим бордир ўша оҳуда.

Тунда ухламадим ахтариб,
Қутиб турдим булоққа бориб,
У-чи? Қоқиб ўтди қанотин,
Оқ булутлар бағрини ёриб,—
Ишим бордир ўша оҳуда.

У юрганда очилар гуллар,
Бахмалга бурканар баҳори чўллар,
20 У бор ерда жонланар ҳаёт,
Уни кўрса чайқалур кўллар,—
Ишим бордир ўша оҳуда.

Ўлкасидан ўтар шаббода,
Севинч билан тўлуғдир жоми:
Гўзалларга у тутар бода,
Кўрса келар пари илҳоми,—
Ишим бордир ўша оҳуда.

Қўшиғини тинглар Қашқа тоғ,
Оғушида мангудир баҳор,

30 Чиройида зарра йўқдир доғ,
Даласида ёзда ухлар қор,—
Ишим бордир ўша оҳуда.

Мен ҳалок этарман ўзимни,
Тинчланмасман, топмай қўймайин,
Шикоятим, додим, арзимни
Қулогига сўйларман майин,—
Ишим бордир ўша оҳуда.

Усиз менинг тинчим йўқолур,
Усиз юрак чолғусиз қолур,
40 Усиз эрдан чиқар одатим,
Унутиллар бор саодатим,—
Ишим бордир ўша оҳуда.

ҚОРА ДЕНГИЗ БҮЙИДА

(ЕҒЯН ЭРТАСИ)

Бугун кун бўлади: тоғ тепасида,
Япроқлар ялтираб турибди,
Юлдуз йўлга чиқиб саҳарда,
Келаётган кунни кўрибди.

Бугун кун бўлади: хурмо баргларин
Силкитмоқда енгил. шаббода,
Бугун кун бўлади: равшан ва бедоғ,
10 Губор йўқдир зарра ҳавода.

Бугун кун бўлади: денгиз чайқалар,
Тўлқинларда сира йўқ тиним.
Сув бўйида туриб интизор,
Кун йўлига тикиламан жим.

Кунга бўлган ишқим, қуёшга
Топинганлар ишқидан буюк.
Кун бўлади: мрамор ва зилол
Кўринади поёни йўқ кўк.

МИЗИМТА ДАРЕСИ

- Узоқ кетдим Мизимта бўйлаб,
Дарё менинг ҳамроҳим бўлди.
Узоқ кетдим ва чанқоқ қалбим
Дарё айтган қўшиққа тўлди.
Инжудайин оқарди зилол,
Водийларнинг бу гул чиройи,
Тиниқликнинг мангу тимсоли,
Дараларнинг бу гўзал оий.
- 10 Бу фируза, эриган мрамар,
Бу ялтироқ, сўнги йўқ симоб,
Синар эди устида чил-чил,
Кўкда туриб ёнувчи офтоб.
Тошқин эди, пок ва мулойим,
Тиним билмас, мангу зангори,
Равон, маъсум, гўзал ва доим
Бокиралик бўлмишдир ори.
Кўринарди юксак тоғларнинг
Булутларга ранг берган қори.
- 20 Оқар эди дара, сойларнинг
Қизлигини сақлаган ёри...

СОҒИНГАНДА

Кабутардек юрак уринар,
Неча кундир сенсиз яшади.
Мана, кўрким, энди ҳар нафас
Вужудимда ўт туташади.

Неча кундир йўқолди тинчим
Ва уйқуга этдим алвидо,
Неча кунлар, неча соатлар
Хаёлингга айладим фидо.

- 10 Ўтар экан тунлар ва кунлар,
Айрилиқда ахтариб висол
Ва тонгларда якка ҳам ўйчан
Кезар экан паришон ва лол.

Борлиғимни исмингни айтиб
Чулғаб олар бир гўзал хаёл,
Ўша жилва ва ўша оташ,
Ўша кўзки сузгун, хаёлкаш,
Ўша имо, ўша ишора
Эта бошлар юракни пора.

ЯНВАРЬ ҚОРИ

Қиш ёймишдир оқ қанотини,
Шамол ўтар юзларни ялаб.
Тўзон каби совурилар қор,
Қуюн чопар ерни тимдалаб.

Қор керакдир дала, чўлларга,
Уни кутар зориқиб баҳор.
Қор керакдир тоғлар, кўлларга,
Уни кутар ҳар бир пахтакор.

- 10 Тоғларимиз кўмилсин қорга,—
Шунда оқар Зарафшон тошиб,
Шунда тутар Фарғонани Сир,
Шунда чопар Аму туташиб.

Шудгорида ҳар бир пахтакор
Қаршилайти севиниб қорни,
Ер ва кўкни оққа ўраган
Январдаги йигит виқорни.

- Колхозиди Файзулла ота
Қорни меҳмон қилар уйига,
20 Сандалида уни эритиб,
Олиб чиқиб қуяр ерига.

Эл севади гўзал ўлкани,
Бахмал билан кўмган кўкламни
Ва қилични қўлига ушлаб
Тизза бўйи қор кечган дамни.

ҲАЛИ ТУҒИЛМАГАН УҒИЛГА

Эсга тушдинг узоқ ерларда
Ва соғиндим, қолмади тоқат.
Кўрмак бўлдим ва лекин ҳали
Келмагансан дунёга фақат.
Салом сенга, эй, жигарпора,
Салом тўрт кўз билан

кутганим...

- Нетмак керак тақдирда бори
10 Бўлар экан рўзи азалдан,
Бола — ота бўлар ва гўдак
Қуруқ қолмас экан бу галдан.
Денгиз нотинч эди ва шу чоқ
Парвозингни тўлқинда кўрдим.
Кўзлар ёнди, ўйнади юрак
Ва изингдан, ўғил, югурдим.
Эй ғунчасин очмаган баҳор,—
Салом, ўғил, севимли фарзанд...
20 Сени кутар ота интизор,
Дунё-дунё севгига пайванд.
Салом сенга, эй жигарпора,
Салом тўрт кўз билан кутганим.

УЛИМ

- Учрашармиз бир кун албатта,
Юрагимга бўларсан меҳмон;
Бир меҳмонки, сенинг қўлингда
Типирчилар танамдаги жон.
Лопиллатиб олиб кетарсан,
Бор нарсадан этарсан маҳрум,
Маскан бўлар мангу тор зиндон
Ва тиқарсан кўзларимга қум.
- 10 Сени қандай кутар эканман?
Учрашармиз қайси бир ерда?
Тупроқ узра қаттиқ олишиб,
Дўст бўлармиз балки қабрда?
Олишармиз маърака қуриб,
Балки сени этарман ғорат,
Ё ўпарсан менинг лабимдан,
Унда битар бутун ҳарорат.
Ўйлаганда сени доимо
Юрагим орқага тортади
- 20 Ва босади муздай совуқ тер,
Сесканаман, ғамим ортади.

ОДАМ ҲАҚИДА

Дунё гўзал, нечунким унда,
Сенинг билан биз бормиз доим.
Унда одам қолмаган кунда,
Бошланажак «қиёмат-қойим».

Энг гўзал жой бўлур қабристон,
Кўкка қараб дарё чайқалур.
Гулистонда бошланур хазон,
Бўстонларда ёлғиз қум қолур.

- 10 Гўзал этмиш дунёни одам,
Одам билан гўзалдир ул ҳам.

БОЛАЛИГИМ ҲАҚИДА

Қанча кунлар орқада қолди,
Кетда қолди қанча манзиллар,
Қанча юртлар, элларни олди,
Тинимини тарк этган еллар.

Ўлкаларни олдию фақат,
Қила берди йўлида давом
Ва у билан ҳамроҳ бўлган бахт,
Тута берди шароб тўла жом.

- 10 Учиб ўтдим еллар бошида,
Тўлқинларнинг мавжида оқдим.
Йигитликнинг қирра тошида,
Бола бўлган кунларга боқдим.

Қорним тўйса менга бас эди,
Ўлтирмасдим сира ҳам уйда.
Бутун умр бор орзу, ҳавас,
Яшар эди кўча ва кўйда.

- Ёз фаслида нотинч кунларим
Ўтар эди узум ўғирлаб.
20 Шўрлик онам мени қайноқ-дим
Оқшомлари ухлатар зўрлаб.

Ўтда ётар тутоқиб танам,
Уйқу келмас, ҳеч юмилмас кўз
Ва тушимда туриб кетганим,
Кечагидай ёдимда ҳануз.

Санқир эдим тинмай туну кун,
Эдим бебош, газзоб — етимча.

Қалтак етар бошимга бутун,
Уйим, жойим, ватаним — кўча.

30 Шоир эмас, битта ёлғиз бош,
Билмас эди нимадир китоб.
Биргина дўст, биргина йўлдош,
Баданимни куйдирган офтоб.

Қанча қушлар орқада қолди,
Кетда қолди қанча манзиллар,
Қанча юртлар, элларни олди,
Тинимини тарк этган еллар.

ҚАҲРАМОНЛАР ҚАЙТДИ

Қаҳрамонлар қайтди юртига,
Ҳар бирининг ҳаётида шон,
Дов йигитлар юртига қайтди,
Кўкрагида барининг нишон.

Ваъда берди эллик центнерга,
Катта бир мамлакат исмидан,
СССРдек буюк ўлканинг,
Пахта билан машҳур қисмидан.

- 10 Фарғонали деҳқон — колхозчи
Кремлда этилди меҳмон,
Ғиждувоғли Файзулла Юнус,
Бухороли чевар Тожихон.

Кремлда доҳиймиз бирдан,
Тешабойнинг номини айтди.
Юраги тоғ бўлиб Тешабой,
Севинч билан юртига қайтди.

- Ун уч яшар жажжи бийрон қиз,
Доҳиймизнинг қўлини ушлаб
20 Ваъда қилди яхши ўқишга,
Доҳий кулди ваъдани хушлаб.

«Хуш келибсиз, меҳмонлар раҳмат,
Раҳмат» — деди доҳий қадрдон.
Ишчи тусли, солдат кийимли,
Ўзи олим, у буюк инсон.

Қаҳрамонлар юртига қайтди,
Ҳар бирининг ҳаётида шон.
Қаҳрамонлар қайтди юртига,
Кўкрагида барининг нишон.

30 Ваъда берди эллик центнерга,
Катта бир мамлакат исмидан,
СССРдек буюк ўлканинг,
Пахта билан машҳур қисмидан.

УРИК ГУЛЛАГАНДА

Теразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Новдаларни безаб гунчалар
Тонгда айтди ҳаёт отини
Ва шаббода қургур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини.

- Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.
10 Қанча тиришсам ҳам у беор
Еллар мени алдаб кетади.

Майли дейман ва қилмайман ғаш,
Ҳаёлимни гулга ўрайман;
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,
Бахтим борми, дея сўрайман.

Юзларимни силаб-сийпалаб,
Бахтинг бор, деб эсади еллар.
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар.

- 20 Ҳамма нарса мени қаршилар,
Ҳар бир куртак менга сўйлар роз.
Мен юрганга боғларга тўлар
Фақат бахтни мақтаган овоз:

«Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол.
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.

- Умрида ҳеч гул кўрмай йиглаб
Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда.
30 Ҳар баҳорни йиглаб қаршилаб
Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...»

Теразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

ҲУЛКАРНИНГ ШЕЪРИ

(Қизимга)

Муҳит узра қанотингни ёз,
Оқ қушларнинг ўлкасида юр.
Даста-даста гуллар келтирсин,
Шўх ва қувноқ дўстларга буюр.

Уфқларда сайр этгин мудом,
Қуёш келиб сувга чўкканда...
Ой, булутлар орасидан шом
10 Этак-этак шуъла тўкканда...

Тўшаб алвон-алвон гиламлар,
Сенинг билан яшнасин баҳор,
Сенинг билан хуш бўлсин дамлар,
Сенга донм шодлик бўлсин ёр.

Сени кўрса очилсин гуллар,
Сени кўрса ёнсин булбуллар,
Сени кўрган бари топсин жон,
Сен юрган ер кўрмасин хазон.

БУТУН ОЛАМ БИР ОППОҚ СИЙНА

Хайрлашди... Ўзида йўқ шод,
Сув бўйига келиб ўлтирди,
Кўкка кўкрак кўтариб кушод
Ой қўйнида ўзини кўрди.

Кўзи ойдан дарёга қочди,
Сўйламоқчи эди ҳикоя.
Сувга қараб лабини очди
Ва кўринди жилвагар соя...

- 10 Дарё худди зилол ойина,
Тасвири бир қиз бўлган эди:
Бутун олам — бир оппоқ сийна,
Икки қора кўз бўлган эди.

У жим бўлди, бир лаҳза бетни.
Ихтиёрин қўлига олди,
Сўйламоқчи... ва ундан олдин
Соя туриб сўз бошлаб қолди.

- Ойинага тикиб кўзини,
Таниб қолди гўзал ўзини,
20 Ўзи эди сувда уринган,
Ўзи эди ойда кўринган.

Уялди-ю ҳеч гап айтмайин,
Уйга қараб секин қўзғалди.
Сув бўйида, ойдинда, майин
Битта шойи рўмолча қолди.

ТУННИ ИЗЛАШ

Ун беш кунга тўлганида ой
Кўкка чиқиб тунни ахтарди,
Орқасидан баланд осмонда
Олам-олам юлдузлар борди.

Тундан ҳеч бир асар чиқмади,
То ботгунча қилса ҳам тинтув...
Дунё ёруғ эди ва ҳатто
Ялтирарди сойда қора сув...

Тополмасдан ой тунни, охир
Узи ботди. Юлдузлар бир-бир
Учиб ўтди ва ортиқ қуёш
Билан энди ялтирарди ер...

ДАРЕ ТИНИҚ, ОСМОН БЕГУБОР

Бахтим борки, ҳар нарса гўзал
Кўринади менинг кўзимга.
Водийларга қуёш тўккан ҳал,
Шунишг учун сархат сўзимга.

Айбим йўқдир, гул водийларда
Бадбинларни хушлай олмасам.
Кўкка қараб туриб саҳарда
Шод ўтарман, деб ичсам қасам.

- 10 Оппоқ қордир тоғларнинг тоши,
Дарё тиниқ, осмон бегубор,
Шу ердадир ўлканинг боши,
Сув бўйида менинг уйим бор...

Бу ўлкада қалбларнинг тоза
Ва поклари келиб учрашар,
Одам топган бахтни овоза
Қилиб гуллар, булбуллар яшар.

УЛКА

Мен дунёга келган кунданоқ
Ваташим деб сени, уйғондим,
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига мукаммал қондим.

Қулоғимга номинг кирганда
Қумлик каби ташна боқурман,
Сенинг жаннат водийларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

- 10 Билсинларким, йўлдошим бўлмас
Кўзда ёши билан кулганлар,
Тиллари бор, ўзлари ҳаёт
Лекин юрак-бағри ўлганлар.

Ҳар айтганинг буюк жангнома,
Қайга десанг қайтмай кетурман,
Кўзларимни юммасман асло —
Дарё каби уйғоқ ўтурман.

ҚОЗОҒИСТОН

Қозоғистон — кўп насларнинг
Армон билан кўрмай кетгани,
Қозоғистон — бу боболарнинг
Гадойликда хаёл этгани.

Қозоғистон — бу маъмур ватан,
Бу улуғ халқ эркин олган тин.
Бир ўлкаки, бутун тоғи кон,
Тупроқлари сап-сарик олтин.

- 10 Қозоғистон — бу қатламлари
Маъдан билан тўлиб ётган ер.
Бу — Эмбанефть, бу — бойлик фақат
Бу — хазина, Балхаш ва Реддер...

Қозоғистон — бу қорли тоғлар,
Қозоғистон — шифо булоқлар.
Қозоғистон — бу сўнгсиз яйлов,
Қозоғистон — булутлар аро
Учиб юрган қортолларга ов.

- 20 Қозоғистон — бу олтин, кумуш,
Бу бахт билан тўлиб оққан сой.
Қозоғистон — гуллаган турмуш,
Бу дунёни қоплаган буғдой.

Бу — саодат, бу — деҳқонларга
Мангу хатлаб берилган ерлар
Бу — тоғларни, дала-даштларни
Жойлаб ётган йилқи, уюрлар.

Қозоғистон — бу қари Жамбул
Тўқсон йиллаб кечган бир умр,
Қозоғистон — бу Қарағанда —
30 Қазган билан туганмас кўмир.

Қозоғистон — бу китобхон эл,
Бу янги онг, бу савод, бу хат,
Қозоғистон — бу чақмоқ каби
Яшнаб чиққан бир гўзал санъат.

Бу эзилган, мазлум Шарқ учун
Саодатга, бахтга ишора.
Қозоғистон — бу Кузанбоев,
Омонгелди, раққоса Шора.

Бу эрк олиб юксалган элнинг
40 Гул баҳори, ҳосилдор ёзи.
Қозоғистон — бу жаннатга тенг
Бу — Кулашнинг ипак овози.

Қозоғистон — кўплаб насллар
Армон билан кўрмай кетгани,
Қозоғистон — бу боболарнинг
Гадойликда хаёл этгани.

Бу — удақдос, бу — иттифоқдош,—
Ҳар бир тонги бошлар янги кун;
Қозоғистон — доно доҳийнинг
50 Қўли билан битилган қонун.

Кўп яшасин, кўкларга қадар
Кўтарилсин, бу элнинг боши.
Олатовнинг бошида порлар
Давримизнинг бахти — қуёши.

Бу бахт билан насллар яшар,
Бу бахт учун эллар берур жон.
Йиллар турсин, йилларча турсин,
Бошимизда партия омон.

* * *

Севги десам, фақат сен десам,
Сенинг билан яшаса қалбим;
Сен десам-у бутун дунёнинг
Шўришига қулоқ солсам жим...

Қуюн каби айланар бошим,
Қарайман-у кўзим тинади
Ва жилвангдан кўнгил кўзгуси
Парча-парча бўлиб синади.

- 10 Шу қарашга борми ниҳоя,
Бўларманми мақсадга восил?
Топарманми бир янги гоё,
Бўлармикини бир мурад ҳосил?

Топиларми унда бир чора,
Агар мени қуршаса жунун:
Бўлиб қолса сирим ошкора,
Атасалар номимни Мажнун?

* * *

Кечир мени, нозли малагим,
Сени мақтай олмасим тайин.
Сенга шунча чирой берган ким?
Айтиб бергин, уни мақтайин!

САВОЛ

Кийинтирсам сени баҳорга,
Юлдузларни ўрасам қорга,
Олиб келиб олдингга қўйсам,
Ҳам юлдузни, ҳам сени суйсам;
То тонггача сўйласам эртак
Чечак териб этак ва этак
Оёғингга келтириб тўксам,
Сени мақтаб, ағёрни сўксам,—
10 Шунда сенинг кўнглинг тўлурми?..
Айтганларинг бажо бўлурми?..

* * *

Толеим шулким, Ватанда бир гулистон танладим,
Бахтни топган эл билан жондош бўлиб отдим одим,
Йўлдан озганларга ҳеч бир бўлмадим мен қайғудош,
Шул сабабданким, менинг бағримда жой олмиш
қуёш,
Шул сабабданким, Ватанда бўлмадим илҳоми хор,
Шул сабабдин менга ётдир баҳт талоғ этган диёр.

* * *

Тинимсиздир ёлғиз шаббода,
Майсаларнинг сочи силкинар,
Мана, ҳозир чирқираб турган
Паррандалар, қушлар ҳам тинар...

Ҳамма ухлар ва фақат тунни
Менинг ўзим қарши олурман,
Қарши олур ва тонгга қадар
Менинг ўзим уйғоқ қолурман.

- 10 Қулоғимга секин шивирлаб
Тун уйқуни ўргатар менга:
Бўлганмисан тунда саҳрода?
Бўлмаса кел, сўйлайин сенга...

БАХТИМИЗ ТАРИХИГА

Қанча бўстонлар вабо айёмида бўлди хазон,
Зўр жаҳаннам ичра ёнди қанча номус, қанча жон.
Не қуёшлар ўртаниб тош бағридан топди ўлим,
Неча дарёларни ютди ўт бўлиб ёнгувчи қум.
Лекин иқболи чиқолмай битди тақдир шомидин
Қанча оғулар қуйилди элга қайғу жомидин.

- Бенаво, танҳо Фузулий зор бирла оҳида,
Ўртаниб қоврилди доим қайғу оташгоҳида.
10 Ҳам Навоий бир умр айрилмади Фарҳодидин,
Барча оламни ўтантирди унинг ҳар додидин.
Ҳам қаро кунлар қаро томуғида ёнган китоб,
Қайғу йўлдошинг бўлур деб доимо қилди хитоб.

Ахтариб ўтди жаҳондин ҳеч бири бахт топмади,
Бахт баҳори ҳеч бирин устига бахмал ёпмади.
Кимки бахт ахтарса қайғу бирла зор олди ҳақин,
Ким яшаш истарса унларга ўлим келди яқин.
Қанча орзу, қанча армонлар куйиб бўлди адо,
Қанча эрлар бир умрлик ғам билан ўтди гадо.

- 20 Охири мен ўсган эл яксон этиб ғам тоғини,
Барча тилсимларни очди, топди роҳат боғини.
Бир ватанким, бунда йўқдир дард ва ҳасратдан
нишон,
Бир ватанким, ер ва осмонида одам топди шон;
Бир ватанким, ҳар гулистонида мангудир баҳор,
Бир ватанким, бунда элнинг бахти мангу барқарор.

* * *

Шу кунларда Қутб олинди,
Музлар таслим бўлиб ялинди,
То Московдан Америкагача
Тахти равон бир йўл солинди.

Кўк йўлидир, унда қаноти
Синмас бўлган лочинлар учар,
Лочинлари билан ўлка ҳам
Ерни ташлаб осмонга кўчар.

- 10 Қудрати зўр эл учун осмон
Худди ердай осойиш бўлур.
Бир неча йил мобайнида кўк
Одам билан, албатта тўлур.

ДУНЕ ГҮЗАЛ КҮРИНУР СЕНГА

Келтиради рашкимни доим
Гулга қўнган асаларилар.
Аллақандай туюлар менга
Яшарувчи хушбахт қарилар.

Агар,— дейлар,— кўнгил ёш эса
Оқ соч ўзи бир ҳусн бўлур.
Кўкраккача тушган оқ соқол
Кўзларингга нурдай кўринур.

- 10 Дунё гўзал кўринур сенга,
Ўзи қанча эски бўлса ҳам.
Яшараркан бутун табиат
Ўз эгаси қўйганда қадам.

* * *

Розимасман бир ёш томса кўзимдан,
Розимасман сал ранг кетса юзимдан.
Йўл ошсам-у сал яшашдан адашсам,
Розимасман унда тамом ўзимдан.

Боғим бор-у гулзоримда гулим кўп,
Ҳар ёқда гул, шохларда булбулим кўп.
Мен кўрмаган гулзор қолмас жаҳонда,
Гулзорларга бахтим берган йўлим кўп.

СУЛМОҚ БЎЛМАС ЭЛ БАҲОРИДА!

Дунёларни тикка қўпормоқ
Ўти агар бўлса орида,
Ёвларини айласа тупроқ,
Сўлмоқ бўлмас эл баҳорида!

ЖАВОБ

«Ўлтирасан нега доим жим?»
Дея яна бошладинг ҳужум.
Билгилки, жим ўлтирганимда
Оташ пайдо бўлур танимда.
Ҳамсуҳбатим бўлганда хаёл
Жим қоламан, гап келур малол:
Дунё-дунё ўй ва тушунча
Бамисоли турнадай уча-
10 Уча ўтар осмонларимдан,
Ерга тушиб тутар баримдан.
Сўнгра қўниб хаёл кўлига
Бейхтиёр бошлар йўлига.
Жим ўлтириб кўзим тўнади,
Жим ўлтириб фикрим ўнади...

ДУМБИРАНИНГ МАҚТОВИ

(Абдулла шоирга)

Сўз бошлайин энди яхши, ёмондан,
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.
Сен қўлимда, кезиб ўтдим жаҳондан,
Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам.

Сендан ҳеч бир мумкин эмас совушим,
Сен тоғларда кезган чориқ ковушим,
Сенинг билан баланд бўлди товушим,
10 Билагимнинг зўри бўлган дўмбирам.

Сен бор экан, билинмас тўқ ва очим,
Сен бўлмасанг, парвоз этмас қулочим,
Сенсиз экан доим ёзиғдир сочим,
Қуллигимда чўри бўлган дўмбирам.

Гулзоримда сен — булбулим Ҳалима,
Соғинганда юрагим қийма-қийма,
Сен бўлмасанг бағрим бир қонли кема,
Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам.

Айланса-да, рангим сариқ сомонга
20 Сени чалдим, хор бўлмадим ёмонга,
Қариганда етдим яхши замонга,
Ёвларимга бўри бўлган дўмбирам.

Сен бор экан, ҳар иш келар қўлимдан,
Сен бор экан, ҳайиқмасман ўлимдан,
Минг ўргилиб толе топган элимдан,
Ўтирганга сўри бўлган дўмбирам.

Сенсиз менинг шикоятим тилимда,
Қайғуларим бепоёндир дилимда,

Сенсиз менинг юпанчим сўйла кимда?
30 «Беш бармоқнинг шўри бўлган дўмбирам».

Сенинг билан сўз бермадим ман ёвга,
Сенинг билан бирга бордим ҳар овга,
Сен динғиллаб олиб бординг Московга,
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.

Ҳурмат билан сени қўлга олурман,
Минг яшариб чертиб-чертиб чалурман,
Ҳали яна Москвага борурман,
Гулзоримнинг ҳури бўлган дўмбирам.

Сен нур тўла менинг ойли тунимсан,
40 Сен омборда қолаб қўйган унимсан,
Сен колхозда топган ёруғ кунимсан,
Душманнинг гўри бўлган дўмбирам.

БАХТ ТУҒРИСИДА

Ҳар кимга бир «нони пасиба» —
Паррандалар ўз ҳаққин тилар.
Кўпни кўрган қари дунёда
Бахт ахтариб кўплар ўтдилар.

Кўплар ўтди, кўпгина одам
Таний олди дўзахни, ўтни.
Дунё деди, кўзни очди-ю
Лекин кўрди фақат тобутни.

- 10 Шодлик истар эди барчаси,
Лекин келиб қучарди мотам.
Хурсандликка зор дийдаларда,
«Шодлик мен» деб кулар эди ғам.

Бахт ахтарар ва қора тақдир
Мазах билан қилар ҳақорат.
Дунё-дунё армон ва орзу
Гадойликда бўларди ғорат.

- Мотам ва зор, азоб ва қайғу
Гадойликнинг кўҳна йўлдоши,
20 Инсон қалби устида ётар
Асрларнинг муҳтожлик тоши.

Бахт топилмас ҳеч бир замонда
Эл қул бўлса, бўлса яланғоч.
Жаннатларни яратган одам
Натижада ўзи қолса оч.

Қувонч шулким, толе ёр бўлиб,
Бахтни топган элни кўролдим,

Асрларнинг қайғусин қаргаб,
Шодлик ва бахт куйини чолдим.

- 30 Элим яшар осойиш ва шод,
Ўлкам ўзи янги бир жаҳон —
Ўзбекистон номли бир жаннат
Боғларида ором олар жон.

Бахт қайнайди соф булоқларда,
Дамларимиз ўтар беозор.
Шаҳарларда, боғлар, тоғларда,
Элни қучган мангу бир баҳор.

ПУШКИН

1

Эсини таниди ва кўҳна дунё
Унинг юрагига чангал ташлади:
Ердаги аламлар, қайғулар, ғамлар,
Фарёдлар ўтида ёна бошлади.

Дунёвий азоблар ёндирди қалбин,
Омонсиз ёв бўлди золим фалакка,
Итоатсиз бўлди, исёнкор, бедин,
10 Фақат, ғариб қолди, ўртанди якка...

Юз ўгирди сарой, кошоналардан,
Тарихий жумбоқни шундай этди ҳал:
Аҳли киборлардан, подшолардан
Ўғри деб ном олган Пугачёв афзал.

Буюк дарё каби оқизиб ўтди
Пойтахт остида битганлар бошини,
Бутун Русиянинг зори, фиғони,
Банди деҳқонларнинг аламли ёшини.

Балоларга пешвоз тутди у жонни,
20 Бир оташ ёнарди жўшқин қонида.
Дўзах Русияда топди хазонни,
Куйиб адо бўлди ғам тўфонида.

2

Фақат ўлгунгача таслим бўлмади,
Сўнги соатгача бўлди қувғинда.
Ишрат шоми эмас, ўшанинг дарди
Ватанни ёритар қоп-қора тунда.

Фақат шу берарди дийдаларга нур,
Фақат шу қиларди дилларни равшан,
30 Уша қувгин, ўша сургундаги ҳур —
Бўлмаса тоза ҳам хор эди ватан.

Жануб қуёшида қайнаган кунда
Буюк Эльбруснинг ярқирар қори...
Подшодан узоқ, оғир сургунда
Тўлишарди рус шеърининг баҳори...

3

Русия, Русия, шўрли Русия,
Аянч хўжаларнинг қашшоқ ўлкаси!
Қашшоқ хўжаларнинг юрти Русия,
40 Қалбингда икки бош қузғун кўлкаси!

Русия, Русия, сўнги йўқ тупроқ,
Эй буюк вайрона, эй кафангадо!
Энг яхши фарзандинг этилмишдир оқ,
Эй бало тутқуни, кулфатда адо!

4

Ерга йиқилди-ю тортди бир фарёд,
Чунки юрагига бир яшин тушди:
Бутун Русияни емирган жаллод
Дантес либосида келиб отишди.
50 Шундай якун топди фоже муаммо:
Ажал очиб келди унга кенг қулоч.
Оппоқ қор қон эди... ва шоир аммо,
Мозор Русияда қабрга муҳтож...

Арава ғижирлар тунда, похол-хас,
Хашаклар ичига тобут кўмилган:
— Бу ўзи нима гап?
— Ҳеч нарса эмас,
Пушкин деб аталган биттаси ўлган...

5

60 У яшрин кўмилди. Ўз азобида
Ўлка осмонини зўр мотам тутди
Ва бутун рус халқи ўз юрагида
Шу буюк тобутни кўтариб ўтди.

* * *

Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.
Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст
Куни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.
10 Қучоқ-қучоқ гуллар терганим
Ва келтириб сенга берганим,
Кечагидай ҳамон эсимда,
Ҳар сония, ҳар он эсимда.
Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг.
Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

ҲОЛ

- Қайдан келдинг, фикримни бўлдинг,
Нега этдинг мени паришон?
Нега буздинг мунис ҳолимни,
Уйларимни нечун бемакон?
Эҳтирослар, ҳислар, ёнишлар
Улкасини кезарди хаёл,
Ҳоким эди менинг руҳимда
Шундай латиф илҳомий бир ҳол.
- 10 Бир кичик тор, бир ёниқ парда
Қанча гапни айтиб берарди...
Онасидан ўрганганини
Чумчуқ чувлаб қайтиб берарди...
Тиккан эдим қалб қулоғини
Ва фикримга берган эди жон,
Чивин учса келарди малол,
Шунга эди садоқат, имон.
Халал берма, озроқ қўйиб тур,
Тамом қилай шу гул суратни,
- 20 Қўйгил мени, юракнинг қони
Билан тортай энг сўнгги хатни.

БИРИНЧИ МАЙ КОЛОННАЛАРИГА

(Радиодан намоишчиларга)

Байрам этар эл ўз бахтини,
Севинчидан қувнайди жонлар.
Олқишлайди кўклардан бу кун
Намоишни аэропланлар.

Ҳеч бир хоин, ҳеч бир газанда,
Яйрай олмас бу тоза танда.
Ишонч шулким, бахт ва саодат
10 Мангу қолур буюк ватанда.

Ўлка бўйлаб бахт олиб эсган,
Тонгги шаффоф елларга салом!
Май кунда кўкларда учган,
Саодатли элларга салом!

ШОДЛИКНИ КУЙЛАГАНИМНИНГ САБАБИ

Шоирларни кўп ўқиб чиқдим,
Билмаганим қолди жуда кам.
Ўқиб чиқдим, чувалди фикрим,
Кўравериб ҳаммасида ғам.

Фузулийни олдим қўлимга,
Мажнун бўлиб йиғлаб қичқирди
Ва Навоий тушиб йўлимга,
Фарёд билан ўрнидаш турди,

- 10 Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Ахир қўйиб, олдим Ҳофизни.
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч,
Йиғлаб турган бир черкас қизни.

Шекспирдан сўрадим савол,
Жавобини келтирди Хайём:
«Чунки ғамга ошнодир ҳол,
Қайғу билан тўлиғдир айём».

- Уйладим-у узоқ қолдим жим,
20 Сўнгра савол қилдим ўзимдан.
Дарё каби тошиб севинчим,
Ёш тирқираб келди кўзимдан.

Шодлик йўлга бошлади мени,
Бахтиёрлик бўлди одатим.
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни
Куйламаклик зўр саодатим.

Чунки элим қайғуни билмас,
Чунки йўқдир Ватанда мотам.
Овод халқим бошига келмас,
30 Энди сира мусибат ва ғам.

Шунинг учун шодман бир умр,
Шунинг учун шодлик ҳамдамим.
Ҳар кун ортар кўзларимда нур,
Шунинг учун йўқ асло ғамим.

Мен билман душманим кимлар,
Сергак бўлиб боқдим йўлимга.
Чунки халқим барча тилсимлар
Калитини берди қўлимга.

ГОРЬКИЙ ҲАҚИДА

1

Қолмиш эди ҳаёт тубинда
Русияни қуршаганда тун.
Бола экаи ҳар чеккан жафо
Унга бўлди бир дорилфунун.
Унга бўлди муҳтож, яланғоч
Русиянинг сирлари аён.
Жанга кирди, унда ҳар бир оч
10 Қайғусини айлади баён.

2

Бир асрлик Русияни у
Елкасига кўтарди дадил.
Кўтарди ул, кўтарди мангу,
Буюк эди бу одамда дил.
Умр бўйи эл билан бўлди,
Гўдак экан уни кўрди хор.
Ўлмай туриб яна туғилди,
Бўлганида халқи бахтиёр.
20 Буюк эди, ҳаттоки тошлар
Куйлаганда сеза олурди.
Ҳайратидан кўзида ёшлар
Тоғлар каби жимжит қолурди.

3

Ростгўй эди бу улуғ падар,
Ҳақиқатдан асло қайтмади.
Туғилгандан ўлганга қадар
Бир сўз бўлсин ёлғон айтмади.
Юрагида қайнар эди дард,
30 Ёвни кўрса ўтдай тошарди.

Душманидир хоин ва номард,
Унга нафрат билан яшарди.
Шунинг учун олдирмади тин,
Заҳар билан кесилди бу тил.
Тирик экан уйига яшрин,
Олиб келди тобутни қотил.
Келтирди-ю солди буюк ғам,
Тилагига етгандек бўлди...
Шундай кетди бу улуғ одам,
40 Киприклари секин қуюлди...

Горький кетди, бу оғир ўлим
Бағримизни бир ўйиб кетди.
Горький кетди ва лекин у, шум
Ёвга қарши ўч қўйиб кетди.


УЗБЕКИСТОН

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда...

Чаппар уриб гуллаган боғин,
Упар эдим Ватан тупроғин.
Одамлардан тинглаб ҳикоя
Усар эди шоирда ғоя:
Дарёлардан куйлаб ўтардим,
Эртақларга қулоқ тутардим.
10 Ҳаммасини тинглардим, аммо,
Ухшашини топмасдим, асло.

* * *

Ухшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон,—
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.
Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин.
Қорли тоғлар турар бошида,
20 Гул водийлар яшнар қошида.
Чор атрофга ёйганда гилам,
Асло йўқдир бундайин кўклам.
Тоғлардаги қип-қизил лола
Бўлиб гўё ёқут пиёла,
Булоқлардан узатади сув,
Эл кўзидан қочади уйқу.
Далаларда бошланади иш,
Бошланади ижод ва турмуш.



«Улка» шеърлар тўпламининг муқоваси. 1939 йил.

- Кундан-кунга ўсади пахта,
 30 Барг чиқади ҳар бир дарахтда.
 Олмазорлар гулин тўкади,
 Мева боғлаб шохин букади.
 Шаҳарларда ишга чиқиб эл,
 Одам билан тўлар Текстиль.
 Ҳаммасининг бир истаги бор,
 Ҳаммаси ҳам хурсанд, бахтиёр.
 Бу ўлкада ҳар нарса бордир,
 Кўрмаганлар доим хумордир.
 Аму билан Сирдан сув ичган,
 40 Зарафшонни лойлатиб кечган
 Чавандозлар бордир бу элда.
 Баҳор чоғи пишқирган селда
 Арғумоқлар қўшиғи бордир,—
 Бу шундайин ажиб диёрдир.
 Даласида ўсмас тиконлар,
 Чўлларида чопмас илонлар.
 Қуш учганда куймас қаноти,
 Одам ўтса қуримас зоти.
 Чанқов қолиб йўловчи ўлмас,
 50 Ҳар бурчакда бошкесар бўлмас.
 Кулбаларни келиб босмас қум,
 Гўдакларни ютмас оч ўлим.
 Одамга бахт ва толе ёрдир,—
 Бу шундайин ажиб диёрдир.

* * *

- Бунда булбул китоб ўқийди,
 Бунда қуртлар ипак тўқийди,
 Бунда ари келтиради бол,
 Бунда қушлар топади иқбол,
 60 Бунда қорнинг тағларида қиш,
 Баҳор учун сўйлайди олқиш.
 Бир ўлкаки ҳуснга бойдир,
 Унинг энг зўр кўзгуси ойдир.
 Бир парча ўт бўлиб бунда кун
 Пахтасига ишлайди ҳар кун.
 Ботирлари канал қазади,
 Шоирлари ғазал ёзади,
 Куйчилари ўқийди ялла,
 Жувонлари айтади алла.

- Пазандаси ёпади ширмон,
70 Қарилари кутади меҳмон.
Бу шундайин ажиб диёрдир,
Бунинг қизиқ ҳикмати бордир:
Москвада суянган тоғи,
Гуржистонда севган ўртоғи —
Унга ҳусн ва ифтихордир,
Узоқ Шарқда қўшини бордир.
Шунинг учун тинчдир ул кўнгил,
Шунинг учун осойишдир ул.
Шунинг учун сомонда ётмас,
80 Шунинг учун совуқда қотмас.
Ёвларига осмон тутундир,
Шунинг учун бағри бутундир.
Шунинг учун ёпинмагай хас,
Шунинг учун кийинар атлас.

* * *

- Шундай ўлка доим бор бўлсин,
Шундай ўлка элга ёр бўлсин.
Омон бўлсин оғайнилари,
Омон бўлсин дўстларнинг бари.
90 Доим бўлсин доҳийси омон,
Шундай бўлсин бу бутун жаҳон.

* * *

Шафтолизор боғларни кўрдим,
Гул кўқарган тоғларни кўрдим.
Меҳр қўйиб ўпган сари оқ,
Оппоқ бўлди бу азиз тупроқ.

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда...

САМОЛЕТ

(Болаларга)

- Осмонларни тўлдириб
Самолёт ўтиб кетди.
Унинг кучли овози
Оламни тутиб кетди.
Эй Ватаним қурган қуш,
Тўхта, мани олиб кет!
Тўхта, бир хат берайин,
10 Қанотингга солиб кет.
Осмонларда манинг ҳам
Битта лочин акам бор.
Хатимни бер, ўқисин,
Ўқисин такрор-такрор.
Ватанимиз ёвига
Омон берма,— деб ёздим.
Орден олмасдан туриб,
Уйга келма,— деб ёздим.
Осмонларни тўлдириб,
20 Самолёт ўтиб кетди.
Унинг кучли овози
Оламни тутиб кетди.

ВАТАН

(Болаларга)

Шодлигим кўкка сизмас,
Битмас бахтим бор маним.
Мени бахтиёр қилган
Шу енгилмас Ватаним.

Душманга омон бермас,
Хар бир аскар отган ўқ.
Дунёда менкидай
10 Катта ва зўр Ватан йўқ.

Ёвнинг ўқи ҳеч қачон
Аскаридан ўтмайди.
Нишон олса осмонни
Самолётга етмайди.

Шунинг учун қишлоқлар
Кун кечирар эркин, тинч.
Шаҳарларнинг қалбида
Кеча ва кундуз севинч.

ЛОЛА

(Болаларга)

Лола боқчага чиқиб
Кечга қадар гул терди.
Этак-этак тўплади,
Ҳар кунгидан мўл терди.

Сочига гул боғлади,
Чаккасига тақди гул.
Елкаларидан ташлаб
10 Гулга кўмилди буткул.

Сўнгра уйга келди-ю
Бирпас ётиб дам олди.
Киприги юмилди-ю
Гул каби ухлаб қолди.

ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

Май тўла косалар солар шовқин,
 Янги йил ўз қучоғига тортар.
 Бормикан шу қадарли қувноқ тун?
 Юрагимда ҳамон ҳавас ортар.

Тушмаса юзга ҳеч ажиндан из,
 Яна бир муддаоки, ҳал бўлса:
 Бахтимиз борҳо ёйиб илдиз,
 Урмимиз бир аср тугал бўлса.

- 10 Яшнаса бу чаманда дилдорлар,
 Севгида сарғайишни билмасдан.
 Қайғуни кўрмаса гўзал ёрлар,
 Ўн гулин бир гули очилмасдан.

Билмаса наслимиз надур қаримоқ,
 Етмаган-ку замон ҳам элликка;
 Тушмасин ҳеч бирорта бўлсин оқ
 Енгилиш билмаган йигитликка.

- Кел, эй соқий! Пиёлани тўлдир!
 Йигит умримга янги йил кирди.
 20 Шодлигим дўстларимга маълумдир,—
 Йилга йил кирса, элга эл кирди.

Қадрига етмаганин бу оннинг,
 Халқ ичинда юзи қаро бўлсин!
 Ҳам сафил ҳамда у мохов била тенг,
 Бутун оламга можаро бўлсин!

Марҳабо, Янги йил, омон келдинг!
 Яхши кунлар кутар яна олда.
 Кўзимизга жаҳонни кўрсат кенг,
 Кўрайлик ҳарна бўлса иқболда.

ЧИРЧИҚ БҒИЛАРИДА

Гулшан водийларда чақнайди кўзим,
Фикрлар дарёдек босиб қилар лол,
Узининг бағридан оққан сувларнинг
Орқасидан қараб қолгандай Чотқол.

Чирчиқ бўйларида кезаман ҳайрон:
Кўзимга Аму ҳам, Сир ҳам кўринар.
Табиат сирини ўргатар менга
Сувнинг ўйнида бир кимиёгар.

- 10 Элнинг ўғиллари, мардлар қошимда,
Мен суҳбат қиламан олимлар билан;
Табиатшунослар, ҳикматчи дўстлар,
Менга ўргатади ажойиб бир фан.

Бирининг қўлида чўлларга ҳаёт,
Бирининг қўлида дарё товланар.
Бирининг қўлида семиради ер
Ва ҳар муз томчида оловлар ёнар.

- Бу — Шарқнинг юлдузи — Ўзбекистондир,
Урта асрларнинг Осиёси йўқ.
20 Янги дарёларнинг севар ўлкаси,
Бағри шодмонлик, бахт билан тўлиқ.

Сероб даласида пахта гуркирар,
Тоғларида олтин, боғларида бол.
Бутун қўшнилари кўзлари унда,
Шундай бўлмоқликни қилади хаёл.

Қадим Шарқнинг ери ташна, қовжирар —
Катта Фарғонанинг сувига муҳтож.

«Мадорим кетибдир, ўғит бер!» дейди,
Чирчиқ азотига термулиб у оч.

- 30 Навоий ўтказган ариқлар қурғаб,
Янги Навоийдан қутмоқдадир сув.
Чирчиқ бўйларидай кўкарсам деган
Гиёҳсиз чўлларнинг кўксида орзу.

Ҳеч ажаб эмаским, Шарқнинг деҳқони,
Чирчиқ қурганларни кўргуси келса,
Ҳеч ажаб эмаским, сувни кўрганда,
Кўз ёши қон бўлиб ерга тўкилса.

- Мен шарқлик шоирман, кўзнинг ёшлари
Қўшиқ бўлганини кўрган куним бор.
40 Қўшиқ одамларни жангга ташлаган,
Қўшиқ кўнгиллардан кетгизган ғубор.

Қўшиқ одамларни Ленинга элтган,
Қўшиқ доҳиймизни ахтарган йиллар.
Бу қўшиқ халқларни этган биродар,
Занжир, кишанлардан қутулган эллар.

Ҳеч ажаб эмаским, Шарқнинг деҳқони,
Чирчиқ қурганларни кўргуси келса,
Ҳеч ажаб эмаским, сувни кўрганда,
Кўз ёши қон бўлиб ерга тўкилса.

- 50 Негаким, дардларга даводир бу сув,
Бу нурлар қилади кўзларни равшан.
Чирчиқлик шоирда бордир бир армон:
Бутун Шарқни озод кўролсам деган.

Чирчиқ бўйларида ёнар чироқлар,
Қаршимда зўр дунё очади чирой.
Қалбимдан оқмоқда бир дарё қўшиқ,
Қор босган тоғларнинг тепасида ой...



Ҳамид Олимжон Латвия ёзувчиларининг I съездида. Июнь,
1941 йил.

ҒАЛАБА ҚУШИҒИ

Фашизм одамизод учун қора доғ келди,
 Қуёш нурига қарши чанг билан тупроқ келди,
 Ҳлакка устидаги қузгун билан зоғ келди,
 Ёлғиз менинг Ватаним бахт ўстирар боғ келди.

Кундузни тун деб ўйлаб сарҳадга келди ўғри,
 Қўршапалак охири оташга келди тўғри,
 Тушар доим эсимга — ўзбек мақолидир бу:
 Ким аввал мушт кўтарса, албатта, қўрқоқ келди.

- 10 Гитлернинг ичда қилган қарғишини билардик,
 Ер тагида илоннинг изғишини билардик,
 Гофил деб ўйламасин, ҳар ишини билардик,
 Урмонда бўри билан шер олишар чоғ келди.

Душманнинг тепасида ёзиб пўлат қулочин,
 Қалхат билан олишгай осмонда зўр лочин,
 Тарихнинг ҳукмидир бу: бизникидир зафар чин,
 Қутурган селга қарши осмон бўйи тоғ келди.

- Ҳозир бўлсин фашизм ер тагида чиришга,
 Мана биз кўкка учдик, тепасидан қиришга,
 20 Одамзод гувоҳимиз, қойил қолсин бу ишга,
 Душманларни ер билан яксон қилар чоғ келди.

ҚУЛИНГГА ҚУРОЛ ОЛ!

Ҳаёт қайнаб тонг тумонида,
Кўз илғамас эл ўрмонида,
Зўр ўлканинг қайноқ қонида
Ҳукм сураб сафарбар бир ҳол:
Қўлингга қурол
ол!

Кўрсин десанг жаҳонни кўзим,
Уссин десанг боғимда узум,
10 Умид билан ўстирган қизим
Десанг агар бўлмасин увол:
Қўлингга қурол
ол!

Бўлсин десанг дунё сенга кенг,
Қолсин десанг қўлингга эркинг,
Бўлай десанг сен одамга тенг,
Бўлмай десанг ёвларга ҳаммол:
Қўлингга қурол
ол!

20 Олай десанг фашистан қасос,
Қўлингга ол қилич ва олмос,
Яғринингга винтовкани ос!
Қолмай десанг айтишганда лол:
Қўлингга қурол
ол!

Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус, виждонинг,

30 Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол:
Қўлингга қурол
ол!

Жон юртингга босиб келган ёв,
Тоғларингда қилолмасдан ов,
Сен қувганда пиёда, яёв
Қочсин десанг гўё қорамол:
Қўлингга қурол
ол!

ИГИТЛАРНИ ФРОНТГА ЖУНАТИШ

Поезд тайёр жўнамоққа,
Вокзал тўла йигитга:
Она бу кун узатади
Уз ўғлини фронтга.

— Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин,
Хайр, кўзим қораси,
Билким, жангда билинади
Мард йигитнинг сараси.

- 10 Бола экан тиш чиқардим,
Ёвларни тишласин, деб.
Тоғдай оғир билак бердим,
Душманни муштласин, деб.

Яна икки кўз ҳам бердим,
Ёв келганда кўргани.
Оёқ бердим лозим келса,
Ёв устига юргани.

- Ақл бердим, ёв босганда
Енгишга йўл топсин, деб.
20 От ҳам боқдим, маврид келса,
Жангга миниб чопсин, деб.

Мана бу кун буюк халқинг,
Сени чақирди жангга:
Фашист деган бир аждаҳо
Ёв келибди Ватанга.

Ленин ота номини айт,
Болам, мард бўл, жангга кир,

Душманни қув элимиздан,
Кетидан елдай югур.

- 30 Кўкдан келса, қилич билан
Оёғини қирқиб ол;
Ердан чиқса, қўндоқ билан
Аблаҳнинг бошига сол.

Ҳамла қилса, гавдасини
Танк билан мажақлаб ўт,
Кўкка чиқиб ўлим ёғдир,
Қолсин бегўр, бетобут.

- Хужум чоғи чекилма ҳеч,
Тулқини шер бўлиб бос.
40 Тирноқ билан бағрини йирт,
Қўлингни дор қилиб ос.

Агар жангда иш бермасанг,
Олмасанг ботир деб ном,
Гитлерни енгиб қайтмасанг
Берган сутларим ҳаром.

Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин,
Хайр, кўзим қораси
Билким, жангда билинади
Мард йигитнинг сараси.

- 50 Йигит қасамёд қилади
Милтиқни олиб қўлга.
Паровоз ҳам қичқиради,
Поезд тушади йўлга.

Она йўлга тикилади:
— «Болам, йўлинг бўлсин оқ...»
Поезд кўздан йўқолгунча
Тикилади у узоқ.

ХАТ

Эсимдадир йигитларни
Шердил қилар сўзларинг.
Хотиримда, ғазаб билан
Ёниб турган кўзларинг.

Ватан учун жангга бор деб,
Милтиқ бердинг қўлимга.
Жангга кирдим Ватанимни,
Сени жойлаб дилимга.

- 10 Ойлардурким, олишаман
Мен одамхўр ёв билан.
Унинг қонли туёғидан
Тоза бўлсин деб Ватан.

Ухламайман тунлар бўйи,
Икки кўзим осмонда.
Шитир этса хас, сезаман,
Қулоғим ёв томонда.

- Окоплардан ёв чиқади
Оч бўридай улушиб,
20 Орқасидан ажал қувган
Тентаклардай кулишиб.

Даҳшат билан бир ўтаман
Тепасидан бургутдай.
Ёмғир каби ўқ ёғдирсам
Тўкилади у тутдай.

Юрагини яшин каби
Доим ёриб ўтаман,

Дарё бўлиб тошаман-у
Ўз қаъримга ютаман.

- 30 Қонлар кечиб ёв келади,
Кўзлари қон, фаҳми йўқ.
Сенинг учун ўқ узаман,
Ғазабимнинг раҳми йўқ.

Вабо каби босиб келар
Баъзан менинг йўлимга.
Қора қонга беланади
Найза олсам қўлимга.

- Жангга кирган мард йигитнинг
Бўлмас асло армони
40 Уни кўрган душманларнинг
Қурийберса дармони.

Ўлим билан олишаман,
Енгиш нима, биламан.
Фашистларга келган қирон
Менинг ўзим бўламан.

Ҳисоб эмас ҳужум чоғи.
Қуёш каби қизмасам.
Нафасимдан олов пуркаб,
Ёв сафини бузмасам.

- 50 Она, мендан хавф қилма ҳеч,
Дадил бўл, айла бардош.
Ватан учун жанг қилувчи
Мард ўғлингнинг боши тош.

Пешонамни силагансан,
Куймайман ўтга солса.
Қилич солса тўғралмайман,
Ўлмайман ўқ қадалса.

- Она билким, ёв босолмас,
Шер йигитнинг юртини.
60 Қулатмасам ҳисоб эмас,
Ҳар ўқимга тўртини.

Онт ичаман, ер юзида
Қолса фашист деган ном.
Она, ўзим иқрорманким,
Берган сутларинг ҳаром.

Ватан учун жангга бор деб,
Қурол бердинг қўлимга,
Жангга кирдим Ватанимни,
Сени жойлаб дилимга.

МОСКВАНИ МЕН БИЛАМАН

Тун бошланар... фашист деган ялмоғиз
Ва қутурган одамхўрнинг кўзи қон.
Одамзодга ўлим ортиб устига,
Калхатлардай уча бошлар қўк томон.

Евга қарши қўзғалади Москва,
Шаҳар кечган тинчлик, ором баҳридан.
Ҳар ерда бор бир улуғвор нишона
Москванинг ғазабидан, қаҳридан.

- 10 Ғазаб билан қўзғалади бутун халқ,
Тебранади қари чоллар, оналар.
Ев ташлаган бомбаларнинг изидан
Чопишади жасур, қўрқмас болалар!

Тўда-тўда қирувчилао ҳавога
Кўтарилар «меҳмонларни» кутгани.
Ғазаб билан чайқалади дарёлар,
Евузларни ўз қаърига ютгани.

- Булутларнинг орасига яшриниб,
Келаётган қузғунларни тутар нур.
20 Жимжит турган майдонлар ҳам очар ўт,
Учиб келган ўғрилари ютар гўр.

Кўкдан ерга мукка кетган душманга
Қабр бўлар ҳар бир чуқур, ҳар бир гор.
Зўр келганда қочмоқ ҳам бир ҳунар деб,
Қутулганлар қоча бошлар шармисор.

Москвани мен биламан... тер тўкиб
Зўр шаҳарни қурганларни кўрганман;

Одам тўла кўчаларни айланиб,
Жангчиларнинг қаторида юрганман.

- 30 Эсимда бор, дўстлар билан бирликда
Москвадан Минскийга ўтганим.
Совуқ қишда оқ финларни емирган
Ботирларни вокзалларда кутганим.

Москвани сен билмайсан, қонхўр ёв,
Москвада сенга ёлғиз ўлим бор.
Чуқурларда, горликларда чирийсан,
Қабрга ҳам, тобутга ҳам бўлиб зор.

- Москвани қўриқлайди бутун эл,
Кўрагимиз осмонида зўр қалқон.
40 Шунин билким, жон учун жон оламин,
Шунин билким, тўкамиз қон учун қон.

Лекин сени асло тирик қўймаймиз,
Лекин сени қўймаймиз бу Ватанга.
Узоқ-яқин, она-бола, йингит-чол —
Ҳаммамиз ҳам киришдик қонли жангга!

БҮЛ ОМОН

Бор ўғил, бор, жангга боргил,
 Сен йигитлар боши бўл,
От қўйиб майдонга киргил,
 Мардлар йўлдоши бўл,
Халқнинг ёвларга отган
 Бош ёрар бир тоши бўл,
Бор ўғил, сен доҳиймизнинг
 Бир азиз қўлдоши бўл,—
10 Қаҳрамоним, арслоним,
 Меҳрибоним, бўл омон!

Ўз қўлинг бирла яратган
 Бўстон чўл бўлмасин,
Муҳташам олий саройлар
 Бир ҳовуч қул бўлмасин,
Бу онангнинг кўзда ёши
 Қайтадан қул бўлмасин,
Евни қувгил юртимиздан
 Халқимиз қул бўлмасин,—
20 Қаҳрамоним, арслоним,
 Меҳрибоним, бўл омон!

Ёвга сан ўткир қилич сол,
 Бағрини қилгил яро,
Ерда ҳам осмонда қувлаб
 Бошига сол можаро,
Ол қасос, ерларга янчиб
 Қил уни мотамсаро,
Евни енгган паҳлавоннинг
 Номи кетсин халқ аро,—
30 Қаҳрамоним, арслоним,
 Меҳрибоним, бўл омон!

ПОЧТАЛЬОН

(«Учрашув» номли киносценарийга ёзилган қўшиқ)

Хат келтирдим, хат келтирдим
Мен осмоннинг отида.
Хат келтирдим севганингдан
Кабутар қанотида.

Хат келганда тинчирди жон,
Хат жуда азиз меҳмон.
Узоқ йўллар яқин бўлар,
10 Хат бўлса, бўлмас ҳижрон.

Ватан учун жангга кетган
Жонингдан келтирдим хат.
Томирингда юриб турган
Қонингдан келтирдим хат.

Хат ёзибди, онажон, деб,
Қаҳрамон кўрар кўзинг.
Омон бўлсин меҳрибон, деб,
Яшнаб турган юлдузинг.

20 Хат ёзибди отанг, онанг,
Уғлим омон бўлсин, деб.
Унга қарши келган ёвнинг
Ранги сомон бўлсин, деб.

Боғингдаги гулзорингдан,
Хат келтирдим ёрингдан,
Йўлларингга қараб қолган
Кўзлари хуморингдан.

Бирга-бирга ўйнаб ўсган
Меҳрибонлардан салом,
Уртоқлардан, ошналардан,
30 Жонажонлардан салом.

Хат келади сизларга ҳам,
Хат сизнинг йўлингизда
Азаматлар, паҳлавонлар,
Ғалаба қўлингизда.

ҚАДАҲ

(Янги йил)

- Қўлимдаги шароб тўла пиёла
Қип-қизилдир гўё баҳорги лола.
Қип-қизилдир ботаётган кун каби,
Қип-қизилдир гўё қизларнинг лаби.
Дўстим, уни мана сенга узатдим.
Сенинг учун бугун бир тўй тузатдим.
Сенинг учун тахт ўрнатдим ёнимда,
10 Исминг ёзиқ бу кун ёпган нонимда.
Ол, ичайлик, ғойибона бўлса ҳам,
Қанот бўлса узоқ-яқин нима ғам?
Хаёл эса тездир ҳар бир қанотдан,
Орзу эса учқур ҳар қандай отдан.
Ол, ичайлик, ботирларнинг номига,
Шароб қуйиб бутун дунё жомига.
Ер юзини ифлослардан ювгали,
Фашистларни Берлингача қувгали.
Евни тамом қуритгали Ватандан,
20 Ваҳшийларни кўммак учун бекафан,
Ғалабамиз, шодлигимиз, халқимиз
Учун, дўстим, кел ичайлик иккимиз.

ГВАРДИЯЧИЛАРИМИЗГА САЛОМ

- Салом сизга ватандошлар, мард ҳамшаҳарлар,
 Қутлуғ бўлсин ҳаммангизга улуғ фахрий ном.
 Қутлуғ бўлсин доҳий ўзи топширган байроқ,
 Оталардан, оналардан, дўстлардан салом.
 Сиз асда туғилгансиз шараф-шон учун,
 Помир бўйлаб лочин каби учгансиз отда,
 Фарғонада дарёдан зўр канал қазгансиз,
 Зарафшоннинг олтини бор сизнинг қанотда.
- 10 Бу кун жангда қилар экансиз ёвни яксон,
 Найзангиздан учар экан душманлар боши,
 Минг ваҳшийни тўғрар экан ҳар қиличингиз,
 Шод бўламиз, яқин келиб енгув қуёши.
 Баҳодирлар яшасин, деб қувонади эл,
 Қиз-келинлар ботиримиз соғ бўлсин, дейди.
 Саҳар туриб тилак тилар ота-оналар:
 Кўкраклари орден тўла тоғ бўлсин, дейди.
 Қани шерлар, олға ҳамон, ғалаба томон!
 Душманларни даҳшат билан қувинг беаёв.
- 20 Бу дунёга келганига бўлсин пушаймон,
 Ўзбекистон мардини ҳам билиб қўйсин ёв!

ШАРҚДАН ҒАРБГА КЕТАЕТГАН ДУСТГА

Бор, Ғарбга бор, баҳодир йигит,
Дўстларимиз элдан ажралди.
Ёв қўлида ёнди шаҳарлар,
Қадрдонлар беватан қолди.

Сен халоскор одамсан, дўстим,
Элимизнинг қуёшида — сен,
Ёстиғини Гитлер қуритган
Одамларнинг кўз ёшида — сен.

- 10 Қон ичида қутурган жаллод
Хар қишлоқда бир дор қурибди.
Дорга қараб бораётган чол:
— «Тезроқ кел!» деб кутиб турибди.

Зўр жангларда ёвни тўзғитиб
Ўлганларнинг ўзи йўлингда.
Ўрмонларга уйини ташлаб,
Кетганларнинг кўзи йўлингда.

- Номуслари хўрланган қизлар
Зор йиғлашиб сени кутади.
20 Келинларнинг кўзи йўлингда,
— «Тез келсин!» деб зардоб ютади.

Отасидан жудо бўлганлар
Сени излар кўчаларда зор.
Оналари сен деб йиғлаган,
Фашистлардан тортганда озор.

Днепрнинг тошқин сувлари
Шевченконинг ёшидир бугун,

Шу дарёга келиб чўкибди
Украинада чиқадиган кун.

- 30 Белоруснинг қонли бағрида
Бир зўр ёнғин тутаб ётибди.
Элни севган ҳар бир одамнинг
Юрагига минг ўқ ботибди.

Боргил тезроқ, баҳодир дўстим,
Кун чиқишдан кун ботишга бор:
Тунни доим қуёш қувади,
Қардошларни зулматдан қутқор.

- Нафасини ёв бўғиб ётган
Кенг далалар изингга зордир.
40 Олуҷазор, мевазор боғлар
Сен бормасанг қора мозордир.

Сен бормасанг баҳор бўлмайди,
Очилмайди боғларда гуллар.
Қарағайлар барг чиқармайди,
Урмонларга келмас булбуллар.

Украинанинг далаларида
Лола эмас, кўкаради қон.
Сен бормасанг баҳор бўлмайди,
Бу йил экин экмайди деҳқон.

- 50 Тезроқ боргил, халоскор дўстим,
Ёвларни қув, дўстларни қутқор.
Эл дилидан кетсин қайғу-ғам,
Баҳор келиб, кетганидай қор.

Ёв эсидан оғғунича қув,
Қочсин душман мағлуб, шармисор.
Қувган одам ғолибдир мутлақ
Ҳам кетади кўнглидан ғубор.

- Кечаларни бўридан арит,
Кундузларни ўғридан халос.
60 Ёв енгилган ҳар тепаликка
Меҳнат ва бахт байроғини ос!

ЯҚИНЛИК

Йигит урушга кетди,
Орқасида ёр қолди.
Юраги ўт ичида,
Кўзлари хумор қолди.

Булбул кетди, гул қолди,
Уртага тушди ҳижрон.
Йигит ҳам соғинади,
Ёр бағри лоладек қон.

- 10 Кунлар ўтади секин,
Йигит кетади узоқ...
Лекин ёрга туюлар,
Аввалгидан яқинроқ.

Ёр фақат хат ёзади,
«Тушимда кўраман» деб.
Йигит ёзар: «Сен учун
Жонни ҳам бераман» деб.

- Йигит дер: «Сен учун ҳам
Евга отар ўқим бор» —
20 Ёр унинг келишига,
Боғини қилар гулзор.

«Мен жангда» — дейди йигит,—
«Сен менинг ёнимда сен».
Унга жавоб ёзар ёр:
«Сен менинг жонимда сен».

Каптарлар олиб учар
Икки томон хатини
Гўё қўшгандек бўлиб,
Икки ёр тоқатини.

СЕВГИ

Бир тутам гул тутиб боқдинг кўзимга,
Дедингким: «Эсдалик бўлсин буни ол...»
Ўзимни йўқотдим, не дединг менга?
Тутганим гулмиди ва ёким хаёл?

«Бутун ёшлигимиз жангдадир бу кун,
Жангда ечилмоқда севги қисмати.
Жангдадир йигитлар, жангдадир қизлар,
Ҳавода учади маҳбублар хати.

- 10 Агарда қайтмасам шу мендан ёдгор»
Дединг-да, кўринди кўзларингда нам.
«Агар севар бўлсанг, унутма зинҳор...»,
Узун киприкларнинг устида шабнам.

Менга не керакдир бу ёлғиз қолиш?
Сенсиз ололмасман асло мен нафас.
Ўлимдан оғирдир сендан ажралиш,
Торгина қалбимга кенг дунё қафас.

- Орқангдан қолмасдан жўнадим жангга,
Кўзи кетган каби қўйнинг изидан,
20 Гўё қуёш ойни кузатганидай,
Ўт бўлиб орқангдан кезмакдаман ман.

Сен оташ ичида урасан жавлон,
Душман қолмасин деб севган элимда.
Мен ҳам қасос олиб тўкмакдаман қон,
Элим ва ёримнинг номи дилимда.

Мен ёвни қираман жангда беомон,
Сени ахтараман бир нафас тинмай.

Бир қўлда қиличим, бир қўлда қурол,
Севгувчи қалбимда нола қилар най.

- 30 Сенга юборганим оташин бўса,
Енгил шаббодадек учар ҳавода,
Жанг бўлган жойлардан лабингни излар
Ва баъзан дарбадар кезар самода.

Балки учрашмасмиз биз энди мангу,
Бўсамиз ҳам қолар балки саргардон.
Лекин севишганлар қайтмас ўлимдан,
Лекин мангу қолар икки томчи қон.

- Дунёда албатта бир ўлмоқ бор-ку!
Ҳеч ажаб эмасдир ўлсак жанг аро
40 Ёв билан курашда оқса қонимиз,
Бўлмай эл олдида юзимиз қаро.

Ўлимдан қўрқмаган эрлар қонидан
Жуда табаррукдир қизарса тупроқ.
Уша қон дўстларнинг ёритиб юзин,
Зафар йўлларини қилса ойдинроқ.

Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз,
Ғалаба тўйида бўлармиз биз ҳам;
Азиз дўстлар билан учрашиб хандон,
Қадрдон элларга қўярмиз қадам.

- 50 Гўзал Украина далаларида
Яна аввалгидай табиат гуллар.
Буюк Россиянинг ўрмонларида
Бизларни ёд этиб сайрар булбуллар.

Бугдой бошоғидай кўкка интилиб
Мен шунда тупроқдан кўтарарман бош.
Сенинг қонларингдан ўсар қизил гул,
Ёқутга айланар сойлардаги тош.

- Дунёни ёритар бизнинг севгимиз,
Иккимиз ҳеч қачон ўлмасмиз асло.
60 Ёру дўстларимиз, севган элимиз,
Биздан ризо бўлиб топар тасалло.

ИГИТ

(Кўчқор Турдиевга)

Кўкда парвоз этса лочин, ерга киргай зоғлар,
Кишнаган от ўтса чўлдан, қўзғалур тупроғлар,
Қонга тўлгай жангга ботир кирса сўлу соғлар,
Сол қилич ёв бошига, қирғинга келди чоғлар.

Бағримизни қилди қон, ёвдан жаҳонни пок эт,
Эл чекар доду фиғон, ёвдан жаҳонни пок эт,
Шер юрак, эй қаҳрамон, ёвдан жаҳонни пок эт,
10 Зоғ агар қолса тирик олам танин тирноғлар.

Ёвни учратган замон сен эсидан кетгунча ур,
Ҳам жаҳаннам комига ул беомон етгунча ур,
Етти пушти бу жаҳондан мангулик битгунча ур,
Қилмасанг шундай агар, кетмас кўнгилдан доғлар.

Сен томирлар ичра қон ҳам жонимизга жонсан,
Келмасанг ҳам уйимизга энг азиз меҳмонсан,
Ҳам Ватанга, ҳам элингга, доҳингга қурбонсан,
Сен омон келган кунинг ерга ағилгай тоғлар.

Ёвни енг-у эртароқ кел, хўп соғиндик ўзимиз,
20 Қалбимизда мунтазирдир энг муқаддас сўзимиз,
Кеча-кундуз интизормиз, йўлларингда кўзимиз,
Сенга зордир гул, чаманлар, бўстонлар, боғлар.

ҲАМИД ОЛИМЖОН



ОНА
ва ўғил

ЎЗДАВНАШР
1 9 4 2

«Она ва ўғил» тўпламининг муқоваси. 1942 йил.

* * *

Йигирма иккинчи июнь саҳари,
Чиқмас кишиликнинг асло ёдидан.
Қочиб қутулолмас ҳеч фашист ҳали
Маъсум гўдакларнинг аччиқ додидан.

ШАРҚҶА КЕТГАНДА

(«Эвакуация» сериясидан)

Енгинлар ичидан чиқарди одам,
Бомба ташлар эди фашист бесўроқ..
Гўеки бу дунё бўлмиш жаҳаннам,
Кўзларда оташу бошларда тупроқ.

«Кўшнилик расмини бузардинг доим,
Шунинг-чун кўнглимиз эди кўп ғашда.
Сенинг-ла дўст бўлиб вафо кўрди ким?..
10 Яхшидир ўлмоқлик сен-ла курашда».

Хотинлар, эркаклар ғамли, асабий,
Чуваб чиқар эди отлик, пиёда.
Уяси бузилган чумоли каби
Чуваб чиқар эди сўнгги йўқ пода.

«Сен билан, ҳаттоки бир гўрда ётмоқ,
Улуғ жиноятдир одамизодга.
Сенда ҳеч ҳаё йўқ. Сен билан иноқ
Бўлмоқчи бўлганлар қолди уятга».

Чуваб келар эди очу ярадор,
20 Гиламдек тўшалар йўллар узра қон.
Келар агрономлар, деҳқонлар ночор
Қилиб ўзи эккан экинни пайҳон.

Ҳалқумлар қуриган, гангиган бошлар,
Бир қадам тупроқ ҳам эди кўп талаш.
Чуваб келар эди қарилар, ёшлар..
Одам ва ҳайвонлар аппа-аралаш.

Тупроққа буланган дийдалар нолон,
Еру осмонни ажратар аранг.

Қуёшни беркита оларди тўзон,
30 Ҳатто, дарёлардан чиқар эди чанг.

Бошларда сочлар ҳам оғир сезилар,
Малол келар эди бир қават кўйлак.
Оғир сезиларди кўзга киприклар,
Худди йўлни тўсган қалин ўрмондак.

Биров боласини йўқотиб шайдо,
Биров жудо бўлган қариндошлардан.
Юзларча денгизлар бўларди пайдо
Ота-оналардан оққан ёшлардан.

Бола онасини топа олмасдан,
40 Кўрар одам тўла дунёни холи.
Она ҳам чирқирар эди тинмасдан
Инга илон кирган чумчуқ мисоли.

Чуваб келар эди сонсиз-саноқсиз,
Ҳеч ким билмас эди қайга борарин.
Ажабо, шунчалик бола, хотин-қиз,
Шунча сарсон бўлиб топарми бир ин?

Йўл босар эдилар чарчаб, толиқиб,
Барчанинг кўзида жиққа-жиққа ёш.
Куннинг қизғинида осмонга чиқиб
50 Уларнинг ҳолига йиғларди қуёш.

Шарқдан Ғарбга эмас, Ғарбдан Шарқ томон
Оқиб келар эди поёни йўқ сел.
Сел эмас, оқарди дарё-дарё қон,
Қон эмас, қон бўлган неча-неча эл.

Қадрдон далалар дея «қаёққа?»
Савол сўрар эди ёшу қаридан.
Тупроқ ёпишарди яланг оёққа,
Экинлар тутарди этакларидан.

Олдиндан қўзғалган қудратли шамол
60 Тинмай тўсар эди уларнинг йўлин:
«Қаёққа борасан, шу тупроқда қол!»
Дея тутар эди уларнинг қўлин.

Туғишган дарёлар, ошна ўрмонлар
Йиғлаб сўрар эди: «Айтинг, қаёққа?»

Жавоб айтишликни билмасди улар:
«Кетамиз кўз кўрган, бош оққан ёққа!»

«Барибир биз энди қайга борсак ҳам,
Бир бурчак топилар секин ўлгани
Ва лекин гўдаклар кўзига бир дам
70 Фашист кўринмаса, бизга бўлгани.

Майли, қарамаса ҳеч ким уларга,
Зориқтирса ҳамки ярим парча нон.
Малол келса ҳамки уй эгасига
Бирдан босиб келган шунчалик меҳмон.

Сингиллар қолса ҳам кўчаларда зор,
Оналар кезса ҳам саргардон, гадой,
Кексалар хўрликда тортса ҳам озор
Юзини ўгириб кетса ҳам худой.

Бўламиз ҳар қандай хўрликка рози,
80 Ҳар қандай офатга берамиз бардош.
Мос келар ҳар қандай тошу тарози
Ва лекин фашистга эгмаймиз ҳеч бош».

Наҳотки, йўқ бўлиб кетса шунча қон,
Фашист ҳоким бўлса бизларга наҳот?
Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон!
Қуёшни енголмас қора зулумот!

ВАТАН

(Мисли қуёш)

Эй муқаддас ватанимиз — жонимизсан,
 Номусимиз, шарафимиз, шонимизсан,
 Тупроғингни кўзга сурмоқ энг улуғ бахт,
 Томирларда қайнаб турган қонимизсан.

Тонгларингни тўлдиради чаман гуллар,
 Тоғларингдан боғларингга эсар еллар,
 Катта-кичик дарёлардан бир-бирига
 10 Қўшилади сенда иноқ, озод эллар.

Меҳринг билан ҳеч бир нарса келолмас бас,
 Сен бўлмасанг дунё бизга бир тор қафас,
 Биламизки, жон берсак ҳам биз майдонда,
 Йўқолмайди қалбларимиз олган нафас.

Сен омонсан куч тугамас қардошингда,
 Минг ёвузнинг боши синар ҳар тошингда,
 Чидам билан тоқатингга ҳамма ҳайрон,
 Бутун жаҳон жон сақлайди бардошингда.

Шиддатингдан метин тоғлар мум бўлади,
 20 Оловингдан денгиз қуриб қум бўлади
 Ва қаҳрингга кимки агар дучор бўлса,
 Бутун умри толелари шум бўлади.

Сафарингга адолатнинг оти йўлдош,
 Сен жаҳонда яғонасан мисли қуёш.
 Нуринг тушган ердан зулмат йўқолади,
 Оёғингга ёвлар, ахир, қўяди бош!

СЕН ТУҒИЛГАН КУН

Бугун сенинг туғилган кунинг,
Бугун уйинг тўлади гулга.
Нима қилай? Мен узоқдаман,
Хаёл билан тушаман йўлга.

Ўн тўққизга чиқасан бугун
Узоқдаман. Йўқ менда тоқат.
Оғир жангга кетаётиб ҳам,
Ёлғиз сени ўйлайман, фақат.

- 10 Сенга томон толпиниб қалбим
Бир қуш бўлиб учар ҳавога:
Мен кетидан қарайман ҳайрон
Икки кўзим тўниб самога.

Эшикка чиқ шу соат сен ҳам,
Мени эслаб осмонга бир боқ:
Юлдуз тўла кўкка бир қара,
Ҳавога сол бир нафас қулоқ.

- Етоғингга қўна олмасдан
Парвонадир бир қуш бошингда.
20 Чарх уради кўкда у танҳо,
Нималардир сўзлар қошингда.

Қутлаш учун келганлар, майли,
Орзуларин айтиб бўлсинлар.
Ҳамма сенга тилак тиласин,
Шароб ичиб маст бўлсин улар.

Шундан сўнгра сен қадаҳ ушлаб,
Хумор кўз-ла боққил самога,

Тингла қушнинг эзгу орзусин,
Қулоқ бергин майин навога.

- 30 Қуш дейдики: «Эй тўлишган қиз,
Жангда юрган ёрингдан салом.
Сенинг учун урушга кетган
Номусингдан, орингдан салом».

Қуш дейдики: «Ёшинг ҳеч қачон
Ўн тўққиздан ошмасин асло.
Йигит сени жуда соғинган,
Ёрим,— дейди,— шошмасин асло.

- Ўн тўққиздан ошмай тур, гўзал,
Йигит сендан шуни сўрайди.
40 Йигит сени меҳр, садоқат
Ва ишқ гули билан ўрайди.

У келади албат қошингга,
Элга шодлик олиб келади.
Элга шодлик, омонлик ва бахт
Олиб, доврўғ солиб келади.

Сени тинмай эслайди ёринг,
У доимо содиқдир сенга.
Ўн тўққиздан ошмай кутиб тур,
У лойиқдир муҳаббатингга».

- 50 «Шошилма» деб қуш сўзлар яна,
Парвонадир қошингда ҳамон:
«Қизга бундан яхши фасл йўқ,
Ўн тўққиздан ошма ҳеч қачон!»

Ётоғингга қайтасан сен маст,
Кўрган каби гўёки бир туш.
Менинг қалбим бўлиб кўринар
Сенга шунча сўзлар айтган қуш.

ШИНЕЛЬ

Рангинг тупроққа ўхшар,
Сен ўхшайсан кигизга.
Бормасдим сени кийиб,
Ёрим бўлажак қизга.

Марғилонда тўқилган
Йўл-йўл шоҳи беқасам,—
Минг марта яхши эди,
Ичмаганимда қасам.

- 10 Лекин сени устимга
Катта бир ғам кийгизди
Синглим, қариндошларим,
Отам, онам кийгизди.

Сени кийгач йўл олдим
Қонли жанг бўлган ёққа.
Тушдим ёшлигим ўтган
Дарёлардан йироққа.

- Канал қазган қўлларга
Автомат, милтиқ олдим.
20 Кириб янги йўлларга
Ўзимни ўтга солдим.

Таққанам белбоғ эмас,
Қаттиқ камар белимда.
Ёрим тиккан қийиқча
Қола берди йўлимда.

Кигиз кийим, сени мен
Ёримга алиштирдим.

Йўлимга қараб қолган
Зоримга алиштирдим.

- 30 Тошга бош қўйганимда
Естиқ каби туюлдинг.
Ботқоқда ётганимда
Гўё тўшакдек бўлдинг.

Урганиб қолдим сенга,
Ёқиб қолдинг танимга.
Пушаймон бўлдим ҳатто,
Кечикиб кийганимга.

- Шунинг-чун бир нафас ҳам,
Сени асло ечмайман.
40 Доимий йўлдошимсан,
Сендан асло кечмайман.

Агар урушда ўлмай,
Уйимга қайтсам омон,—
Барибир, сени ташлаб
Хўрламайман ҳеч қачон.

Уйимнинг энг тўрига
Осаман қилиб ёдгор.
Шоҳи тўн кийганда ҳам
Қарайман такрор-такрор.

- 50 Агар улғайса ўғлим
Кийгизаман унга ҳам.
Тушмасин деб қайтадан
Элимнинг бошига ғам!

ҲУЛКАРГА

Олти ёшга тўламан,
Мен арча байрамида.
Қорбобонинг соқоли,
Оппоқ бўлган дамида.
Дадам билан ойим ҳам,
Келтиради совғалар.
Тўполон қилишамиз,
Кўтаришиб ғовғалар.
10 Вовани чақираман,
Келади Дилбар билан.
Уша куни ўйнаймиз,
Чиниқар бизнинг бадан.
Хуррият ҳам чиқади,
Жажжи бўлиб қизариб.
Бувиниса келади,
Бурнигача бўзариб...

ОМОННИНГ ШЕЪРИ

- Туғилганман ёз куни,
Мевалар пишганида.
Шафтолилар тўкилиб,
Тагига тушганида.
Қовунлар шира босиб,
Тоғдай зил бўлганида.
Тарвузнинг катта қорни
Шакарга тўлганида.
- 10 Шунинг учун ўзим ҳам,
Қовундек мазаликман.
Аям тандирга ёлган,
Нон каби жиззаликман.
Омон деган полвонман,
Жуда ҳам овозам зўр.
Ишонмасанг бери кел,
Мен билан олишиб кўр.
Унча-мунча одамни
Бир урсам, сулатаман.
- 20 Ғайрат қилсам, бир ўзим,
Тарвузни қулатаман.

РОССИЯ

Россия, Россия, азамат ўлка!
Эй осмон сингари бепоён Ватан!
Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга
Қуёш қуча олмас сени дафъатан.

Шамолдан тез учган поездлар ҳам то
Шимолга етгунча кетади қолдан.
Қишда ҳам жанубга етолмас ҳатто
Баҳорда йўл олган сайёҳ шимолдан.

- 10 Қаноти толиқмас лочинларинг ҳам,
Неча бор қўнарлар сенда учганда;
Гўёки бир ёниб яна ўчган шам —
Сени қучолмайди яшин кўчганда.

Узун дарёлар ҳам камар бўлолмас,
Қўшилиб чулғанса сенинг белиннга.
Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас,
Менинг билишимча сенинг элиннга.

- Бало-офатларни енгиб ўрганган
Муҳаббатинг улуғ, юрагинг кенгдир.
20 Сен қардош элларга энг монанд Ватан:
Унда уруғлар ҳам халқларга тенгдир.

Невский ухлаган буюк бешикда
Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас.
Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда,
Навий шарафи яшар муқаддас.

Кўрганда бўлганман чуқур сукутда
Ленин яшаб турган пичан ўтовни.

Пулат қиличингни кўрганман ўтда,
Халқимиз Московдан қувганда ёвни.

- 30 Қаҳратон қишингда, баланд осмонда
Учиб бораётган қуш ҳам музлайди.
Жасур ўғилларинг қор ва бўронда
Жаҳон тақдирига нажот излайди.

Сенинг кўз илғамас майдонларингда
Жаҳаннам қўрқажак жанглари кўрдим.
Бир карра ёв ўтган ўрмонларингда,
Кўмирдан ҳам қора тонглари кўрдим.

- Меҳринг қаршисида муздир офтоб,
Лекин офтобингда қорлар эрийди.
40 Муқаддас қаҳрингга беролмасдан тоб
Тупрогинг остида фашист чирийди.

Оғир қурол билан солган овозанг
Ларзага келтирар арзу самонни.
Сен дарё бўйида олиб борган жанг
Тамом ўзгартирар obu ҳавонни.

Ўнгитлар сен учун жангга кирганда,
Ботирлар осмонда берганида жон
Кўзидан қон оққан ёвни кўрганда,
Сенинг энгишингга келтирдим имон.

- 50 Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.
Сенинг тупрогингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

ҚАМАЛ ҚИЛИНГАН ШАҲАР ТЕПАСИДАГИ ОЙ

Гўзал ой, сенга бир гап
Демакка кўп ҳайронман.
Бемаҳал тўлганингдан
Тоза ҳам пушаймонман.

Бурун сени кўрганда
Очиларди баҳримиз.
Энди кўрина қолсанг
Қўзғалади қаҳримиз.

10 Чунки биз шаҳримиздан
Чироқни ўчирганмиз.
Уйимизни, ҳатто ер
Остига кўчирганмиз.

Безовтадир элимиз,
Юртимизга кирган ёв.
Шубҳа қиламиз дарҳол,
Бемаҳал юрса биров.

Шаҳримизни ёритиб
Қилганда ёвга ошкор,
20 Кўзимизга гўёки
Бўласан сиртмоғу дор.

Кумушдай нурларингдан
Тўкилар қора хатлар,
Шу замон тепамизда
Уча бошлар калхатлар.

Ёввойи ёв қутуриб,
Қилар уйларни вайрон.

Улим ёғдирар тинмай
Бағримизни қилиб қон.

- 30 Шунинг учун ҳозирча
Бўлмаганинг яхшироқ.
Шаҳримиз тепасида
Тўлмаганинг яхшироқ.

Уйин, кулги бизда йўқ,
Юракка дард ютганмиз.
Бошимизга ғам тушиб,
Шодликни унутганмиз.

- Бир нафас ҳам ором йўқ,
Ҳаттоки қурту қушда.
40 Қизлар эрга чиқмайди,
Эрлар бўлак ташвишда.

Бир чоғлар тепамизда
Сен бўлганингда пайдо,
Боғларга чиқар эдик
Бўлгали сенга шайдо.

Ёримизнинг юзини
Биз сенга ўхшатардик.
Саҳаргача тикилиб
Сув бўйида ётардик.

- 50 Сендан бошлар эдилар,
Қизлар эртак айтганда.
Қарар эдилар сенга
Ёр узоқдан қайтганда.

Уша кунларни қўмсаб,
Ухламаймиз тунлари.
Ширин эртакка ўхшар
Уша кунларнинг бари.

- Уша кунлар келади,
Уша кунлар кўп яқин.
60 Эртаги тонг кўринар
Бугунги тонгдан ёрқин.

Ана ўша қунгача,
Тишингни қўй тишингга,
Шунда юз минг қиз билан
Хабар қиламиз сенга.

Унда бутун дунёни
Нурга кўмсанг майлига.
Ҳатто кундуз куни ҳам
Кезиб юрсанг майлига.

70 Унда нуринг тегмаган
Бирорта ин қолса ҳам,
Қаттиқ жанжал қиламиз
Ёқангдан тутиб маҳкам.

ҒАЗАЛ

На бұлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол
бұлсам,
Лабинг япроғидан томган ки гүё қатра бол бұлсам.

Бутоғингга қўниб булбул каби хониш қилиб тунлар,
Ўпиб ғунчангни очмоқлиққа тонг чоғи шамол бұлсам.

Бўйингни тарқатиб оламни қилсам масту мустағриқ,
Ўзимнинг санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол
бұлсам.

Сенинг бирла қолиб бу масту лол оламда мен ёлғиз,
Ўзимни ҳам тополмай, майлига, охир хаёл бұлсам.

10 Агар боғингда гул бұлмоқ менинг-чун нораво бўлса,
Ки минг бор розиман қасрингга, ҳаттоким дувол
бұлсам.

Бошим ҳеч чиқмаса майли маломат бирла бўхтондан,
Рақиблар рашкига кўкрак керай, майли, қамол
бұлсам.

Кезиб сахрою водийлар етишсам бир висолингга,
Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли, увол
бұлсам.

ИНТИЗОРЛИК

(Жангчиға)

Йўлларингга интизор,
Ранглари заъфаронлар.
Ёвнинг асоратидан,
Хор бўлган бағри қонлар.

Ерда ётган дон бунча
Кутмайди баҳорни ҳам.
Ҳеч ким бунчалик кутмас,
10 Энг сеvimли ёрни ҳам.

Ота-она интизор
Соғ-омон келишингга
Интизор бутун Ватан,
Душманни енгишингга.

Сен енгмасанг бир умр
Дарёлардан оқар қон.
Сенга ва фақат сенга
Интизор бутун жаҳон.

УЧРАШУВ

Изингни ўпади соғинган ерлар,
Меҳру вафо билан қарайди сенга.
Йўлингга чиқади Барчин келинлар,
Қадим дostonларни солиб эсингга.

Сочлари оқарган, тугаган бардош,
Йўлингга чиқади ранги заъфарон.
Бошини силайсан, кўзларингда ёш,
Ҳали қуримасдан чаккангдаги қон.

- 10 Фашистнинг бағрини тешган найзангни,
Бирма-бир суртарлар ўз кўзларига.
Орёл шаҳри учун сен қилган жангни
Йилларча сўзларлар ёшу қарига.

Изингни ўпади соғинган ерлар,
Меҳру вафо билан қарайди сенга.
Йўлингга чиқади Барчин келинлар,
Қадим дostonларни солиб эсингга.

НИҲОЛ

Сен ўтқазиб кетган ниҳол
Ўсиб бўйингдай бўлди.
Новдалари барг чиқарди,
Боши гулга кўмилди.

Боғимизда гул кўп жуда,
Жуда ҳам кўп ниҳол бор.
Лекин уни ёрим эккан,
У энг азиз ёдгор.

- 10 Қачон сени кўргим келса,
Тикиламан ўшанга,
Кўп нарсалар айтган каби
Қараб туради манга.

Саволимни тушунгандай,
Силкинади у секин.
Соғинибсан бечора деб,
Энтикиб оламан тин.

- «Зориқтирмай келсанг-чи бир,
Интизор қилдинг бунча...»,
20 Деб япроқлар тебранади,
То чарчаб ухлагунча.

Қуёш чиқиб иситса ҳам,
Сендурсан деб ўйлайди.
Тунда ой кезиб ўтса ҳам
Сендурсан деб ўйлайди.

Агар шамоқ қўзғаб қолса,
Титрашади келди, деб

Ерга қадар эгилади,
Айтганларим бўлди, деб.

- 30 Ноёб йигит, босиб ўт, деб,
Тўкилади йўлингга.
Гул барглари учишади,
Тушайин деб қўлингга.

Елғизгина ниҳол эмас,
Бутун боғ изингга зор.
Интизордир сенга тамом
Олмазор, олучазор.

- Ниҳол эмас, боғ ҳам эмас,
Мен сенга интизорман.
40 Кўзларимга суртмоқ учун
Жиндак гардингга зорман.

Мен гуллардан, боғлардан ҳам
Соғинганман ортиқроқ.
Эртароқ кел, юрак-бағрим,
Ёвни енгиб кел тезроқ.

САЛОМ

Сизга салом олиб келдим Ўзбекистондан,
Эр йигитлар ўйнаб ўсган боғу бўстондан,
Гўзал ёрлар кутиб турган чин гулистондан,
Оталардан, оналардан, боғлардан салом,
Шарқираган булоқлардан, тоғлардан салом.

Йўлингизга кўз тутамиз очилганда гул,
Сизни йўқлар боғимизда сайраган булбул,
Зафар билан келсин дейди элимиз буткул,
10 Оталардан, оналардан, боғлардан салом,
Шарқираган булоқлардан, тоғлардан салом.

Ёвуз ёвдан элимизни сақлангиз омон,
Хар ўқингиз минг ғанимни айласин бежон,
Душман ўлсин, қиличнингиз майли тўксин қон,
Оталардан, оналардан, боғлардан салом,
Шарқираган булоқлардан, тоғлардан салом.

Ота дебди, менинг ўғлим қаҳрамон бўлсин,
Она дебди, ёвни енгиб паҳлавон бўлсин,
Гўзал ёрлар қайда бўлса, у омон бўлсин,
20 Оталардан, оналардан, боғлардан салом,
Шарқираган булоқлардан, тоғлардан салом.

ЖОМ

Фронтда ўзбек халқининг вакиллари генерал-полковник Рокоссовскийга олтин қадаҳ — жом топширдилар. Санъат мўъжизаси бўлган бу қадаҳ — жомда Кремль ва Москва осмони, Минин ва Пожарскийнинг ҳайкали тасвирланган.

Қуйидаги парча шу жомни топширар пайтда ўқилган эди.

- Ёдга олиб аждодларнинг энг муқаддас номини,
10 Ўзбекистон сенга тутди бу муҳаббат жомини.
Буни олким, қалбларимиз туташсин яна маҳкам
Ва лиммо-лим қилиб тўлдир ғалаба шаробини.

Яшна озод Ўзбекистон, шонли эй ўзбек эли,
 Гулла эй бизнинг муқаддас сен азиз тупроғимиз.
 Тоғларингда эрк қуёши, боғларингда бахт ели,
 Олға бошла бизни ҳар чоқ, эй қизил байроғимиз.

Нақорат:


Биз Ватаннинг эллари-ла бўлгумиз доим иноқ,
 Қалбимизда доҳиларнинг номи порлар субҳу шом.
 Эй совет халқи яратган ғолибона иттифоқ,
 Одамизод бахтига қил беҳисоб йиллар давом.

- 10 Шавкату шонингни сақлашга ҳама ичдик қасам,
 Биз баҳодир аскарингмиз — ҳар биримиз посбон.
 Ҳам яланғочдир қиличлар, ёв агар қўйса қадам,
 Бошига қирғин солармиз, жон олармиз беомон.

Меҳнатимиз кўрсатиб чўлларга озод эл кучин,
 Гайратимиз бир чароғон ўлкани қилди бино.
 Ҳимматимиз қанча дарёлар яратди юрт учун,
 Гуллагин, эй жонажон бўстонимиз, сен доимо!

Нақорат:

**ТУГАЛЛАНМАГАН,
ЙИЛИ НОМАЪЛУМ
ШЕЪРЛАР, ЭСКИЗЛАР**



ШОҲИЗИНДА

- Авлиёнинг мақбарасига
Ман бир куни бош суқиб қолдим:
«Боқил тирик-ўликни» — дея,
Зангбон дўстим пичирлади жим.
«— Тирик-ўлик?..» Чол анча дардли,
Мумкинми бу? Сўйлаганни топ!
Шунда нохос тобутда пайдо,
Бўлди олтин кафан авлиё.
- 10 — Дўстлар, тезрак айлангиз тавоб.
Қаҳ-қаҳ урар беҳаё жасад,
Синдиргудай ойнани беҳад:
«Дўстим, мени ўнлаб асрлар
Давомида томуғ куйдирар.
Қачонлардир диннинг ҳомийси
Жаранглатиб олтинларини,
Кўзлаб қанча ўлжа ва «савоб»,
Сотиб олган жаллоддан мени.
— Дўстлар, тезрак айлангиз тавоб».
- 20 «Мен шарлатан, ўғри ва қотил,
Мен имонсиз, саёқ, дарбадар.
Босқинларнинг борида ботил,
Шамширим бор ҳозирга қадар.
Калисони айладим толон,
Мақбаралар барчасин хароб.
Авлиёлар дуч келган замон,
Дўзах ичра отдим беомон.
— Дўстлар, тезрак айлангиз тавоб».
- Кўр, анави авлиё аёл,
30 Малак каби мунис нақадар!
Уша яҳуд қиз бўлган ва зол,
Касри уриб этолмай ҳалол
Дин одатин авлиё падар,

- Тортиб экан бир кун хўб азоб.
У ҳалқа деб эзмиш, ниҳоят,
Икки попо нозирни, ғоят.
— Дўстлар, тезрак айлангиз тавоб.
«Таъзим қилгил, ана қадрда,
Бир пул бўлган у оқ суякка.
- 40 Уғриликда топмаса ҳам от,
Бўлмаб экан унингдай жаллод.
Қиролларнинг удир маҳрами,
Бўлмаб экан ҳеч қандай ғами.
Топган ўша ва олган «савоб»,
Уша қилиб авлиё мени.
— Дўстлар, тезрак айлангиз тавоб».
- Бу шоҳона мақбараларда,
Роҳат этмак бермайди койиш.
Ожиз, етим, туллар дардига,
50 Пулини олиб берсак кушойиш.
Мўъжизадир! Хўш, энди гўрга
Оғоз этди шайтони беҳоб.
У қайтарди ўлжалаб бутни,
Маскан этди яна тобутни.
— Дўстлар, тезрак айлангиз тавоб.

ЕТИМ

- Оч кўнглингни!..
Нималар бор;
Нелар яшринган.
Тўлуб кулган,
Нозли баҳор,
Яшилми,
Сўлган?!..
Куз еллари
10 Заҳар сепиб...
Қорлари қўнган.
Сўйла!
Кўрсат!..
Бахт ўрнида
Музлари тўнган.
Ер қайнаган,
Кўк қайнаган,
Қайнаган — бу кун...
Ёз яшнаган...
20 Ҳар ёқ олов...
Дланга...
Тутун...
Сен — бош ёлон,
Оёқ ёлон,
Тинмай кезасан...
Мискин,
Ғамгин,
Ҳолинг билан
Дилни эзасан...
30 Унг қўлида
Икки қайроқ...
[Танлари чиркин]

Тошдан нажот ахтаргувчи,
Эй, турмуши тун!

Бекатларда
Жим-жит ётиб,
Поезд кутасан...
Дам келганда,
Ҳар вагондан
40 Йиглаб ўтасан...

Сорахон — қиз,
Кўз очганда,
Уйнаган... ўсган...
Фалак унга
Бахш этган куз,
Баҳорин тўсган...

Емон тақдир
Аччиқ қулган,
Улган онаси,
50 Етим қолган,
Хазон бўлган
Чаман — даласи!

Эссиз!
Афсус!

Онасини
Элтиб кўмганлар.
Қабр устида,
Бўйин эгиб,
Йиглаб турганлар.
60 Оз кун ўтган,
Гўр отаси
Еш хотин олган.
Шўрли Сора,
Қиз бечора,
Наларга қолган?!

— Сизни, жоним,
Тингланг ҳолим,
Жондай севаман.
Еш танамга
70 Қувват берган,
Қондай севаман.
Фақа[т] сиздан,
Бир ўтинчим,

Шуни йўқотинг!
Сувга ташланг!
Ё ўлдилинг!
Тошларга отинг!...

Отаси ҳам
Хотинининг
80 Сўзин бўлмаган.
Ушал
Чигал,
Кир турмушга
Кўнгли тўлмаган.

Қора
Кеча
Қучоғида
Бўққан Со[ра]ни,
Ҳам тугатган
90 Юракдаги
Битмас ярани!...

Эр йигитлар,
Утинаман,
Шундай бўлмангиз!
Ёш чечакни
Қилиб хазон,
Ғамга тўлмангиз!...

Куйик дардли,
Ҳамма секин,
100 Эгади бошин.

Қари!
Болаю
Ёш хотин
Тўқади ёшин!...

Тингла!
Бола!
Қанотларинг
Оғирдир сенинг!
Руҳинг тушган
110 Паришонсан,
Заифдир танинг!
Улар сенга
Узатади,

- Аста-аста қўл.
 Кир тўппинга
 Тўкилади,
 Пақир-сақир
 Пул!
 Фақат сендан,
 120 Бир ўтинч бор:
 Кел!
 Сўйла!
 Кимсан?
 Бир хаёлми?!
 Ё бир давр,
 Ё шўрли гулсан?!
 — Сезолмайман,
 Кўлкаменми?
 Ё бир ҳақиқат?!
 130 Ёш қалбимдан
 Кечмишимга
 Йиғлайман фақат...
 Бир аламнинг
 Саҳросидан
 Куйиб ўтганман.
 Бу оқшомнинг
 Кир қўйнидан
 Заҳар ютганман.
 Англамасдим:
 140 Дунё нима,
 Алам нимадир?
 Ҳар талваса,
 Ҳар васваса,
 Нечун,
 Негадир?!
 Оҳ... Онамнинг
 Ҳаёт қайнар,
 Қучоғи борди.
 Бир ифлос дев,
 150 Қонхўр ханжар
 Бағрини ёрди.
 Отам ўлди
 Қўрбошининг
 Оёқ остида!
 Онам кетди

Фарёд этиб,
Унинг қасдида!...
Қолдим етим,
Бўлди меним
160 Тупроқ — ватаним!...
Ҳар чолдевор,
Ҳар аламзор
Асради таним!...

Ўтди йиллар,
Мен сарғайиб
Кўчада қолдим.
Ҳар кимсага
Тизза чўкиб,
Чалғимни чалдим.
170 Сезолмайман,
Кўлкамиман
Ё ҳақиқатми?!
Турмушим бу,
Достоним шу,
Йўлим қоронғу...

* * *

Лола келди, гул келди,
Ҳар нарсадан мўл келди.
Лолани тақ, йигитлар,
Бахтинг бу кун қўл келди.

Юзларинг худди лола,
Лолани тақ, қиз бола.
Шаробни қуй, йигитлар,
Тўлсин барча пиёла.

Баҳор кетиб, ёз бўлсин,
10 Ўрдак учиб, ғоз бўлсин.
Ўйинга туш, шўх қизлар,
Қилганларинг ноз бўлсин.

* * *

Баҳор тунлари
Гўзал бўлади.
Юрак ёнади,
Баъзан қонади.
Уйқу билмас қора кўзга
Муҳаббат тўлади.

- Бир ўт ёнади қалбимда маним,
Баъзан тўхтар қон,
Баъзан титрар жон.
10 Охир, муҳаббат бекорга
Бўлмагандир дoston.

Қуёш ботади,
Тонглар отади,
Йигит-қизларнинг тунлари,
Ухламай ўтади,
уйғоқ.

- Қатор турналар,
Баланд учинглар.
Ёримга оҳу зоримдан,
20 Берингиз хабар.
Ғам ичра қолдим,
Бўлиб интизор,
Ҳоли зорим оғир, ёрим,
Сенда ҳам қайғу зор.

* * *

Тезгина кеч бўлса,
Кун ҳам ботса эди.
Кўнглимда шодликни,
Бир уйғотса эди.

Тезгина кеч бўлса,
Кун бота қолсачи.
Йўлига қарайман,
Ул кела қолсачи.

10 Жонгинам кел,
Жоним кел,
Менинг эшигимга.
Кўз тутаман келгил,
Кел жоним йўлингга.

Нега қўйвордим,
Кўзда ёшим қолди.
Нега қўйвордим
Кўнглимни ҳам олди.

* * *

Урмон оппоқ, қир оппоқ,
Дала оппоқ, чўл оппоқ,
Сахро оппоқ, қум оппоқ,
Кўмир оппоқ, мум оппоқ.

Чархи фалак бўлуб қулар осмондан,
Уқ еган бир қарға чап қанотидан,
Бошини қаноти остига олиб,
Уйлайдир, сомонга ўралган товуқ.

- 10 Совуқ тушармикан минган отидан,
[Берарму бир хабар асли зотидан].
Урмон оппоқ, дала оппоқ, қир оппоқ,
Само оппоқ, кўмир оппоқ, қум оппоқ,
Тепа оппоқ, давон оппоқ, мум оппоқ,
Денгиз оппоқ, дарё оппоқ, муз оппоқ,
Қора камба қорда кетган қиз оппоқ.

: : : : : : : : :
: : : : : : : : :

* * *

Эй муҳтарам, азиз она,
Сен жаҳонда энг ягона.
Ягона ҳам бўлсанг не ғам,
Ягонадир офтоб ҳам.

Офтобга берар жило,
Улуғ партия доимо.
То борича ушбу жаҳон,
Ул офтоб тургай омон
10 [Ер айланар унда ҳамон].

ВАРИАНТЛАР

REPRINTED

Вариантлар нашринг энг мураккаб қисми бўлиб, у ижодкорнинг образли қарашлар диалектиказини ифодалаши билан характерланади. Шоир, аини пайтда ўз даври адабий жараёнининг фаол мунаққиди сифатида иш олиб борган Ҳамид Олимжон ўз асарларига катта талабчанлик билан қараган. Адибнинг шеърлари, илмий-танқидий асарлари ва драмаларининг мавжуд вариантлари унинг жиддий таҳрир қаламидан дарак беради. Ҳамид Олимжон газета ва журнал редакцияларидан ҳам асарларга ўринсиз қўл уришларга йўл қўймаслиқни талаб қилган. С. Азимов «Ҳамид Олимжон абадияти» асарида шоирнинг бу хусусда редакция ходимлари билан олиб борган кескин мунозараларини эслайди (С. А з и м о в. Ҳамид Олимжон абадияти. Тошкент, Ғ. Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967, 65—66-бетлар).

Ҳамид Олимжон шеърларининг қўлёзмалари кам сақланган. Шоирнинг бугунги кунда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институтида сақланаётган шахсий архивида унинг Самарқанд билим юртида ўқиб юрган йилларида тутган ўн икки варақли шеърлар дафтари, 1940 йилда чоп этилган «Бахт» тўпламининг қўлёзмаси, «Қўлингга қурол ол!» тўпламининг мундарижаси кўрсатилган варақ мавжуд. Лекин қўлёзманинг ўзи сақланмаган. Архивда шоирнинг Улуг Ватан уруши йилларида яратган «Россия», «Шинель», «Сен туғилган кун», «Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой» ва бир қанча ҳали эълон қилинмаган шеърларининг қўлёзмалари бор.

Ҳамид Олимжоннинг рафиқаси, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ шоираси Зулфия ушбу нашр учун ўз қўлида мавжуд бўлган адибнинг яна бир қатор шеърларини тақдим қилди. Улар қўлёзма асосида биринчи марта нашр этилмоқда.

Ҳамид Олимжон шеърларининг дастхатлари дафтар, машинка учун мўлжалланган варақ ва турли форматдаги бошқа қоғозлардадир. Шоир архивида сақланаётган айрим газеталарнинг ҳошияларида ҳам унинг қўли билан ёзилган байтларга дуч келамиз. Архивдаги «Шеърый мусаввадалар блокноти» деб юритилган ён дафтарга ҳам бир қатор тугал ва нотугал асарлар шоир қўли билан кўчирилган.

Ҳамид Олимжон дастхатларининг кўпчилик қисми араб графикасида бўлиб, аини пайтда лотин алфавитида ёзилган асарлар ҳам учрайди. Шоир «Бахт» тўпламининг машинкаланган нусхаси устида олиб борган тузатиш ва таҳрирларини лотин алфавитида амалга оширган.

Ҳамид Олимжон шеърлари 1926 йилдан бошлаб матбуот юзини кўрди. Лекин шоирнинг Самарқанд билим юртида ўқиб юрган кезларида тута бошлаган шеърлар дафтариди 1925 йилда яратилган асарлар ҳам мавжуд. Жумладан, у ерда «Комсомоллар», «Шодлик кун», «Биз ким», «Илгари бос, эй кашшоф!» каби шеърларнинг санаси 1925 йил деб қайд этилган. Дафтардаги шеърларнинг аксари янги адабиёт майдонига ҳаваскорлик билан кириб келаётган шоирнинг изланишлари мевасидир. Араб графикасида кўчирилган бу шеърлар устида Ҳамид Олимжон таҳририй ишлар ҳам олиб борган. Жумладан, бир қатор шеърларда мисралар таркибидаги айрим сўзлар ўчирилиб, янги ибора билан алмаштирилган. Дафтардаги «Комсомоллар» шеърларида икки-уч қарра ўчирилиб, янгидан ёзилган сўзлар бор. Шоир «Кимлар учун» сарлавҳали шеърининг устига қалам тортиб, ҳисобдан чиқариб юборган. Адиб ўз асарларида Ҳамид Олимжон номини қўллайди, айрим тўғич шеър ва ҳикояларида Учқун тахаллусини ҳам қўллаганлиги маълум.

Ҳамид Олимжоннинг шеърлари 1926 йилдан бошлаб «Зарафшон» газетаси ва «Машраб» журналарида муттасил босила бошлади. 1928—30 йилларда эса унинг асарлари «Маориф ва ўқитувчи», «Ер юзи», «Аланга» каби журналларнинг саҳифаларига дадил кириб борди.

1929 йилда Ҳамид Олимжоннинг илк шеърлар тўплами «Кўк-лам» босилиб чиқди. Дастлаб газета ва журналларда чоп этилиб, кейинчалик «Олов сочлар» (1931), «Пойга» (1932), «Ўлим ёвга» (1932), «Дарё кечаси» (1936), «Шеърлар» (1937), «Ўлка» (1939), «Бахт» (1940), «Она ва ўғил» (1942), «Қўлингга қурол ол!» (1942), «Ишонч» (1943) каби тўпламлари воситасида ўқувчиларга тақдим этилган шоир асарлари доираси доимо кенгайиб борди. Шулардан «Шеърлар» (1937) ва «Бахт» (1940) танланган асарлар характерига эга. Ҳамид Олимжоннинг вафоти йили унинг илгариги «Танланган асарлар»идан бир қадар мукаммаллиги билан фарқ қилувчи навбатдаги бир китоб юзага келди («Танланган асарлар», Тошкент, Ўздавнашр, 1944). Ҳамид Олимжоннинг мавжуд ҳамма тўпламларидан сайлаб олиш йўли билан тузилган ушбу «Танланган асарлар»нинг муҳаррири шоирнинг рафиқаси Зулфия эди. Шунга кўра ҳозирги «Мукаммал асарлар»нинг шеърлардан ташкил топган I томини тайёрлашда 1944 йилда чоп этилган «Танланган асарлар»га таянч манба сифатида ёндашилди. Бу тўпламга кирмай қолган асарларни томга жалб этишда шоирнинг ҳаётлик вақтидаги энг сўнгги нашрларга таяниди. Вариантлар қўлёзма ва мавжуд нашрлар асосидадир.

Ҳамид Олимжон «Асарлар»нинг беш томигига киритилган, лекин ҳозирча манбаини аниқлаш мумкин бўлмаган асарлар нашрида шу беш томлик матни асос қилиб олинди ва улар изоҳда кўрсатилди. Ёзувда эса ҳозирги амалдаги имло қоидаларига риоя қилинди.

Қўлёзмалардаги шоирнинг машқий ва ўзи томонидан ҳисобдан чиқариб юборилган, шунингдек, ҳозирча манбаини топиш қийин бўлган шеърлари ушбу томдан ўрин олмади.

Шоир асарларининг қўлёзмалари, уларнинг кейинги нашрларидаги муаллиф қалами билан юзага келган таҳрир ва тафовутларни аниқлаш мақсадида асосий матн мисралари рақамлар билан белгиланди. Улар ҳар бир шеърнинг вариантлар қисмидаги рақамларга мувофиқдир.

Вариант ва изоҳларда шоир шеърларининг газета, журнал ва тўплам нашрлари учун қуйидагича шартли қисқартишлар қабул қилинди:

Зар — «Зарафшон», Самарқанд область газетаси (ҳозир «Ленин йўли»).

ҚУ — «Қизил Ўзбекистон» газетаси (ҳозир «Совет Ўзбекистони»).

ЕЛ — «Еш ленинчи» газетаси.

ЕЮ — «Ер юзи», ойлик адабий-бадний журнал.

Ал — «Аланга», ойлик адабий-бадний журнал.

УША — «Ўзбекистон шўро адабиёти», ойлик адабий-бадний журнал.

МУ — «Маориф ва ўқитувчи», ойлик адабий-бадний журнал.

Гул — «Гулистон», ойлик адабий-бадний журнал.

СА — «Совет адабиёти» ойлик адабий-бадний журнал.

УДА — Ўзбекистон ССР Давлат архиви.

Қўк — Hamid Alimqan, «Koklam», Şi'rlar toplami, Ozdavnaşr, Samarqand — Taşkent, 1929.

ТШ — Hamid Alimqan, «Таъşабадаси», Taşkent, Ozdavnaşr, 1930.

ОС — Hamid Alimqan, «Аlav soclar», Şi'rlar, Taşkent, Ozdanvaşr, 1931.

Пой — Hamid Alimqan «Pajga», Şi'rlar, Taşkent—Samarqand, Ozdavnaşr, 1932.

Алм — «Альманах», тўплам, Тошкент, Уздавнашр, 1932.

УЕ — Hamid Alimqan, «Olim javğa», Şi'rlar, Taşkent, Ozdavnaşr, 1936.

ДК — Hamid Alimqan, «Darja kecası», Şi'rlar, Taşkent, Ozdavnaşr, 1936.

Ш 1937 — Hamid Alimqan, Şi'rlar, Taşkent, Ozdavnaşr, 1937.

ЕИ — «Ешлик йиллари», адабий-бадний тўплам, Тошкент, Болалар ва ёшлар адабиёти нашриёти, 1939.

Бт — Hamid Alimqan, «Baht», Şi'rlar, Taşkent, Ozdavnaşr, 1940.

ВУ — «Ватан учун», тўплам, Тошкент, Уздавнашр, 1941.

ОУ — Ҳамид Олимжон, «Она ва ўғил», Тошкент, Уздавнашр, 1942.

ҚҚ — Ҳамид Олимжон, «Қўлингга қурол ол», Тошкент, Уздавнашр, 1942.

ҒҚ — «Ғазаб қўшиқлари», Тошкент, Уздавнашр, 1943.

Ар — «Армуғон», адабий-бадний тўплам, Тошкент, Уздавнашр, 1944.

ТА 1944 — Ҳамид Олимжон, «Танланган асарлар», Тошкент, Уздавнашр, 1944.

А 1970 — Ҳамид Олимжон, Асарлар, беш томлик, 1-том, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1970.

Вариантларда шоир шеърларининг мавжуд қўлёзмаларидан ташқари тугал «Бахт» тўплами қўлёзмаси «БҚ» ҳарфлари билан ифода этилди.

Ушбу нашрда асосий матн мисраларини ифодаловчи рақамлар вариантларда ўша мисра ёки банднинг қўлёзма ёки нашрлардаги кўринишини англатгани каби изоҳ бўлимида ҳам ўз ўрни билан такрорланиб боради.

КОМСОМОЛАР (11-бет)

Қўлёзма:

- 3 а) Янгилик ҳам илгарилаш қурбони.
- б) Янгилик ҳам тинч яшашнинг қурбони.
- 4 Эркиндир ул ёш йигит ўлмасин.
- 6 Ўзбек қизин қутқарғучи лочинсан.
- 8 Юлдуз каби ҳаволарда учарсан.

ИЛГАРИ БОС, ЭЙ КАШШОФ (16-бет)

Қўлёзма:

- 9 Сўнмас гулдек яша — югур, бос олға.

ҲОЗИРЛАНАМИЗ (17-бет)

Қўлёзма:

- 3 Фирқа сафи бошлиқ бизга, йўлдошлар.

ОЙДИН КЕЧА (18-бет)

Қўлёзма:

- 13 Буларни ҳайдаб, тоғ тепасига
14 Югуруб-югуруб чиққим келар.

МЕНДА ҲАМ ШОДЛИК (23-бет)

Қўлёзма:

- 19 Бу йўлимда эрк қўшиғи ёзилган.

ЯНА ЕШЛАРГА (24-бет)

Қўлёзма:

- 7 Эзилганлар жуда кўпдир

ДЕҲҚОН (26-бет)

Қўлёзма:

- 35 Ул — шоир шу сўзга юлдуз белгиси қўйиб, варақ охи
рида уни трактор деб изоҳлаган.

ОКтябрь ўлкасига (32-бет)

Зар, 1927, 7 ноябрь

- 15 Мазлум шарқинг ҳур элларин уйғотди.
17 Қон тўкишга заҳар — гола ҳозирлар.

Зар, 1927, 7 ноябрь; Кўк:

- 19 Балки бир кун оқар тагин қонлар.

Кўк:

- 4 Ун йил бурун наъра тортиб чиққандек
15 Мазлум шарқинг ҳур элларин уйғотди.
22 Ленинчилар қўлда қилич, милтиқлар
25 Яшар, юксал, эй эркинлар ўлкаси!

ЗАФАР ДОСТОНИ (33-бет)

Кўк; Ш 1937:

49—50 Уйлаймиз, ишлаймиз

Ш 1937:

2—3 йўқ

5 Из очиб қаламлардан

8 Энг ёруғ тилаклардан

17—18 қаторлар 23—24 қилиб берилган.

25—28 йўқ

30—39 йўқ

43 Бирликка йўл очган

57—67 йўқ

ЯНГИ ТУРМУШГА (35-бет)

Кўк:

19 Шонли турмуш, улуғ жаҳон қурамин.

КОМСОМОЛ ҚИЗ (36-бет)

Зар, 1927, 16 декабрь:

6 Садолар тингланди руҳсиз тошлардан,

Кўк; Ш 1937:

9 Булутнинг бағрини ёқиб

Кўк:

10 Кийинганда юлдузлардан кўйлақлар,

ҚИШЛОҚ ҚИЗИ (37-бет)

МУ, 1927, 12:

12 Эй дод этайми, ё кетайми?

16 Кўтарди кўксини, олға суянди,

ДОҲИЙНИНГ МОТАМИ (43-бет)

Зар, 1928, 22 январь:

18—20 йўқ

26, 27, 30 йўқ

32 Кундуз қўлда туғ ўртоқлардан.

44 Қалбингдаги шам сўнди!..

46, 47, 54 йўқ

56—57 Юракларинг ҳовлиқмай
орасида Жисминг тинчиб ухлади,

21—79

321

61 Ҳар ишчининг фикрида
67 Хаёллар-да ўйнашди.
74—76 йўқ

БИР НАШЪА (46-бет)

Ш 1937:

19 Шунга қиз акси жонланар сувда...

БАҲОРНИ СОҒИНГАНДА (47-бет)

ЕЮ, 1928, 5:

8 Дала, қирларни-да безатсин гул,

Кўк:

8 Қирларни-да безатсин гул

10 Қайнасин майлларинг, эсиб еллар,

15 Мен сени бир ўпай қучоқларнда.

БАҲОРГА ЕТГАНДА (48-бет)

Кўк:

22 Эй баҳор, ҳар саҳар энлол қўйининг

25 Қип-қизил лолалар қонланадир.

Ш 1937:

25 Қип-қизил лолалар-ла қонланадир.

Кўк:

26 Тинглангиз, ҳар нафасдан жонланди

«ҲУЖУМ»НИНГ УЧИ (49-бет)

Зар, 1928, 7 сентябрь:

14 Ваҳмалар узоқлардан

42 Қалбдан қанот қоқарди.

ОҒДИНДА (54-бет)

ЕЮ, 1928, 8:

6 Ой жиља била оқди чаманга,

14 Кулмак била масъуд эди кундуз,

Кўк:

3 Масъуд ғамсиз ва аламсиз.

Кўк; ЕЮ, 1928, 8; Ш 1937:

9 Ер ҳали паришонди хаёл-ла...

Кўк:

14 Кулмак билан масъуд эди юлдуз

Кўк; ЕЮ, 1928, 8:

15 Гинчгина ухлар эди кундуз.

БИРИНЧИ МАЙ АЛАНГАЛАРИ (55-бет)

Зар, 1928, 4 май:

7 Эски дардлар-да қўзғалар Шарқда,

10 Куч оларлар чангли тўфонлар

14—15 Эттииб чора топмайин... фарёд
орасида Била дилга тасаллилар берган.

26—27 Яна шоҳона оқ саройлардан,
орасида Асабий бир садо-да юксалди:
Уйнашма, хаёлимнида бузма?!
Қаршидан ларзадор нидо чиқди:
— Юксалма, тубанларда-да кезма?!

Кўк:

10 Куч оларлар ва тошли тўфонлар

ШУ КУННИНГ ҚИЗИГА (56-бет)

Ал, 1928, 5:

26 Сен эдинг шубҳасиз у дилбар қиз!..
32 ва 33 Май, қадаҳлар билан ўпишмасдан,
орасида Унга боққан тилакка тош отасан.

УТАРКАН (58-бет)

Кўк:

8 Ваҳималар дилда каби... кулиб турамиз,

ҚИЗИЛ МОСКОВГА (59-бет)

МУ, 1928, 10:

2 Уйнатиб кўкрагинда тўлқинлар,—

3 Ерйтиб қонли қип-қизил кунлар,

5 Юксал, эй қирмизи шовли шаҳар!

9 Сен башарнинг уриб турар юраги!

12 Ҳар ён қизгин гуруллар экан аланга

13 Лава бўлиб йироқларга отилар,

15 Ениб турар бир машъалсан жаҳонда.

17 Битди, кетди энди тангри, имон-да.

Кўк:

19 Нефть эмарди, кўмир конлар кезарди.

НЕВА ХОТИРАЛАРИ (61-бет)

МУ, 1928, 8—9;

6 Дилда бир нашъа, қўлимдаги найлар

МУ, 1928, 8—9; Кўк:

26 Утди йиллар, ҳаётда уйғонди,

29 Наъра тортди, олов каби ёнди.

33 Оқса қалбингда қип-қизил қонлар...

40 Кетаман, соҳилинга кезмакдан.

Кўк:

11 Оқса кўнглим-ла ўйнаган зорим,

39 Бир жилмайишиб боқмоқдан,

БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ БУЙЛАРИДА (63-бет)

Кўк:

2, 14 Оҳ... на қадар, гўзал қучоғинг бор...

«ХУЖУМ» ГУЛИГА (64-бет)

Кўк:

3 Темир танлар-ла ўйнашди.

ОЗАР ҚИЗИ (65-бет)

Ал, 1928, 12:

22 Чодирнинг сийнаси йиртилди.

29 У ўтли, болғали қўллардан

38 Истикбол гулини тақади.

ОС:

38 Бахт қуши бошларин қоқади.

Ш 1937:

31—34 йўқ

ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ (67-бет)

Ал, 1930, 1:

2 Ўн бир йиллик байрамга

5 Отилиб учли-учли қирғоққа

7 Уфқида тонгги бир қуёш кулди

- 22—23 Кирли тирноқ синалар, тилалар.
расида Инжа қизларни қувлаб ўпмакни.
Ишчилар қонларин-да тўкмакни,
Эзгу бир иш, буюк амал билалар.
30 Мангу сўнмас қизил олов дилида

Ал, 1930, 1; ОС:

- 31 Унга «тўқлар» эли ўқ отмоқни
37 Унга «тўқлар»ни бирда қўймайди

М. ГОРЬКИЙНИ УЎҚИРКАН (69-бет)

МУ, 1928, 10:

- 1 Пролетар
2 Алам билан эдик ёр
3 Турмуш сени эзаркан
7 Тингламадик эртақлар
21 Фарёдлар томчиларди

МУ, 1928, 10; ОС:

- 29 Қалбларга ўт ёқарди
ОС:

- 1—2 Йўқсил
(М. Горький ўқиркан)
7 Тинглолмадинг эртақлар.
8 Афсуски, ёшликда дамлар

ШАРҚ (71-бет)

МУ, 1928, 12:

- 12 Қора парда ёпиниб
23 Манзил узоқ, йўл сўнгсиз
26 Ҳар кун саҳарда
27 Оқ юзида кўк парда
29 Инграб келарди сувга

78—85 йўқ

МУ, 1928, 12; ОС:

- 45 Бахтнинг шоҳи этаги
63 Ҳаётлар-ла қайнайлар
74 Афсус, узоқ ерларда

ОС:

- 34 Шарқ эзилиб ингради
40 Тикан танли зўр кучлар

- 64 Электрик нурлар-ла
 80 Урнида
 Фақат сўнг
 Бир оз ёниб, бир кулиб
 82 Лекин бир кун бизнинг ўт
 89 Бир синфсиз жамият

БОЛАЛИК (75-бет)

МУ, 1929, 1:

- 1 Болалик (Ёшликни эслаб...)
 1 ва 2 орасида (Ҳоди Тоқтош наздида)
 9 Утар эканман.
 10 Биз ёш эдик,
 18 Ёш қишлоқ.
 31 Шўнғиб ўйнардик...
 38 Яшин-яшин ўйнардик.
 40 Денгиз каби
 41 Толғаларни
 58 Алвон-алвон ҳисларни,
 68 Тошқин сувлар оқалар.

- 72—75 ўрнида
 Сўнгра чарчаб толамиз
 79 Бир нафас жим қоламиз.
 79—85 Лекин дида
 Кураш ўти сўнмайди.
 Олам яна
 Қанот ёзиб кулмайди.

МУ, 1929, 1; ОС:

- 44 Бир қўзидек ухлардик.

ОС:

- 76 Хаёлларга толамиз.
 82 Қулоч ёзиб кирамиз
 84 Ўйнаб, кулиб.
 86 Куламиз.

ҚИШ (78-бет)

Ал, 1929, 2—3; ОС:

- 1—2 Кўпик чечаклар
 (Қиш)
 10 Тинчликни севган

Ал, 1929, 2—3:

- 8 Оқ лунги кийган.
 17—18 Мажлис истаб кетади,
 Гул юзли бир қиз...

- 20—21 Йўлларда толган
 Қуёш жимжит ухлайди
 26—27 Мўрилардан чиқади
 Булут тутунлар.
 28 Учли-учли учади
 31 Чалғач дуторлар...
 38—39 Еш онани сиқади,
 Гўдак овози.
 58 Қўқларда оқ булутлар
 63 Ул товуш сипарлар

ОС:

- 38 Еш гўдакни ўйнатган

СЎНГРА КУЛАР (80-бет)

МУ, 1929, 2—3:

- 3—8 йўқ
 13 Шунда кўзларда истамасдан нам,
 25 «Еш чиқарар» толғаларни қўймайди!

СИЕБ (83-бет)

ЕЮ, 1929, 8; ОС; Ш 1937:

- 17 Унларга севинчла боқиб,

ЕЮ, 1929, 8; ОС:

- 24 Бир завқ билан боқамиз

ЕЮ, 1929, 8; Ш 1937:

- 80 Улашилиб

ЕЮ, 1929, 8:

- 89 Баъзан титраб,
 90 Баъзан кулиб
 94 Эгилмақдан қўймайди...
 113 Ул англаган...
 115 амрига
 116 Ел ёсади,
 119 Эгилади бел

ЕЮ, 1929, 8; Ш 1937:

- 123 У баландда,
 140 Йўқ

ОС:

- 94 Илинмақдан тўймайди

ЕЮ, 1929, 8; ОС:

162 Эй, тинглангиз:

165 Тез кетайлик.

ҲОЙ, ЯХШИ ҚИЗИ! (88-бет)

ЕЮ, 1929, 10:

32 Севинч билан

36—37 Ипак каби

Киприкларинг

53 Хаёлларни тарайсан.

80 Сўнгра бир оз ҳушдан кетиб

ЕЮ, 1929, 10; ОС:

96 Кураш гули сочгандир

ОС:

80 Сўнгра бир дам ҳушдан кетиб

ЧУЛЛАР (91-бет)

ОС:

8 Уйнаб, нафас олиб,

11 Мотам кийиб, маржон тўққанлар.

16 Шўрли хотин

ЛЕНТАЛАР (93-бет)

ОС; Ш 1937:

2 йўқ

ОС:

18 Ҳансираб қўйнига етганимизда,

22 Аста-аста сузиб қуёш ботади,

30 Тепа-қумликларнинг қўйнига ботди.

УЗБЕКИСТОН (97-бет)

ЕЮ, 1929, 19:

1 Бугунги Ўзбекистон

3 Қуёш чиқар, нур ёяр

ЕЮ, 1929, 19; ОС:

12 Хумор-хумор кўзлари;

16 Упишади, кулади

ЕЮ, 1929, 19:

30 Кўчаларни янгратиб,

ЕЮ, 1929, 19; Ш 1937:

41 Биз тўплашиб келамиз,

ЕЮ, 1929, 19:

52 У бахмал қирғоқларда,
54 Игна-сарғич тиғила
64 На да ғам бор, на тутун.
66 Сув очғали боради.
68 Чўллаб унга қаради.
69 Сувлар келадир ана,
71 Ёш марзалардан ошнб,
80 Ул очиқди, севинчлар
87 Полвон каби дам олмай.

ЕЮ, 1929, 19; ОС:

58 Тўқларни ҳеч боқмайди.
59 Зарафшон асир бўлган
95 Сезгилар-да улашган,

ЕЮ, 1929, 19:

104 Меҳнат эли қонади.
136 Қизил қовун карсиллаб,

ОС:

20 Саҳар... Ҳар юмшоқ саҳар

ЕЮ, 1929, 19; ОС; Ш 1937:

21 Куйлар билан уйғотар.

ЕЮ, 1929, 19; ОС:

47 Оҳидан чиқар тутун
115 Оғир қадам ташлатди.

ТЕМИР ҚОНУН (102-бет)

ОС:

16 Одимлар ҳур
70—71 Ҳайрон
орасида Қўрқоқ
140 Улаётган,

УЛКА САФАРБАР (106-бет)

УЕ:

12 Оқар йигитдек
106 Тез кетаётир

Ш 1937:

98—100 йўқ

ИККИ ТОМЧИ ҚОН (110-бет)

ОС:

6 Эҳтимол, бизларнинг темир қонимиз
22 Лекин асримизнинг бир бурчаги,

ҚИШ КҮЧАСИДАН (112-бет)

ЕЮ, 1930, 1:

1 Қиш кўчасида
7 Боркан кўнгулда
20 Товонлаб одимлар ташлайман.

ЕЮ, 1930, 1; ОС:

45—46 Янгидан юргандай,

МУДОФАА КУНЛАРИДА (114-бет)

УЕ; Ш 1937:

12 Гавдалар отсия —

УЕ:

100 Йиқиб,
116 Зўр ярашнинг
192—193 Бино қуриб

БИЗ ЕНГДИК (120-бет)

ЕЛ, 1931, 21 январь:

1 дан олдин 3 йил (Бешйилликнинг учинчи йили кўзда
тутилади)

1—2 (Биринчи шеър)

орасида

10 Ҳовлиқиб

14—17 Қизил Путилов

Узлуксиз ишларга
кўчмаса агар,

Ҳар тупроқ устида

22 Ҳар ишчи

26—30 йўқ

35 Титроқ солган

35—36 Занг босган,

орасида

ҳайдалган

Троцкийдан

- 51 Қолиб
 55—56 Хар томонда
 орасида Оғиб оққан
 ўнг «сўл» булоқдек
 Елғончилик
 қишлоқларин
 кўражак өдик.
- 60 Таги билан чўкмаганда
 62 Ўз қалбига •
 80 Танҳо
- 115—116 Тўғонларин
 тўса олмасдик,
 145 Курашларда
 204 Гурс қўрғон
- 208—209 Қоронғига ёруғ берган
 ул ярақ-ярақ
- 225 Асрларча
 228 Саҳроларгада
- 231—232 Шу улур,
 Шу буюк
- 234 йўқ
 236 Кема каби
- 237—238 йўқ
 247—248 Курашгувчи
 зўр синфларнинг
- 264 Ленин каби

ТАЙЕР ТРАКТОРИ (127-бет)

УЕ:

- 34—35 Оқаётир
 Бир сув каби
 121 Бир айландирса,
 147 Поезд миниб
 Чўлга оқади...
 238 Биз ўтамиз,

КАДР (133-бет)

ЕЮ, 1931, 8:

- 11—12 Юлдуз юзидай
 Кўзларини ярқиратиб
- 16—20 йўқ
 47—55 йўқ
 74 Наркомпрос бўлмаларига
- 78—83 йўқ
 89 Курилажак янги, зарур
 97 Социализм қалъасининг
- 123—125 йўқ
 136 Болғасидан
- 181—182 Арслон,
 Қайтмас

УЕ:

- 12 Ярқиратиб кўзларини
81 Ултириб олиб,

ЕЮ, 1931, 8; УЕ:

- 118—119 Қатъий мамот
Бериб борган

УЕ:

- 175 Биз билан биткан,

ТАРИХ КУРГАНМИ? (138-бет)

Пой:

- 92 Шундай кўчаларда
181 Ахир елкалардан
201 Жаҳонга боқдик
222—225 Булар
 эртасига
 сафарга
 чиқиб,

НИМА БИЗГА АМЕРИКА! (145-бет)

Пой:

- 44 йўқ
184 Сафарга туриб

УША, 1932, 1—2:

- 122 Ишқи билан юради.

ЕИ:

- 59 Ранги сўлган унинг,
85 Қонни оч,
144 Товушини куйлар

БАХТЛАР ВОДИЙСИ (151-бет)

УША, 1932, 4—5; Алм; ДК, ЕИ:

- 2 йўқ

УША, 1932, 4—5; ЕИ:

- 75 Эй большевик чўллариди

УША, 1932, 4—5; Ш 1937; ЕИ:

- 79 Оққан

УША, 1932, 4—5; Алм; Ш 1937; ЕЙ:

97 Меҳнат — шараф, номус бўлган водийлар!

УША, 1932, 4—5; ДК; ЕЙ:

133 Миллионларнинг кенг бағрида

УША, 1932, 4—5; Алм; ЕЙ:

148 Юраклари гуп-гуп урган

УША, 1932, 4—5:

186 Кўришган ува

208 Йўлга катта довон бор ҳали,

УША, 1932, 4—5; Алм; ЕЙ:

219 Электрик ванналарига

Алм:

6 Кўклам қуёшида

Алм; ДК:

27 Улуғ йўлда полвонларча

Алм:

33 Ғўза гули каби

101 Ғўза япроғидай

111 йўқ

Алм; ДК:

203 Юлдузни чоғлаган

205 Ишонч — умид билан

226 Сақла

ДК:

42 Чечаклар таққан:

54 Бутун борлиқлари

149 йўқ

159 Етилгучи ойдек тўладир.

162—163 Водий оёқларидан

Ғазаб билан,

ДК; Ш 1937:

77—78 Эй трактор кучи билан,

81—84 йўқ

ЕИ:

6 Кўклам қуёшдан

МАҲОРАТ (157-бет)

ҚУ, 1933, 20 декабрь:

- 2 Пахта планини тўлатиб бажариш тўйларига
3—117 йўқ
126 Емирилиш йўлини тамоман ўтган
129 Чанқов билан эгаллаётган:
130 Ҳаёт саҳнасида бу янги одам
140 Пўлат отда қарвонбошилар,
152 Шаддоддай қизлар —
158 Бир буюк сафарга
165 Озод меҳнат штурми билан
174 Оппоқ чўлларга
194 Қўл текизилмас,
202 Худди қор ёққанда далага!
219 Бу аниқ орқада қолган бир манзил
228 Давлатли турмуш

ДК:

- 90—93 Улим билан тенг,
Энг арриқ,
Лаънат ижодидир, у, жамиятнинг...
Асло, яшаш эмас,

ДК; Ш 1937:

- 129 Чанқаб эгаллашнинг завқига тўлган:

Ш 1937:

- 178 Энг илк қадамни ташлаган зарбдор,
216 Емирилиш йўлини тамоман ўтган.

БАҲОР (166-бет)

ҚУ, 1935, 30 март; ДК; Ш 1937:

- 7 Қўймай очар ўрикнинг гулин,

ҚУ, 1935, 30 март:

- 15 Баҳор елиб ўз тугунчагин,
34 Бағринга торт, барчани, баҳор!
35 Бу жозоба барчаси сенинг.

ДАРЕ КЕЧАСИ (168-бет)

ҚУ, 1935, 12 октябрь; Ш. 1937:

- 33 Ер ва кўкда ғавғо, жар солиб.

ДК:

33 Ҳамма ёққа гавго, жар солиб.

ҚУ, 1935, 12 октябрь:

53 Дарёдан зўр ва уста инсон.

ОНТ (170-бет)

ҚУ, 1935, 1 май:

- 8—9 Ишонч билан тўлган кўзлари,
Ҳеч ҳайиқмас бало-қазодан;
24 Қайнаб турган ўт қучоғидан
34 Қиличимиз билан ўйнаган
42 Ўлка юзи тамом бекилган.
51 Бизниқидир бутун гўзаллик.
56 Унинг севгисига тўлган юракка
71 Колхоз тупроғининг кўксига

ҚУ, 1935, 1 май; ДК:

48 Хўжайинимиз якка ўзимиз.

54 Унингдир шараф,

ҚИЗ (174-бет)

БҚ:

67 Бир тор девор ва зах босган уй,

БАҲРИ (177-бет)

ҚУ, 1935, 15 ноябрь; БҚ:

10 Колхозда тўй, доира, дўмбира,

ҚУ, 1935, 15 ноябрь:

- 13 Хўроз берар эртадан хабар.
15 Бари хурсанд шундайин дамга,
40 Чиқар юлдуз, чиқар шомда ой,
44 Қучоғига тўлган оқ пахта
51 Шунда туғар рашк ва муҳаббат:
84 Узатар Баҳрини колхозии

БҚ:

51 Туғар янги ҳусн, муҳаббат:

КРЕМЛЬ ЧИРОҒИ ҚАРШИСИДА (182-бет)

ҚУ, 1937, 4 март:

19 Едимдан чиқмайди кўҳна Регистон...

КУЙЧИНИНГ ХАЕЛИ (183-бет)

ҚУ, 1936, 8 октябрь; БҚ:

17 «Ошиқнинг пайимиди қоронғи кеча»,

Улка; БҚ:

2 Фозил бахшига

ҲАР ЮРАКНИНГ БИР БАҲОРИ БОР (187-бет)

Қўлёзма:

1 Кураш

14 Поймол этган шу қоп-қора тун

ОФЕЛИЯНИНГ УЛИМИ (188-бет)

Гул, 1937, 5:

16 Нечун керак эди, шу чирой, шу ўт,

32 Шундай латофат, шу оқ кўкракка

34—35 Онанг шунинг учун севинганмиди,

Наҳот, шу сифат гўзалликка хос?

47 Каби ёндирарди кўзинг тун-кун,

79 Йиқилди аршидан ва кўҳна дунё —

ҲУЛКАРНИНГ ШЕЪРИ (213-бет)

Бт:

6 Шўх ва ўйноқ дўстларга буюр.

ДАРЕ ТИНИҚ ОСМОН БЕҒУБОР (216-бет)

БҚ:

12 Шу ерлардир ўлканнинг боши

ҚОЗОҒИСТОН (218-бет)

ҚУ, 1937, 18 апрель:

4 Қозоғистон бу оталарнинг

ДУМБИРАНИНГ МАҚТОВИ (231-бет)

Улка:

1 йўқ

2 Абдулла шоир

19—26 йўқ
31—34 йўқ

Қўлёзма: ~

30—39 Бир дам сендан айрилмадим умримда,
орасида Туёғимдан тойрилмадим умримда,
Мен ҳеч ёмон иш қилмадим умримда,
Ёвларимга бўри бўлган дўмбирам.

Сенсиз қолсам юролмасман йўлимдан,
Сенсиз менинг ҳеч иш келмас қўлимдан,
Адашурман толе топган элимдан,
Утирганда сўри бўлган дўмбирам.

БАХТ ТУҒРИСИДА (233-бет)

Улка:

20 Инсон қалби устида ётарди

ҚУ, 1937, 30 август:

25 Келиб-келиб ўзи қолса оч
29 Бахт ҳақида куй айтиб қолдим.

ПУШКИН (235-бет)

ҚУ, 1937, 10 февраль:

60 Уч азобида

ҲОЛ (238-бет)

Қўлёзма:

1 Утиниш
8 Эди менинг руҳимда ҳоким.
17 Шунча эди садоқат, имон.

ҒАЛАБА ҚЎШИҒИ (255-бет)

ҚҚ; ҚУ, 1941, 9 июль; ВУ, 41; УДА:

21 Душманни ер билан

УДА:

18 Фашизм ер остида чиришга

ҚЎЛИНГГА ҚУРОЛ ОЛ! (256-бет)

ҚҚ:

21 Қўлларингда қилич ва олмос

ИГИТЛАРНИ ФРОНТГА ЖУНАТИШ (258-бет)

УДА:

- 2 Поезд ҳозир жўнамоққа
- 13 Ёвларни муштласин деб
- 15 Ёв келгани кўргани
- 20—21 Яна икки от ҳам боқдим
- Ёв устига юрсин деб.
- 50—57 йўқ

ХАТ (260-бет)

Кўлёзма:

- 1 Онага хат
- 10 Бир ой бўлди
- 14 Тунлар бўйи ухламайман
- 18 Ёв чиқади ўрмонлардан
- 36 Тирқирашиб қоча бошлар
- 57 Сезмайман ўқ қадалса

ОУ; ВУ; Ишонч:

- 10 Кеча кундуз олишаман
- 11 Ул одамхўр ёв билан
- 17 Жон қулогим ўрмонда
- 18 Ўрмонлардан ёв чиқади
- 29 Уз қаҳримга ютаман
- 33 Газабимнинг чеки йўқ
- 36 Тирқирашиб қоча бошлар

МОСКВАНИ МЕН БИЛАМАН (263-бет)

ҒҚ; ҚУ, 1941, 24 август:

- 17 Уз қаҳрига ютгани

БУЛ ОМОН (265-бет)

Ишонч:

- 2 («Биз снгамиз» кинофильмидан)

ҚАДАҲ (268-бет)

Кўлёзма:

- 2 йўқ

ШАРҚДАН ҒАРБГА КЕТАЕТГАН ДУСТГА (270-бет)

ҚУ, 1942, 29 март; ҚҚ:

- 11 Ҳар қишлоққа бир дор
- 24 Оналари сени олқаган

43 Очилмайди бултурги гуллар

ЯҚИНЛИК (272-бет)

ҚУ, 1942, 16 апрель:

1 Садоқат

СЕВГИ (273-бет)

ҚУ, 1942, 29 октябрь:

7 Жангда етилмоқда севги қисмати
38 Ҳаётда албатта бир ўлмоқ бор-ку!

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ИЮНЬ САҲАРИ (277-бет)

Қоралама:

1 Уртанган ватаннинг олов фарёди,
Бўларми ҳеч қачон кўзингдан пинҳон?
Фашист бомбасининг ёввойи доди,
Янграган ерларда дарё бўлган қон?

Уйиёнга бостириб кирганда ёвлар,
Сўнгсиз ғазаб билан титраб турганинг.
Кўккача чирмашиб чиққан оловлар,
Кул қилмаганмиди танингни санинг?

Хор ва хақир бўлган она ватанда,
10 Кечаги бахтиёр бугунги очлар.
Эсингдан чиқарми чуваб кетганда,
Бир кеча ичида оқарган сочлар.

ВАТАН (281-бет)

Қўлёзма — 1:

Нақорат:

Эй муқаддас Ватанимиз — жонимизсан,
Жангда оққан дарё-дарё қонимизсан.
Муқаддасдир қўлимизда ол байроғинг,
Ёвни енган чоғда топган шонимизсан.

Тер оқиздик қонимиздан минг бор зиёд
Қилдик охир бир ажойиб элни бунёд.
Бир дунёки, бунда одам бахтиёрдир.
Бир дунёки, зулм-ваҳшат ёзмас қанот.

Улуғ Ленин сафарингга мангу йўлдош,
Партия ёр — кўтаргайсан кўкларга бош
То қанот бор айланур ер атрофингда
Сен жаҳонда яғонасан, мисли қуёш.

Нақорат:

Эй муқаддас Ватанимиз — жонимизсан,
Жангда оққан дарё-дарё қонимизсан.
Муқаддасдир қўлимизда ол байроғинг,
Евни енган чоғда топган шонимизсан.

Қўлёзма — 2:

Дарё-дарё қонимизсан,
Эрк қидирган онимизсан,
Жангда топган шонимизсан,
Шонимизсан, жонимизсан.
Муқаддасдир ол байроғинг,
Муқаддасдир жон тупроғинг.
Ҳарна йўғу боримизсан,
Номусимиз, оримизсан.

Қўлёзма — 3:

Бахтли ҳаёт бериб барча элларга,
Чиқди қуёшимиз бўронлар оша.
Совет Иттифоқи бор бўл умрбод,
Биродар халқларнинг бирлиги яша.

Нақорат:

Ўзбекистон ватанимиз, жонимиз,
Эй жанговар боболардан зўр мерос.
Сеникидир шарафимиз, шонимиз,
Бахтимизга яша, юксал, олға бос.

Эй халқлар дўстлиги, томир ёй маҳкам,
Сен борсан юксалар барча миллатлар.
Шонли тупроғимиз сен бизникисан,
Бутун салобатинг, мазмунинг билан.
Улуғ давлатимиз, меҳру туғромиз,
Қизил байроғимиз ўзингсан ватан.

Давлат байроғининг эгаси бўлдик,
Эй улуғ партия, сенинг соянгда.
Ўзбек садоқати қасам ичади,
Муқаддас Кремль зинапоянгда.

СЕН ТУФИЛГАН КУН (282-бет)

ҚУ, 1943, 20 октябрь:

- 12 Ортидан қарайман
- 13 тўлиб самога
- 29 солиб салқин ҳавога

ШИНЕЛЬ (284-бет)

ҚУ, 1943, 18 октябрь:

- 32 Ботқоққа ётганимда
- 40 Доимо йўлдошимсан.

ИНТИЗОРЛИК (294-бет)

Қўлёзма:

2 йўқ


ЯШНА ОЗОД УЗБЕКИСТОН (300-бет)

Қўлёзма ва машинка нухаси вариантлари:

- 1 а) Ўзбекистон боғу бўстон, эй улуғ озов Ватан,
б) Сен қадрдон доҳиларнинг мангулик ижодисан.
в) Сен озов Ўзбекистон, эй гулистон элимиз.
г) Яшна озов Ўзбекистон, эй гулистон элимиз
д) Яшна озов Ўзбекистон, шонли ўзбек элимиз.
- 2 а) Байроғингда барчамизнинг жангда оққан қонимиз.
б) Қалбимизнинг қони оққан, эй қадим тупроғимиз,
в) Гулла, эй бизнинг муқаддас сен қадим тупроғимиз,
г) Гулла, эй бизнинг азиз сен қадим тупроғимиз.
- 3 а) Тоғларингда бахт қуёши, боғларингда бахт ели
б) Тоғларингда жанг қуёши, боғларингда бахт ели.
- 4 а) Олға бошла бизни доим, эй қизил байроғимиз.
б) Ҳар вақтда олға бошлар бу қизил байроғимиз.
в) Бизни доим олға бошла, эй қизил байроғимиз.
г) Олға бошла бизни доим, эй қадрдон доҳимиз.
- 6 а) Биз улуғ рус халқи бирла бўлгумиз мангу иноқ
б) Биз Ватаннинг эллари-ла бўлгумиз мангу иноқ
в) Биз оға рус халқи бирла бўлгумиз мангу иноқ
г) Халқларимиз бирла доим бўлгумиздир иттифоқ
д) Халқларимиз бирла доим бўлгумиздир биз иноқ
е) Биз оға рус халқи бирла бўлгумиз доим иноқ
- 7 а) Ҳам Советлар Иттифоқи барқарор бўлсин мудом
б) Қалбимизда ҳар қачонким доҳиларнинг номи бор
в) Сен Советлар Иттифоқи, барқарор бўлгин мудом.
г) Эй Советлар Иттифоқи барқарор бўлгин мудом
д) Ҳам Советлар Иттифоқи мангу бўлсин устивор
- 8 а) Яшнасин халқлар яратган бу бузилмас иттифоқ.
б) Яшнасин халқлар яратган ғолибона иттифоқ.
в) Яшна, дўст халқлар яратган ғолибона иттифоқ.
г) Жонажон халқлар яратган, эй муқаддас иттифоқ.
д) Яшна, эй халқлар яратган ғолибона иттифоқ.
е) Яшна, дўст халқлар яратган эй муқаддас иттифоқ.
ё) Орқадос халқлар яратган, эй муқаддас иттифоқ.
ж) Яшна, ҳур халқлар яратган ғолибона иттифоқ.
- 9 а) Сен Советлар Иттифоқи мангу бўлгин устивор
б) Эй Советлар Иттифоқи беҳисоб йил қил давом
в) Бахтимизга беҳисоб йиллар ўзинг қилгин давом

- 10 а) Бахту иқболингни сақлашга ҳама ичдик қасам.
б) Шону бахту иқболингни сақлашга ичармиз қасам.
в) Бахту иқболингни сақлашга ичармиз биз қасам.
г) Шону иқболингни сақлашга ҳамма ичдик қасам.
- 11 а) Биз баҳодир аскарингмиз ҳар биримиз қаҳрамон
б) Ҳар биримиз аскарингмиз, ҳар биримиз посбон.
в) Ҳар биримиз посбон, ҳар биримиз қаҳрамон
г) Доимо ҳозир йигитлар сен учун тўкмакка қон
- 12 а) Боши кетгай ҳар қачон кўксингга ёв қўйса қадам
б) Боши кетгай шул замон кўксингга ёв қўйса қадам.
в) Ҳам яланғочдир қиличлар сен учун тўкмакка қон.
г) Ёв агар келса босиб ҳозир ҳама тўкмакка қон.
- 14 а) Меҳнатимиз дашту саҳрони гулистон айлади
б) Шиддатимиз бағри тош-тоғларни талқон айлади
в) Шиддатимиз кўп метин тоғларни талқон айлади
г) Меҳнатимиз кўрсатиб тоғларга озод эл кучин.
- 15 а) Ғайратимиз қанча дарёлар яратди доимо
б) Ҳимматимиз бир ажойиб ўлкани қилди бино
в) Ғайратимиз бир ажойиб ўлкани қилди бино

ИЗОҲЛАР



Ҳамид Олимжоннинг қисқа, лекин беқиёс сермазмун ҳаёти Коммунистик партияга, Ватан ва халқ ишига фидойиликнинг юксак намунасидир.

Бадий ижод майдонига жуда эрта кириб келган Ҳамид Олимжон умрининг сўнгги дамларигача шеърят билан яшади. Партия ва ҳукуматимизнинг совет адабиёти тараққиётига кўрсатган катта ғамхўрлиги уни тинимсиз ижодга рағбатлантирди. Ҳамид Олимжон янги давр қурилиши қийинчиликлари ва завқини, кишилар онгидаги ўсиш ва ўзгаришларни, қарашлар ўртасидаги қурашлар ва ҳаётда мустақкам қарор топиб бораётган янгиликларни бутун мураккаблиги ва нозиклиги билан кузатиш иқтидорига эга бўлган ҳассос сўз санъаткори эди. Унинг шеъриятида социализм қураётган мамлакатимиз халқларининг улуғвор одимлари бадий солномадек ўз ифодасини топиб борди.

Шоир социалистик индустрияни, коллектив хўжалик йўлига кирган қишлоқларимиздаги муваффақиятларни жўшиб куйлади. Беш йилликларимизнинг илдам суръатларида социалистик қурилиш жанговарлиги руҳини ҳис этди. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг гўзал қиёфаларида фидокор меҳнат аҳлининг қаҳрамонлигини кўрди. Меҳнатқаш «одамлардан ҳикоя тинглаган» сайин шоирнинг шеърларидаги «ғоя ўсди». Бу манзара унинг «Кўклам» ва ундан кейин чоп этилган барча тўпламларидан ўрин олган шеърларининг мундарижасида равшан кўзга ташланиб туради.

Ҳамид Олимжон ижодига хос ватанпарварлик, халқлар дўстлиги ва совет интернационалиزمи ғоялари унинг Улуғ Ватан уруши йилларида яратган асарларида алоҳида жанговарлик оҳанги билан эшитилади. Муаззам Москва учун, бепоён Россия учун, шодлиги ҳам, қайғуси ҳам бир бўлган совет халқи учун ёшни ҳам, кексани ҳам «қўлига қурол олишга» даъват этган шоир «ғалаба тўйи»га комил ишонч билан қаради.

Шу тарзда шоир асарларининг ҳар бири ҳаётни чуқур ўрганиш, шу ҳаётнинг ичида бўлиш, бўлажак асари қаҳрамонлари билан ҳамнафас бўлиб яшаш натижасида юзага келди. Улардаги киши номлари, жой номлари ва кўпгина образлар алоҳида изоҳ ва шарҳ талаб этади. Ушбу томда илмий нашрлар учун хос бўлган бу ҳолат тўлиқ ҳисобга олинган.

Изоҳ томдан ўрин олган ҳар бир шеърнинг ёзилиш санаси, қўлёзма ва нашрлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Асос қилиб олинаётган матига тўлдириш, айрим ўзгаришларнинг манба-

лари ўз ўрнида кўрсатиб борилди. Ёзилган йили номаълум, тугалланмаган шеърлар, эскизлар томда алоҳида бўлимда берилди.

Изоҳларни тузишда Ҳамид Олимжоннинг шахсий архивида сақланаётган манбалар, адабнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлар ва хотиралардан фойдаланилди.

Изоҳлар асосий матндан ўрин олган шеърлар тартибига кўра хронологик тарзда берилди. Изоҳланаётган сўз олдида қўйилган рақамлар матн мисраларига қўйилган саноқларни билдиради.

КОМСОМОЛЛАР

(11-бет)

«Комсомоллар» Ҳамид Олимжоннинг 1925 йил сентябрь ойида яратилган илк шеърларидандир. Бу шеър шоирнинг Самарқанд билан юртида ўқиб юрган вақтларида ёзилган асарларини ўз ичига олган қўлёзма дафтарда сақланади. Шеър 12 варақли 20×17 катталикдаги мактаб дафтарига сапсар сиеҳда (айрим саҳифалари қалам билан), араб графикасида шоирнинг ўз қўли билан ёзилган. Қўлёзма дафтар УзССР ФА Қўлёзмалар институтидаги шоир архивида сақланади. «Комсомоллар» шу қўлёзма асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

Ушбу дафтардан ўрин олган айрим шеърлар ўз муваффақиётлари билан бир қаторда ижод сирларини аста-секинлик билан ўрганиб келаётган ёш қаламкашга хос айрим шаклий нуқсонлардан ҳам холи эмас. Лекин уларда изланиш, интилиш яққол кўзга ташланиб туради. Сўз бораётган дафтардаги қатор шеърлар устида олиб берилган таҳрир ва тузатишлар ёш шоирнинг ўз асарларига бўлган талабчанлигини кузатиш жиҳатидан характерлидир.

9. Йўқсиз эл — ишчи-деҳқон.

11. Туви билан — туби, таг-томири билан.

ШОДЛИК КУН

(12-бет)

Шеър 1925 йилнинг ноябрь ойида Самарқандда Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг саккиз йиллиги муносабати билан ёзилган.

Қўлёзма асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

БИЗ КИМ?

(13-бет)

Ушбу шеър 1925 йилнинг 25 ноябрда ёзилган. Қўлёзма асосида биринчи марта нашр қилинмоқда.

7. КИМ йўлида борамиз. КИМ — Коммунистик ёшлар интернационал ташкилоти — бевосита В. И. Ленин раҳбарлиги ва ташаббуси билан ташкил топди. Унинг биринчи таъсис мажлиси 1919 йилда Берлин шаҳрида ўтди. Конгресс КИМ тузилишини эълон қилиб, унинг устав ва программасини қабул этди. КИМ ёшларни марксизм-ленинизм таълимоти асослари билан қуроллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У 1919—1943 йилларда Коммунистик Интернационал раҳбарлигида иш олиб борди.

КАШШОФ

(14-бет)

1925 йил апрелида битилган, қўлёзмаси шоира Зулфия қўлида сақланмоқда бўлган ушбу шеър муаллиф томонидан 8×22 форматли сарғиш оддий қоғозга қизил қалам билан ёзилган.

Илк дафъа нашр қилинмоқда.

ИЛГАРИ БОС, ЭЙ КАШШОФИ

(16-бет)

Комсомол шоирнинг бу шеъри 1925 йилнинг октябрь ойида ёзилган.

Қўлёзма асосида биринчи марта нашр қилинмоқда.

ҲОЗИРЛАНАМИЗ

(17-бет)

Машҳур «Ешлар партияннинг содиқ ёрдамчиларидир» шiori асосида 1926 йилнинг январь ойида ёзилган бу шеър қўлёзма бўйича биринчи марта нашр қилинмоқда.

ОЙДИН КЕЧА

(18-бет)

Шеър 1926 йилнинг 30 январида ёзилган. Дафтардан ўрин олган «Ойдин кеча» шеъри шоир томонидан қалам билан кўчирилган.

Қўлёзма асосида биринчи марта нашр қилинмоқда.

11. Қўтон — қўй қўраси.

БОРАМАН

(19-бет)

Спортга ихлосманд ёш шоирнинг 1926 йилнинг февраль ойида яратилган бу шеъри дафтарга қалам билан кўчирилган.

Қўлёзма асосида биринчи марта нашр этилмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАР

(20-бет)

1926 йилнинг 8 мартада ёзилган бу шеърда хотин-қизларга совет замонаси берган ҳақ-ҳуқуқлар куйланади.

Шеър қўлёзма асосида биринчи марта нашр қилинмоқда.

СИНГЛИМГА

(21-бет)

1926 йилнинг 26 апрелида ёзилган ушбу шеър озодлик йўлига чиққан ўзбек қизига бағишланади.

Қўлёзма асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

16. **Жаҳон томуғини йиққан** — жаҳон дўзахларини (ўтмиш қора ҳаётини) йиқитган, қулатган.

МЕНДА ҲАМ ШОДЛИК

(23-бет)

1926 йилнинг 1 май куни ёзилган бу шеър 2 қисмдан иборат бўлиб, унда лирик қаҳрамоннинг бахтсиз ўтмиши ва янги замон ғурури акс этган.

Шеър қўлёзма асосида биринчи марта нашр қилинмоқда.

25. **Ҳимолай** — ер шарига энг баланд тоғ тизмаси ҳисобланади. У Ҳиндистон, Хитой, Непал ва Покистон территориясига жойлашган. Ҳимолай тоғ тизмасининг энг баланд чўққиси 8000—8848 метргача етади.

25. **Олтой** — Осиёдаги бўлак-бўлак тизмалардан иборат тоғ. У СССР, Монголия Халқ Республикаси ва Шарқий Туркистон территориясида. Узунлиги 2000 км, баландлиги 4506 метр.

ЯНА ЕШЛАРГА

(24-бет)

Шоир 1925—1926 йиллар давомида яратган қатор асарларида бахтли ёшликни куйлайди. 1926 йилнинг 4 мартида ёзилган бу шеър ёшларни эскиликка қарши жиддий курашга чақириқ руҳидадир.

Қўлёзма асосида нашр қилинмоқда.

9. **Очун** — дунё, олам.

МУХБИР

(25-бет)

Ҳамид Олимжоннинг 1926 йилнинг 21 июлида ёзилган ушбу шеърда ишчи ва деҳқон мухбирлари фаолияти юқори баҳоланади.

Қўлёзма асосида илк дафъа эълон қилинмоқда.

ДЕҲҚОН

(26-бет)

1926 йилнинг 19 июлида ёзилган. Шеър қўлёзма асосида биринчи марта нашр этилмоқда.

КИМДИР

(28-бет)

Шеър 1926 йилда шоирнинг Самарқанд билим юртида ўқиб юрган вақтида ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Кўклам»да босилган, сўнгра «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр этилган.

Шеър «Кўклам» асосида нашр этилмоқда.

ШОДИЕНА

(29-бет)

Ҳамид Олимжон ўз ижодининг илк босқичларида бир қатор сатирик шеърлар ҳам яратган. Шоирнинг сатирик асарлари йигирманчи йилларда Самарқандда нашр этилган «Машраб» сатирик журналида чоп этилган. Ҳамид Олимжоннинг сатирик асарларида Учқун тахаллусини қўлагани маълум. Буни «Машраб» журнаlining 1926 йил 10 сонида «Машрабчилар» номига ёзилган ўртоқлик ҳазилидаги ишора ҳам тасдиқ этади. У ерда шоир ҳақида қуйидаги тўртлик мавжуд:

Ҳамид Олимжондир жўжа,
«Зарафшон»га эрур хўжа.
«Учқун»дек қалами билан,
«Машраб»да пиширар гўжа.

Шоир шу йилларда яратган «Заҳарли юрак» ҳикоясида ҳам Учқун тахаллусини қўлаган.

«Шодиёна» шеърининг қўлёзмаси сақланмаган. Шеър «Машраб» журнаlining 1926 йил 40-сонида эълон қилинган матн асосида чоп этилмоқда.

4. «Машраб» — 1924—1927 йилларда Самарқандда «Зарафшон» газетасига илова тарзида икки ҳафтада бир марта чиқарилган ҳажвий журнал. Унда диний жаҳолат, хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабат, эскилик сарқитлари танқид қилиниб, карикатураларга кенг ўрин берилган. Журналнинг жами 58 соҳи чиққан.

«ЛОТИН» КЕЛАР

(30-бет)

Шеър 1926 йилда яратилган ва шу йили «Машраб» журнаlining 39-сонида эълон қилинган.

Маълумки, узоқ даврлар давомида эски ўзбек ёзуви сифатида қўлланилиб келинган араб графикасига асосланган алфавит савод чиқаришда жуда катта қийинчиликлар туғдирарди. Шунга кўра ҳам, Ўзбекистон ССРда йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб бирмунча қулайликларга эга бўлган лотин алфавитига ўтиш тadbирлари кўрила бошланди. Табиийки, бу тadbир араб графикасига маҳкам ёпишиб олган, совет ҳукуматининг маданий инқилоб соҳасидаги актив фаолиятига душман бўлган эскилик тарафдорларига ёқмади. Ҳамид Олимжон «Лотин» келар» сатирик шеърида янгиликни қўллаб, эски ёзув «мухлисларини» танқид қилади.

«Лотин» келар» шеъри «Машраб» журналин матн асосида чоп этилмоқда. Журналда шеърга қуйидагича изоҳ берилган: «Бу манзумадаги «Лотин»дан мақсад «Лотин алифбоси» бўлиб, «Араб»дан мурод «Араб» алифбоси»дир.

1. Лотин — Ўзбекистон ССРда 1929 йилдан бошлаб араб ёзув системаси ўрнини алмаштирган алфавит. У 1940 йилга қадар қўлданланган.

ҚИШЛОҚҚА

(31-бет)

1926 йилда ёзилган ушбу шеърнинг автографи шоира Зулфия кўлида сақланади. Шеър 18,5×25,5 форматли шилдироқ қоғозга қора қалам билан кўчирилган.

Шеър қўлёзма асосида биринчи марта нашр этилмоқда.

ОКТЯБРЬ УЛКАСИГА

(32-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Октябрнинг ўн йиллиги муносабати билан ёзилган бу шеър биринчи марта «Зарафшон» газетасининг 1927 йил 7 ноябрь сониди, кейинчалик «Кўклам», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ЗАФАР ДОСТОНИ

(33-бет)

«Зарафшон» газетасининг 1927 йил 5 сентябрь сониди босилган, кейинчалик «Кўклам», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1951, 1957) да ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта эълон қилинган. «Зафар достони» шоир томонидан нашрдан нашрга таҳрир этиб борилган. Шоир ҳаётлигидаги энг сўнгги нашри «Шеърлар» (1937) да бир қадар қисқартирилган. Таҳрир манзараси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун «Зафар достони» «Зарафшон» газетаси матни асосида чоп этилмоқда.

2. Байналминал ёшлар куни. КИМ (Коммунистик ёшлар интернационал ташкилоти) ҳақида шоирнинг «Биз ким?» шеъри изоҳида маълумот берилган. В. И. Ленин раҳбарлигида большевиклар Халқаро ёшлар ҳаракатида сўл кучларни жипслаштириш учун курашни 1914—1918 йиллар биринчи жаҳон уруши даврида бошлаган эдилар. Шоир «Зафар достони» шеърини Халқаро ёшлар ҳаракатининг бошланганига 13 йил тўлиши муносабати билан ёзган.

ЯНГИ ТУРМУШГА

(35-бет)

Шеър 1927 йил 22 октябрда Самарқандда ёзилган бўлиб, қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Зарафшон» газетасининг 1927 йил 1 декабрь сониди, сўнгра «Кўклам», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган.

Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

2. Амал — истак, орзу.

12. Лава — пўлат, темир жинслари эритилган оқимнинг чўғ шакли. Вулқоннинг ер қатламидан отилиб чиққан оловли оқими.

КОМСОМОЛ ҚИЗ

(36-бет)

Бу шеър 1927 йил 8 декабрда Самарқандда ёзилган, шу йили «Зарафшон» газетасининг 16 декабрь сониди босилган. Хотин-қизларнинг ўтмишдаги ҳаёти ва янги турмуш тарзи ақс этган мисралар «Зарафшон»да уч қисмга бўлиб берилган. «Комсомол қиз» шеъри кейинчалик «Кўклам», «Шеърлар» (1937) ва «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957), «Асарлар»нинг 1-томига киритилган.

Шеър ТА 1944 асосида чоп этилмақда.

ҚИШЛОҚ ҚИЗИ

(37-бет)

1927 йилда Самарқандда ёзилган бу шеър биринчи марта «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1927 йил 12-сониди босилган, сўнг-ра «Кўклам», «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган.

«Кўклам» асосида чоп этилмақда.

12. Илҳод — ёрдам бермоқ.

15. Қирқалашди — эрқаланди.

ШАРОФАТ

(38-бет)

Шеър 1927 йилда Жиззахда ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Кўклам»да, кейинчалик «Танланган асарлар» (1957), «Асарлар»нинг 1-томида эълон қилинган.

«Кўклам» асос қилиб олинди.

1. Шарофат — боғбон қиз.

4. «Ичқари» — революциядан олдин аёллар ва болаларнинг яшашига мўлжалланган алоҳида ҳовли.

ЗАРАФШОН ҚУЙНИДА

(39-бет)

1927 йил сентябрида ёзилган бу асар биринчи марта «Кўклам» шеърлар тўпламида босилиб чиқди. Шеър ушбу нашр асосида чоп этилмақда.

ИСТАМАС

(40-бет)

«Истамас» шеъри биринчи марта «Зарафшон» (1927 йил 23 июнь) газетасида чоп этилган. Газета матни асосида нашрга тайёрланди.

26. Синга — жаҳонгирларга (изоҳ авторники).

ҲАВАС ВА ТИЛАК

(41-бет)

Биринчи марта «Зарафшон» газетасининг 1928 йил 4 январь сонидида чоп этилган бу шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. «Зарафшон» газетасида унинг ёзилган санаси 1927 йил 3 декабрь деб кўрсатилади. Газета тексти асосида чоп этилмоқда.

ЕШ КУЧ

(42-бет)

1928 йилда Самарқандда ёзилган бу шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Аланга» журналининг 1928 йил 2-сонидида эълон қилинган, кейинчалик «Кўклам», «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томидида қайта нашр этилган.

«Кўклам» асосида нашр этилмоқда.

ДОҲИЙНИНГ МОТАМИ

(43-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Зарафшон» газетасининг 1928 йил 22 январь сонидида босилган ушбу шеър Жиззахда ёзилган, «Кўклам», «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар»нинг 1-томидида қайта нашр этилган.

Шеър «Кўклам» асосида чоп этилмоқда:

43-бет 13-қатор «маъсумдек ингради» ўрнида «маъсумадек инграрди» («Зарафшон», 1928 йил 22 январь сони асосида).

43-бет 58-қатор «Доҳий идеянг» ўрнида «ўткир ақлинг» (ўша газета асосида).

20. «Меҳнат қули» — мажозан ишчилар (пролетариат), меҳнаткаш халқ маъносида берилган.

72. **Фирқа** — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси кўзда тутилди.

75. **ВКП** — Бутуниттифоқ Коммунистик партияси.

ҚИШ КЎРИНИШЛАРИ

(45-бет)

1928 йил январидида Жиззахда ёзилган бу шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Дастлаб «Ер юзи» журналининг 1928 йил 2-сонидида эълон қилинган. Кейинчалик эса у «Кўклам», «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар»нинг 1-томидида киритилган.

Шеър «Кўклам» асосида нашр қилинмоқда.

БИР НАШЪА

(46-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Ер юзи» журналининг 1928 йил 3-сонидида босилган, кейинчалик «Кўклам», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва

«Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган. ТА 1944 асосида чоп этилмоқда.

Шеър 1928 йил январида Жиззахда ёзилган.

21. Инжа — куртақ, ёш маъносида.

БАҲОРНИ СОҒИНГАНДА

(47-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. 1928 йил март ойида Самарқандда ёзилган ушбу шеър шу йили «Ер юзи» журнаlining 5-сониди эълон қилинган, сўнгра «Кўклам», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган.

Шеър ТА 1944 асосида чоп этилмоқда.

БАҲОРГА ЕТГАНДА

(48-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Кўклам»да босилган, сўнг «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган.

Шеър 1928 йилнинг 7 апрелида Самарқандда ёзилган.

ТА 1944 асосида чоп этилмоқда:

47-бет 25-қатор «қонланадир» ўрнида «қопланадир» (ТА 1957 асосида).

11. Маъсум — гуноҳсиз, пок.

«ХУЖУМ»НИНГ УЧИ

(49-бет)

1928 йилнинг август ойида Жиззахда ёзилган ва биринчи марта «Зарафшон» газетасининг 1928 йил 7 сентябрь сониди эълон қилинган. Кейинчалик, у шоир томонидан таҳрир этилиб «Кўклам» тўпламига киритилади. «Зарафшон» газетасидаги «Хужум»нинг ўчи» сарлавҳасидан кейин қавсга олинган «Воқеа» сўзидан англашилишича, шеър Хумор исмли қизнинг фожеали тақдиридан реал ҳикоядир. «Кўклам» асосида чоп этилмоқда.

КЕЧ НАШЪАСИ

(51-бет)

1928 йилнинг 7 июлида ёзилган бу шеър биринчи марта «Кўклам»да чоп этилган.

Шу тўплам асосида босилмоқда.

КУРАШ НАШИДАЛАРИ

(52-бет)

1928 йилнинг 15 мартида Самарқандда ёзилган ва биринчи марта «Кўклам»да нашр этилган бу шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Икки бўлимдан иборат бўлган бу асарда ўтмиш ва янги ҳаёт

воқеалари, улар ўртасидаги курашлар акс этади. Шу муносабат билан «Кўклам»да шеърнинг остида қуйидагича изоҳ берилган: «Англлатиш: Бу шеър мафкура майдонида кураш муносабати билан ёзилган эди.

Асар «Кўклам» асосида чоп этилмоқда.

ЕЗ ЕЛИ

(53-бет)

1928 йил 9 августда Жиззаҳда ёзилган бу шеър биринчи марта «Кўклам» (1929) тўпламида босилиб чиқди. Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Ушбу нашрда «Кўклам» тексти асос қилиб олинди.

ОЙДИНДА

(54-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Ер юзи» журналининг 1928 йил 8-сонида эълон қилинган ушбу шеър кейинчалик «Кўклам», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта босилган.

ТА 1944 матни асосида нашрга тайёрланди.

3. Масъуд — араб сўзи бўлиб, бахтиёр маъносида қўлланган.

5. Кадарсиз — ғуборсиз.

БИРИНЧИ МАЙ АЛАНГАЛАРИ

(55-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. 1928 йилда Самарқандда ёзилган ва шу йили «Зарафшон» газетасининг 1-май сонида босилган бу шеър кейинчалик «Кўклам», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган. Ушбу нашрда Ш 1937 матни асос қилиб олинди.

6. Интиқом — қасос.

11. «Маданият» — текстда қўштирноққа олиб ёзилган бу сўз замирида маданият тарқатиш ниқоби остида жаҳонғирлик сиёсатини кўзлаган империалистлар кўзда тутилади (Қаранг: Ҳ а м и д О л и м ж о н. Асарлар, 1970, 1-том, 29-бет, Изоҳ С. Азимовники).

23. Ҳинд — Ҳиндистон — аҳолиси 547 млн. киши, майдони 3268 минг км², административ жиҳатдан штатларга бўлинали, даалат тузуми федератив республика (штатлар бирлашмаси). Ҳиндистон муҳим денгиз ва қуруқлик алоқа йўлларига жойлашган. Ҳиндистон Покистон, ғарбдан Бангладеш, шимолӣ шарқдан Бирма ва бошқа мамлакатлар билан чегарадош.

ШУ КУННИНГ ҚИЗИГА

(56-бет)

Биринчи марта «Аланга» журналининг 1928 йил 5-сонида эълон қилинган ушбу шеър кейинчалик «Кўклам», «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган.

1928 йил 5 майда Самарқандда ёзилган. Ушбу нашрга «Кўклам» тексти асос қилиб олинди.

ҚИР ҚУЧОҒИДА

(57-бет)

Шеърнинг қўлэмаси сақланмаган. 1928 йилнинг май ойида Самарқандда ёзилган ва шу йили «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 5—6 сонларида эълон қилинган. Кейинчалик «Кўклам», «Танланган асарлар» (1957), «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинган. «Кўклам» асосида нашр этилмоқда.

УТАРКАН

(58-бет)

Шеърнинг қўлэмаси сақланмаган. 1928 йилда ёзилган ва биринчи марта «Кўклам»да «Утаркан» (саёҳатда) сарлавҳаси остида босилган. Сўнгра «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957), «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинган.

Шеър Ҳамид Олимжоннинг Москвага сафари вақтида ёзилган. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

ҚИЗИЛ МОСКОВГА

(59-бет)

Шеърнинг қўлэмаси сақланмаган. Биринчи марта «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1928 йил 10-сонидида босилган, кейинчалик «Кўклам», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1951, 1957), «Асарлар» 1-томида қайта нашр этилган. Шеър Ш 1937 асосида нашр этилмоқда.

Ойбек «Шоир ҳақида хотираларим» мақоласида шоирнинг бу шеъри ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Қизил Москва» шеърида жўшқин ҳис, аҳтирос тошади. Шеър ёниқ, лирик асардир» («Сен элимнинг юрагида яшайсан», Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1973, 10-бет).

МОСКОВНИНГ БАҲОРИ

(60-бет)

Қўлэмаси сақланмаган бу шеър 1928 йил 7 июнда Москвада ёзилган ва биринчи марта «Кўклам»да, сўнгра «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар» 1-томида эълон қилинган.

«Кўклам» асосида чоп этилмоқда.

НЕВА ХОТИРАЛАРИ

(61-бет)

Шеърнинг қўлэмаси сақланмаган. Биринчи марта «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1928 йил 8—9 сонларида босилган. Кейинчалик «Кўклам», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинган.

Шеър 1928 йил июлида Ленинградда ёзилган. ТА 1944 асосида чоп этилмоқда.

1. **Нева** — Ленинград шаҳрининг ўртасидан ўтади. Узунлиги 74 км, Ладога кўлидан оқиб чиқиб Болтиқ денгизининг Фин қўлтигига қуйилади. Нева дарёси декабрь ойида муз билан қопланади, апрель охирида муз эрийди, кема қатнайди. Дарёнинг ўнг ва чап ирмоқлари бор.

31. **Аврора** — Болтиқ флотининг 1917 йил Октябрь қуроли қўзғолонида актив иштироки билан машҳур бўлган крейсер.

БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ БУЙЛАРИДА

(63-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. 1928 йилда Ленинградда ёзилган ва дастлаб «Кўклам»да «Сен-да» (Болтиқ денгизи буйларида) сарлавҳаси остида босилган. Кейинчалик «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томига киритилган.

Шеърда Ҳамид Олимжоннинг сафар таассуротлари ўз ифодасини топган. ТА 1944 асосида чоп этилмоқда.

1. **Болтиқ денгизи** — Атлантика океанининг бир қисми. Болтиқ денгизининг Гданьск қўлтиқчасидан Фин қўлтиги чегарасигача бўлган қисми СССР территориясидир.

Ойбек «Шоир ҳақида хотираларим» эсдаликларида бу шеър ҳақида шундай деб ёзади: «Болтиқ денгизи буйларида» шеърларида у ҳаёт тўлқинларида сузар, шеърининг ингичка, гўзал лирикасини куйларди» («Сен элимнинг юрагида яшайсан», 10-бет).

«ХУЖУМ» ГУЛИГА

(64-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Кўклам»да, сўнгра «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

Шеър 1928 йил 24 июлда Жиззахда ёзилган. ТА 1944 матни асосида нашр этилмоқда.

1. **Хужум** — маданий инқилоб даврида (1924—1927) жаҳолат ва қолоқликка қарши олиб борилган оммавий ҳаракат.

ОЗАР ҚИЗИ

(65-бет)

Асарнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Аланга» журналининг 1928 йил 12-сонидида босилган. Бунда сарлавҳа остида (Озарбайжон хотин-қизларининг чодра ташлаш кунига) деб ёзилган шоир изоҳи мавжуд. «Олов сочлар»да «Уртоқ Озар қизи» сарлавҳаси остида берилган. Кейинчалик ушбу асар «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган.

Ушбу шеър ТА 1944 асосида чоп этилмоқда: 65-бет 31—34-қаторлар; Ал, 1929 йил 12-сон асосида.

65-бет 35-қатор «Ҳар минут тонгида» ўрнига «Ҳар меҳнат тонгида» (Ш 1937 асосида).

1. **Озар** — Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси (1920 йил 28 апрелда ташкил топган). Озарбайжон Нахичевань АССР ва Тоғли қорабоғ автоном областларини ўз ичига олади.

2. **Ҳазар** — қадимги ва ўрта аср солномаларида Каспий денгизи Ҳазар деб аталган. Каспий денгизи ер шаридаги энг катта шўр кўл. Майдони 371 км².

9. **Ворам** — сариқ, сарғайган.

13. **Чодра** — оқ чойшаб, форс аёллари кўчада юрганда бошдан-оёқ ўраниб оладиган махус оқ рўмол. Утмишда Озарбайжон хотин-қизлари ҳам ёпинган.

34. **Бўйинбоғ** — галстук маъносида.

ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ

(67-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Ўқувчига «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1928 йил 11-сонини, «Аланга» журналининг 1929 йил 12-сонини орқали етиб келган шеър С. Азимовнинг «Ҳамид Олимжон» монографиясида қайд этилишича, журнал редакцияси томонидан йўл қўйилган бир қатор нуқсонлар билан чоп этилган эди (С. А з и м о в, Ҳамид Олимжон, Тошкент, 1955, 50-бет). Натижада «Аланга» журнали редакцияси ўқувчилардан кечирим сўраб, шеърнинг оригинал текстини қайтадан чоп этиб, унга қуйидаги изоҳни илова этган эди.

Изоҳ: Журналимизнинг 12-сониди (1929 йил декабрь) корректорнинг бепарволиги натижасида ўртоқ Ҳамид Олимжоннинг «Қизил денгиз» деган шеърининг кетига шоирнинг матбаада бўлган бошқа бир шеърдан янглиш ўлароқ 12 хат қўшилиб кетган. Бу тўғрида ўқувчидан кечирим сўраб, шеърни юқорида кўрсатилганича тўғри ўқишларини сўраймиз («Аланга», 1930, 1-сон, 39-бет).

«Қизил денгиз» шеъри кейинча шоирнинг таҳрири билан «Олов сочлар»га киритилди ва «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар» 1-томида босилиб чиқди. Ш 1937 асосида чоп этилмоқда: 67-бет 27-қатор «қитла» ўрнида «омма» (Ал, 1930, 1-сон асосида).

20. **Электр стули** — Америка Қўшма Штатларида ўлимга ҳукм қилинган кишиларни суд ҳукмини амалга ошириш учун 2000 вольтга яқин электр токи бўлган стул ёки креслога ўтқазиб қатл этилган. 1889 йил 1 январиди Нью-Йорк штатида биринчи марта қўлланилган.

М. ГОРЬКИЙНИ УЎҚИРКАН

(69-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Дастлаб «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1928 йил 10-сониди «Пролетар» сарлавҳаси билан чоп этилган. «Олов сочлар» (1931)га у «Йўқсул» сарлавҳаси остида (М. Горькийни ўқиркан) изоҳи билан киритилди. «М. Горькийни ўқиркан» «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр этилди.

Шеър 1928 йил 23 сентябрда Самарқандда ёзилган. Ушбу нашрга Ш 1937 матни асос қилиб олинди.

ШАРҚ

(71-бет)

Шеърнинг қўлэзмаси сақланмаган. 1928 йилнинг 7 ноябрида ёзилган бу шеър дастлаб «Маориф ва ўқитувчи» журнаlining 1928 йил 12-сонига босилган, кейинча «Олов сочлар» тўпламига киритилган. Улуғ Октябрь байрами кунларида ёзилган ушбу асарда шоир дастлаб ўтмишдаги аянчли Шарқ ҳаёти манзараларини чизади. Кейинчалик эса Совет Шарқидаги озод меҳнат, бахтли ҳаёт лавҳалари тасвирланади. Ҳамид Олимжон «Шарқ» шеърининг сўнгига бугун ҳам зулм исканжасида қолиб келаётган хорижий Шарқ ҳаётига назар ташлайди ва унинг нузли келажагига умид билдиради. С. Азимовнинг «Ҳамид Олимжон» монографиясида баён қилинишича, «Шарқ» шеъри «Маориф ва ўқитувчи» журнаlining ходимлари, биринчи навбатда журнал редактори аралашуви билан шоир ғоявий мақсадига хилоф равишда «катта ўзгартишлар» билан чоп этилган. Улар шеър сарлавҳасини «Шарқ илҳомлари» деб «ўзгартадилар», иккинчидан, шеърни икки қисмга ажратиб, унга «Эски Шарқ» ва «Янги Шарқ» деган сарлавҳачалар «қўшишни» лозим топадилар ва осонгина шеърнинг Улуғ Октябрь Социалистик революциясига қадарги «мискин, хазин» манзарани тасвирлаган мисраларини («Эски Шарқ» тасвирланган мисраларни) «Янги Шарқ» қисмига «кўчирадилар». Бунинг устига шеърнинг Совет Шарқида доир мисралари орасига «Пок қўйнингда ҳар шайтон кезади» каби контрреволюцион сатрларни ҳам ўзларидан «қўшиб» қўядилар (С. А з и м о в, Ҳамид Олимжон, 50-бет). Бу ҳол ўз вақтида Ҳамид Олимжоннинг жиддий норозилиги ва раддиясига сабаб бўлган эди. «Шарқ» шеъри кейинча оригинал асосида шоирнинг «Олов сочлар» (1931) тўпламига киритилди, «Танланган асарлар» (1944) ва «Асарлар» 1-томида қайта чоп этилди.

Шеър ТА 1944 асосида нашр этилмоқда: 73-бет 70 қатор, «Кутмайди энди» ўрнида «Нажот кутмайди» (МУ, 1928, 12-сон асосида).

20. Амома — салла, бошга чирмалган мато.

БИР ЯПРОҚ

(74-бет)

Шеърнинг қўлэзмаси сақланмаган. «Олов сочлар», «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар» 1-томида эълон қилинган бу шеър тўнгич ўзбек актрисаси Турсунойнинг фожиали ҳалокати муносабати билан 1928 йил май ойида Самарқандда ёзилган. Шеър ОС тексти асосида чоп этилмоқда.

2. Турсуной — Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драмтеатрининг артистларидан. У 1928 йилнинг май ойида эри томонидан ўлдирилган.

14. Ҷанда — дарвишлар киядиган кийим.

БОЛАЛИК

(75-бет)

Шеър 1928 йил декабрида Самарқандда ёзилган. Биринчи марта «Маориф ва ўқитувчи» журнаlining 1929 йил 1-сонига, кейин-

чалик «Олов сочлар», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида босилган. ТА 1944 асосида чоп этилмоқда:

75-бет 5-қатор «Нур ичиб» ўрнида «Нур эмиб» (МУ, 1929, 1-сон асосида).

ҚИШ

(78-бет)

1929 йил январида Жиззахда ёзилган ва шу йили «Аланга» журнаlining қўшма 2—3-сонларида босилган бу шеър кейинчалик «Олов сочлар», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва шоир «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган.

Шеър «Олов сочлар» (1931) ва «Аланга» журналида (1928, 2—3-сонлар) «Кўпик чечаклар» («Қиш») сарлавҳаси остида берилган.

Ушбу нашрга ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

9. Муз тоғи — жаҳоннинг балаанд тоғлари, муз чўққилари назарда тутилади. Масалан, Помир, Олтой, Тяньшань, Ҳисор, Туркистон тизма тоғлари, Эльбрус, Қазбек чўққилари ва бошқалар.

Шимоллий муз океанида ҳам муз тоғлари мавжуд. Уларни Айсберглар деб атайдилар. Айсбергнинг баландлиги 100 метргача, эни ўнлаб километргача чўзилади.

СЎНГРА КУЛАР

(80-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. 1929 йил февралда Самарқандда ёзилган ва биринчи марта «Маориф ва ўқитувчи» журнаlining 1929 йил 2—3-сониди «Сўнгги кунлар» сарлавҳаси остида босилган. Кейинчалик «Олов сочлар»да, «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида «Сўнгра кулар» тарзида қайта нашр қилинган.

Шеър ОС тўпламидаги текст асосида нашр қилинмоқда.

КЕЛ

(81-бет)

1929 йилда ёзилган бу шеър шоирнинг кундалик дафтарида олинган бўлиб, «Танланган асарлар» (1957), «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

Шеър А 1970 матни асосида нашр этилмоқда.

5. Муъаррих — аслида араб сўзи бўлиб, маъноси тарих битувчи, тарихчидир.

СИЁБ

(83-бет)

Шеър 1929 йил 5 апрелда Самарқандда ёзилган. «Ер юзи» журнаlining 1929 йил 8-сониди босилган, кейинчалик «Олов соч-

лар» (1931), «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган. ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда:

86-бет 122—139-қаторлар «Олов сочлар» асосида.

«Сиёб» биринчи марта 1929 йил наврӯз кунларида Самарқанднинг Сиёб мавзеида ўтказилган мушоирада ўқилган. Шеър мушоира қатнашчиларида катта таассурот қолдирганлигини шу даврада иштирок этган Насрулло Охундий шундай ёзади: «Ҳамид даврага дадил чиқиб келди. Бизларни эса қаттиқ ҳаяжон тўлқини ўраб олиб, юракларимиз дукиллаб тепа бошлади. Ҳамиднинг ғалабаси бизларнинг ғалабамиз эди.

Шоир жилваланиб оқаётган Сиёб қирғоқларига тўйиб қарагандан сўнг навқирон овози билан «Сиёб» деб ўз шеърининг сарлавҳасини эълон қилди. Давра сукутда... гуррос чалинган қарсак садолари Сиёбни танг қолдирди. Даврада ҳам шодлик, ҳам ҳасад ҳукмрон эди...

Шундай шеър ҳам бўлар эканки, у асл қалбдан чиқиб, ўзга қалблардан жой олар эканда, йиллар бўйи куйланар, ўқилар экан. Ҳамиднинг «Сиёб» шеъри ҳали-ҳали ана шундай навқирондир («Сен элимнинг юрагида яшайсан», 108—110-бетлар).

1. Сиёб — Самарқанддаги дарёнинг номи.

163. Уйғун (Отақўзи Раҳматуллаев) — 1905 йилда туғилган, ўзбек совет шоири, драматурги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ шоири.

164. Илҳом — Самарқанд Педагогика академияси студентларидан (Ҳамид Олимжоннинг тенгдошларидан) Илҳом Исҳоқов.

ҲОЙ, ЯХШИ ҚИЗ

(88-бет)

Биринчи марта «Ер юзи» журналининг 1929 йил 10-сонида эълон қилинган. Журналда мазкур шеърнинг ёзилишига туртки бўлган воқеа тасвири (2—7-сатрлар) тушириб қолдирилган, кейинчалик, «Олов сочлар» (1931), «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган. Ушбу нашрга Ш 1937 матни асос қилиб олинди.

90. Ингласин — англасин.

ЧУЛЛАР

(91-бет)

1929 йил июнь—июль ойларида яратилган «Йўл дафтари» туркумидаги бу шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. «Ер юзи» журналининг 1929 йил 21-сонида босилган, сўнгра «Олов сочлар», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинган.

Шеър Ш 1937 матни асосида чоп этилмоқда: 91-бет 17-қатор «Шўрли хотин» ўрнида «ҳар хотин»; 91-бет 30-қатор «Бир саҳар» ўрнида «Бир баҳор» (ОС асосида).

ЛЕНТАЛАР

(93-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Олов сочлар»да эълон қилинган, сўнгра «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар» 1- томига киритилган.

1929 йил июнь—июль ойларида шоирнинг Москвага сафари вақтида ёзилган «Йўл дафтари»дан туркумидаги шеърларидандир. ТА 1944 асосида нашр этилмоқда.

МЕШЧАН ХОТИН

(95-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Олов сочлар»да, сўнгра «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр этилган.

Шеър 1929 йил октябрида Самарқандда ёзилган. Ушбу нашрда Ш 1937 матни асос қилиб олинди.

11. Безименский Александр Ильич — рус совет шоири. У 1898 йилда Житомир (Украина ССР) шаҳрида туғилади. Комсомолларга бағишланган шеърлари кўп бўлганлиги сабабли А. И. Безименскийни комсомол шоири деб аташади. Унинг «Комсомол», «Феликс», «Ҳаётимизнинг бир куни», «Кремль. 1918» каби поэмалари ва жуда кўплаб сатирик асарлари машҳурдир. А. И. Безименский комсомолнинг гимнига айланиб кетган оммавий «Еш гвардия» қўшиғининг муаллифидир. Унинг «Партбилет № 224332» номи шеърлар ва ёрқин хотиралар китоби В. И. Ленинга бағишланган.

ЎЗБЕКИСТОН

(97-бет)

Шеър 1929 йил сентябрида Самарқандда ёзилган, қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Ер юзи» журнаlining 1929 йил 19-сонида «Бугунги Ўзбекистон» сарлавҳаси остида эълон қилинган, кейинчалик «Олов сочлар», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1957), «Ўзбек поэзиясининг антологияси» (1948), «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1949 йил 3 июль) ва «Асарлар» 1-томида қайта босилган.

ТА 1944 асосида чоп этилмоқда.

97-бет 107—122-қаторлар Ш 1937 асосида; 97-бет 24-қатор «шағиллаб» ўрнида «шариллаб» (ОС асосида).

8. Кашшоф — аслида араб сўзи бўлиб, пионер маъносиди.

65. Жўра — шеърнинг қаҳрамонларидан, пахтакор — сувчи.

76. Адолатой — илғор пиллачи аёл.

119. Орифжонбой — қулоқларнинг қолдиғи сифатида номи қаламга олинган шахс.

138. Эшмат — донгдор қовунчи сифатида тасвирланган қаҳрамон.

КУЗ ҚҰЙНИГА КИРГАНДА

(101-бет)

Шоирнинг бу шеъри 1927 йил Самарқандда ёзилган. «Кўклам» (1929) тўпламида босилган. Сўнгра «Шеърлар» (1937) тўпламида

қайта нашр қилинди. Шеърнинг қўлёзма нусхаси сақланмаган.
Ш 1937 тўплами асосида чоп этилмоқда.

ТЕМИР ҚОНУН

(102-бет)

Шеър 1930 йил февралда Самарқандда ёзилган. Биринчи марта «Олов сочлар»да (1931) босилган, кейинчалик «Шеърлар» (1937) «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинган.

«Темир қонун» Ш 1937 матни асосида нашр этилмоқда.

141. Чилчироқ — қадимда ишлатилган, қора мой билан ёнадиған чироғ.

УЛКА САФАРБАР

(106-бет)

Шеър 1930 йил октябрида ёзилган. Қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Улим ёвга» тўламида босилган, кейинчалик «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида қайта эълон қилинган.

Шеър ТА 1944 нашри асосида чоп этилмоқда:

106-бет 7-қатор «Ориғ» ўрнида «Оғриқ» (Ш 1937 асосида).

108-бет 98—100-қаторлар УЕ асосида.

18. Норин — дарё. Ўз бошланғичини Тяньшань тоғидан олади. Норин ҳозирги Наманган области территорияси орқали оқиб Андижон мавзеидаги Қорадарё билан бирлашиб, Сирдарёни ташкил этувчи шохобчадир. Дарё ёқасида Норин пахтакор райони жойлашган.

28. Болтабой — Норин дарёси ўзанида жойлашган Будённий номли колхознинг донгдор колхозчиси.

ИККИ ТОМЧИ ҚОН

(110-бет)

Шеър 1930 йил 13 январда Самарқандда ёзилган. Дастлаб «Олов сочлар»да «Порлоқ юлдузлар» («Икки томчи қон») сарлавҳаси остида босилган бу шеър кейинчалик «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида «Икки томчи қон» сарлавҳаси билан қайта эълон қилинган.

Ҳамид Олимжон «Асарлар»ининг 1-томида «Икки томчи қон» шеърининг 12 мисраси қўштирноққа олинган бўлиб, у ерда жанговарлик руҳида баён этилган фикрлар марказида турган шахслар редактор томонидан қуйидагича аниқ кўрсатиб ўтилади: Милитаризм ва уруш оловини ёқувчиларга қарши курашган Карл Либкнехт ҳам Роза Люксембург назарда тутилади (96-бет).

Карл Либкнехт (1871—1919) — Германия ва халқаро ишчилар ҳаракати арбоби, Германия Компартияси асосчиларидан бири. К. Либкнехт ёшлар социалистик интернационалининг асосчиларидандир. К. Либкнехт ва Р. Люксембург раҳбарликлари остида Германия Компартияси тузилди. Либкнехтни Берлин пролетариатининг

1919 йил январь қўзғолони бостирилгандан сўнг реакцион офицерлар ёвузларча қатл этган.

Р. Люксембург (1871—1919) — Германия, Польша ва халқаро ишчилар ҳаракати арбоби, Германия социал-демократияси ва 2-Интернационал сўл оқими раҳбари, назарётчиларидан ҳамда Германия Коммунистик партияси асосчиларидан бири. Ревизионизмга қарши мурасасиз кураш олиб борган Люксембург 1905—1907 йиллардаги рус революцияси даврида кўп тактик масалалар бўйича большевиклар билан яқинлашди. Люксембург «Спартак союзи» ташкилоти асосчиларидан бири. У Улуғ Октябрь социалистик революциясини қизгин кутиб олди, Германияда Советлар ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш шиорини кўтариб чиқди. Берлин пролетариатининг 1919 йил январь қўзғолони бостирилгандан сўнг контр-революцион кучлар Роза Люксембургни ёвузларча ўлдирди.

Бу нашрда Ш 1937 матнига асосланган:

110-бет 6-қатор «Темир қонимиз» ўрнида «Томир қонимиз» (ТА 1957) асосида.

ҚИШ КУЧАСИДАН

(112-бет)

Шеър 1930 йил 13 январда Самарқандда ёзилган. Биринчи марта «Ер юзи» журналининг 1930 йил 1-сонида босилган, кейинчалик «Олов сочлар» (1931), «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) тўпламларида ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинган.

ТА 1944 матни чоп этилмоқда:

112-бет 19 қатор «Тубандан — юксакка», ўрнида «Тубандан — юксакка интилиб» (ОС асосида).

112-бет 21—25 қаторлар ОС асосида.

МУДОФАА КУНЛАРИДА

(114-бет)

Дастлаб «Ўлим ёвга» тўпламида (1932), кейинчалик «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида босилган. Ш 1937 матни босилмоқда:

114-бет 12-қатор «Гавдалар» ўрнида «Қадамлар» (ТА 1957 асосида).

116-бет 82-қатор «одимлар-ла» ўрнида «одимлари-ла» (УЕ асосида).

52. **Шўро** — Ишчи депутатлари совети — СССР Конституциясининг 3-моддасига биноан Советлар давлат ҳокимиятининг сайловлар орқали бошқарадиган органидир. Совет Иттифоқида давлат шаҳар ва қишлоқ халқ депутатлари Советларидан иборатдир.

109. **Кўршермат** — граждандлар уруши йилларида Ўзбекистонда Совет ҳукуматига қарши ҳаракат қилган босмачиларнинг бошлиғи. Кўршерматни Қизил аскар ва партизан отрядлар 20-йилларнинг охирида тор-мор келтирдилар.

110. **Анвар** — Анвар пошо (1881—1922) турк сиёсий арбоби, Генерал, иттиҳод ва тараққий партияси раҳбарларидан бири. 1921 йилда Урта Осиёга келиб реакцион кучлар, жадидларнинг аксил-инқилобий унсурлари билан тил топиб, 1921 йил 8 ноябрда Шар-

қий Бухоро ерларини ишғол қилди. 1922 йил июнда Қизил Армия қисмлари Анвар пошо тўдаларига ҳужум қилиб уни тор-мор келтирди. 4 август куни бўлган сўнги жангда Анвар пошо маҳв этилади.

113. **Деникин** — 1918—1920 йиллар граждандар уруши даврида советларга қарши контрреволюцияга раҳбарлик қилган оқ генерал-лейтенант.

114. **Колчак** (1874—1920) — Россиядаги контрреволюция ҳаракатининг бошлиқларидан, адмирал. У 1911—1914 йилларда Россиянинг Денгиз Генерал штабида ишлади, 1914—1918 йилларда жаҳон урушида қатнашди. 1916 йилдан Қора денгиз флотининг бошлиғи, 1917 йил февраль революциясидан кейин контрреволюция тарафига ўтиб кетади. Вақтли ҳукумат Англия—Америкага командировкага юборади. 1918 йилда Омскга қайтиб келиб, Сибирь ҳокимияти томонидан ҳарбий министр этиб тайинланади. 1918 йил 18 ноябрда тўнтариш ясаб ўзини Россия ҳокими ва Бош қўмондон деб эълон қилади. Колчак армияси енгилгандан кейин Омскдан Иркутскка қочади. 1921 йилда чехословак армияси томонидан қўлга олинади. Колчак эсер-меньшевик марказига топширилади. Кейин большевиклар қўлига ўтади, суддан кейин энг олий жазога ҳукм қилинади.

174. **Пуанқара** — **Пуанкаре** (1860—1934) — француз буржуа сиёсий раҳбари, 1913—1920 йилларда Франция президенти бўлган. 1926—1929 йилларда яна ҳукумат тепасига чиқиб, Франко-Германия муносабатларини мустақамлаб, Совет Иттифоқига қарши янги ҳарбий интервенция тайёрлайди. Франция Коммунистик партиясини ва бошқа демократик ташкилотларни тақиқлайди.

176. **Антанта** — дунёни қайта тақсимлаш мақсадида Англия, Франция ва Россиянинг Германия, Австрия, Венгрия ва Италия иттифоқига қарши тузган империалистик иттифоқидир.

БИЗ ЕНГДИК

(120-бет)

Шеър 1931 йил январида Самарқандда ёзилган ва шу йили «Ёш ленинчи» газетасининг 21 январь сониди, кейинчалик «Ўлим ёвга», «Танланган асарлар» (1951—1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

Шеър **УЕ** матни асосида нашр қилинмоқда:

196-бет 278-қатор «отилажақдир» ўрнида «отлатажақдир» (**ЕЛ**, 1931, 21 январь сони асосида).

6. **Волховстрой** — Новгород ва Ленинград областларидаги дарё. Бу дарёга В. И. Лениннинг ташаббуси билан Волховгидроэлектростанцияси қурилган.

27. **Вахш** — Тожикистон ССРдаги дарё. Панж дарёсининг ўнг irmoғи. Вахш қуйилгандан кейин Панж Амударё деб аталади. Узунлиги 524 км.

188. **Промпартия** — саноат партияси. 1926—1930 йилларда Совет Иттифоқиди ҳаракат қилган буржуазия техник интеллигенциясининг яширин ташкилоти. Бу ташкилотни чет элга қочиб кетган рус капиталистлари пул билан таъминлаб турган. Бу саноат-савдо ташкилоти Франция разведкаси билан боғланиб, Совет Иттифоқиди саноат ва транспортнинг ривожига қаттиқ қаршилик кўрсатади. Бу ташкилот совет кишилари томонидан фoш этилади. 1930 йилда

унинг раҳбарлари қўлга олинади. Промпартия ташкилотининг йўқотилиши иттифоқимизда саноат, транспорт ҳамда қишлоқ хўжалигининг ривожини учун яна ҳам катта йўл очди.

217. НЭПман — «Новая Экономическая политика» мафҳумининг қисқартириб олинган уч бош ҳарфи. Шу сиёсат амрини бажарувчи шахсларни НЭПман дейилар эди.

230. Турксиб — биринчи беш йилликда қурилган Туркистон—Сибирь темир йўли.

ТАЙЁР, ТРАКТОР!

(127-бет)

Дастлаб «Ўлим ёвга» тўпламида босилган бу шеър кейинчалик «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинган.

1931 йил апрелида ёзилган.

Шеър Ш 1937 матни асосида чоп этилмоқда:

132-бет 228-қатор «ёв юракдир» ўрнида «довюракдир» (ТА 1957 асосида).

59. Мурват — винт, гайка, механизмга ишлатиладиган зарурий қисм.

69. Промфинплан — техпромфинплан — корхонанинг техника, саноат ва молия плани. Барча ишлаб чиқариш имкониятлари ва ресурсларидан тўла ва мақсадга мувофиқ фойдаланган ҳолда давлат плани топшириқларини бажариш ва ортиғи билан бажаришни кўзда тутати. Бу план дастлаб биринчи беш йиллик охирида Ленинграддаги «Светлана», «Севкабель» заводларида ишлаб чиқарилган.

КАДР

(133-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Ер юзи» журналининг 1931 йил 8-сонига босилган, кейинчалик «Ўлим ёвга», «Шеърлар» тўпламига (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган.

1931 йил май ойида Самарқандда ёзилган.

Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда:

134-бет 55—56-қаторлар Ш 1937 асосида.

Шеърда баъзи мисралар орасига қўйилган кўп нуқталар шоир фикрининг давомийлигини англатади.

60. Дорилфунун — Яқин Шарқ мамлакатларидаги олий ўқув юртлирининг номи. Бу ном баъзи мамлакатларда (Эронда) ўрта ўқув юрти, (Туркияда эса) олий ўқув юрти (университет) маъносида қўлланилади. Ўрта Осиёда ҳам университет маъносида ишлатилган. 1918 йилда В. И. Лениннинг декрети билан Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ) ташкил топади.

74. Наркомпрос — Халқ маорифи Комиссарлиги. Революциянинг дастлабки кунларида ташкил этилган халқ комиссарликлари 1946 йил 15 мартдаги «СССР Халқ Комиссарлари Советини СССР Министрлар Совети, Иттифоқдош ва автоном республикаларининг Халқ Комиссарлари Советларини Иттифоқдош ва автоном республикаларининг Министрлар Советларига айлантириш» тўғрисидаги қарорга

биноан Министрлик қилиниб қайта тузилди. Халқ Маорифи Комиссарлиги ҳозирги Маориф министрлигидир.

207. Муқтадир — қудратли, қобилиятли.

ТАРИХ КУРГАНМИ?

(138-бет)

1931 йилда ёзилган ва дастлаб «Пойга»да босилган. «Шеърлар» (1937)да «АМО» сарлавҳаси остида берилган, сўнгра «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган.

Шеър қўлёзмаси сақланмаган, у шоирнинг Ш 1937 тўплами асосида нашр этилмоқда:

138-бет 21-қатор «Энг кетда» ўрнида «эллиқ йил».

140-бет 113—116-қаторлар,

141-бет 138—144-қаторлар,

141-бет 154—157-қаторлар,

142-бет 176—181-қаторлар,

143-бет 212—221-қаторлар,

144-бет 265—272-қаторлар (Пойга асосида).

2. АМО — Москва автомобиль бирлашмаси. Бу завод қошида Москва, Рибинск, Ярославль, Ростов-Дон шаҳарларида автомобилнинг ҳар хил механизмларини ишлаб берадиган корхоналар бўлган

НИМА БИЗГА АМЕРИКА!

(145-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. 1931 йилда ёзилган ва биринчи марта «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг 1932 йил 1—2-сонларида босилган. У «Шеърлар» (1937)да «Бахт» сарлавҳаси остида берилган. Кейинчалик «Пойга», «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган.

Шеър 1931 йилда Москвада қурилган автомобиль заводига бағишланган бўлиб, унда индустриямизининг шахдам суръати қаламга олинади.

Ушбу нашрда Ш 1937 матни чоп этилмоқда:

145-бет 14-қатор «Етдикки» ўрнида «Кетдикки» («Ўзбекистон шўро адабиёти», 1932, 1—2-сон асосида).

145-бет 16-қатор «Кетдикки» ўрнида «Етдикки» (ўша журнал асосида).

19. Форд — Генри Форд Америкада йирик хусусий автомобиль корхонасининг эгаси. Америкада меҳнатни ташкил қилиш ва бошқаришнинг ҳозирги замон буржуа системаси фордизм номи билан юритилади.

21. Лорд — Лорд инглизча ўрта асрларда Англияда умумий маънода феодал ер эгаси ва ўз вассаларининг сенъори; хусусий маънода — йирик феодал, қиролнинг бевосита хизматчиси — барон. Лорд номи аста-секин Англия олий дворянларининг умумий унвонига айланган. Бу унвонга XIV асрдан бошлаб лордлар палатасини ташкил этувчи қироллик пэрлари сазовор бўлган. Лорд унвони XIX асрдан бошлаб фақат йирик ер эгаларигагина эмас, балки йирик капитал эгаларига ҳамда айрим фан ва маданият арбобларига

ҳам берилди. 1958 йилдан бошлаб палата аъзоларининг бир қисми монарх томонидан бир умрга Лорд этиб тайинланадиган бўлди. Бу унвон Америкада кенг тарқалган.

БАХТЛАР ВОДИЙСИ

(151-бет)

Шеърнинг қўлэзмаси сақланмаган. 1932 йилда шоирнинг Фаргона водийсида бўлган вақтидаги таассуротлари асосида ёзилган ва шу йили «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг 4—5-сонида эълон қилинган, сўнгра «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1932 йил 18 ноябрь сонида. Октябрнинг 15 йиллигига бағишлаб чиқарилган «Альманах» (1932)да босилган. Кейинчалик бу шеър «Дарё кечаси», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган. Ушбу нашрда ТА 1944 матнига асосланилди.

154-бет 128-қатор «танлардан» ўрнида «қонлардан» (Ш 1937 асосида).

«Фаргона шеърларидан» туркумига киради.

82. Қайнар — Қўқон яқинидаги қадимги бир булоқ. Бу ердаги қишлоқ ҳозир «Пахтақайнар» деб номланади, Фаргона области Ўзбекистон райони территориясида.

92. Ҳайдар капитан — Фаргона область Фрунзе районидаги Мулкобод қишлоқ Совети Полосон қишлоқлик машҳур мироб Ҳайдарали Қурбонов.

183. Қува — ЎзССР Фаргона областидаги пахтакор район. Миртемир. «Дўст ва замондош ҳақида эсдаликлар» мақоласида:

...Акмал Икромов «Очерклар ёзинглар!» деб бизни Йўлдошбой ота ёнида Фарғонага жўнатганди. Кўклам экиш маъракаси эди. Асосан, Қувада бўлдик. Пахта мустақиллиги учун кураш борар эди. У палла Фарғона чинакам гўзал диёрди. Ҳамид ҳиргойи қилгандек ҳадеб: «Кўм-кўк, кўм-кўк...» дегани деган. Бу сафардан кейин унинг қаламидан ажойиб очерклар ҳам машҳур «Бахтлар водийси» шеъри дунёга келди» («Сен элимнинг юрагида яшайсан», 58-бет).

МАҲОРАТ

(157-бет)

Шеърнинг қўлэзмаси сақланмаган. 1933 йилда ёзилган ва шу йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 20 декабрь сонида босилган. Кейинчалик ушбу шеър «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналининг 1934 йил 1-сонида, «Дарё кечаси» ва «Шеърлар» тўпламларида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган.

Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди:

159-бет 123-қатор «Сенга» ўрнида «сен-ла» (ТА 1957 асосида).

160-бет 220—223-қаторлар (ҚУ, 1933 йил 20 декабрь сон асосида).

162-бет 229-қатор «тўладир» ўрнида «турадир» (ҚУ, 1930 йил 20 декабрь сон асосида).

47. Мўкки — чориқ, теридан қилинган оёқ кийими.

140. Политотдел — сиёсий бўлимлар. Партиявий-сиёсий бўлимлар Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотига, шунингдек 1935—1936 йилларда халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган социалистик қурилиш участкаларида раҳбарлик ва сиёсий ишларни кучайтириш мақсадида ташкил қилинган.

141. МТС (машина-трактор станцияси) — Совет Иттифоқида қишлоқ хўжалигининг муҳим индустриал материал-техник базаси йўлини ўтаган МТСлар қўлида қишлоқ хўжалик асбобларининг ҳамма туридан мавжуд бўлган. Биринчи МТС 1928 йилда Одесса область Березовск район Шевченко совхозига трактор колоннаси базаси асосида ташкил этилган. 1929 йилдан кейин МТСларни ташкил этиш кенг ёйилди. МТСлар колхозларни мустаҳкамлашда, ишчи ва деҳқон дўстлигини таъминлашда катта роль ўйнади. МТСларнинг иши колхозлар билан договор асосида ташкил этиларди. 1958 йил КПСС Марказий Комитетининг февраль қароридан кейин МТСлар тугатилиб, ўрнига ремонт-техника станциялари ташкил этилди.

ХАЙРЛАШУВ

(164-бет)

Қўлёзмаси сақланмаган бу шеър 1934 йилда ёзилган. «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган. ТА 1957 матни асосида чоп этилди.

МАНЗАРА

(165-бет)

Қўлёзмаси сақланмаган бу шеър 1934 йилда ёзилган, «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида нашр қилинган. Ушбу нашрда ТА 1957 матни асос қилиб олинди.

БАҲОР

(166-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. 1935 йилда ёзилган ва шу йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 30 март сонига босилган. Кейинчалик «Дарё кечаси», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951) ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинган.

Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ДАРЁ КЕЧАСИ

(168-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1935 йил 12 сентябрь сонига босилган, кейинчалик «Дарё кечаси», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинган.

Шеър 1935 йил апрелида Чирчиқда ёзилган.

Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

28. **Гидромонтёр** — (гидро... ва ингл. *monitor* — сув отувчи) — катта босимили сув оқими ҳосил қиладиган ва уни керакли ерга йўналтирадиган аппарат.

31. **Паром** — сув йўллари орқали ҳар хил юкларни сувдан олиб ўтадиган қурилма восита.

ОНТ

(170-бет)

Қўлёзмаси сақланмаган бу шеър 1935 йилда ёзилган ва шу йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1 май сонида босилган. Кейинчалик «Дарё кечаси», «Шеърлар» (1937), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томига киритилган.

Шеър ТА 1944 асосида нашр этилмоқда:

170-бет 20-қатор («Қизил Ўзбекистон» 1935 йил 1 май сони асосида).

171-бет 47-қатор (ўша газета асосида).

172-бет 82-қатор «у ифлос тигин» ўрнида «ўз ифлос туғин» (Ш 1937 асосида).

22. **Шмидт Отто Юльевич** (1891—1956) — машҳур совет олим, математика, астрономия ва геофизика соҳалари бўйича мутахассис, СССР ФАнинг аъзоси. У Совет Арктикасини текширган йirik олимлардан биридир. О. Ю. Шмидт 1929 ва 1930 йилларда Франц-Иосиф Ерида биринчи илмий-текшириш станциясини ташкил этган «Г. Седов» музёра пароходига раҳбарлик қилди, кейинчалик Шимолний Ернинг ғарбий қирғоқларини ўрганди. Шу даврда янги очилган ороллардан бири О. Ю. Шмидт номи билан аталди.

23. **Қорақум** — Урта Осиёнинг Жанубий қисми ва Туркманистон ССРнинг катта қисмини эгаллаган қум саҳросидир. Қорақумнинг жанубий қисмида Қорақум канали қурилган. Бу канал ерларни суғоришда ва кема қатновида катта аҳамиятга эга. Қорақум орқали Урта Осиё Марказ газопроводи ўтказилган.

ДОН ЧИРОҚЛАРИ

(173-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. 1935 йилда ёзилган. «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томиде босилган. Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

1. **Дон** — СССРнинг Европа қисмидаги дарё. Узунлиги 1870 км. Ҳавзасининг майдони 422000 км². Урта Осиё қирларининг шарқий ёнбағридан бошланиб, Азов денгизининг Таганрог қўлтиғига қуйилади.

ҚИЗ

(174-бет)

Қўлёзмаси шоир архивида бўлган бу шеър 1935 йилда ёзилган. Шу йили «Гулистон» журналининг 11-сониде, сўнгра шу журналнинг 1937 йил 1-сониде босилган. Кейинчалик «Бахт», «Танланган

асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар» (1970)да қайта нашр қилинган.

Шеър ТА 1944 асосида чоп этилмоқда.

1. Қиз — биринчи парашютчи ўзбек аёли Башброт Усмонова кўзда тутилади.

БАҲРИ

(177-бет)

«Баҳри» 1935 йилда ёзилган, қўлёмаси шоир архивида сақланади. Шу йил «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 15 ноябрь сониде босилган. Кейинчалик «Бахт», «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томига киритилган.

Шеър Ўзбекистон зарбдор колхозчиларининг 1935 йил 16 ноябрда очилган иккинчи қурултойи қатнашчиси Баҳрига бағишлаб ёзилган.

«Баҳри» шеъри ТА 1944 асосида нашр этилмоқда:

177-бет 13-қатор «Эртадан хабар» ўрнида «азондан хабар» (Б асосида).

ҒАЗАЛ

(180-бет)

Шеър шоирнинг архивида сақланаётган газета хошияларига («Правда Востока», 1943 йил 23 май) қалам билан ёзилган. Ғазал шоир «Асарлар»и 1-томида босилган. Ушбу нашрда шеърнинг ёзилган йили 1935 йил деб кўрсатилади. Газета хошиясидаги қўлёзмага асосан унинг ёзилган даврини 1943 йил деб айтиш мумкин.

Шеър қўлёзма асосида чоп этилмоқда.

МОСКВА

(181-бет)

Шеърнинг қўлёмаси шоир архивида сақланади. 1936 йилда Москвада ёзилган ва биринчи марта «Совет адабиёти» журнадининг 1937 йил 4-сониде босилган. Кейинчалик «Бахт» (1940), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957), «Ҳаёт байроғи» (1957) ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр этилган.

ТА 1944 асосида нашр этилмоқда:

181-бет 3, 27-қаторлар «Эрур» ўрнига «эрр» («Бахт» асосида).

КРЕМЛЬ ЧИРОҒИ ҚАРШИСИДА

(182-бет)

Қўлёмаси шоир архивида сақланаётган бу шеър 1936 йилда ёзилган ва «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 4 март сониде босилган. Кейинчалик «Бахт», «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957), «Москва» (1947) тўплами ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинган. ТА 1944 матни асосида нашр этилмоқда.

17. **Мудят** — бу ерда денгиз маъносида.
19. **Регистон** — Самарқанддаги хиёбоннинг номи. Қумлоқдан нборат майдон.

КУЙЧИНИНГ ХАЁЛИ

(183-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади. 1936 йилда ёзилган ва шу йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 8 октябрь сонида эълон қилинган. Кейинчалик «Ўлка», «Бахт» тўпламларида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957), «Шарқ юлдузи» журналининг 1949 йил 7-сонида ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр этилган. Шеърдаги 20, 24, 51, 52-мисралар Фозил Йўлдошнинг «Алпомиш» дostonидан олинган.

Шеър ўзбек халқ бахшиси Фозил Йўлдошга бағишлаб ёзилган. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асосга олинди:

183-бет 12-қатор «Сўзсиз» ўрнида «Сўнгсиз» («Бахт» тўплами қўлёзмаси асосида).

2. **Фозил Йўлдош ўғли** — 1872 йилда ҳозирги Самарқанд область Булунғур район Бўдана қишлоқ Советига қарашли Лойқа қишлоғида туғилди. Фозил Йўлдош 1940 йилда СССР Езувчилар союзига ҳақиқий аъзо қилиб сайланди. 1942 йилда КПСС сафига қабул қилинди.

Фозил шоир улкан мерос қолдирди. Ундан 22 анъанавий, 8 янги дoston, жуда кўп традицион ва замонавий термалар, ўзбек дostonлари, бахшилар ва дostonчилик ҳақида муҳим маълумотлар ёзиб олинган. Шоир кўп йиллик хизматлари учун Ленин ордени ва бошқа ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

Фозил шоир 1955 йилда ўз кишлоғида вафот этди. Қабри Булунғур район марказидаги маданият ва истироҳат боғидадир. Шоир хотираси муносиб абадийлаштирилган. Қатор кўчалар, мактаблар, кутубхоналар унинг номи билан аталади.

40. **Уюр** — қўй-йилқилар тўдаси.

40. **Сур** — шохдан ишланган карнай.

ДУСТИМГА

(186-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади.

1936 йилда ёзилган ва биринчи марта «Бахт» тўпламида босилган. Кейинчалик у «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта эълон қилинган. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

16. **Тожиҳон** — ўзбек хотин-қизлари ўртасидан етишиб чиққан машҳур пахтакор Тожиҳон Тўраева. Бухоро область собиқ Акмал-обод колхозининг донгдор теримчиси.

ҲАР ЮРАКНИНГ БИР БАҲОРИ БОР

(187-бет)

Шоир архивида сақланмоқда бўлган ушбу шеърга «Кураш» деб сарлавҳа қўйилган.

1936 йилда ёзилган, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар» (1970) 1-томидан нашр этилган.

Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

5. Ҳоди Тоқтош — Ҳоди Зокир (1863—1932) татар совет шоири. Ҳоди Тоқтош ижодида маърифатпарварлик ғоялари етакчи ўрин тутди. Шоир ўз асарларида мулла ва эшонларнинг қабих башараларини очиб ташлайди, революциядан олдинги татар ва бошқирд халқининг ниҳоятда оғир ҳаётини кўрсатади. Ҳоди Тоқтошнинг «Бахтли қиз», «Бахтсиз қиз», «Янги ғорда истиқомат қилувчилар» каби асарлари машҳурдир.

ОФЕЛИЯНИНГ ЎЛИМИ

(188-бет)

Шеър 1936 йилда ёзилган, қўлёзмаси шоир архивида сақланади. «Офелиянинг ўлими» биринчи марта «Гулистон» журналининг 1937 йил 4-сонидан босилган. Кейинчалик «Бахт» тўпламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957), «Асарлар» 1-томидан қайта нашр қилинган. Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

Офелия, Гамлет — инглиз драматурги В. Шекспир қаламига мансуб «Гамлет» трагедиясининг марказий қаҳрамонлари.

Шекспир Вильям (1564—1612) Эйвен шаҳрида туғилади, 1585 йили Лондонга келади ва 1590 йиллардан театрда ишлаб бошлайди. Шекспир драма асарлари билан бирга сонета, шеърлар ҳам ёзган. Унинг ҳаётлик даврида 17 та пьесаси босилиб чиқади. Вафотидан кейин дўстлари 1623 йилда Шекспирнинг 36 пьесасини тўплаб тўплам ҳолига келтирадilar. Шекспир комедия, драма, айниқса, трагедия ёзишда алоҳида маҳорат кўрсатган. «Гамлет», «Отелло», «Қирол Лир», «Бўрон», «Қиш эртаги» каби унинг ўткир қаламига мансубдир. Шекспирнинг «Гамлет» ва «Отелло» трагедиялари ўттизинчи йилларда ўзбек тилига таржима қилиниб, илк дафъа Ҳамза номидаги Ленин ордени академиги ўзбек театрида сахналаштирилади ва катта муваффақият қозонади. Ҳамид Олимжоннинг «Офелиянинг ўлими» шеъри «Гамлет» трагедияси таассуроти остида яратилган.

58. Дания — Ғарбий Европадаги давлат. Майдони 43 минг кв. км, аҳолиси 5 миллион, пойтахти Копенгаген шаҳридир. Давлат тузуми — конституцияли монархия. Давлат бошлиғи — қирол.

72. Рўё — хаёл.

ЖАНУБ КЕЧАСИДА

(191-бет)

Биринчи марта «Бахт» (1940) тўпламида босилган. Кейинчалик Ҳамид Олимжон «Танланган асарлар»и (1944, 1951, 1954, 1957)да қайта нашр қилинган. 1936 йилда ёзилган бу шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади.

Ушбу нашрда ТА 1944 матнига асосланган.

ХАЕЛИНГ-ЛА УТАДИ ТУНЛАР

(192-бет)

Қўлёзмаси сақланмаган ушбу шеър 1936 йилда ёзилган. Биринчи марта шоирнинг «Танланган асарлар»и (1944)да нашр қилинган. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1957), «Асарлар»нинг 1-томида қайта босилган. Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ЧИМЕН ЭСДАЛИКЛАРИ

(193-бет)

Қўлёзмаси шоир архивида сақланаётган ушбу шеър биринчи марта «Совет адабиёти» журнали (1937 йил 4-сон)да босилган. Сўнгра эса «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Шеър 1936 йилда Тошкент яқинидаги Чимён мавзеида ёзилган. ТА 1944 матни асосида нашр қилинмоқда.

1. Чимён, Чимган — Тошкент областида Бўстонлик районидаги мавзе. Чимён тоғи ётақлари, Чимён суви атрофлари кенг дам олиш майдонларидан иборат.

КЕЧА. САҲРО

(195-бет)

«Кеча. Саҳро. Уйқу ва шовқин» мисраси билан бошланувчи бу шеър сарлавҳасиздир. Биринчи марта «Бахт» (1940) тўпламида босилган. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Шеърнинг қўлёзма нусхаси шоир архивида сақланади. ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ҲОЛБУКИ ТУН...

(196-бет)

1936 йилда ёзилган ва биринчи марта «Бахт» (1940) тўламида чоп этилган ушбу шеър кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган. Шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади.

ТА 1944 матни асосида нашр қилинмоқда.

ХАЕЛИМДА БЎЛДИНГ УЗУН КУН...

(198-бет)

Шеър 1936 йилда ёзилиб, биринчи марта «Бахт» (1940) тўламида босилиб чиққан. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Шеърнинг қўлёзма нусхаси шоир архивида сақланмоқда.

Шеър ТА 1944 матни асосида нашр этилмоқда.

ИШИМ БОРДИР УША ОҲУДА

(199-бет)

Шеър биринчи марта «Гулистон» журналининг 1937 йил 4-сонида босилган. Одатдагидек, кейинча «Танланган асарлар» (1944, 1957), «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган. Шеърнинг қўлёзма нусхаси сақланмаган. «Ишим бордир ўша оҳуда» шеърининг «Гулистон» журналида чоп этилган илк нусхасидаги сарлавҳа остига «Баллада» деб ёзиб қўйилган. Кейинчалик эса у шоирнинг шеърлари сирасида чоп этилиб келди.

Ушбу шеър нашрида ТА 1944 матнига асосланилди.

ҚОРА ДЕНГИЗ БУЙИДА

(201-бет)

Шеър биринчи марта «Бахт» (1940) тўпламида босилиб чиққан. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган. Шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланмоқда. Қўлёзма ва нашрларда сарлавҳа остида «Ёнғин эртаси» сўзлари қавсга олиб ёзилган. Варақ остида эса Сочи, 5 ноябрь 1936 й. сўзлари мавжуд. Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

МИЗИМТА ДАРЕСИ

(202-бет)

Қўлёзмаси шоир архивида сақланаётган мазкур шеър 1936 йилнинг 10 ноябрида Сочида ёзилган ва биринчи марта «Бахт» тўпламида босилган. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган. Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

1. Мизимта дарёси РСФСРнинг Краснодар ўлкасидан оқиб ўтади, узунлиги 82 км, Кавказ тоғларидан бошланади. Адлер орқали ўтиб Қора денгизга қуйилади. Мизимта дарёсининг оқиб ўтадиган йўли табият манзараларига ниҳоятда бой.

17. Бокпра — ифатли, нозли.

СОҒИНГАНДА

(203-бет)

«Соғинганда» шеъри 1936 йилнинг сентябрида Сочида ёзилган. «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957)да босилиб чиққан. Кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

ЯНВАРЬ ҚОРИ

(204-бет)

Бу шеър биринчи марта «Бахт» тўпламида босилган. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қай-

та нашр қилинган. Қўлёзма нусхаси шоир архивида сақланмоқда. Ушбу шеър ТА 1944 матни асосида нашр этилмақда.

Шеър 1936 йили Гиждувонда ёзилган.

18. **Файзулла ота** — Файзулла ота Юнусов. Уша йилларда Бухоро области Акмалобод қишлоғидаги Сталин колхозининг донгдор звено бошлиғи.

ҲАЛИ ТУҒИЛМАГАН УҒИЛГА

(205-бет)

Шеър «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1967 йил 26 март сонидида Ҳамид Олимжонга бағишлаб уюштирилган саҳифада биринчи марта босилган. Кейинчалик шоир «Асарлар»нинг 1-томига киритилган.

Ушбу нашрда А 1970 матнига асосланилди.

УЛИМ

(206-бет)

Шеър 1936 йил 29 декабрда ёзилган бўлиб унинг қўлёзмаси ҳам сақланган. Шоирнинг «Улим» шеъри илк дафъа «Совет Ўзбекистони» газетаси (1967 йил 26 март), сўнг «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди.

Ушбу нашрда А 1970 матнига асосланилди.

ОДАМ ҲАҚИДА

(207-бет)

1937 йилда ёзилган ушбу шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади. У қўлёзма асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

БОЛАЛИГИМ ҲАҚИДА

(208-бет)

Шоирнинг «Болалигим ҳақида» деб аталган 36 мисрадан иборат бўлган бу шеъри ҳозиргача чоп этилмаган. Шеърнинг қўлёзма нусхаси шоир архивидадир. Қўлёзмада қайд қилинишича, шеър 1936 йили ёзилган. Нашр учун шу қўлёзма асос қилиб олинди.

ҚАҲРАМОНЛАР ҚАЙТДИ

(210-бет)

1936 йилнинг 3 январида Свердлов театрида Москвадан қайтган бир группа нишондор ўзбек пахтакорлари билан учрашув ўтказилади. Учрашувда Ҳамид Олимжон улар билан суҳбатлашиб, шу ернинг ўзида «Қаҳрамонлар қайтди» шеърини ёзади ва шу йиғинда ўқиб беради. Шеър илк дафъа «Қизил Ўзбекистон» (1936 йил 5 январь) газетасида чоп этилди. Ҳозиргача қайта нашр қилинмаган бу шеър ушбу томга газета тексти асосида киритилди.

УРИК ГУЛЛАГАНДА

(212-бет)

1937 йилнинг 30 мартда ёзилган ва биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 5 апрель сонидида босилиб чиққан бу шеър кейинчалик «Улка» (1939), «Бахт» (1940), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957), «Асарлар»нинг 1-томида қайта чоп этилди.

Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

Ҳамид Олимжон 1937 йил эрта баҳорда мамлакатимизнинг пойтахтида, шунингдек, қатор республикаларда бўлиб, у ерлардаги улкан муваффақиятлардан катта таассурот олади. «Хаёллارга тўлиб-тошган шоир Тошкентга қайтади. Тошкентда эса баҳор, Обсерватория кўчасидаги ҳовлисида, шундайгина ишхонаси деразаси олдида бир туп ўрик оппоқ гуллаган — илҳом парисининг ўзгинаси. Натижада, бадний реализмнинг юксак ифодаси бўлган, шоир кечинмаларининг гўзал намунаси даражасига кўтарилган «Урик гуллаганда» шеъри туғилди» (С а р в а р А з и м о в. Ҳ. Олимжон абадияти. 126—127-бетлар).

«Ойдин саҳифа» фильмида (сценарий автори С. Азимов, постановкachi режиссёр Й. Аъзамов) «Урик гуллаганда» шеъри қўшиқ қилиб айтилади.

ҲУЛКАРНИНГ ШЕЪРИ

(213-бет)

1937 йилнинг февралда яратилган бу шеър биринчи марта «Бахт» (1940) тўпламида босилиб чиққан. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957), «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр этилди. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

1. Ҳулкар Олимжонова — шоирнинг қизи, ҳозирда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг доценти.

БУТУН ОЛАМ БИР ОППОҚ СИЙНА

(214-бет)

Шеър биринчи марта «Гулистон» журнали (1937 йил 1-сон)да «Қиз» сарлавҳаси остида босилган. «Бахт» (1940) тўпламида эса шеърнинг сарлавҳаси «Бутун олам бир оппоқ сийна» тарзида ўзгартирилган. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида ҳам шу ном билан қайта нашр қилинди. Шеър 1937 йил январь ойида ёзилган бўлиб, қўлёзмаси шоир архивида сақланмоқда.

Ушбу нашрда ТА 1944 матнига асосланган.

ТУННИ ИЗЛАШ

(215-бет)

1937 йилда яратилган ва биринчи марта «Бахт» (1940) тўпламида босилган. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957), «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди.

ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ДАРЕ ТИНИҚ, ОСМОН БЕГУБОР

(216-бет)

Шеър 1937 йили ёзилиб, биринчи марта «Бахт» тўпламида босилган. Сўнгра «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта босилди. Шеърнинг қўлёзмаси шоир архивидадир.

ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ЎЛКА

(217-бет)

Биринчи марта «Ўлка» (1939) тўпламида босилиб чиқди. Сўнгра «Бахт» (1940) «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта чоп қилинди. Шеър 1937 йилнинг 1 июлида ёзилган. «Ўлка»нинг қўлёзмаси шоир архивида сақланмоқда.

Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

ҚОЗОҒИСТОН

(218-бет)

1937 йилнинг 22 мартида Олмаота шаҳрида ёзилган ушбу шеърни Ҳамид Олимжон шу йил 23 мартда Қозоғистон Советлар қурултойини табриклаб ўқиган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасида 1937 йилнинг 18 апрелида босилиб чиқди. Сўнгра «Бахт» (1940) тўпламида, «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Шеърнинг автографи шоирнинг архивида сақланмоқда.

Ушбу шеър «Бахт» матни асосида чоп этилмоқда.

12—13. Қарағанда, Эмбанефть, Балхаш, Реддер — Қозоғистонда йирик саноат марказлари.

18. Қортоқ — қушнинг номи.

27. Жамбул (1846—1945) — машҳур қозоқ халқ оқини. СССР Давлат мукофоти лауреати (1941). Камбағал чорвадор оиласида туғилган. 14 ёшидан ўлан айта бошлаган. Халқ эпоси «Манас»ни, «Нариқбой», «Гўрўғли», «Ўтаган ботир», «Суранчи ботир» достонларини, «Минг бир кеча», «Шоҳнома» асарларини айтиб юрган.

1881 йили Қозоғистоннинг энг йирик оқинлари (Қулмағамбет, Сарбас, Досмағамбет, Шошувбой)дан айтишувда ғолиб келган. Жамбул Жабоев айтишувларда қозоқ халқининг манфаатларини ҳимоя қилди. Улуғ Октябрь революциясидан кейин озод ҳаёт, эркин меҳнатни куйлади. «Большевиклар съездига», «Ҳаёт ҳақида қўшиқ», «Олатов», «10-съездга», «Совет Иттифоқи», «Москва», «Москвага», «Ленинградлик фарзандларим», «Ўғлимга хат» каби асарлари машҳур. Умрининг сўнгги йилларида яратган «Менинг умрим» поэмасида Жамбул қозоқ халқининг ўтмишдаги оғир ҳаёти ва бугунги фаровон турмушини реалистик тарзда тасвирлаб берди. Унинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Шаҳар ва муассасаларга унинг номи берилган.

36. Кузанбоев — Қозоғистоннинг атоқли кишиларидан.

37. Шора — Қозоғистоннинг атоқли раққосаси.

38. Омонгелди — Омонгелди Имонов, Қозоғистонда гражданлар уруши қаҳрамони.

41. Кулаш — Байсеитова Кулаш (асл исми Гулбаҳром) (1912—1957) — СССР халқ артисти. Қозоғистон опера санъатининг асосчиларидан бири. Қозоқ операларида ёрқин музикали саҳна образларини яратди. «Қизжибек», «Эр Таргин», «Биржон ва Сора» операларида бош партияларни ижро этди. 1949 йилда Байсеитова Кулаш СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Қозоғистон Олий Советининг 1—3 қақриқлари депутати. Орден ва медаллар билан тақдирланган.

47. «Удакдос» — иттифоқдош.

53. Олатов — Қирғизистон Олатови. Тепаларида қори бўлган тоғлар ола-була кўринганидан Олатов деб аталади, деган нақл бор. Ола арабча «Олий» (баланд) сўзидан олинган деган фикр ҳам мавжуд.

СЕВГИ ДЕСАМ

(220-бет)

Шоир архивида ушбу шеърнинг машинкаланган нусхаси сақланади. Шеър остига 4 март 1937 йил санаси қўйилган. «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

ТА 1944 асосида чоп этилмоқда.

КЕЧИР МЕНИ

(221-бет)

Ушбу сўзлар билан бошланувчи шеърнинг қўлёзмаси шоир архивидадир. «Танланган асарлар» (1944, 1957)да ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

ТА 1944 асосида нашр қилинмоқда.

САВОЛ

(222-бет)

Шеър 1937 йилнинг 22 августида ёзилган бўлиб, қўлёзмаси шоир архивидадир. «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида нашр қилинган. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

ТОЛЕИМ ШУЛКИМ

(223-бет)

1937 йил 19 июлда ёзилган ушбу шеър сарлавҳасиз бўлиб, унинг ўрнига уч юлдуз қўйилган. У биринчи марта «Бахт» тўпламида босилиб чиқди. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди.

Шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланмоқда. Ушбу нашрда «Бахт» матнига асосланган.

ТИНИМСИЗДИР ЁЛГИЗ ШАББОДА...

(224-бет)

«Тинимсиздир ёлғиз шаббода» мисраси билан бошланган мазкур сарлавҳасиз шеър 1937 йилда ёзилган. Биринчи марта «Бахт» (1940) тўпламида, сўнгра «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Шеърнинг автографи шоир архивдадир.

ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

БАХТИМИЗ ТАРИХИГА

(225-бет)

Биринчи марта «Бахт» тўпламида босилиб чиқди. Сўнгра «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр этилди. Шеър 1937 йил июлида ёзилган.

ТА 1944 матни асосида нашр қилинмоқда.

8. **Фузулий (1498—1556)** — буюк озарбайжон шоири, моҳир газалнавис. Унинг «Лайли ва Мажнун» дostonи ҳам машҳурдир.

10. **Навоний (1441—1501)** — ўзбек мутафаккир шоири.

ШУ КУНЛАРДА ҚУТБ ОЛИНДИ

(226-бет)

Шеърнинг қўлёмаси шоир архивида сақланмоқда. 1937 йил 20 августда ёзилган. Биринчи марта «Бахт» (1940) шеърлар тўпламида нашр қилинган. Сўнгра «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта чоп этилган. Шеърда муаззам кoinоти ўз иродасига бўйсундираётган эл қудрати улуғланади. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

ДУНЕ ҒУЗАЛ КҮРИНУР СЕНГА

(227-бет)

Шеър биринчи марта «Бахт» тўламига киритилган. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган. Шеърнинг автографи шоир архивдадир.

Ушбу нашрда ТА 1944 матнига асосланилди.

РОЗИМАСМАН БИР ЕШ ТОМСА КҮЗИМДАН

(228-бет)

1937 йил 28 августда ёзилган ушбу сарлавҳасиз шеър «Бахт» тўламида ва «Танланган асарлар» (1944, 1951)да босилиб чиққан. Кейинчалик «Асарлар»нинг 1-томига киритилган.

Шеърнинг қўлёмаси шоир архивдадир. ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

СҮЛМОҚ БҮЛМАС ЭЛ БАҲОРИДА

(229-бет)

1937 йилда ёзилган бу шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Шеър «Бахт» (1940) тўпламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида нашр қилинган. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асосга олинди.

ЖАВОБ

(230-бет)

1937 йилда ёзилган бу шеърнинг қўлёзма нусхаси шоир архивида сақланмоқда. Шеър дастлаб «Бахт» (1940) тўпламида, сўнгра «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида нашр қилинди. Ушбу шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ДУМБИРАНИНГ МАҚТОВИ

(231-бет)

Шоир архивида шеърнинг уч автограф нусхаси сақланади. Уларнинг бири «Дўмбиранинг мақтови», қолган иккитаси «Абдулла шоирга» сарлавҳаси билан номланган. Қўлёзмаларнинг «Абдулла шоирга» сарлавҳаси билан кўчирилган икки нусхаси қоралама бўлиб, улардан бири шеърнинг иккинчи қисминигина ўз ичига олади. «Дўмбиранинг мақтови» шеъри оқлама нусха бўлиб, у биринчи марта «Улка» тўпламида «Абдулла шоир» сарлавҳаси билан нашр қилинган. Кейинчалик «Бахт» тўпламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида чоп этилди. Шеърнинг қораламасида мавжуд бўлган, «Улка» тўпламига қисман киритилган ва кейинги нашрларда батамом тушириб қолдирилган мисралар ушбу томнинг вариантлар қисмида берилди.

Шеър «Бахт» тексти асосида нашр қилинмоқда.

2. **Абдулла шоир (1874—1957)** — Қашқадарё область Китоб район Қайнарбулоқ қишлоғида туғилган халқ бахшисидир. Ҳамид Олимжон Абдулла шоир билан Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти декадасида танишган.

15. **Ҳалима (Ҳалима Носирова)** — СССР халқ артисти. Ўзбек ашула-қўшиқ санъатининг улуғворлиги машҳур санъаткор Ҳалима Носирова номига нисбат берилган эдики, шоир шу боисдан бу хушвоз актрисани булбул ташбиҳи билан тилга олади.

Миртемир бу шеърни қуйидагича характерлаган эди. «Дўмбиранинг мақтовини олайлик: «Нақадар нафис, равон, бахшиёна ва теран! Халққа нақадар яқин эслагулик, таъсирбахш ва жарангдор... Нечоғлиқ юксак шеър! Соддалик мана шундоқ бўлса, қуйма бўлса, мана шундоқ баъмани бўлса, қанийди ҳамма вақт... Оғзаки адабиёт хазинасини очишда Ҳамиднинг меҳнати борлиги унинг бутун асарларида ярқираб тургандек... Ҳамидни ўзгалардан ажратиб турувчи омиллардан бири ҳам, шу жиҳатдир» («Сен элимнинг юрагида яшайсан», 62—63-бетлар).

БАХТ ТЎҒРИСИДА

(233-бет)

1937 йилда ёзилган бу шеърнинг қўлёзма нусхаси сақланмаган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасида 1937 йил 30 августда ёллон қилинган. Кейинчалик «Ўлка», «Бахт» тўпламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр этилди. Ушбу шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ПУШКИН

(235-бет)

1937 йилда А. С. Пушкин вафотига 100 йил тўлиши муносабати билан ёзилган бу шеърнинг қўлёзма нусхаси шоир архивида сақланмоқда. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасида 1937 йил 10 февралда босилиб чиқди. Кейинчалик «Бахт» тўпламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Шеър ТА 1944 матнига асосланиб чоп этилмоқда.

33. **Эльбрус** — Катта Кавказ тоғларининг марказий қисмида энг баланд чўққи. Қорли чегаранинг баландлиги 3200—3500 м. Ғарб томондан баландлиги 5633 м, шарқ томондагиси — 5595 м.

49. **Дантес** — француз офицери. А. С. Пушкинни дуёлда ўқ узиб ўлдирган қотил.

ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА

(237-бет)

«Энг гуллаган ёшлик чоғимда» деб бошланувчи сарлавҳасиз ушбу шеър 1937 йили ёзилган. «Танланган асарлар» (1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида нашр этилди. Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган.

ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ҲОЛ

(238-бет)

Бу шеърнинг қўлёзма нусхаси шоир архивида «Ўтиниш» сарлавҳаси билан сақланади. Шеър 1937 йил 1 ноябрида Сочида ёзилган. «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган. Ушбу шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда:

238-бет 13-қатор «Чумчуқ гувлаб» ўрнида «Чумчуқ чувлаб» (ТА 1957 асосида).

БИРИНЧИ МАЙ КОЛОННАЛАРИГА

(Радиодан намоёнчиларга)

(239-бет)

1937 йилнинг 29 апрелида Май шарафига ёзилган ва намоёнчи куни радиодан ўқиб эшиттирилган бу шеърнинг асли шоира Зулфия қўлида сақланади.

ШОДЛИКНИ КУЙЛАГАНИМНИНГ САБАБИ

(240-бет)

1938 йилда ёзилган бу шеърнинг қўлёмаси шоир архивида сақланади. Дастлаб «Бахт» тўпламида нашр этилган, сўнгра «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган. Ушбу шеър ТА 1944 матни асосида нашр этилмоқда.

10. Михаил Юрьевич Лермонтов (1814—1841) — талантли рус шоири. М. Ю. Лермонтов — «Шоирнинг ўлими», «Вадим», «Мўири», «Замонамиз қаҳрамони» каби қатор машҳур асарлар муаллифи.

11. Ҳофиз (1325—1390) — машҳур форс-тожик классик шоири Ҳофиз Шерозий.

15. Умар Хайём (1040—1123) — форс-тожик шоири. У кўпқиррали олим, буюк файласуф, улуғ математик ва астроном ҳамдир. Умар Хайём Шарқда рубоийлари билан машҳурдир.

ГОРЬКИЙ ҲАҚИДА

(242-бет)

1938 йил 27 мартда ёзилган, қўлёмаси шоир архивида сақланган ушбу шеър дастлаб «Ўзбек адабиёти ва санъати» журнаlining 1938 йил 4-сонидида нашр этилган. Кейинчалик «Бахт» тўпламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта чоп этилди. Ушбу нашрга ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН

(244-бет)

Қўлёмаси сақланмаган ушбу шеър 1939 йилда ёзилган, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ҳамда «Асарлар»нинг 1-томида босилиб чиққан. Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда:

247-бет 79-қатор «осмонда ётмас» ўрнида «сомонда ётмас» (ТА 1957 асосида).

САМОЛЁТ

(248-бет)

1939 йилда болаларга бағишлаб ёзилган, автографи сақланмаган бу шеър биринчи марта «Қўлингга қурола ол!» тўпламида нашр этилди. Кейинчалик «Қувноқ қўшиқлар» (1956) тўпламида, «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар» 1970 нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Ушбу нашр ҚҚ матни асосидадир.

ВАТАН

(249-бет)

«Ватан» шеъри 1939 йили ёзилган. Дастлаб «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар» 1-томида қайта нашр қилинди. Шеър А 1970 асосида чоп этилмоқда.

ЛОЛА

(250-бет)

Шеър 1939 йили ёзилган бўлиб, қўлёзма нусхаси мавжуд эмас. Болаларга атаб ёзилган бу шеър «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида нашр қилинган. Шеър ТА 1957 матни асосида чоп этилмақда.

ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

(251-бет)

Шеър 1940 йили ёзилган. Унинг қўлёзма нусхаси сақланмаган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» (1941 йил 1 январь) газетасида босилиб чиққан. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинган. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

8. Бордо — дафъаларча, такрор-такрор.

24. Сафил — суфла — беътибор, хор, паст.

ЧИРЧИҚ БЎЙЛАРИДА

(252-бет)

Шеър 1940 йилда ёзилган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1941 йил 25 январь)да босилиб чиқди. Сўнгра «Қўлингга қурол ол!» тўплами, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинмоқда.

1. Чирчиқ — ЎзССР Тошкент областига қарашли Чирчиқ дарёси мавзенига жойлашган шаҳар. Ўзбекистоннинг индустриал марказларидан бири. 1932 йилда у ерда электрохимия комбинати қурилиши муносабати билан шаҳарга асос солинган. Чирчиқда Чирчиқ ГЭСининг каскадлари Чирчиқ ва Тошкент корхоналарини электр энергияси билан таъминлаб туради, 2 йirik машинасозлик заводи («Чирчиқсельмаш» ва «Средазхиммаш»), «Электрошчит» заводи, пойафзал ва тикув фабрикалари бор.

5. Чотқол — Чотқол тоғлари — Ғарбий Тяньшань, Қирғизистон ССР ва Ўзбекистон ССР ҳамда қисман Қозоғистон ССРда жойлашган. Узунлиги 180 км, ўртача баландлиги 3500 метр. Айрим жойларида 4503 метргача кўтарилади. Шимолий ғарбдан Фарғона водийсигача чўзилади. Кўп қазилма бойликлар, қимматбаҳо ёғочсозлик дарахтларига эга.

ҒАЛАБА ҚЎШИҒИ

(255-бет)

Гитлерчи фашистлар она-Ватанимизга ҳужум қилган кунлари Москвада бўлган шоир 1941 йил 24 июнда ушбу шеърни ёзган. «Ғалаба қўшиғи» Улуғ Ватан уруши темасида яратилган дастлабки асардир. Шеър биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1941 йил 9 июль сони)да босилиб чиқди. Кейинчалик «Ватан учун»

(1941), «Қўлингга қуроол ол!» тўпламларида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди.

Шеърнинг машинкаланган бир нусхаси Ўзбекистон Давлат архивида сақланмоқда, унинг тепасига «Сора Эшонтўраева» деб ёзиб қўйилган. Шеър уруш йилларида концерт программаларига кириштирилган ва декламация қилиб ўқилган (СССР халқ артисткаси Сора Эшонтўраева ҳам ушбу шеърни ўз репертуарларида ижро этган). Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда:

255-бет 3-қатор «Тўзон келди» ўрнида «тупроқ келди» (ҚҚ асосида).

«Х. Олимжон» ҳужжатли фильмида авторнинг ўзи ўқиган. Шеър ҳақида Миртемир: «Шеър оёқ устида ёзилган бўлса-да, даҳшатли жанг ҳақида ҳайқирикдай эди, қалдироқли эди. Ҳашатиш ва мантиқни эсланг: калхатга қарши лочин парвози, бўрига қарши шер... Фашизм қузғин ва илон, одамзоднинг доғи, абжақ бўлиши аниқ. Бу ғазал жарангида ва мағзида узоқни кўра олувчи, теран ўйлик, негизи бутун, ўктам инсон тик туради...». деб эслайди («Сен элимнинг юрагида яшайсан», 64-бет).

ҚҲЛИНГГА ҚҲРОЛ ОЛИ

(256-бет)

1941 йилда ёзилган, қўлёзмаси сақланмаган бу шеър биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1941 йил 12 октябр)да босилиб чиқди. Кейинчалик «Қўлингга қуроол ол!», «Ишонч» тўпламлари, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Ушбу нашрда ТА 1944 матнига асосланилди.

ЙИГИТЛАРНИ ФРОНТГА ЖҲНАТИШ

(258-бет)

Шеър 1941 йил 11 июлда ёзилган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» (1941 йил 17 июль) газетасида эълон қилинди. Шеърнинг машинкаланган нусхаси Ўзбекистон Давлат архивида 11 июль рақами остида сақланмоқда. Унда шеър «Тошкент вокзалда» сўолавҳаси билан берилган, «Она ва ўғил» тўпламида эса «Кузатиш» номи билан нашр этилган. У «Ишонч» тўпламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида «Йигитларни фронтга жўнатиш» номи билан қайта нашр қилинди.

Шеър ТА 1944 тексти асосида чоп этилмоқда.

ХАТ

(260-бет)

1941 йилда ёзилган ва биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1941 йил 31 июль сони)да нашр қилинган. Қўлёзмаси шоир архивида сақланмоқда. Шеър «Ватан учун» (1941). «О» ва ўғил», «Ишонч» тўпламларида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди.

Шеър ТА 1944 матни асосида босилмоқда:
261-бет 58—61-қаторлар («Қизил Ўзбекистон», 1941 йил,
31 июль сони асосида).

МОСКВАНИ МЕН БИЛАМАН

(263-бет)

1941 йили ёзилган ушбу шеър биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1941 йил 24 августда)да босилиб чиққан. Кейинчалик «Ғазаб қўшиқлари» (1943), «Ишонч», «Москва» (1947) тўпламларида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида нашр қилинди.

Шеърнинг қўлёзма нусхаси сақланмаган. Ушбу нашрда ТА 1944 матнига асосланилди.

264-бет 42-қатор «Асло тик қўймаймиз» ўрнида «Асло тирик қўймаймиз» («Ишонч» асосида).

31. Минск — Белоруссия Совет Социалистик Республикасининг пойтахти.

БҮЛ ОМОН!

(265-бет)

1941 йилда ёзилган бу шеърнинг автографи шоир архивдадир. У «Қўлингга қурол ол!», «Ишонч» тўпламларида босилиб чиқди. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр этилди. Шеър уруш вақтида «Ватан мудофааси концертлари»да ашула қилиб айтилган. Бу ҳақда СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова қуйидагиларни ёзади:

«Мен шоирнинг шеърини севиб ўқир эдим. Улуғ Ватан уруши йилларида Ҳамид Олимжон ёзган шеърлардан «Ватан мудофаси концертлари» саҳнасида ашула қилиб айтиб юрдим. «Бул омон!» шеърини айтганимда жуда таъсирланиб кетар эдим. Чунки шеър — тўппа-тўғри онанинг юрагидан чиққан сўзлари, она ўғлини ёвга қарши жангга отлантирар экан, она юрти учун, эли учун ўлимдан ҳам қайтмасликка чақиради...» («Сен элимнинг юрагидан яшайсан», 76-бет).

Шеър ТА 1944 матни асосидадир.

ПОЧТАЛЬОН

(266-бет)

Шоир архивда сақланаётган, 1941 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта «Қўлингга қурол ол!» тўпламида босилиб чиқди. Кейинчалик «Қўшиқлар» (1943), «Ғазаб қўшиқлари» (1943), «Ватан учун» (1944) тўпламларида, «Танланган асарлар» (1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр этилди.

ТА 1944 матни асосида нашр қилинмоқда.

ҚАДАҲ

(268-бет)

«Қадаҳ» шеърининг қўлёзмаси шоир архивдадир. Биринчи марта «Қўлингга қурол ол!» тўпламида босилиб чиққан. Сўнгра

«Ишонч» тўпламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди.

Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ГВАРДИЯЧИЛАРИМИЗГА САЛОМ!

(269-бет)

Шеър 1942 йили 14 мартда ёзилган бўлиб, биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1942 йил 22 март)да босилиб чиқди. Кейинчалик «Қўлингга қурол ол!», «Ишонч» тўпламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Шеърнинг автографи сақланмаган.

Ушбу шеър ТА 1944 тексти асосида чоп этилмоқда.

ШАРҚДАН ҒАРБГА КЕТАЕТГАН ДЎСТГА

(270-бет)

Шеър 1942 йилда ёзилган бўлиб, биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1942 йил 29 март)да босилиб чиқди. Кейинчалик «Қўлингга қурол ол!», «Ишонч» тўпламида, «Асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Шеърнинг автографи сақланмаган.

ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда:

270-бет 58—61-қаторлар ҚҚ асосида.

8. Гитлер (1889—1945) — Германия фашистлар партияси ва Германия фашист давлатининг бошлиғи.

34. 1942 йилда Тошкентда Ўзбекистон ёзувчилар союзи ҳузурида «ЎзТАГ ойналари» ишлаб турар эди. Рус rassomлари Варшавский, Лебедиль, Козлов, Авиллов, Рождейский, Луговский ва Ҳ. Олимжонлар ҳамкорликда ишлаб жанговар плакатлар яратганлар.

Ҳ. Олимжоннинг: «Шарқдан ғарбга кетаётган дўстга» номи шеърдан:

«Боргил тезроқ баҳодир дўстим», деб бошланган мисралари рудиға мослаб Рождейский плакат чизган эди. Бу плакатда совет солдатининг Украина, Белоруссия, Молдавия республикаларини фашистлар Германияси қуллигидан қутқазишга отлангани тасвирланган.

(ЎзТАГ ойнаси № 132. В. Н. Кедрин коллекциясидан).

ЯҚИНЛИК

(272-бет)

«Яқинлик» шеъри 1942 йил 23 мартда ёзилган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1942 йил 16 апрель)да «Садоқат» номи билан босилиб чиқди. Кейинчалик «Ишонч» тўпламида «Яқинлик» сарлавҳаси билан нашр қилинди. Шу ном билан «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилди.

ТА 1944 матни асосида нашр этилмоқда.

СЕВГИ (273-бет)

Шеър 1942 йил май ойида ёзилган ва биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1942 йил 29 октябрь)да босилиб чиққан. Кейинча «Армуғон» (1944), «Ишонч» тўпламларида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди.

Ушбу шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда: 274-бет 52-қаторда «Русия» ўрнида «Россия» («Ишонч» тўплами асосида).

ИИГИТ (275-бет)

Шоирнинг «Игит» шеъри 1942 йил 1 июнда ёзилиб, биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1942 йил 21 июнь сони)да босилиб чиқди. Сўнгра «Дардақдан чиққан қаҳрамон» (1942), «Ишонч», «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди.

Шеърнинг қўлёзма нусхаси сақланмаган.

ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда:

275-бет, 13-қатор «Кетгунча» ўрнида «Битгунча» («Қизил Ўзбекистон», 1942 йил 21 июнь сони асосида).

2. Қўчқор Турдиев — Улуғ Ватан уруши (1941—1945)нинг қаҳрамони. У 1917 йилда Андижон яқинидаги Ойим қишлоғида туғилган. Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб душманга қарши курашдаги мардлиги билан танила бошлаган Қўчқор Турдиев 1941 йилнинг 15 ноябрида Трудюлюбовка қишлоғи учун олиб борилган жангда кўрсатган алоҳида қаҳрамонлиги билан шухрат топади. У взвод командири топшириғи билан қишлоқни айланиб ўтиб душманнинг ўт очиш нуқталарини барбод этишда фавқулодда жасорат намунасини кўрсатади. Қўчқор Турдиевга шу муносабат билан СССР Олий Советининг 1942 йил 27 март қарорига мувофиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилади.

Қўчқор Турдиев бугунги кунда ўз туғилган қишлоғида колхозда ишлайди.

ИИГИРМА ИККИНЧИ ИЮНЬ САҲАРИ (277-бет)

Қоралама шоир архивидадир. Биринчи марта «Ишонч» (1943)да чоп этилган. Сўнгра «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида босилган.

«Ишонч» тўплами асосида чоп этилмоқда.

ШАРҚҚА КЕТГАНДА (278-бет)

Шоирнинг «Шарққа кетганда» шеъри биринчи марта «Ишонч» тўпламида чоп этилди. Сўнгра «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида нашр қилинди. Ҳамид Олимжоннинг шахсий архивида шеър қўлёзмаси мавжуд.

«Шарққа кетганда» шеъри ТА 1944 матни асосида чоп қилин-моқда.

2. «Эвакуация» — ярадорларни ҳамда аҳоли, корхона, муассаса ва шу қабиларни душман ҳужуми ёки табиий офат хавфи остидаги жойлардан кўчириш.

ВАТАН

(281-бет)

Шоир архивида «Ватан» шеърининг бир неча варианты мавжуд бўлиб, муаллиф улардан олти бандини «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1943 йил 7 ноябрь сониди эълон этган. Ушбу томда мазкур газета матни асос қилиб олинди. Вариантлар қўлёзма асосида берилмоқда.

СЕН ТУФИЛГАН КУН

(282-бет)

Қўлёзма нусхаси шоир архивида сақланаётган ушбу шеър 1943 йил 28 февралда ёзилган бўлиб, биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» (1943 йил 20 октябрь) газетасида босилиб чиқди. Сўнгра «Армуғон» (1944), «Ватан жонбозларига» (1944) тўпламларида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди.

ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ШИНЕЛЬ

(284-бет)

«Шинель» 1943 йил 2 мартда ёзилган бўлиб, биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» (1943 йил 18 апрель) газетасида босилган. Кейинчалик «Ишонч» тўпламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Шеър Ҳамид Олимжон Ўзбекистон делегацияси составида фронтга борган пайтида жангчилар ҳаёти таассуротлари остида ёзилган. Шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

ҲУЛКАРГА

(286-бет)

Илк дафъа Самарқанд область «Ленин йўли» газетасининг 1969 йил 20 август сонидида чоп этилган бу шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган.

Шеър «Ленин йўли» газетасидаги матн асосида нашр қилинмоқда.

ОМОННИНГ ШЕЪРИ

(287-бет)

Шеър биринчи марта Самарқанд область «Ленин йўли» газетасининг 1969 йил 20 август сонидида чоп этилган. Шеърнинг ре-

маркаси ўрнида қуйидагилар ёзилган: Омон: «Дада, дада! Опамга атаб шеър ёзибсиз, менга ҳам ёзиб беринг»,— деб қўймагандан сўнг оғзаки тўқилган шеър (Ҳамид Олимжоннинг онаси Комила буви хотирасидан). «Ленин йўли» газетаси тексти асосида чоп этилмоқда.

РОССИЯ

(288-бет)

Қўлёмаси шоир архивида сақланаётган «Россия» шеъри фронт таассуротлари асосида 1943 йил 6 март куни ёзилган ва биринчи марта шу йил 13 октябрда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб чиққан. Кейинчалик «Ишонч» тўплами, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган. Ушбу шеър ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда: 288-бет, 1—2 ва 50-қаторларда «Русия» ўрнида «Россия» («Ишонч» тўплами асосида).

22. Невский — рус халқининг улуғ саркардаларидан бири. Маҳоратли ҳарбий қўмондон Александр Невский 1242 йил 5 апрелда Чуд кўли устидаги немис рицарлари билан бўлган жангда ғалаба қозониб шуҳрат топган.

24. Пушкин Александр Сергеевич (1799—1837) — улуғ рус адиби. Пушкин — «Чаадаевга», «Сибирга мактуб», «Арион» каби шеърлар, «Руслан ва Людмила», «Евгений Онегин», «Кавказ асири», «Боғчасарой фонтани», «Дубровский», «Капитан қизи» сингари рус реалистик адабиётининг юксак намуналари муаллифидир.

ҚАМАЛ ҚИЛИНГАН ШАҲАР ТЕПАСИДАГИ ОЙ

(290-бет)

Автографи шоир архивида сақланаётган бу шеър фронт таассуротлари асосида 1943 йил 19 мартда ёзилган. Биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1943 йил 15 июнь сони)да босилиб чиққан. Сўнгра «Ишонч» тўламида, «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр этилди. Ушбу нашрда ТА 1944 тексти асос қилиб олинди.

ҲАЗАЛ

(293-бет)

Шеърнинг қўлёзма нусхаси шоир архивидадир. Ҳазал «Танланган асарлар» (1944, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилган. ТА 1944 матни асосида чоп этилмоқда.

7. Мустағриқ — ғарқ бўлган, чўмган (хаёлга чўмган).

ИНТИЗОРЛИК

(294-бет)

«Интизорлик» шеърининг қўлёмаси шоир архивида сақланади. Шеър биринчи марта «Ватан жонбозларига» (1944) тўламида бо-

силиб чиққан. Кейинчалик «Танланган асарлар» (1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томига киритилди.

Шеърнинг қўлёзма нусхасида ҳамда шоир ҳаёт вақтида чоп этилган «Ватан жонбозларига» тўпламида «Жангчига» деб ёзилган иккинчи қатор йўқ. Шунинг учун бу сўз ушбу нашрда қўлёзмага мувофиқ тушириб қолдирилди. Шеър «Ватан жонбозларига» (1944) матни асосида нашр қилинмоқда.

294-бет 16-қатор «Дарёларда» ўрнида «Дарёлардан» (қўлёзма асосида).

УЧРАШУВ

(295-бет)

1943 йилда ёзилган бу шеър биринчи марта «Ишонч» тўпламида босилиб чиқди. Кейинчалик «Ватан жонбозларига» (1944), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта нашр қилинди. Шеърнинг қўлёзмаси сақланмаган. Ушбу нашрда ТА 1944 матни асос қилиб олинди.

4. Барчин — фольклор асарларидан «Алпомиш» достонининг бош қаҳрамони.

12. Орёл — шаҳар, РСФСР Орёл областининг маркази. Ока дарёсининг ҳар иккала соҳилида жойлашган Темир йўл узели. Социалистик қурилиш йилларида Орёл йирик индустрия марказига айланган.

НИҲОЛ

(296-бет)

Шоир «Ниҳол» шеърини 1943 йилнинг 16 майида ёзган. Шеър биринчи марта «Ишонч» тўпламида нашр этилди. Кейинчалик «Ғазаб қўшиқлари» (1943), «Танланган асарлар» (1944, 1951, 1954, 1957) ва «Асарлар»нинг 1-томида қайта чоп этилди.

Шеърнинг қўлёзма нусхаси шоир архивидадир. Ушбу нашрда ТА 1944 тексти асос қилиб олинди.

Комил Ерматов шоир ҳақидаги эсдаликларида ёзади:

Уруш йиллари фронтдаги ўзбек жангчилари учун фильм-концерт ишлаганман. Унинг бош қисмида Ҳамид Олимжон шеър ўқиган, шеърнинг номи «Ниҳол» эди. Фильм маълум сабабларга кўра экранларга чиқмади... («Сен элимнинг юрагида яшайсан», 74-бет).

САЛОМ

(298-бет)

Қўлёзмаси шоир архивида сақланади. 1943 йилда ёзилган ушбу шеърда ўзбек халқининг Улуғ Ватан урушида душман билан жанг қилаётган фарзандларига саломи, тилаги ўз ифодасини топган.

Шеър қўлёзма тексти асосида чоп этилмоқда.

ЖОМ

(299-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси шоир архивидадир. Алоҳида бир қоғозда унинг айрим тафовутга эга бўлган икки нусхаси мавжуд. 1943 йилнинг март ойида Ўзбекистон ССР ҳукумат делегацияси составида

фронтга борган даврида шоир томонидан яратилган бу шеър биринчи марта «Ишонч» тўпламида, кейинчалик «Танланган асарлар» (1944, 1951)да эълон қилинган.

Шеър ТА 1944 асосида нашр этилмоқда.

299-бет 12-қатор қўлёзма асосида.

3. Рокоссовский К. К. (1896—1968) — совет ҳарбий арбоби. Совет Иттифоқи (икки марта) Қаҳрамони, 1919 йилдан КПСС аъзоси, биринчи жаҳон уруши ва гражданлар уруши қатнашчиси. К. К. Рокоссовский М. В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академия қошидаги олий бошлиқлар малака ошириш курсини тугатган (1929). У Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—1945). К. К. Рокоссовский командирлик, қўмондонлик вазифаларида ишлаган, Москва мудофаасида қатнашган. Дон, Брянск, 1—2 Белоруссия фронтларида қўмондонлик қилган. Урушдан сўнг Польша мудофаа министри лавозимида (1949—1956), кейин СССР мудофаа министрининг ўринбосари (1956—1957) бўлиб ишлаган. У ҳаётининг охиригача СССР Мудофаа министрлигида хизмат қилди. Еттига Ленин ордени, олтига Қизил байроқ ва бошқа орден, медаллар билан тақдирланган.

Ҳамид Олимжон делегация билан фронтга борганда К. К. Рокоссовский билан учрашган эди. Юқоридаги «Жом» шеъри қадаҳ — жомни К. К. Рокоссовскийга тортиқ қилиш муносабати билан ёзилган.

5. Минин-Пожарский — Минин — XVII асрда поляк ҳамда швед интервенциясига қарши кураш ташкилотчиларидан бири. Туғилган йили аниқ эмас, вафоти 1616 йил. Мининнинг маслаҳати билан князь Д. М. Пожарский ҳарбий раҳбарликка ўтади. Минин ва Пожарский 1612 йили Москва учун бўлган жангда активлик ва шахсан қаҳрамонликлар кўрсатадилар. Москва Қизил майдонида уларга 1818 йилда ҳайкал ўрнатилган.

ЯШНА ОЗОД УЗБЕКИСТОН

(300-бет)

Ушбу сўзлар билан бошланувчи мазкур сарлавҳасиз шеърнинг қоралама қўлёзма ва машинкада кўчирилган вариантлари шоир аҳвида сақланади.

Шеърнинг қўлёзмаси шоирнинг ўз қўли билан қайта-қайта кўчирилган ва ҳар гал таҳрир этиб борилган. Унинг машинкаланган нусхасида сарлавҳа устида Ҳамид Олимжон номи билан ёнма-ён Ғафур Ғулом номи ҳам мавжуд. Демак, бу шеърни Ҳамид Олимжон Ғафур Ғулом билан ҳамкорликда ёзган (Бу фикр С. Мамажоновнинг «Шоир дунёси» китобида ҳам қайд этилади. Тошкент, 1974, 218-бет).

Шеър архив тексти асосида нашр этилмоқда.

ТУГАЛЛАНМАГАН, ЙИЛИ НОМАЪЛУМ ШЕЪРЛАР, ЭСКИЗЛАР

ШОҲИЗИНДА

(303-бет)

Санаси маълум бўлмаган, 6,5×9,5 форматдаги кичик сарғиш одий қоғозга снёҳда ёзилган ушбу шеърнинг асли шоира Зулфия қўлида сақланади.

1. **Шоҳизинда** — Самарқанд шаҳрининг Афросиёб мавзидеги XIV—XV асрларга оид архитектура ёдгорлиги. Жуда кўп мақбаралардан ташкил топган бу мавзенинг атрофи ҳам қабристон билан ўралган. Шоҳизинда ҳақида қатор афсона, ривоятлар мавжуд.

24. **Калисо** — ибодатхона.

ЕТИМ

(305-бет)

Шеър 71,5×8,5 форматдаги лентасимон қизғиш оддий қоғозга қизил сиёҳда ёзилган, тарихи номаълум. Шеърнинг асли шоира Зулфия қўлида сақланади.

ЛОЛА КЕЛДИ, ГУЛ КЕЛДИ

(310-бет)

Сарлавҳасиз бу шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Ёзилган йили номаълум. Шеър қўлёзма асосида биринчи марта эълон қилинмоқда.

БАҲОР ТУНЛАРИ

(311-бет)

Шеър тугалланмаган. Санаси номаълум. Шоир архивида сақланган қўлёзма асосида эълон қилинмоқда.

ТЕЗГИНА КЕЧ БУЛСА

(312-бет)

Шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Ёзилган вақти номаълум. Шеър қўлёзма асосида эълон қилинмоқда.

УРМОН ОППОҚ, ҚИР ОППОҚ

(313-бет)

Тугалланмаган ушбу шеърнинг қўлёзмаси шоир архивида сақланади. Ёзилган йили номаълум. Шеър қўлёзма асосида эълон қилинмоқда.

ЭЙ МУҲТАРАМ, АЗИЗ ОНА

(314-бет)

Қўлёзмаси алоҳида варақда шоир архивида сақланган ушбу шеър нотугалдир. Қўлёзма асосида нашр этилмоқда.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРЛАРИНИНГ КУРСАТКИЧИ

Б

- Бахтимиз тарихига 225
Бахтлар водийси 151
Бахт тўғрисида 233
Баҳор 166
Баҳорга етганда 48
Баҳорни соғинганда 47
Баҳор тунлари 311
Баҳри 177
Биз ким? 13
Биз енгдик 120
Биринчи май алангалари 55
Биринчи май колонналарига 239
Бир нашъа 46
Бир япроқ 74
Болалигим ҳақида 208
Болтиқ денгизи бўйларида 63
Болалик 75
Борамаи 19
Бутун олам бир оппоқ сийна 214
Бўл омон! 265

В

- Ватан 249
Ватан 281

Г

- Гвардиячиларимизга салом 269
М. Горькийни ўқиркан 69
Горький ҳақида 242

Д

- Дарё кечаси 168
Дарё тиниқ, осмон беғубор 216
Деҳқон 26
Дон чироқлари 173
Доҳийнинг мотамаи 43
Дунё гўзал кўринар сенга 227
Дўмбиранинг мақтови 231
Дўстимга 186

Е

- Етим 305

Ё

- Ёз ели 53
Ёш куч 42

Ж

- Жавоб 230
Жануб кечасида 191
Жом 299

З

- Зафар достони 33
Зарафшон қўйнида 39

И

- Икки томчи қон 110
Илгари бос, эй кашшоф 16
Интизорлик 294
Истамас 40
Ишим бордир ўша оҳуда 199

И

Йигирма иккинчи июнь саҳари 277
Йигит 275
Йигитларни фронтга жўнатиш 258

К

Кадр 133
Кел 81
Кеча. Саҳро 195
Кечир мени 221
Кимдир 28
Комсомоллар 11
Кашшоф 14
Комсомол қиз 36
Кеч нашъаси 51
Кремль чироғи қаршисида 182
Куз қўйнига кирганда 101
Куйчининг хаёли 183
Кураш нашидалари 52

Л

Ленталар 93
Лола 250
Лола келди, гул келди 310
«Лотин» келар 30

М

Манзара 165
Маҳорат 157
Менда ҳам шодлик 23
Мешчан хотин 95
Мизимта дарёси 202
Москва 181
Москвани мен биламан 263
Москванинг баҳори 60
Мудофаа кунларида 114
Мухбир 25

Н

Нева хотиралари 61
Нима бизга Америка! 145
Ниҳол 296

О

Одам ҳақида 207
Озар қизин 65

Ойдин кеча 18
Ойдинда 54
Октябрь ўлкасига 32
Омоннинг шеъри 287
Онт 170
Офелиянинг ўлими 188

П

Почталъон 266
Пушкин 235

Р

Розимасман бир ёш томса кўзимдан 228
Россия 288

С

Савол 222
Салом 298
Самолёт 248
Сен туғилган кун 282
Севги 273
Севги десам 220
Сиёб 83
Синглимга 21
Соғинганда 203
Сўлмоқ бўлмас эл баҳорида 229
Сўнгра кулар 80

Т

Тайёр, трактор! 127
Тарих кўрганми 138
Тезгина кеча бўлса 312
Темир қонун 102
Тинимсиздир ёлғиз шаббода 224
Толеним шулким... 223
Тунни излаш 215

У

Учрашув 295

Х

Хаёлимда бўлдинг узун кун 198
Хаёлинг-ла ўтади тунлар 192
Хайрлашув 164

Хат 260
Хотин-қизлар 20

Ш

Шарофат 38
Шинель 284
Шарқ 71
Шарқдан ғарбга кетаётган
дўстга 270
Шарққа кетганда 278
Шу кунларда Қутб олинди 226
Шу куннинг қизига 56
Шоднёна 29
Шодлик кун Октябрь байрами
муносабати билан 12
Шодликни куйлаганимнинг са-
баби 240
Шоҳизинда 303

Ч

Чимён эсдаликлари 193 ---
Чирчиқ бўйларида 252 ---
Чўллар 91

Э

Эй муҳтарам, азиз она 314
Энг гуллаган ёшлик чоғимда
377

Я

Яна ёшларга 24
Январь қори 204
Янги йил орзулари 251
Янги турмушга 35
Яшна озод Ўзбекистон 300
Яқинлик 272

У

Ўзбекистон 97
Ўзбекистон 244
Ўлим 206

Ўлка 217
Ўлка сафарбар 106
Ўрик гуллаганда 212
Ўрмон оппоқ, қир оппоқ 313
Ўтаркан 58

Қ

Қишлоққа 31
Қадаҳ 268
Қамал қилинган шаҳар тепаси-
даги ой 290
Қаҳрамонлар қайтди 210
Қиз 174
Қизил денгиз 67
Қизил Московга 59
Қир кучоғида 57
Қиш 78
Қиш кўчасидан 112
Қиш кўринишлари 45
Қишлоқ қизи 37
Қозоғистон 218
Қора денгиз бўйида 201
Қўлингга қурол ол! 256

Ғ

Ғазал 180
Ғазал 293
Ғалаба қўшиғи 255

Ҳ

Ҳали туғилмаган ўғилга 205
Ҳар юракнинг бир баҳори бор
187
Ҳозирланамиз 17
Ҳавас ва тилак 41
Ҳой, яхши қиз 88
Ҳол 238
Ҳолбуки, тун 196
«Хужум» гулига 64
«Хужум»нинг ўчи 49
Ҳулкарга 286
Ҳулкарнинг шеъри 213

РАСМЛАР РЎЙХАТИ

Ҳамид Олимжон. 1943 йил	4
Ҳамид Олимжон. 1926 йил	15
«Менда ҳам шодлик» шеъри. Шоир дастхати. 1926 йил	22
Ҳамид Олимжон журналист Абдусалом Ниёзов билан Қрим- да. 1929 йил	92
«Улка» шеърлар тўпламининг муқоваси. 1939 йил	245
Ҳамид Олимжон Латвия ёзувчиларининг I съездида. Июнь, 1941 йил	254
«Она ва ўғил» тўпламининг муқоваси. 1942 йил	276

МУНДАРИЖА*

Институтдан	5	—
ШЕЪРЛАР	9	—

1925

Комсомоллар	11	319	346
Шодлик кун	12	—	346
Биз ким?	13	—	346
Кашшоф	14	—	347
Илгари бос, эй кашшоф	16	320	347

1926

Хозирланамиз	17	320	347
Ойдин кеча	18	320	347
Бораман	19	—	347
Хотин-қизлар	20	—	347
Синглимга	21	—	347
Менда ҳам шодлик	23	320	348
Яна ёшларга	24	320	348
Мухбир	25	—	348
Деҳқон	26	320	348
Кимдир	28	—	348
Шодиёна	29	—	349
«Лотин» келар	30	—	349
Қишлоққа	31	—	350

1927

Октябрь ўлкасига	32	320	350
Зафар достони	33	321	350
Янги турмушга	35	321	350
Комсомол қиз	36	321	351
Қишлоқ қизи	37	321	351
Шарофат	38	—	351

* Биринчи устундаги рақамлар асосий текст, иккинчи устундаги рақамлар вариантлар, учинчи устундаги рақамлар эса изоҳлар берилган саҳифаларни билдиради.

Зарафшон қўйнида	39	—	351
Истамас	40	—	351
Ҳавас ва тилак	41	—	352

1928

Еш куч	42	—	352
Доҳийнинг мотами	43	321	352
Қиш кўринишлари	45	—	352
Бир нашта	46	322	352
Баҳорни соғинганда	47	322	353
Баҳорга етганда	48	322	353
«Хужум»нинг ўчи	49	322	353
Кеч наштаси	51	—	353
Кураш нашидалари	52	—	353
Ез ели	53	—	354
Ойдинда	54	322	354
Биринчи май алангалари	55	323	354
Шу куннинг қизига	56	323	354
Қир қучоғида	57	—	355
Утаркан	58	323	355
Қизил Московга	59	323	355
Московнинг баҳори	60	—	355
Нева хотиралари	61	324	355
Болтиқ денгизи бўйларига	63	324	356
«Хужум» гулига	64	324	356
Озар қизи	65	324	356
Қизил денгиз	67	324	357
М. Горькийни ўқиркан	69	325	357
Шарқ	71	325	358
Бир япроқ	74	—	358
Болалик	75	326	358

1929

Қиш	78	326	359
Сўнгра кулар	80	327	359
Кел	81	—	359
Сиёб	83	327	359
Ҳой, яхши қиз	88	328	360
Чўллар	91	328	360
Ленталар	93	328	361
Мешчан хотин	95	—	361
Ўзбекистон	97	328	361
Куз қўйнига кирганда	101	—	361

1930

Темир қонун	102	329	362
Улка сафарбар	106	329	362
Икки томчи қон	110	330	362
Қиш кўчасидан	112	330	363
Мудофаа кунларида	114	330	363

1931

Биз енгдик	120 330 364
Тайёр трактор!	127 331 365
Кадр	133 331 365
Тарих кўрганми?	138 332 366
Нима бизга Америка?	145 332 366

1932

Бахтлар водийси	151 332 367
---------------------------	-------------

1933

Маҳорат	157 334 367
-------------------	-------------

1934

Хайрлашув	164 — 368
Манзара	165 — 368

1935

Баҳор	166 334 368
Дарё кечаси	168 334 368
Онг	170 335 369
Дон чироқлари	173 — 369
Қиз	174 335 369
Баҳри	177 335 370
Ғазал	180 — 370

1936

Москва	181 — 370
Кремль чироғи қаршисида	182 336 370
Куйчининг хаёли	183 336 371
Дўстимга	186 — 371
Ҳар юракнинг бир баҳори бор	187 336 371
Офелиянинг ўлими	188 336 372
Жануб кечасида	191 — 372
Хаёлинг-ла ўтади тунлар	192 — 373
Чимён эсдаликлари	193 — 373
Кеча. Саҳро	195 — 373
Ҳолбуки, тун	196 — 373
Хаёлимда бўлдинг узун кун	198 — 373
Ишим бордир ўша оҳуда	199 — 374
Қора денгиз бўйида	201 — 374
Мизимта дарёси	202 — 374
Соғинганда	203 — 374
Январь қори	204 — 374
Ҳали туғилмаган ўғилга	205 — 375
Улим	206 — 375
Одам ҳақида	207 — 375
Болалигим ҳақида	208 — 375
Қаҳрамонлар қайтди	210 — 375

1937

Урик гуллаганда	212	—	376
Хулкарнинг шеъри	213	336	376
Бутун олам бир оппоқ сийна	214	—	376
Тунни излаш	215	—	376
Дарё тиниқ, осмон беғубор	216	336	377
Улка	217	—	377
Қозоғистон	218	336	377
Севги десама	220	—	378
Кечир мени	221	—	378
Савол	222	—	378
Толеим шулким	223	—	378
Тинимсиздир ёлғиз шаббода	224	—	379
Бахтимиз тарихига	225	—	379
Шу кунларда Қутб олинди	226	—	379
Дунё ғўзал кўринур сенга	227	—	379
Розимасман бир ёш томса кўзимдан	228	—	379
Сўлмоқ бўлмас эл баҳорида	229	—	380
Жавоб	230	—	380
Дўмбиранинг мақтови	231	336	380
Бахт тўғрисида	233	337	381
Пушкин	233	337	381
Энг гуллаган ёшлик чоғимда	235	337	381
Ҳол	237	—	381
Биринчи май колонналарига	238	337	381
	239	—	381

1938

Шодликни куйлаганимнинг сабаби			
Горький ҳақида	240	—	382
	242	—	382

1939

Ўзбекистон			
Самолёт	244	—	382
Ватан	248	—	382
Лола	249	—	382
	250	—	383

1940

Янги йил орзулари			
Чирчиқ бўйларида	251	—	383
	252	—	383

1941

Ғалаба қўшиғи			
Қўлингга қурол ол!	255	337	383
Йигитларни фронтга жўнатиш	256	337	384
Хат	258	338	384
Москвани мен биламан	260	338	384
Бўл омон	263	338	385
Почтальон	265	338	385
Қадаҳ	266	—	385
	268	338	385

1942

Гвардиячиларимизга салом	269	—	386
Шарқдан ғарбга кетаётган дўстга	270	338	386
Яқинлик	272	339	386
Севги	273	339	387
Йигит	275	—	387
Йигирма иккинчи июнь саҳари	277	339	387
Шарққа кетганда	278	—	387

1943

Ватан	281	339	388
Сен туғилган кун	282	340	388
Шинель	284	340	388
Хулкарга	286	—	388
Омоннинг шеъри	287	—	388
Россия	288	—	389
Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой	290	—	389
Ғазал	293	—	389
Интизорлик	294	341	389
Учрашув	295	—	390
Ниҳол	296	—	390
Салом	298	—	390
Жом	299	—	390

1944

Яшна озод Ўзбекистон	300	341	391
--------------------------------	-----	-----	-----

Тугалланмаган, йили номаълум, шеърлар эскизлар

Шоҳизинда	303	—	391
Етим	305	—	392
Лола келди, гул келди	310	—	392
Баҳор тунлари	311	—	392
Тезгина кеч бўлса	312	—	392
Урмон оппоқ, қир оппоқ	313	—	392
Эй муҳтарам, азиз она	314	—	392
ВАРИАНТЛАР	315	—	—
ИЗОҲЛАР	343	—	—
ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРЛАРИНИНГ КҮР- САТКИЧИ	393	—	—
РАСМЛАР РҮЙХАТИ	396	—	—

На узбекском языке

ХАМИД АЛИМДЖАН

Полное собрание сочинений

В 10 томах

том I

СТИХИ
(1925—1944)

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир *М. Алиева*
Расм А. *Расулев*
Техмуҳаррир *Р. Иброҳимова*
Корректор *Д. Сирожиддинова*

ИБ № 768

Теришга берилди 2/IV-79 й. Босишга рухсат этилди 14/V-79 й. P07746. Формати 84×108¹/₂. Босмахона қоғози № 1. Академик гарнитура. Юқори босма. Шартли-босма л. 21,21. Ҳисоб-нашриёт л. 15,4. Тиражи 5000. Заказ 79. Баҳоси 1 с. 90 т.

Нашриёт адреси: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмаханаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

Олимжон Ҳамид.

Мукаммал асарлар тўплами. 10 томлик [Таҳрир ҳайъати: С. Эркинов (масъул муҳаррир) ва бошқ; Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: Н. Ғанихўжаева, Д. Раҳматова]. Т, Фан, 1979.

УзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти.
I т. Шеърлар. 1925—1944. 404 б.

Алимджан Х. Полное собрание сочинений. В 10-ти т., т. I, Стихи.

ББК 84Ўз7
Ўз2

**УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН»
НАШРИЕТИ
ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ
БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:**

Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. XIII том, 510 бет, 2 с. 90 т.

Ҳамза. Мукамал асарлар тўплами. I том, 220 бет, 1 с.

Коллектив. Ўзбек адабиёти тарихи. IV том, 444 бет, 4 с. 70 т.

Ғ. Саломов ва б. Таржимон маҳорати. 196 бет, 1 с. 90 т.